

R 440

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN'AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK
- SAN'ATSHUNOSLIK

Шарқ Юлдузу



Sharq yulduzi

ISSN 0131 – 1832

6 / 2018

Унутилмас лаҳзалар



Ўзбекистон халқ шоири
Ғафур ҒУЛОМ
(1903 – 1966)

J

Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

3016
№ 2

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Энаҳон Сиддиқова
Икбол Мирзо
Қаҳрамон Қуронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Жумакул Қурбонов
Фармон Тошев
Ислом Ёқубов

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Меҳрибон Абдурахмонова
Йўлдош Солижонов
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткаримов
Адҳамбек Алимбеков
Умарали Норматов
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир — Сирожиддин Рауф
Бош муҳаррир ўринбосари — Азиз Саид
Масъул котиб — Дилором Муротова
Назм бўлими мудир — Икром Отамурод
Наср бўлими мудир — Саид Анвар
Адабиётшунослик бўлими мудир — Ориф Ҳожи

6
2018

ЮЛДУЗЛАР ҚЎҚДА ЙОРЛАР

Шеърлар

Англадим, тушундим, хаёлим менинг
 Шу чиройли ойнинг кўйнига қочган.
 Балки қалбим сенга, кўзларинг сенинг
 Уни кўра олган, ой сирин очган.



Йўлдош СОЛИЖОНОВ

НАСР

ЧЎҚҚИНИНГ САЛОҒАЯТИ ВА МАЛОҲАЯТИ

Эссе

Ҳар сафар устоз санъаткор Ғафур Ғулом асарларига муружаат қилсам, албатта, янги сўз ва ибораларни, матн остига яширилган изтиробларни, халқ дардини учратаман, ўзбек халқининг қадим тарихи билан чексиз фахрланиш туйғусини ҳис қиламан.



Илҳом ТЎХТАСИНОВ

ШАХЛИ

ТАРЖИМОН ТАЯЁРЛАШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ҒИДАШИВЛАРИ

Таржимонлик фаолияти бу нафақат билимларни кенгайтириш, балки она тилидаги билимларни ҳам бойитишни талаб қилади. Шу сабабли таржимон ўз устида тинимсиз ишлаши, она тили ва чет тилидаги ихтисослаштирилган адабиётлар билан танишиши, турли ахборот дастурлари ва технологиялари билан танишиб бориши, таржима жараёнида ишлатиладиган турли ибораларни ва маданий тил бирликларини ёдда сақлашни энгиллаштирувчи глоссарийлар тузиши лозим.



УШБУ СОНДА:

НАЗМ

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА



ИККИЛААНМАЙ ҚАЙТА БОШИДАН
БОШЛА ЙЎЛИНИНИ!

Шеърлар


Неча савол бўлдим, неча минг ечим,
Минг ёлгон қулатди, тиклади минг чин,
Умр тунга оққан, аммо мен нечун,
Бу йўллардан энди ўтаётгандай?

НАСР

Азиз САИД

БУЛУТ НИМАГА ҲҲШАЙДИ

Ҳикоя

- 
- Васида, энг олдинда турган булут нимага ўхшайди, айт-чи?
 - Болишга ўхшайди. Шамол бошини қўйиб ётса керак.
 - Бекор айтибсан, у отга ўхшайди, менинг отим, орқасидаги эса арава, хоҳласанг миндириб оламан.
 - Ҳечам арава эмас-да, у кўйлакка ўхшайди, этаклари узун.
 - Анави охиридаги булут бувангни ўзи, соқоли оппоқ. Ёнидаги кичкина, думалоқ булутча сен бўлсанг керак.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ

“КЕЛ, ЮРАК, ЁЛФИЗИМ,
СИРЛАШАЙЛИК ЖСИМ”



Шарифа Салимова Ватан мавзусининг янгидан-янги кирраларини топиб, юрагини қувонч, ҳаяжонга, изтиробга солган хилма-хил туйғуларни ҳароратли мисралар бағрида ифодалаб, завқимиз ва ҳайратимиз ортиб бораверишига имкон беради. Шоиранинг шеърларида мавзу кўлами, образлар дунёси ва мазмун чуқур.

МИРИЙ
(1830–1899)

Бир табассум бирла онинг дардиға бергил даво

* * *

Ишқинг, эй гул, заъфаронзор этти юз, қаддимни ё,
Эй камон абру, камон қаддимни қилмиш ғам дуто.

Шайғалиллах, деб, сари кўюнг аро туттум Ватан,
Шоҳлардин ул муносиб сўрмоқ аҳволи гадо.

Мунисим йўқдур десам, холим, рақибим беадад,
Ваҳким, холим забун, аъдо фузун, кўп можаро.

Юзда холингму десам, қолмиш кўзумни мардуми
Тармашиб ҳайрат била боқганда ул рухсор аро.

Эй кўнгулнинг роҳати, кетмиш танимни қуввати,
Хаста жисмимға висолингдин етургил мўмиё.

Чун танимдин кетти қувват, талпинай кўюнг сари,
Новаки мижгонларингдин топса шояд жон асо.

Эй жамолинг шамъи ёдидин бузуғ кўнглумға нур,
Қоматинг андишасидин хаста жисмимға сафо.

Жони беморим кўзунг, бемордин айлантурай,
Ҳадяи жонинг тилаб, айлай тану жоним фидо.

Нотавон Мирийға лутфунг соғаридан бер насиб,
Бир табассум бирла онинг дардиға бергил даво.

МИРИЙ (тахаллуси; асл исм-шарифи Очилдимурод Неъматилла ўғли) – шоир ва хаттот. Каттакўрғондаги Нақибхўжа ва Бухоро мадрасаларида ўқиган. Калликўрғон мавзеида қозилик қилган. Унинг мукаммал девони, иккита баёзи, қатор эпик асарлари сақланган. Мирийнинг “Қиссаи Салим Жавҳарий”, “Рустам ва Сухроб”, “Маждиддин ва Фаҳрунисо” дostonларида қомил инсон ҳақидаги илгор фикрлари акс этган. “Раъно ва Зебо” достонини форсийда ёзган.

Мирий Фирдавсий “Шоҳномаи”нинг бир қисмини ва Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Анвори Сухайлий” асарини шеърый йўлда туркийга таржима қилган.



ХАЛҚАРО АДАБИЙ КЎПРИК

2018 йил 16 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши эълон қилинган эди. Шунга кўра жорий йилнинг 7–8 август кунлари Тошкентда халқаро конференция бўлиб ўтади.

Хорижий мутахассисларнинг миллий адабиётимизга қизиқиши тобора ортиб бораётганлиги сабаби ўзбек халқининг кўп асрлик тарихга эга эканлиги ва инсоният тамаддуни ривожига алоҳида ўрин тутиб келаётганлигидир. Жумладан, адабиётимиз асрлар давомида миллий кадриятлар асосида такомиллашган, бугунги кунда эса жаҳондаги илғор тенденцияларни ҳам ўзлаштириб, шу асосда замонавий қарашларни ва асрий анъаналарни бирлаштирган ўзига хос ходиса сифатида намойн бўлмоқда. Бугун дунё адабиётида глобаллашув жараёни тезлашган, “оммавий маданият” таъсири остида миллий ўзига хослик йўқолиб бораётгани жаҳон ҳамжамиятини ташвишга солаётган бир пайтда, ўзбек адабиёти намуналарини хорижий тилларга юксак савияда таржима қилиш ва замонавий адабиётимизни жаҳонга тарғиб қилиш масаласи янада долзарб бўлиб кўринади.

Мазкур халқаро конференция ўзбек мумтоз ва замонавий адабиёт намуналарини хорижий тилларга ўтираётган чет эллик таржимонлар, илмий изланиш олиб бораётган хорижлик мутахассислар билан яқин алокани йўлга қўйиш, ўзбек адабиёти тарихи, бугуни ва истиқболга доир фикр ва мулоҳазаларни тўплаш, жаҳон олимларини яратилаётган янги адабиётлар билан таништиришга қаратилган.

Конференцияга 24 давлатдан олим, таржимон ва ноширлар келишади. Хусусан, Япония, Жанубий Корея, АҚШ, Канада, Франция, Германия, Нидерландия, Сербия, Швеция, Эрон, Миср, Афғонистон вакиллари ҳамда Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Улуғбек Есдавлат, Тожикистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Низом Қосим, Озарбайжон Ёзувчилар бирлиги раиси Анор, Ҳиндистоннинг Панжоб штати Ёзувчилар ассоциацияси раиси Дев Бхадбей конференциянинг фахрий меҳмонлари сифатида тақлиф этилган.

Ушбу халқаро конференция Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар адабий дарёси устига қўйилган дўстлик кўприги бўлиб хизмат қилади, деб ишонамиз.

* * *

Ҳолим табиб англагач, завк бедаво демиш,
Бедард дилрабо ғамига мубтало демиш.

Бедард дилрабо ғамидин тўкса кон кўзунг,
Кон демагил, сулуки ризо тўтиё демиш.

Жисмимға новакинг етушурда фиғон чекар,
Ул новакингни шавқида жон мархабо демиш.

Ё қилди қоматимни десам сарф қоматинг,
Қошимға садқа ё қадинг ул қоши ё демиш.

Жоду кўзингни фитнасидур жонға юз бало
Десам, кўзумни киприки юз минг бало демиш.

Олди қарорим оқу қаро холу оразинг,
Ори париға учрағон оқу қаро демиш.

Мирийни шавқ даштида қилғил сағонасин,
Бу даштни ўзига магар Қарбало демиш.

* * *

Турфа савдолар бошимға солди ул шамшод қад,
Шод қаддимни букиб, паст этти сарв озод қад.

Эй насиҳат хайли, қотманг ўзни ушшоқ аҳлига,
Бош кўтарди фитналар чикмишму ул бедод қад.

Хўблугда онча қад кўрсатти бедод онча бор,
Дод ани бедодидин афғон солай деб, дод қад.

Бул ажаб, ўн тўрт ёши турфа савдо бошида,
Етти ахтар етти ерға бермиш истеъдод қад.

Йўқ оғиздин айлагач ширин лабин изҳорини,
Боғ гуллар очти тоғ устида кон Фарход қад.

Хусни Лайлисиға истаб халқни жонин асир,
Ҳажр Мажнунини солди қилғоли обод қад.

хи қад боғи шавқида наво булбуллари,
Кўп наволар топти Мирий ондин айлар ёд қад.

* * *

Тушумға учради ул сарв қадди сарвосо,
Бу навъ тушға ярайдулки, қилсам ўзни фидо.

Кўзумда уйқу, не уйқуки, бахти бедорим,
Қоронғи кулбам аро келди ул куёш сиймо.

Қилибман анга тазарру ниёз шартида,
Қулиға кўрсатиб ойини лутф ул мирзо.

Кўюб бошини аёғига, ёлвориб Мирий,
Гадои кўйи бўлиб, топти шавкати дунё.

* * *

Жунун айласам, айб айламанг жамолини кўргач,
Нетонг, тутошса кўнгул юзда хатту холини кўргач.

Сарири хуснида маҳбублар эмас сенга монанд,
Узор сафҳасида хол эрур мисолини кўргач.

Хаёли бирла ҳазин хотирим эрур хурсанд,
Бихишт васлича бордур онинг хаёлини кўргач.

Фирок даштида ёди висоли бергай жон,
Не навъ шарҳ этайин ногаҳон висолини кўргач.

Қошини кўрсаму қурбони жон не тонг қилсам,
Тавофи Каъбани топдим, бугун хилолини кўргач.

Дедики, холиму эркин узоринг устида жоно,
Дедики, нуктаи жонинг дурур камолини кўргач.

Кўлингда тиг недур қош қиличи етмасму,
Ки, Мирий бошидур илгингда хуш бу ҳолини кўргач.

* * *

Мени айларга ул ой вола, зулфидин таноб этмиш,
Чу қилгач, воласи гул юзиға кокулдин ниқоб этмиш.

Юзин нурига кўзёшимни тўксам, айб қилмангким,
Тўкар ёш туш чоғи наззора ҳар ким офтоб этмиш.

Жафолар бирла тийдим жонға изхори эмас мумкин,
Ниҳони дарду доғинг узв-узвимни кабоб этмиш.

Муборакбод эттинг, ошиқға ўлмаклик муборакдур,
Муборакномайи қатлимини ул олижаноб этмиш.

Очилди хома, сочти ашк бошидин оёқ айлаб,
Ул ой шарҳи жамолим қил дебон, ногаҳ хитоб этмиш.

Лабинг ширин, қадинг насрин, юзинг раъно, кўзинг шахло,
Кўнгул Фарҳодини ғам тоғида беҳўрду хоб этмиш.

Чаманким, боғбонсиз гуллари равнак қачон топғай,
Қизилдур лола рухсори ониким, гул ҳисоб этмиш.

Олурда хома нозук, панжаси нозук хаёл этгач,
Таҳайнор бармоғини Моний тишлаб изтироб этмиш.

Неча Беҳзод ул ойни сурати зебосини тортар,
Ўзини сурати девордек масту хароб этмиш.

Узори мусхафи устида кўз солди очиб гўё,
Ҳамоно хомайи Мирийга байти интиҳоб этмиш.



**Зухриддин
ИСОМИДДИНОВ**

“СЕН ҲАМ ДАРЁ, МЕН ҲАМ ДАРЁ!”

Ўзбек ва қирғиз адабиёти орасида муштарак жиҳатлар кўп. Бу ҳол сўз санъатининг боши бўлган фольклор қиёсида айниқса яққол намоён бўлади. Шунинг учун ҳам гапни ўзбек ва қирғиз фольклоридаги уйғун ҳамда фарқли жиҳатлардан бошласак.

Сўз санъати уруғ-қабилалар, элатлар билан бир вақтда дунёга келади. Турли уруғ ва элатлар кейинчалик қайси халқ таркибига кирган бўлса, шу миллатнинг оғзаки ижодида ўша уруғ ё қабиллага хос бўлган мақол, матал, латифа, алла, ўлан, эртак ва дostonлар ҳам учрайди. Чунончи, кўнғирот уруғи ва узок вақт у билан бирга яшаб, аралашиб-қўшилишиб юрган яна бир неча уруғ-қабилалар ўзбек, козоқ, қорақалпоқ, татар ва бошқа эллар этник таркибига киргани боис, бу миллатларнинг ҳаммасида “Алпомиш” дostonи бор. “Гўрўғли”, “Идигей” каби яна бир қанча дostonларнинг озар, туркман, ўзбек ва бошқа халқлар фольклорида мавжудлигининг сабаби ҳам шу билан изоҳланади.

“Алпомиш”, “Гўрўғли” дostonларини Марказий Осиёда истиқомат қиладиган қирғиз оқинлари куйлашмаган, қирғизларнинг “Манас” эпоси ҳам яқин атрофдаги бошқа элларнинг эпик арсеналида мавжуд эмас. Сабаби, қирғиз уруғлари Марказий Осиёдаги бошқа халқлар таркибига кирмагани каби, бу минтақадаги ўзга туркий уруғлар ҳам қирғиз этногенезида иштирок этмаган (туркий оламнинг ҳар бир ареалида учрайдиган энг қадимги бир неча уруғлар бундан мустасно). Ҳар бир кўчманчи эл қадимда қаерда кўпроқ яшагани ва кейинги асрлардаги миграция жараёнлари бунга сабаб бўлган.

Тарихан кузатсак, ўзбек ва қирғиз халқлари орасидаги иктисодий-хўжалик, маърифий-илмий ва бошқа соҳалардаги алоқалар асрлар оша кучайиб борганини кўрамиз. Чунки ўзбеклар билан қирғизлар бир ҳудудда ёнма-ён яшагани боис, бу икки халқ орасида мақбул “меҳнат тақсмоти” юзага келган – қирғизлар чорва, ўзбеклар эса деҳқончилик маҳсулотлари етиштирган ва турли тарзда уларни айир-бошлаганлар. Бу эса ўзаро алоқаларнинг ривожланишига олиб келган, маданий, жумладан, адабий алоқалар ҳам йўлга қўйилган.

Албатта, бу кенг камровли катта масала. Биз бу ўринда ўзбек-қирғиз адабий алоқалари ва унинг амалий кўриниши бўлган бадий таржимачилик тарихи ҳақида мулоҳазалар билан чекланишга ҳаракат қиламиз.

Зухриддин ИСОМИДДИНОВ – филология фанлари номзоди. 1953 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тамомлагани. 200 га яқин илмий мақолалар муаллифи. “Туркий эпос ва таржима” номли илмий рисоласи чоп этилган. Чеховнинг туркум ҳикояларини ўзбек тилига таржима қилган.

Маданий-маърифий ва адабий алоқалар XIX асрдаёқ шиддат билан ривожлана бошлаган: Қўқон хони Муҳаммад Алихон 1825 йилларда ҳозирги Бишкек, Тўқмоқ, Қораболта шаҳарлари ўрнида ташқи душмандан муҳофазаланиш учун қалъалар қурдирган ва бу ўша ерларда яшайдиган қирғиз аҳолисининг турмуши учун қатта янгилик бўлган. Бу уч шаҳар ана ўша қалъалар ўрнида қад ростлаган. Ўша даврлардан бошлаб қирғиз ёшлари учун кўплаб мактаблар очилган, қирғиз ёш уламолари мадрасаларда таълим олишган. Жумладан, энг таниқли манасчилардан бўлган Соғимбой Ўрозбеков ўзбек муллеси кўлида савод чиқарган. Бу ҳол унинг бадиий жиҳатдан баркамол ҳисобланган варианты матнида арабий-форсий калималарнинг кўп бўлишига олиб келган. Абдулла Қодирийнинг “Меҳробдан чаён” тарихий романида Ўш, Андижон, Наманган мадрасаларида ўзбеклар билан бирга қирғиз талабалари ҳам бирга ўқишганини тасвирлаган.

XIX асрнинг иккинчи ярмига келиб қирғиз ёзма адабиёти ана шу негизда пайдо бўлди. Унинг дастлабки вакиллари мактаб-мадрасаларида ўзбек ва татар муллаларидан таълим олган ёшлар эди. Намангандаги Мулла Қирғиз мадрасасида мударрислик қилган қирғиз оқини Нурмўлдиннинг қуйидаги сатрлари бу икки эл ўртасидаги адабий-маданий алоқаларнинг нақадар теран илдизларга эга эканидан шаҳодат беради:

*Ниёзали кўмизчи
Машқини хўп созлаган,
Амир Темури таърифин
Оҳангда эъюзлаган.*

Бундан кўринадики, қирғиз талабалари Марказий Осиё халқлари тарихидан ҳам яхши бохабар бўлган. Жумладан, Амир Темури шахсияти, унинг салтанати борасида турли нақллар халқ оғзаки ижодида ҳам акс этган, чунки бу тарих уларнинг барчалари учун муштарак эди.

XIX аср охириларида ўзбек уламоси Шокир домланинг шогирдлари Алдаш мулла, Мулла Ниёз, Мулла Қилич, Тўғалоқ мулла, Нурмўлда, Ўсмонали Сидик ўғли, Белек Солтоноев, Исоқ Шайбеков, Абулқосим Жутақеев каби ўнлаб ёзма адабиёт вакиллари етишиб чиқди. Табиийки, XX асрга келиб қирғиз адабиёти эришган ютуқлар негизда уларнинг ижодий тажрибалари, ундан озикланиш ётади.

Ўзбек-қирғиз сўз санъати ўртасидаги алоқалар кўлами биз тасаввур қилгандан кўра кенгроқ. Масалан, қирғиз адабиёти классиги Тўқтагул асарлари матнида ўзбекча сўз ва иборалар шу қадар кўп учрайдики, қирғиз ўқувчиси учун уларга изоҳлар берилади. Чунки Тўқтагул Фарғона водийси ва ҳозирги Жанубий Қирғизистонда яшаб ижод этган, ўзбек сўз санъатидан ҳам бохабар оқин эди.

XX асрнинг йигирманчи йилларига келиб эса, жуда кўп қирғиз талабалари Тошкентда билим олишган. Ҳатто, дастлабки қирғиз газетаси “Эркин тоо” ҳам 1924 йилда илк бор Тошкентда дунёга келди ва ўша йилнинг охиригача шу ерда чоп этилди. Ўнлаб ёш қирғиз қаламкашларининг тўнгич асарлари биринчи марта ана шу газетада босилиб чиққан. Шунинг учун ҳам аксар қирғиз шоирлари ўзбек халқи ва Ўзбекистон ҳақида меҳр билан қалам тебратганлар.

Қирғизнинг улуғ шоири Али Тўқамбоев шундай ёзади:

*Сирдарё!
Сен ҳам дарё,
Мен ҳам дарё!*

Дарёдил оқин Али Тўқамбоев қарийб бир аср муқаддам, 1920 йилларда Тошкентда таълим олган, унинг илк шеъри ҳам “Эркин тоо” саҳифаларида эълон қилинган. Ардоқли шоиримиз Миртемирнинг “Қирғиз халқига” деган шеърида эса дарё мавзуси яна бошқача жило топган:

*Чордеворлар ўрнида комбинатлар қуролган
Бахти ёрқин, бут халқсан;
Борсаkelмас чўлларда комбайнлар суролган
Тупроги ҳам қут халқсан;
Тарихнинг жиловини ўз измига буролган
Дарёлари сут халқсан...*

Албатта, дўстлик ва биродарликдай фазилатлар чиройли гаплар билан эмас, амалий иш билан рўёбга чиқади. Биз эслаб ўтган Али Тўқамбоев бундан етмиш йилча муқаддам Алишер Навоий ҳақида илмий мақола ёзганни, “Лайли ва Мажнун” достонини қирғиз тилига таржима қилган мутаржимлар гуруҳига бош бўлганини адабиётшунос олимларимиз бот-бот эслаб туришади. Устод Миртемир эса, улкан “Манас” эпосининг биринчи қисмини зўр маҳорат билан ўзбекчага ўтирганини қирғиз дўстларимиз ҳам яқдил эътироф этишади.

Ўзбек-қирғиз ва қирғиз-ўзбек таржимачилигига ҳам ўша йиллари асос солинган. Бизнинг назаримизда, бунга йўл очган омил ижтимоий-сиёсий асарларни ўгириш эҳтиёжи бўлган. Гап шундаки, 20-йилларда ҳукмрон мафкура дохийларининг асарларини маҳаллий тилларга таржима қилиш шарт қилиб қўйилгани боис, айрим ижтимоий-сиёсий ва фалсафий асарлар русчадан ўзбек, қозок, қирғиз, тожик, туркман ва ҳоказо тилларга ўгирилади. Бирок бу таржималарнинг сифати ҳаминқадар эди. Айрим ҳолларда мутаржимлар ҳатто гап нима ҳақида кетаётганини ҳам англамай ўгиришган. Бунинг устига, илгари бундай услуб бизда мавжуд бўлмагани боис, кўп термин ва атамалар ҳам тилларимизда йўқ эди. Оқибатда, ВКП (б) МКнинг қарори чиқади, унга кўра, бундай асарлар аввал русчадан ўзбек тилига, сўнг ўзбек тилидан бошқа тилларга ўгирилиши белгилаб қўйилади. Бир неча йиллар давом этган бу тажриба туфайли ўзбек тилидан қирғиз тилига илк таржималар майдонга келади. Албатта, улар бошқа йўналишдаги асарлар ўгирмаси эди, бадний таржима эса 30-йилларда пайдо бўлади. Шунини ҳисобга олсак, бевосита ўзбек-қирғиз ва қирғиз-ўзбек бадний таржима амалиёти юзга келганига ҳозир тўқсон йилдан ошди.

1934 йилда Илёс Муслим қирғиз носира Қосимали Боялиннинг “Ҳожар” кассасини ўгириб, алоҳида китоб тарзида чоп этиради. 1939 йилда эса “Гулистон” журналида Тўктағулнинг бир неча шеъри Эргаш таржимасида босилиб чиқади.

“Ягона оила”, “халқлар дўстлиги” каби шиорлар остида иш кўрадиган шўролар мафкураси рус адабиёти намуналари билан бирга қардош халқлар асарларидан кўплаб таржима қилишни ҳам тақозо этар эди. Шунинг учун ўтган асрнинг ўрталаридан то тўқсонинчи йилларига қадар қирғиз адабиёти асарлари ҳам мутаржимлар ташаббуси, нашриётларга “юкори”дан бериладиган рўйхатлар асосида, шунингдек, адабиёт ва санъат ҳафталиклари олдидан кўплаб таржима қилинган ва босилиб чиққанки, уларнинг барчасини бу ўринда келтириш амримаҳол. Лекин қай сабабларга кўра бўлмасин, ўша даврда умуман таржима, жумладан, қирғиз тилидан таржима қилиш ҳам авж олган эди. Қирғиз сўз санъати намуналари юзга яқин китоб бўлиб, ўзбек ўқувчисига етиб борганини айтиш кифоя. Ҳали бу ҳисобга турли адабий журналлар, газеталар ва баёзларда чоп этилган таржималар кирмайди.

Айниқса, эллигинчи йиллардан бошлаб қирғиз тилидан таржима қилиш янги куч олди. Бу даврда атоқли адиб Тўғулбой Сидиқбековнинг "Замонамиз кишилари" (1953), "Тоғ болалари" (1954) ва "Тоғлар орасида" (1961) романлари Илёс Муслим, Қодир Аҳмадий каби мутаржимлар ўғирмасида чоп этилди. Шунингдек, Шукурбек Бейшеналиевнинг болалар учун ёзган "Балли" (1960) ва "Қичан" (1967) қиссалари ва "Кичик чавандоз" ҳикояси таржималари (1967), Муса Жонғозиевнинг "Ажойиб тоғлар" (шеърлар тўплами, 1963) ва "Мовий Иссиққўлда" қиссаси (1975) каби ўнлаб асарлар босилиб чиқди.

1964 йилда қирғиз адабиёти классиги Тўктагулнинг таваллудига юз йил тўлиши муносабати билан "Соғиниб келдим" шеърлар тўплами нашр этилган бўлса, 2014 йилда – оқиннинг 150 йиллик таваллуд тўйига атаб "Тўктагул: қўшиққа эврилган, қуйларга тўқилган умр" деб номланган янги таржима китоб (мутаржим З. Исомиддинов) дунё юзини кўрди. Шунингдек, атоқли қирғиз шоирлари ва носирларидан А. Тўқамбоевнинг "Дўстларимга" (1975), С. Эралиевнинг "Тоғлар фарзандиман" (1978), Т. Уметалиевнинг "Тўрғай навоси" (1969), С. Жусуевнинг "Довон" (1975), "Қанот билан Зарина" (2009), шеърлар тўпламлари, Ш. Абдирамановнинг "Танишларим" (1976), Т. Қосимбековнинг "Синган қилич" (1982) романи, М. Байжиевнинг "Менинг олтин балиқчам" (1980) асарлари катта-катта адабларда нашр этилган. Шунингдек, у ёки бу муносабат билан тузилган шеърӣй ва насрий тўпламларни кўрсатиб ўтиш лозим. Улар орасида ўнлаб қардош халқлар ёзувчи ва шоирларининг асарлари таржимаси тўпламларига киритилган қирғиз адабиёти намуналари ҳам, "Қизлар қаноти" сингари бошидан охиригача қирғиз шоирларининг илҳом намуналаридан иборат тўпламлар ҳам бор. Бу борада, болалар учун нашр этилган "Бир қалпоқ олтин" (1992), "Сехргар билан бола" (2014) сингари эртақлар таржимасини ҳам келтирсак, ўринли бўлади.

Бироқ шунча яхши таржималар орасида рус тили орқали ўтирилган асарлар ҳам борки, улар аввал бошиданок бадиий муваффақиятсизликка маҳкум эди. Чунки улар матнида рус тилига хос жумла тузилишлари, беўхшов сўз бирикмалари кўп. Барча хорижий тиллардан фақат русча орқали ўтириш шарт қилиб қўйилган у даврда ҳатто қирғиз, козок, туркман, озар, татар, уйғур, тожик каби қардош эллар адабиётидан ҳам ана шу тарзда кириб келган асарлар кўп бўлди.

Қирғиз сўз санъати намуналарини ўзбек китобхонига танитишда ўтган асрнинг ўрталарида Илёс Муслим жонбозлик қилган бўлса, олтмишинчи йиллар охиридан бошлаб бу "эстафета таёқчаси" Турсунбой Адашбоев қўлига ўтди ва ушбу таниқли болалар шоири қирғиз адибларининг ўттиздан ортиқ китобини таржима қилиб, улар билан ўзбек ўқувчиларини ошно қилди.

Аммо қирғиз сўз санъатининг ўзбек хонадонларига кириб келишида икки улкан адабий воқелик – "Манас" эпоси ҳамда улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов асарларининг ўрни алоҳида. "Манас" эпоси "қискартириб бириктирилган вариант" тарзида 1958 йилда илк бор уч жилд (тўрт китоб)да нашр этилган эди. Унинг I-бўлим биринчи қисми янада катта қискартиришлар билан 1964 йилда устод Миртемир томонидан ўзбек тилига таржима қилинди. Орадан ўттиз йил ўтиб, 1995 йилда – минг йиллиги нишонланаётган кунлари унинг иккинчи қисмини Султон Акбарий таржима қилди, болалар учун тайёрланган вариантини эса Турсунбой Адашбоев ўзбекчалаштирди. Яна шунга ҳам қайд қилиб ўтишимиз лозимки, ўтган аср эллигинчи йиллари охирида Фрунзе (ҳозирги Бишкек) шаҳрида чиққан "Қирғизистон ҳақиқати" газетаси ходимлари унинг баъзи қисмларини ўгириб, ушбу рўзнома саҳифаларида чоп этиришган.

Миртемир домланинг таржимаси ўзбек адабиётида алоҳида ҳодиса бўлиб қолди,

иккинчи даражали, асарга кейин қўшилган эпизодлардан ажратолмай қолади. Шунинг хисобга олиб, Қирғизистон халқ ёзувчиси, Қирғизистон Қаҳрамони, профессор Бексултан Жакиев “Манас”нинг “қискартирилган” эмас, “қисилган” вариантини тайёрлади. Бу хрестоматик нусха илмий жамоатчилик томонидан эътироф этилиб, мактаблар ва олий ўқув юрглари учун ўқув қўлланмаси сифатида катта ададда чоп этилди. Бу дегани, асар сюжетининг барча муҳим хоссалари қискартирилмаган, балки “суви сиқилган” ҳолда берилган. “Манас” эпосининг ушбу мақола муаллифи қаламига мансуб 18 минг мисралик янги таржимаси ана шу якуний нусхага асосланади.

Чингиз Айтматов асарлари эса бизда олтмишинчи йиллардан бери таржима қилиниб келади. Унинг барча бадий ижод намуналари, публицистикаси, эссе ва драматик асарлари ярим асрдан ортиқ давр мобайнида ўзбекчалаштириб келинди. Бунда Асил Рашидов, Иброҳим Ғафуров, Суюн Қораев, Турсунбой Адашбоев, Ёқубжон Хўҷамбердиев, Абдурайим Оғаметов сингари мутаржимларнинг хизмати катта. Улуғ ёзувчининг бир қанча асарлари эса такрор-такрор таржима қилингани айниқса аҳамиятли. Яна шунинг ҳам қайд қилиш жоизки, Чингиз Айтматов ижодининг хусусиятлари ёритилган тадқиқотлар, адиб билан учрашувлар, суҳбат ва интервьюлар, Чингиз Айтматовнинг шахсияти ва асарлари ҳақида Ўзбекистоннинг ўзидан чиққан мақолаларнинг рўйхати катта бир китоб бўлгулик. Шунинг учун бу ўринда уларни санаб кўрсатиш шарт эмас.

Ўзбекистонда қирғиз адабиёти намуналари ўзбек, қорақалпоқ тилларига таржима қилинишидан ташқари, ўтган асрнинг иккинчи ярмида Марказий Осиёнинг маданий маркази ҳисобланган Тошкентда очилган “Радуга”, “Прогресс” нашриётлари ташаббуси билан Чингиз Айтматов, шунингдек, яна бошқа айрим қирғиз адибларининг асарларини урду, ҳинд, қозоқ, уйғур, форс ва бошқа тилларга таржима қилиниб, нашр этиш орқали уларни халқаро миқёсда тарғиб этиш жиҳатидан ҳам катта ишлар амалга оширилди.

Шунинг эътирофи этиш керакки, ҳар қандай алоқалар, жумладан, адабий алоқалар ҳам шахслар томонидан йўлга қўйилади. Давр ва сиёсат бунда белгиловчи роль ўйнайди, аммо шахсларнинг ўрни барибир бўлак. Шу жиҳатдан, атоқли Миртемирнинг ўзбек-қирғиз адабий алоқалари ривожигаги ўрни катта.

“Миртемирнинг номи эсланиши биланоқ қирғиз адибларининг чеҳраси ёришиб, юзида самимий табассум пайдо бўлади, – деб ёзган эди Чингиз Айтматов. – Ҳа, Миртемир бизга жонажон дўст, сирдош оға эди; камтарин, камсуқум ажойиб инсон эди; хусусан, мен уни ҳеч қачон унутмайман, негаки у ана шу иззат-иқромга арзирли иш қилган. У катта-кичик баҳоналар билан бизнинг юртимизда тез-тез бўлиб турар эди; съездларимизда, пленумларимизда, конференцияларимизда, хуллас, унинг эътиборига лойиқ кенгашларимизда иштирок этар, ҳамма ишларимизда фаол қатнашар эди. Уни ҳамма, у ҳам ҳаммани танир эди. У ўз кишимиз эди, унинг таърифи самимият ва ҳарорат учқунларини алангалатиб юборар эди. Биз унинг сиймосида ўзбек адабиётини қадрлар эдик”.

Чингиз Айтматовнинг ўзи ҳам, худди Миртемир сингари, қирғиз-ўзбек адабий алоқаларини ривожлантириш борасида кўп жонбозлик қилган. Унинг Миртемирдан ташқари, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Тўлепберган Қаипберганов сингари кўплаб ўзбек ва қорақалпоқ ёзувчилари билан кадрдонлиги, адабий ҳамкорлиги бугунги ижодкорларга ҳам ибрат бўлгулик.

“Қадрдоним Одилжон! – деб ёзган эди Одил Ёқубовни 70 йиллиги билан қутлаб ёзган бир мактубида. – Ўзбек адабиёти сенинг ижодингга янги адабий тараққиётга эришди, бу йўлни даққи йўсинлардан воз кечиб, дунёвий реализм эстетикасига ўта бориш эволюцияси, деб таърифласа бўлади.

... Биз учаламиз – сен ва Пиримқул Қодиров билан бирга, 1990 йилги Ўш воқеалари

туфайли ватандошларимиз бошига тушган фожиага қайғудош бўлганимиз, улар ҳузурига миллий ҳамда маънавий жихатдан муштарак уч ога-инидай борган чоғимизда бизларни қирғизлар ҳам, ўзбеклар ҳам эҳтиром билан, миннатдорлик билан қутиб олишгани ҳеч қачон ёдимдан чиқмайди...”

Кўрамизки, қардошлик фақат адабий ҳамкорлик доирасида қолиб кетмай, умумижтимоий моҳият касб этган ва адабий дўстлик бевосита халқлар дўстлигига куч берадиган, ихтилофларни бартараф этишга қўшиш қиладиган кучга айланган. Бу ҳодиса, ўзбек-қирғиз адабий алоқаларининг энг ёрқин саҳифаларидан бири бўлиб қолди.

Бироқ истиклолга эришиш арафасидаги ижтимоий бўҳронлар, сўнг узоқ йилларга чўзилган иқтисодий қийинчиликлар туфайли маънавий кадриятлар бир қадар озор топиб, икки халқ ёзувчи ва шоирларининг ўзаро борди-келдилари ҳам, қўшни эл адабиётидан таржима қилиш ҳам кескин камайиб кетди. Бу давр мобайнида Турсунбой Адашбоев ўндан ортиқ қирғиз адибининг асарларини ўзбек тилига ўгириб, чоп эттирди. Улар орасида Намангандаги Мулла Қирғиз мадрасасининг уламоси, машхур табиб, донгдор оқин Нурмўлда, Қирғизистон Қахрамони, шоир Совронбой Жусуев, таникли оқин Нодирбек Алимбоевларнинг шеърӣ тўпламлари бор. Адабиётларимиз, халқларимиз дўстлигининг фидойиси бўлган бу камтарин шоир узоқ йиллик тажрибаларига асосланиб айтар эдики, икки халқ адиблари, айниқса ёш ижодкорлар ўзаро дўстлашиб, борди-келди қилиб, бир-бирларининг асарларини ўз она тилига ўгиришлари, буни яхши бир анъанага айлантиришлари керак. Ана шундагина бу ижод тури барқ уриб ривожланади.

Шу ўринда, қирғиз тилидан ўзбекчага ва аксинча – ўзбек тилидан қирғизчага ўгиришга муҳим бир объектив омил таъсир қилишини ҳам айтиб ўтайлик. Қирғиз тилидаги деярли барча сўз ва иборалар, бир туркий тил ўларок, ўзбек лексиконида ҳам мавжуд, аммо ўттиз фоиздан ортиқ сўзи арабий, қарийб яна шунчаси форсий калималардан иборат бўлган ўзбек сўз санъатининг тили қирғиз мутаржимлари учун – айниқса шеърӣ таржима асносида – қийинчилик туғдириши ҳам бор гап. Бу ҳам, айни жараёни кучайтириш орқали бартараф бўладиган воқелиқдир.

Барча мамлакатлар билан, энг аввало Марказий Осиё давлатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликка кенг йўл очилаётган ҳозирги даврда ижодий ташкилотлар бош бўлиб, қардош тиллардан ўгиришнинг ҳадисини олган ёзувчи ва шоирларни қўшни юртларга ижодий сафарларга юбориш орқали уларда таржимага рағбат уйғотишлари ва ўгирилган асарларни ўз вақтида нашр этишга қўмақлашиши даркор. Бундай ишлар айни соҳада мамлакатимизда олиб борилаётган хайрли ва олижаноб сиёсатни қўллаб-қувватлашнинг амалий тажассуми бўлади.

Шу ўринда, мавзуга дахлдорлиги боис, айрим мутахассислар томонидан айтилаётган “туркий тилларнинг илдизи бир, уларни ўзаро таржима қилиш шартмикин?” “ўртатурк тилини яратиш орқали бу тилларни умумий махражга келтириш даркор”, дегандай қарашларга тўхталиб ўтайлик. Улкан этнопсихологик жараён – туби бир бўлган туркий халқларнинг йиллар ва асрлар ўтгани сари бир-биридан ажрабузоқлашиши давом этаётир. Бу объектив ҳодисани хоҳиш-истак билан тўхтатиш ёки орқага қайтариш амримаҳол. Туркий дунёда юз бераётган бу жараён психоэстетик омил сифатида уларнинг сўз санъатига ҳам таъсир этаётир. Яъни, адабиётлараро муштаракликлар камайиб, ҳар бир миллий сўз санъатининг ўзига хосликлари кўпаймоқда. Бу нарса мазкур асарларнинг тили, услуби, мавзу йўналишлари каби талай соҳаларда намоён бўлаётганига гувоҳимиз. Шундай бир ҳолда кўзланган мақсадга туркий тиллардан ўзаро таржима хоссаларини теран тадқиқ этиш, энг мақбул ечимлар топиш ва ана шундай таржималарни кўпайтириш орқалигина эришиш мумкин.

Иккиланмай қайта бошдан бошла йўлингни!



Ҳалима
ХУДОЙБЕРДИЕВА

Шукр

Суратимда хушқилиқ, хандоним ўзим билан,
Сийратимда зулмату зиндоним ўзим билан.

Пишган кузги буғдойдай қушга таландим десам,
Шукриллах, чин мағзим, чин доним ўзим билан.

Қушлар бирам чорлади, йирок беҳишт боғларга,
Кетмадим, жон қоришиқ маконим ўзим билан.

Бир аёлман бахт туйган, гоҳо бахтидан қуйган,
Салтанатим, саройим, султоним ўзим билан.

Сизни жоним ичинда жоним дея асрадим,
Ҳеч кимга кетмагайсиз, то жоним ўзим билан.

Тоабад яшаб келди, энди кетгай то маҳшар,
Иймоним ўзим билан, виждоним ўзим билан.

Олдимдан оққан сув

Яшамоқ фароғат, яшамоқ азоб,
Бекорга эгилмас сиздан бошқа кўк.
Кўнгилларин овлаб, умрим бўпти соб,
Сизнинг кетишингиз хаёлда ҳам йўқ.

Олдимдан оққан сув, бекадр сувим
Умрида бир яйраб ёзилмаганим.
Бор туриши шафқат, бори сир сувим
То қуриб қолгунча сезилмаганим.

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА – Ўзбекистон халқ шоири. “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳибаси. 1947 йилда туғилган. Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ), Горький номи Олий адабиёт курсида таҳсил олган. Шоиранинг йигирмадан ортиқ шеърий тўпламлари нашр этилган.

Бошқалар ёнимдан кетмасин дебман –
Вақт топиб уларга борибман тонг-кеч.
Бошқаларга озор етмасин дебман –
Сизга ҳам етишин ўйламабман ҳеч.

Бошқаларга чопдим шаҳар, кентда мен –
Бир қайтариб ё бир кесатмадингиз.
“Менам ғаниматман, менам кетаман” –
Деб, нечун бир бора эслатмадингиз?
Онам, онам-а?!.

Сени қайда асраюрман

Сени қайда асраюрман, билурсан,
Ҳар хил кўздан пана, жонда, ичимда.

Сенинг ишқинг минг томир, минг хужайрам,
Куйиб-куйиб оқар қонда, ичимда.

Менга бир сен шараф, шерик бўлурсен,
Дунёсидан пушаймонда, ичимда.

Дўсту ёрон уй ичинда, хиромон,
Кабутарлар пешайвонда, ичимда.

Ичимда сен борсан, сен – ишқ аланга,
Шу ишқ мени кўтаргайдур баландга.

Нечун шодмен, гоҳо...

Менинг қарвонларим чарчади чоғи,
Туялар тиззалаб ётаётгандай.
Кўксимдаги ўқлар – неларнинг доғи,
Ҳалиям янгидай, ботаётгандай.

Йўллар тунга қараб кетди чамаси,
Имиллаб силжийди умр кемаси,
Синчков тикиламан, ҳорғин ҳаммаси,
Аммо, нечун гоҳ тонг отаётгандай?

Неча савол бўлдим, неча минг ечим,
Минг ёлғон қулатди, тиклади минг чин,
Умр тунга оққан, аммо мен нечун,
Бу йўллардан энди ўтаётгандай?

Умр тунга оққан –

яримманми, бут,

Гоҳ-гоҳ томчи ташлаб ўтади булут,

Кўнглимга қарасам, бир четида ўт,

Кўнглимнинг бир чети тутаётгандай.

Кўрсатмоқ бўлибми читим, заримни,

Шамол силкитади пардаларимни,

Ютқаздим-ку, барча карталаримни,

Нечун шодмен, гоҳо ютаётгандай?

Нечун?!

Шукур Бурҳон

Гулдурак гулдураб ўтди-да, кетди,

Одамларни хайрон этди-да, кетди.

Вужудини олиб кетгани билан,

Руҳи руҳимизга етди-да, кетди.

Юлдузни туширмак бўлсалар кўкдан,

Юлдузни топтамоқ истаган они.

Овози келади, норози, ўктам,

Ўт кўзлари келар Шукур Бурҳоннинг.

Ўлим гарчанд бизга жилов бермас куч,

Усиз ёғиб ўтди биринчи қорлар.

Аммо, ҳамон, баъзан менга келар дуч,

Кўкрагида Шукур Бурҳони борлар.

Бу нотекис ҳаёт, тўфонда, селда,

Руҳи гоҳ тўлиб, гоҳ бўшаётганлар.

Бугун кўпрок бўлса қанийди элда,

Шукур Бурҳон билан яшаётганлар.

Бу беш кунлик дунёда

Сочларим шода-шода,

Соқий, узатгин бода,

Бу беш кунлик дунёда,

Айт, неча кун шўхдирмиз?

Ай, дунё, сендан дод-а,

Нелар келмайди ёд-а,

Айт, қайси қир, қиёда,

Сайдмизми ё ўқдирмиз?

Симларимиз таранглар,

Холис айтгич эранлар,

Баҳойимиз сўранглар,

Ермизми ё кўқдирмиз?

Келди-кетди тонгту кеч,
Мурод ёр ўлмади ҳеч,
Қўнғлимиз тўлмади ҳеч,
Гарчанд, кўзи тўқдирмиз.

Дунё, шод ё тушқунмиз,
Учар-кетар қуш-қу биз,
Боғларингда беш кунмиз,
Олтинчи кун йўқдирмиз.

Сочларим шода-шода,
Соқий, узатгин бода,
Бу беш кунлик дунёда,
Айт, неча кун шўхдирмиз?!

Қайта бошлаш

Кўриб қолсанг, яқин келиб қолган ўлимни,
Иккиланмай қайта бошдан бошла йўлингни.

Тажриба бор.
Йўлнинг ўнқир-чўнқирларини
Энди яхши биласан, сен.
Таниш барча куй.
Ортга ташла ҳаётингнинг кир-чирларини,
Кийилмаган қуш тумшукли туфлиларинг кий.

Қайта бошлаш истаклари: куйдир, булоқдир.
Қаттиқ иста.
Муғаннийсан.
Қуйиб чаласан.
Елкангдаги босиб турган тошни улоқтир.
Енгил учгин.
Баланд учгин, учаоласан!

Парво қилма.
Гоҳ бемадор титраса тиззанг,
Қаддинг кўтар.
Кўтар яна йўлларнинг чангин.
Ювгин.
Кетсин вужудингни қоплаётган занг,
Қарабсанки, янгисан, сен!
Яна яп-янги!

Ҳаёт йўли қайта бошлаш –
мумкиндай, нақддай,
Гар шу истак ич-ичингда ўсса дарахтдай.

Бир аёл қайғуси

*Мен ёниб тугамагунимча,
Сиз менинг кимлигимни билмадингиз.*

Имант ЗИЕДОНИС

Қоронғида эдингиз,
Мен чорламоқчи бўлдим.
“Тун ютиб кетмасин” деб,
Кўзи тўрт соқчи бўлдим.
Бу дунёни унутиб,
Сизга пойлоқчи бўлдим.
Э, воҳ, сиз мен тарафга
Бир қадам жилмадингиз.
Мен ёниб тугаяпман,
Сиз ҳамон билмадингиз.

Жилғадай гирдингизда
Чопганим-чопган бўлди.
Сиздан мўъжизаларни
Топганим-топган бўлди.
Қадахдай кирғоғингиз
Ўпганим-ўпган бўлди.
Бўшаган жом экансиз,
Қайтиб ҳеч тўлмадингиз.
Мен ёниб тугаяпман,
Сиз ҳамон билмадингиз.

Мен оҳ урдим, оҳ кекса
Ёшларни тирилтирди.
На кекса, на ёш, бори
Дилдошни тирилтирди.
Сиз тирилмадингиз. Йўқ
Ё... ёки ўлмадингиз.
Мен ёниб тугаяпман,
Сиз ҳамон билмадингиз.

Билмадим, мисмидим ё
Тилла танга, кетдим хайф.
Умрим бўйи бесамар,
Кирдим жангга, кетдим хайф.
Қоронғида, ботқоққа
Михланганча, кетдим хайф.
Қай оловларда куйиб,
Ўтди жон билмадингиз.
Мен ёниб тугаяпман,
Сиз ҳамон билмадингиз.

Ўзимнинг йўлим

Барча юрган йўллар барчага тегиш,
Бошқачароқ йўлни мен излаб кўрдим.
Бошқачароқ чикди мен кўйганим ғишт,
Бошқачароқ курдим.

Қабул қилиш кийин бошқачароқни,
Гар етиб ортсада ўзимга дардим.
Жигига тегдимми кутурган тоғни,
Елкам тошбўрондан қабарди.

Ниманг ортиқ сенинг, ортиқ қаеринг,
Ўрмоққа чоғланиб ўткир чалғидай?
Буйруқ қиладилар, йўлдан қайиринг –
Барча юрган йўлдан юрсин чалғимай.

Аранг оёқдаман.
Титрар бош, кўлим
Ва, лекин, кўзларим қамашар нурдан.
Мен очган йўлдир бу.
Ўзимнинг йўлим,
Қолса, ўз йўлимда қолади мурдам.

Барча юрган йўллар барчага тегиш.

Чорлангиз

Чорлангиз, сиз ул баҳорни чорлангиз,
Кўнглида баҳори борни чорлангиз.
Бул тириклик, бул базмнинг жонини –
Йироқдаги азиз ёрни чорлангиз.

Мен у билан дунё маликасиман,
Усиз бахтнинг титилган ёқасиман,
Усиз мени енгар ёғий, ёсуман,
Тим қора сочима қорни чорлангиз.

Ул келмаса, ўтда кулман, сувда ғарк,
Ул келмаса, бўлсам керак жувонмард,
Чорлангизки, келмаса у жувонмард,
Ортиқча бошим дорни чорлангиз.
Чорлангиз, сиз ул баҳорни чорлангиз...

Мозийдан бир варақ топдим



Рустам ЭМИН

* * *

Куёшнинг нурлари кўзимни олди,
Қалбимга ўрнашди, сўнгра ошиғич,
Дарахтнинг новдасин олди эгаллаб.

Яшиллик барқ урди оламни камраб,
Бодомнинг сочлари оқариб кетди,
Мен қолдим бошимни чангаллаб аранг.

Баҳор келган экан, билмай қолибман
Маст бўлиб дунёнинг ишваларига,
Не қилай, билмайман, бу бошим гаранг?

Мен, энди, бойчечак кидириб ҳар тонг,
Тоғларга тўшимни ураман сиқтаб,
Лек, гул ҳам мен билан учрашмоқчимас.

Юрагим тубида ёнаётган олов,
Гулнинг дудокларин куйдира бошлар,
Қизгалдоқ юрагим узра чўлганар.

Маяюс куйга ўхшар, аслида, ҳаёт,
Ҳам қайғу, ҳам шодлик сингийди унга,
Ёлғиз мен қул мисол тентийман ёлғиз.

Ёлғиз мен кулингман, ёлғиз гиёҳинг,
Оёқлар остида топталган гиёҳ.

Рустам ЭМИН – 1962 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Унинг “Рид” (“Руҳимни излайман дунёда”), “Кўнгил сувратлари”, “Дайди шамоллар” номли шеърый тўпламлари нашр этилган.

* * *

Кашкулим – сукунат ўлкаси,
Қалбимнинг торлари жаранглар,
Қулоққа чалинар Ҳаққушнинг саси.

Сукунат саҳроси нақадар ночор,
Румийни соғинган қул мисол йиғлар,
Кўздан ёшлар эмас, оқади ғамлар.

Мен яна сукутнинг бағрига кирдим,
Мозийдан бир варақ топдим амаллаб,
Ўнгимда жонланди Румийнинг расми.

Мерос қолган менга қадимий кашкул,
Сирларин ўзига олган яшириб,
Қандай очишни ҳам билмайман уни.

Кўзимни юмаман, кундуз-коронғи,
Тунда ой нуридан кўзлар камашар,
Қачон очмоқликни билмай гарангман.

Кўнглимда нима бор, унинг катини
Бир бора кўрмоққа уринмадим ҳам,
Бир бора кирмадим унинг уйига.

Шунданми, ҳар куни йиғлар бечора,
Ҳар куни беш бора кўкка тикилар,
Бўғзимга нимадир тикилар бот-бот.

Бир куни вулқондай портлайди, албат,
Тинмайин бўғзимга тикилган соғинч,
Шунда, кашкулнинг ҳам сири очилар.

* * *

Олмос қишнинг киличи ўткир,
Ўткир ҳатто менинг тилимдан,
Дор йўқ фақат унинг бўйнида.

Олмос қишнинг кўрпаси юмшоқ,
Гард тегмаган бирор ерига,
Виждонимдек у хамиша пок.

Олмос қишнинг либоси юлук,
Тақдиримга ўхшайди у ҳам,
Игна теккан баъзи жойига.

Олмос қишнинг шамоли майин,
Юзларимни чимчилаб баъзан
Онамдаин олади ўпич.

Олмос кишнинг ўзи сал ғалат,
Баъзан қаҳри келиб қолади,
Отам мисол уяди қавок.

Олмос кишни балки шунинг-чун
Қучоқлагим келади суйиб,
Совуб қолса ҳамки баданим.

Олмос кишни севаман ҳар киш.

* * *

Тўнимнинг бариға илинди ҳазон,
Боғдаги севгига ошуфта диллар
Эртаққа маҳлиё бошини эгди.

Севгидан маст қўнгил қўчага чиқди,
Ишқомға илашди бир шингил сўзи,
Сирғалиб тушди сўнг қора марварид.

Ёшларин оқизди, париваш маънос
Ёридан ёдгорлик зиракни тутиб,
Хонанинг бурчидан бир макон топди.

Қуёш, ҳаво, ёмғир – бари жам бўлиб
Сочилди дастурхон узра беминнат,
Бир-бир териб олди шодон болалар.

Изғирин нинадек санчилди танга,
Арқондек чўзилди кечаги савлат,
Ҳазонли тўнимни ёпди устига.

Севгига тўйинган дилнинг меваси
Яна севгисини улашди бизга.

* * *

Ёмғир ёғмоқдадир, бошда соябон
Йўқ, лек, сочим ҳўлмас, сочим ҳўл эмас,
Ҷақат юрагимда тўпланган ёмғир.

Ёмғир ёғмоқдадир, атроф тап-тақир,
Саҳрои Кабирда ёлғизман худди,
Ҳеч ким йўқламайди мендек фақирни.

Ёмғир ёғмоқдадир, бошимда қуёш,
Отам каби силар сочим толасин,
Ҷақат ҳеч тўймайман унинг меҳрига.

Ёмғир ёғмоқдадир, менинг қалбимга...



Азиз САИД

БУЛУТ НИМАГА ЎХШАЙДИ

Ҳикоя



Вақт хассасини тўккилатганча тобут кўтарган одамларга кўшилиб, дарво-захонадан чиқиб кетди. Гўё ҳамма ёқ бўшаб қолгандай шипшийдам ва жимжит бўлиб қолди. Васида момо бошидаги оқ рўмолининг бўйнига ўраб боғланган икки печи ечилиб кўксига тушиб қолганини ҳам сезмас, қайғу ва ғамга беланган қайнсингиллару овсинлар, келинлару жиянларнинг овозларини ҳам эшитмас, гўё бир умр елкасида кўтариб келган зил-замбил юкни ерга қўйиб дам олаётган одамдай ҳовли тўридаги курсида беҳол ўтирарди. Баъзан тиззасига қадалган нигоҳлари хотинларнинг йиғидан бўғриққан юзларини, ҳовлига кираверишда баҳмал тўшаб қўйилган стол устидаги мархум эрининг рангли суратини пайпаслаб чиқар, девор тагида саф тортиб турган катта-катта тиваклардаги ажнабий гуллар ва йўлакдаги сув тўлдирилган обдасталар оралаб тимироскиланар ва бўм-бўшлиқдан ўзга маъни тополмай яна тиззасига бош кўярди.

Васида момо вақтининг тўхтаб қолганини, тўғрироғи, чиқиб кетганини ҳис қилиб турарди, аммо бошқа нарсага ҳайрон эди – бу бўм-бўшлиқ қачон юз берди? Бутун вужуди, онгу шуури билан юрагининг эшигидан ичкарига қулок тутди – бугунги жудоликдан на афсус, на қайғу, на фарёд, ҳеч нарса йўқ, гўё бўм-бўш. Бу ҳолини атрофдагилар кўриб тургандай уялиб кетди.

Уч, етти, йигирма деган маракаларни битта қилиб хатми Қуръон ўтказишди. Уч ўғил белбоғу таъзия чопонларни ечиб ўз уйларига, ишларига равона бўлишди. Отаглаб йиғлайвериб юраги санчиб ётиб қолган ёлғиз кизини куёви олиб кетди. Ана шу воқеалар билан бироз чалғиган бўм-бўшлиқ вақтинча йиққан қанотларини яна ёйиб олди.

Мана икки ойдирки, ҳар тонг ҳовли тўридаги эрининг курсиси Васида момони чақирар, у итоаткорона бўйсунар, дардманд оёқларини бир-бир босганча келиб ўтирар эди. Қолгани бўм-бўшлиқ. Баъзан кўнгил сўраб кириб чиқадиғанларнинг қиёфалари, сўзлари шу бўм-бўшлиқда эриб кетарди. Унга баъзан бу уйда ўзи ҳеч қачон яшамагандек туюларди. Ҳовли-жойи ва болаларининг мавжудлиги, улар тақдири, ғаму ташвишлари ҳам ана шу бўм-бўшлиқ қаърида эканлигини ҳис қиларди.

Васида момо ўтказган умрининг қаеридадир ўзини ҳаёт билан боғлаб кел-

Азиз САИД – 1961 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини тугатган. “Чилтор”, “Дили қани Бедилнинг”, “Ғойибдан дўст билан суҳбатлар”, “Фурсат дарвозаси” номли шеърый китоблар муаллифи. У. Уитменнинг “Майса япроқлари”, Н. Ҳикматнинг “Юсуф ва Зулайҳо”, Б. Брехтнинг “Театр ва реализм”, Пауло Козлонинг “Алкимёгар” китобларини ўзбек тилига таржима қилган.

ган ришта бўлганлигини ҳам туярди. Аммо унинг нима эканлигини, қачон пайдо бўлганини ва ўзининг борлигидан шу пайтгача мужда бермаган бу ожиз нурнинг номини билгиси келарди.

Васила момонинг камгап бўлиб қолгани, кун бўйи ховлидаги курсидан турмаслиги ўғилларни, қариндош-уруғларни, қўшнилари хавотирга солиб қўйди. Ҳар замон хабар оладиган кудаси Гулсум момо бир куни куйиб кетди:

– Василахон, эрини ерга қўйган битта сизми, юрагимизни тўқиб ташладингиз-ку. Мана, қудангиз ўтганига уч йил бўлди, ҳаёт тўхтаб қолгани йўқ, юрибман болаларга аралашиб. Худога шукр, учта ўғлингизни ҳам эл танийди, қизингиз тинчиб кетган. Шуларни дуо қилиб, борадиган жойингизга бориб, мазза қилиб юрмайсизми?..

Бирданига вақт қайтиб келгандай бўлди. “Борадиган жойингизга бориб... Борадиган жойингизга бориб... Борадиган жойингизга бориб...” Йўқ, бу эрининг жони узилган кун кетиб қолган вақт ҳассасининг дўқиллаши эмасди. Бу вақт поездининг ғилдирақларидан ёхуд вақт тулпорининг туёқларидан бир маромда таралаётган овоз эди. Атрофини ва юрагини камраб олган бўм-бўшлик қаърида ниманингдир, йўқ, кимнидир қиёфаси пайдо бўла бошлади. Василага момо беихтиёр кўзларини осмонга тикди... Турли шаклу шамойилдаги оппоқ булутлар ниманидир кутаётгандай момога қараб турарди. Ўша булутлар...

- *Васила, энг олдинда турган булут нимага ўхшайди, айт-чи?*
- *Болишга ўхшайди. Шамол бошини қўйиб ётса керак.*
- *Бекор айтибсан, у отга ўхшайди, менинг отим, орқасидаги эса арава, хоҳласанг миндириб оламан.*
- *Ҳечам арава эмас-да, у кўйлакка ўхшайди, этаклари узун.*
- *Анави охиридаги булут бувангни ўзи, соқоли оппоқ. Ёнидаги кичкина, думалоқ булутча сен бўлсанг керак.*
- *Ўзинг кичгина, думалоқсан. Ботир-тир-тир. Бўлди сан билан ўйнамайман.*
- *Васила Эски шаҳар ўртасида қандайдир мўъжиза билан омон қолган тепаликдан гизиллаганча тушиб кетди. Ботир якка-ю ягона қўйини боқиб ўтиришга мажбур. Бир-икки соатдан сўнг, қўлида дафтари билан Василага яна пайдо бўлди.*
- *Ботир, математикамни ечиб бер. Тир-тир деганимни қайтиб олдим.*
- *Қайтиб олмасанг икки ямлаб бир ютардим, ви-и-и...*
- *Ботир тишларини кўрсатди. Сўнгра дафтари очиб варақлади.*
- *Ечиб бер, эмиш, ҳеч бўлмаса ёрдам бер, деб айт. Осонларини ўзинг ишласанг ҳам бўларкан.*
- *Сен икки синф юқорисан, бунақалар сенга осон.*
- *Бўпти. Ҳозир булутлар рангга киради, шуни томоша қилайлик.*
- *Ким уларни ранглайди, Худоми?*
- *Йўқ, қуёш ботаётган пайтда нурлари булутга тушади.*
- *Ботмасидан олдин нурлари тушмайдимми?*
- *Тушади.*
- *Унда нега булутларни рангга бўямайди?*
- *Билмадим.*
- *Билмасанг, билиб қўй, Худо қачон хоҳласа ўшанда бўяйди.*
- *Сенга буванг роса ўргатибди-ю. Бўлмаса отларни, қўйларни ҳам Худо ранглайди дерсан?*
- *Бўлмаса ким?*
- *Зоти шунақа бўлади.*

- Одамни-чи?
- Нима, “одамни”?
- Одамни зоти ҳам борми? Африкада қоп-қора одамлар яшаркан-ку.
- Африка иссиқ, шунинг учун қорайиб кетишган, балки зоти шунақа қоп-қора одамлардир.
- Ким уларни Африкага юборган? Улар ҳам ақлли-ку, нега иссиқ жойга боради?
- Ҳеч ким юбормаган, улар ўша ерда яшайди.
- Бекор айтибсан, Худо юборган.
- Ҳали мактабни битирай, катта-катта ўқишларда ўқиб ўзим ранглар яратаман. Африкага ям бориб келаман, китобларни олиб келиб, исботлаб бераман.
- Келолмай қолиб кетсанг-чи Африкада? Худо агар хоҳласа саниям, маниям бошиқа жойга юбориши мумкин. Мана, дадам урушдан қайтмаганлар.
- Мен қайтиб келаман... Э, қара, сен кўйлак деган булутинг қип-қизил бўлиб қолибди...

Вақт етаклаб келган, унутилган булутлар мухрланган бу лаҳзалар қанча давом этганини Васида момо билмади. Гулсум момонинг “Борадиган жойингизга бориб...” деган сўзларидан у узоқ уйқудан уйғонгандек бўлди. Гапиравериб чарчаган Гулсум момо кетишга тараддулланди.

- Майли, Василахон, мен борай, эрта-индин яна кирарман, – деди.
- Раҳмат, куда, “борадиган жойингизга бориб юрмайсизми?” деган гапингизни ҳеч ўйламапман.
- Тўғри-да...
- Айтганингизни қилиб, эртага Тошкентга йўлга чикаман.
- Тошкентга?.. Вой эсим курсин, қариндошларингиз бор-а? Ана, тўғри қиласиз, ёзилиб, юракни шамоллатиб келасиз.

Васида момонинг оёқларига мадор, вужудига куч, юрагига ғайрат қайтгандай эди. У хонасига кириб, сафарга чиққанида олиб юрадиган чоғроқ сумкасига иккита кўйлак ва рўмолини ўраб жойлади. Кўпдан очилмаган шкафнинг тортмасига калит солди, бир уюм такинчокларга назар ҳам қилмай, икки-уч боғлам пул ва паспортини узунчоқ чарм ҳамёнига тикди. Оқ оралаган сочларини тараб, қайта турмаклади, азалик рўмолини боғлади. Ва бирдан ҳозир эмас, эртага йўлга тушмоқчи бўлганини эслаб, диван четига охиста чўқди. Нигоҳи хонанинг бир йил олдин таъмирланган деворларини, нақш чизилган мовий рангдаги шифтини, кўпдан буён занжири тортилмаганидан тўхтаб қолган, одам бўйи келадиган қадимий соатни, бурчақтаги қулфи мусиқали эски сандиқ устидаги тахмонни бир қур айланиб чиқди. Сўнгра девордаги гилам ўртасига осилган суратга келиб тўхтади. Бу марҳум эри ва ўзининг бирга тушган сурати эди.

Негадир суратдаги одамлар бегонадек юраги жимжит эди. Эрининг ақл, олижаноблик балкиб турган юзига меҳр ва ачиниш билан термилди. Шу топда у марҳум бўлган яқинларининг барчасини худди ана шундай меҳр ва ачиниш билан эслай олишига ич-ичидан ишонди. Нега эрига бундан-да ортиқроқ туйғу билан боқа олмапти. Қолбуки қирқ беш йил бир ёстикқа бош қўйган жуфти ҳалолидан айрилиб қолгани учун юм-юм тўкилиб йиғлашни, унинг жаранглаган овозини, эшикдан жилмайиб кириб келишларини соғинишни, ўзининг ҳимоячисиз, бева қолганидан ўксинишни истарди. Аммо бу истакларга ўзини мажбур қилолмаётган эди. Ўзи ҳам нималигини англолмаётган бу ҳолати, ожизлиги учун эридан кечирим сўради.

Васида момо тонгда кечаги булутларни излаб осмонга беҳуда тикиларди. Вақтми, шамолми оппоқ булутлар сурувини ҳайдаб кетган, осмон кўм-кўк эди.

Ховли тўридаги сўрининг ёнида уч-тўртта товук дарахт остига сепилган нон ушоклари, дон-дунни талашиб куймаланар, олма дарахти ҳар замонда сарғайган япрокларидан ташлаб уларни чўчитмоқчи бўларди. Девор остидаги туваклардаги ажнабий гуллар – балки африкаликдир – бу кеча кўрган тушларини бир-бирларига айтиб беришар, тонгги шамол эса деразанинг очик қанотидан чиқиб қолган дарпар-данинг этагини торткилаб, қаерларгадир бирга кетишга ундарди.

* * *

Поезд шитоб билан олиб борарди. Гилдираклардан чиқаётган бир маромдаги овоз Василага момога таниш ва қадрдон эди. Вақт Василага момони ҳамон давом этаётган кечаги изтиробли ўйлардан чалғитди. Жалил акаси билан тўйлари ўтгач, биринчи марта “темир изда юрадиган уй”га чиққан эди. Тўрт кишилиқ хоначада оёғининг остидан чиқаётган “тақа-туқ” овоздан аввал чўчиган, сўнгра завқи келиб неча марта тақиллар экан деб санашга тушган эди. Санок мингдан ошгач, адашиб кетар, яна қайта бошлар, мингдан ошгач, яна адашарди.

Эрталаб кичик ўйчанинг катта деразасидан қараб анграйиб қолди. Дарахтзорлар, пастак-пастак ўйлардан иборат кишлоклар, пода-пода қўй-сигирлар, ям-яшил далалар поезд атрофидан чириллаб айланарди. Аввалига уларнинг нега бир жойда турмай, айланаётганини тушунмади. Сўнгра ўқитувчисининг ернинг айланиши ҳақидаги гапларини эслади.

– Жалил ака, ер айланыптими, биз ернинг айланишини кўряпмизми? – деб сўради. Жалил акаси завқ билан кулди, сўнгра:

– Ҳа, Василага, ер айланыпти, биз кўряпмиз. Ҳали сени самолётларга олиб чиқаман, ўшанда ернинг устидан биз айланишимизни ҳам кўрасан. Ҳар бир кунингни мўъжизага, ҳайратларга тўлдираман.

Жалил акаси ҳар доим ана шундай ҳаяжон билан, чин дилдан, чиройли сўзларни топиб гапирарди. Ва ҳар доим айтган сўзининг устидан чиқарди.

Ҳақиқатан ҳам Василага момонинг эри билан кўрмаган ери кам қолди. Хизмат сафарларида Жалил акаси уни доим ўзига ҳамроҳ қилар, гўё сафарга хизмат учун эмас, Василага ҳайратлантириш учун, Василага учун борарди. У уфқдан уфққа туташ океанда сузаётган кема атрофидан сувнинг чарх уриб айланишини ҳам, осмону фалакка кўтарилиб тўхтаб қолгандек туюладиган самолёт ойнасидан булутлар саҳросини ҳам кўрди. Қирқ беш йиллик турмуш давомида Жалил акаси бу мўъжизаларни ўнлаб-юзлаб маротаба тухфа қилди.

У ўзининг Жалил акаси учун ҳамма нарса эканлигини биларди, аммо эри ўзи учун ким эканлигини ҳеч қачон ўйлаб кўрмаганди. Устозми, дўстми, оталарча, акаларча меҳрибоними, севаклисими? Юрагининг туб-тубида эри у учун ҳамма нарса эмаслигини ҳис қилар, ҳамма нарса бўлиши учун нима қилишини ҳам билмасди. Аммо у хаёлининг остонасига ҳам бировни йўлатмайдиган садоқатли, эвазига ҳеч нарса талаб қилмайдиган фидойи, ҳаётини эрисиз тасаввур қила олмайдиган вафодор хотин эди. Шунга қарамасдан, унинг бахт ва масрурликдан иборат бу ҳаётини кимдир четдан туриб қачондир тугайдиган спектаклдай томоша қилаётганини ҳам ич-ичидан ҳис қилиб турарди. Баъзан ўша томошабин – унинг ўзидай туюларди.

Вақт Василага момони жавобсиз саволлардан қутқариш учун поезднинг тезлигини оширди. Дераза қаршисида янтоқ ва юлғунлари қовжираган бийдай саҳро чирпиракдай айланарди. Чўлнинг ўртасига қора хошиядай тушган йўл эса, бу саҳро рақсига қўшилмас, Василага момога муҳим бир гапни айтмоқчидай, поезд билан барабар югурарди. Биёбонга қадалган яккаю ягона тугмачадай пастак кулба физиллаб ўтиб кетди...

- Васида, биласанми, тугмани нега ўйлаб топишган?
- Кўриниб турибдики, Ботир акамиз китобдан яна бир ақлли гап ўқиб келган.
- Китобдан эмас, ўзим ўйладим.
- Тугма кийимнинг олдини ёпиш учун қадалади. Ўйлаб, қийналиб юргунча мендан сўрамайсанми?
- Тугмани сир сақлаш учун кашф қилишган. Мана, масалан, камзулингни чўнтагида пул бор, унинг пул эканлиги сир, сенинг сиринг. Билиб қолмасликлари учун чўнтакни тугмали қилишади.
- Ботир, ўн еттига кирдинг, мендан катта бўлсанг ҳам боладай ўйлайсан-а? Бозор-ўчарга чиққанда пулни киссавурлар уриб кетмасин деб чўнтакка тугма қадалади.
- Кўйлакка, костюмга, палтога-чи?..
- Ичидаги одамни ўзгирлаб кетишмасин дейишади.
- Кулма. Одамнинг ўзи, танаси бошқалар учун сир, юраги ҳам сир. Шуларни беркитиб юриш учун кийимларини тугмалаб олишади.
- Аҳа, тугманг узилиб қолса, қадаб бер деб дарров югуриб келасан, сиринг очилиб қолишидан кўрқаркансан-да. Тугрисини айт, сениям сиринг борми?
- Ҳаммада сир бор.
- Менга айтасанми?
- Анави, уйларингда турган саҳройи студент менга ёқмайди, ёмон кўраман.
- Уришиб қолдиларингми?
- Йўқ, уришни нари турсин, гаплашишни ҳам хоҳламайман.
- Бир гап бўлдимми?
- Уни сенга тикилиб қараши ёқмайди, кўзида нималардир бўлади, қандайдир сир бордай.
- Ҳа, унда Жалил акага, кўзингизга тугма қадаб олинг, дейлик бўлмаса.
- Ҳазилга олма... Ўшани чиқариб юборсаларинг бўлмайдимми?
- Бўпти, келса айтаман, кўшимиз Ботирга кўзингиздаги сир ёқмаяпти, бошқа жой топинг, дейман.
- Нима, сен унинг тарафини оляпсанми?
- Жиннимисан, Ботир...

Бўм-бўшлиги билан Васида момонинг кўзларини чарчатган, ҳамон чархпалакдай айланаётган сахро устига шом кизғиш чойшабини ёпди. Бундан норози бўлган поезд жони борича чинқириб қўйди. Вақт кунботардаги ўчоғида ёккан катта гулхан кичрая бошлади...

* * *

– Орқангни оловга яқинроқ тутиб ўтир, болам, баданингга иссиқ югуради, – Шоқосим бува темир печкага тараша тикаркан иситмаданми, совуққотганиданми қалтираётган талаба йигитга гапирди. – Сарви холанг Янгийўлдаги укасиникига кетганига анча бўлди. Қарасам, хафта бўладики, мўриданам тутун чиқмайди. Ижарадаги боласи бориди, хабар олай-чи, деб кирувдим. Сени кара-ю, амаки, ўтин йўғиди, уй совуқ, деб чиқиб келавермайсанми?

- Кўрпалар бор, совқотганим йўқ, – йигитнинг овози зўрға чиқди.
- Совқотмадиммиш, иситмангни баландлигидан қўл куяди-ю.
- Уйни шунақа қилиб иситаётувдим, амаки, касал эмасман.
- Ҳазил ҳам қилади, шу холига.

Василаларнинг уйига Жалил акаси ана шу баҳонайи сабаб келиб қолди. Унинг

эски ривоятларни кўп билиши, хушчақчақлиги Шоқосим бувага ҳам, кампирига ҳам ёкиб тушди. Бўйи узун, бакувват, қошлари қалин, катта-катта кўзлари кувнок, истарали бу йигитга кўни-кўшни қизларнинг ҳаммаси махлиё эди. У ҳақида суриштиравериб, Василани ҳоли жонига қўйишмасди.

Талаба йигит келгандан сўнг кунда-шунда Ботирнинг оёғи бу хонадондан тортила бошлади. Негадир кейинги пайтларда одамови бўлиб қолган бўлса-да, Ботир ҳар куни Василага билан кўчада туриб гаплашар, турли бахоналар килиб ҳовлига кирмасди. Василага саккизинчи синф бўлгани учун битирув имтиҳонлари машамшаларидан иборат ўз дунёси билан яшарди. Жалил акаси Василанинг дарсларига ёрдамлашар, қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб уни қулдирар, китобларидан ҳикоялар, шеърлар ўқиб берарди. Василага ака-укаси, ёлғиз қиз бўлгани боис бу талаба йигит унга ҳақиқий ака бўлди. Шу тахлит улар учун фақат хурсандчилик кунлардан иборат бўлган икки йил сувдай оқиб ўтди.

Василага бир куни ётиш олдидан сув тўлатилган челақларнинг усти очик-ёпиқлигидан хабар олгани ҳовлига чиқди. Ва бувасининг ҳужрасидан гўнғир-гўнғир овоз келаётганини эшитди. Яқин бориб кулоқ тутди, буваси билан Жалил акаси экан.

– ...Ота, барибир “эғасига топширсак” деяпсиз-ку. Мен уни қандай яхши кўришимни билмайсиз. Инсон севган одами билан яшаса бахтли бўлади. Икки йил бўлди менга уйингиздан жой берганингизга, икки йилдан буён ҳаётим ўзгарган, фақат у борлиги учун тирик юргандайман.

– Болам, биламан, сени қандайлигингни ҳам, кўнглинг тозалигини ҳам биламан. Лекин юртинг узок, ўғлим. Қизимнинг ўзи кўнгли яримта. Онаси ёшлигида ўлиб кетган, отаси урушдан қайтмади, биздан бошқа ҳеч кими йўқ. Бизни ҳам дунёда ёлғиз умидимиз шу қиз. Бизгаям қанча қолди бу ёғи, билмаймиз.

– Сизга ваъда бераман, ота-онаси, ака-укасининг ўрнини тўлдираман. Ҳар ой олиб келаман. Бошқанинг кўлида у сўлиб тамом бўлади. Мен...

– Сендан бошқаларни авло деяётганим йўқ. Худо ўғлимни урушда олиб қолиб, ўрнига сени юборди деб юрибман. Йўл узок, ўғлим. Йўл...

* * *

Йўл энди кўринмас, аммо қоронғилик қаърида ҳамон поезд билан баробар ҳаллослаб келаётганига Василага момонинг ишончи қомил эди. Нима демокчи унга? Ёки эртага қай манзилга боришини айтмоқчимиз? Вақт туннинг сочига соч улар, атайлаб эртанинг бўлишини чўзарди. “Самарқанд нон, иссиқ нон... Самарқанд нон, иссиқ нон...” Купенинг эшиги тақиллади...

Эшикни очиши билан Ботир шартта кўлидан ушлаб, ташиқарига еталади.

– Сенда гапим бор.

Бир эшик наридаги уларнинг кичкина ҳовлисига киришиди.

– Уйда ҳеч ким йўқ, мана бу ерга ўтир, – деди у қудуқ ёнидаги тутнинг кундасини кўрсатиб. – Қимга тегиб, қайққа кетмоқчисан, эсинг жойидами?

– Қим тегмоқчи?..

– Василага, менга қара. Мана шу уй, бувангни ҳовлиси, кўчамиз, анави тепалик, мана шу қудуқ, мана шу... мен – сенинг ватанинг. Ҳаммасидан жудо бўласан. Нима бор у ерда, нима? Ўша саҳроий акангни севасанми?

– “Севасанми?..” Севги дегани қанақа бўлади ўзи, нима дегани у?..

– Мени масҳара қўлъянсанми? Мана бундай бўлади, – Ботир Василанинг юзига шапалоқ тортиб юборди. Василага йиғлади, тўлиб-тўлиб йиғлади, туриб кетмоқчи бўлди.

– Мени кечир, – деди Ботир. – Ичим ёняпти. Севгини билмайман, нималигини билмайман, тушунаясанми? Лекин сени мен оламан. Тегма унга, тегма!

Васила ўрнидан шайт билан турди.

– Севгининг нималигини мен ҳам билмайман. Лекин эшитиб қўй, сени севмайман, униям севмайман.

У дарчани қарс этиб ёпиб чиқиб кетди. Ботир орқасидан бақирди.

– Васила, Васила, тўхта...

Поезд тўхтади. Васила момо вагон деразасидан назар ташлади. Юк сурғалаган оломон билан қайнаётган вокзал унинг қалбидаги бўм-бўшлик қаърига сингиб кетди. Нигоҳлари унга нимадир демоқчи бўлиб, поезд билан бирга югуриб келган йўлни излади. Йўл эса ортга – бўм-бўшликка қайтиб кетганди. Вақт вагон зинасидан ерга оёқ қўйиши билан шаҳар шовқин-сурони уни аждарҳо янглиғ ютиб юборди. Васила момонинг бир ўзи қолди. У киндик қони томган, туғилиб-ўсган шаҳрига келиб, илк бора қаерга боришини билмай, хаёлига келган манзилларга оёғи тортмай ўтирарди.

Ўзларининг ҳовлисида ҳозир бегоналар яшаётган бўлса керак. Буvasи билан бувиси шу ҳовлига келиб яшаш шарти билан Жалил ва Василанинг тўйига розилик беришганди. Олти йил бирга яшашгач, чол-кампир бирин-кетин омонатларини топширишди. Буvisининг бечораҳол, серфарзанд, узок бир қариндоши бор эди, ҳовлини уларга ҳада қилиб, эрининг юртига кетишди. У ҳар сафар Тошкентга йўли тушганда буваси билан буvisининг қабрини зиёрат қилиб чиқарди-ю ҳовлига, маҳалласига бормасди. Ботирни учратишдан чўчирди, бунинг устига Жалил акаси ҳам уни ёқтирмасди.

Бир сафар малака оширишга келганда, институтдан чиқиб бекатга йўл олди. Ўзидан сал олдинда оғир-оғир одимлаб бораётган дўшпили, эскигина костюм-шимдаги кишини қувиб ўтди.

– Васила!

Васила хайрон бўлиб ўтирилди ва уни... кўзларидан таниди. Сочлари оқарган, пешонада изтиробнинг қават-қават ажинлари. Бир-икки сония кўзлар гаплашди.

– Васила, ўшанда чақирганимда нега орқага қайтмадинг?

– Билмайман.

– Нега менимас, уни танладинг?

– Билмайман. У ҳам яхши одам.

– Кўряпсанми ҳолимни?

– Мени кечиринг.

– Ҳозир қайт десам, қайтармидинг?

– Йўқ, қайтолмайман.

Сўнгра вақт юракларни қулфлади, тилларни калимага келтирди.

– Яхши юрибсанми, Васила? – бу исмни овоз чиқариб айта олганидан кўнгли ором топганини юзлари, кўзлари айтиб турарди.

– Худога шукр, раҳмат, Ботир... Ботир ака.

– Болалар нечта, Васила? – у бу исмни рўпарасидаги аёлдан ҳам ардоқлаб айтаётгани сезиларди.

– Учта. Ўзингизда-чи?

– Биздаям етарли.

– Ишларингиз яхшими?

– Ўқиймадик, Васила. Мана... насибани териб юрибмиз. Саҳройи эринг ҳам юрибдимми? – унинг савол оҳангидан Василанинг эрини соғлигини сўраш ёки суҳбатни давом эттириш истаги эмас, эрининг бу дунёда ҳалиям борми-йўқлигини билиш, нимадандир илнж иштиёқи сезилиб турарди.

– Ҳа, ишлаб юрибди.

Вақт қайта боғланишдан маҳрум дилларнинг азобли суҳбатини тўхтатди.

– Майли, мен борай. Соғ бўлинг.

– Васида, мана... у билан яшаб юрибсан... ўша... севги нималигини тушуниб олдингми? Мен ҳалиям жавоб тополганим йўқ.

Васида “Хайр” дедию, қадамларини тезлатганча Ботирдан узоклашди. Бу воқеага ҳам ўттиз йилча бўлиб қолди. Ҳозир Ботир етмишни қоралаб, Ботир бува бўлиб қолгандир...

Васида момо даъфатан купеда анчадан буён ёлғизлик сукут сақлаб ўтирганини сезиб қолди. Ўзини олиб келган ҳам ёлғизлик поездимиди ёки?! Ҳамма вагонлар бўш, ҳеч ким йўқ. Купе деразаси ҳам тириклик ва ҳаёт кўшигини куйлаб рўпарасидан сузиб ўтган манзараларни хотирлаганча, йўловчилардан бўшаб, ҳувуллаб қолган вокзалга тикилган кўйи ҳаёлга толган. Васида момо уни қўлидан ушлаб бекатгача олиб келган ёлғизликнинг нигоҳларидан қутулиш учун таксига ўтирди...

Таксидан тушиб хангу манг бўлиб қолди. Қани, унинг беғубор болалиги ўтган ҳовлиси, қани... уларнинг уйи? У тўрт томонга аланглар, кимдир азиз нарсасини ўғирлаб кетгандай юраги алағда эди. Ичкари кўчадан, иссиқ нон тўла болалар аравачасини етаклаганча, бир келинчак чиқиб келди.

– Опоқи, бирортанинг уйини қидириясизми?

– Мана шу ерда ҳовлилар бор эди, Шоқосим отанинг ҳовлиси, кейин... Ботир буванинг ҳовлиси, кўрмаяпман...

– Бу маҳаллага тушганимга уч йил бўлди, аввалгиларни билмайман. Кутиб турсангиз, ойижонимдан сўраб чиқаман.

Келинчак аравачасини қолдириб, ичкари кўчага кириб кетди. Бироздан сўнг шошиб қайтиб келди.

– Ойижоним у ҳовлилар бузилиб йўл тушган, дедилар. Сизни чақиряптилар, кўришингизни айтувдим, ман танисам керак, дедилар.

Васида момо дарвозага рўпара бўлганда, сўридан инқиллаб тушганча бир кампир пешвоз келди.

– Сиз сўрадингизми, айланай, Шоқосим бувани?.. Во-о-ой, Васида эмасмисан, адашмадимми?.. Васида-а-а, ўзгариб кетибсан, қани-қани бир бағримга босай.

– Самия опа, ўзизмисиз? Минг йил бўлди сизларни кўрмаганимга, – Васида момонинг эри ўлганидан буён биринчи марта кўзига ёш келди.

Турмушу бола-чақаларнинг сўрови тугагач, Самия опа:

– Сан кетдинг, синфдошим Ботир ёмон куйди-да. Армияга кетди, келди. Ўқишга кирмади. Сандан бошқа дарди йўқ эди. Ўттизигача уйланмадиям. Одам-дам шунақа яхши кўрарканми?..

– Уйлари бузилибди, кўчиб кетишганми?

– Вой эшитмаганмисан, ўлганига етти йил бўлди-ю...

Бўм-бўшлик қаъридаги сўнгги тасвир ҳам эриб кетгандай, ўзини ҳаёт билан боғлаб турган сўнгги ришта ҳам узилгандай эди. Васида момо нима юз берганини англамай қолди. Қудасининг “борадиган жойларга бориб” сўзлари бахш этган куч вужудини тарк эта бошлади. У Самия опа билан хайрлашиб чиккач, оёқларига нима деб буйрук беришним билмай, беихтиёр осмонга кўз ташлади. Кўм-кўк осмонда оппоқ булуллар қарвони унга тикилганча муаллақ турарди. Олдиндаги булулт отга ўхшарди. Орқасидаги эса аравага. Ботир уни шу аравага миндирмоқчи эди. Охиридагиси – соқоли оппоқ бувасининг ўзи, ёнидаги кичкина, думалоқ булултча Васида эди...

Бир бор экан, бир йўқ экан, кади-им ўтган замонда, йўқ, айни бизнинг замонда, Тошкент деган томонда, шахарнинг Эшонгузар отлик депарасида мулла Ростгўй деган одам яшаган экан. Муллалиги учун ростгўйми, ростгўйлиги муллалигиданми – билиб бўлмас экан. Болаликдан кўп мактаб кўрган, хат-саводли амаки экан. Кўрган-эшитган воқеаларидан турфа мақолалар ясаб ташлайверар, ёзганларини дам газит, дам журналларда бостиришни одат қилган экан. Унинг ёзганларини одамлар талашиб-тортишиб ўқийдирган бўлишибди. Бунга сайин Ростгўй амаки ғайратига ғайрат қўшилар, қанча кўп рост гапни ёзсам одамлар ўқигани сайин билими ошади, билими ошгани сайин фикри-зеҳни тараққий топади, бунга сайин яшаш тарзи янгиланади, деб қаттиқ ишонар экан. Магбуот жони-дили ва бирдан-бир ишонгани-инонгани экан.

Хуллас, кунлардан бир куни мулла Ростгўй аччиқланиб юра-юра мардуми авомнинг фикр-ўйига таъсир кўрсатармикан, одамларни гафлат уйқусидан уйғотармикан деган умид-истакда “Йиғинди гаплар” деган шапалоқдеккина мақола ёзибди. Қаттиқ ёзибди, ачитиб-ўймалаб оладиган қилиб ёзибди. Киноя ва пичингларни қалаштириб ташлабди. Мақола...

– Қодиров!

Темир эшик кулоқни қоматга келтириб шарақлаб очилган замони, ички тартибга биноан, Абдулла калқиб қад ростлади, пинагини бузмокчи эмасди, лекин уни сўраб киришганини эшитдию вазмин ўйлари тўзондек тўзиб кетди. Зулмат эшигининг хар сафар очилиши уни озодликка олиб чиқиши мумкинлигидан умидини узмаганди. Бу мазлумлик бугун ё эрта, эрта ё индин барҳам топажагига унинг ишончи қомил. Кўп ўйлади ахир, ўйлаб ўйининг адоғига етмади ахир – қулди, ранжиди, аччиқланди, тутатди, яна қулди. Қандай бемаънилик ахир бу? Қанча ишлари ўлда-жўлда қолди, журналнинг юмушларини айтмасинми!?

Эртагимизни давом эттираминиз. Шундай қилиб, Ростгўй амакини ҳе йўқ, бе йўқ хибсга олишибди!

– Иби, журналга мақола битгани эвазига зиндонбанд этиш одати ҳам борми большевойлар юртида?! – дея ёқа тутибди Ростгўй амаки. – Қулингизнинг фаҳмича, зиндон бошқача бўларди, шекилли.

Ростгўй амакининг назарида у қамалмагандек, негаки, неча кун, неча тун темиру сиймондан ясалган хос хужрада якка-ёлғиз бир ўзгинасини “асраб-авайлаб” сақлашибди. Гаплашай деса бир кас йўқ, тоқат қилиб ўтираверай деса амакининг феъли тор, дунёда энг ёмон кўргани – бекор ўтириш экан, бекорчиликни жинидан баттар ёмон кўрар экан. Дунёда энг оғир жазо – одамни бекор қолдириш деб ҳисоблар экан.

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонда.

Эмаса-чи, Абдулла кўнглига тутиб қўйган гапи канча, уларни битта-битталаб талай оломон, бозор тўла оломон ўқийдирган тарз-услубда ёзса борми! Ёзганлари пайдар-пай журналда бостирилса!.. Илло кутилмаган бу англашилмовчилик...

“Алҳазар!” деб юборибди Ростгўй амаки. У ҳамон хибсга ташланганлигини англашилмовчиликка йўяр, шунча кун ўтса-да, ҳар темир эшик очилиб-ёпилганида ана чиқаман, мана чиқариб юборишар деган умидда кўзлари тўрт бўлиб кутар экан.

Бироқ Абдулла ҳамон хайрон – кимсан, қайдан кеп қолдинг бу ерга, қай гуноҳ ишларга қўл уриб қўйдиган дейдиган банда йўқ, тўрт томони – бошининг тепаси, оёғининг ости сиймон девор – ёлғизхонада ўзи ёлғиз...

– Оллоҳни паноҳига!

Абдулла тўққиз кунлик ёлғизликдан сўнг кечагина қаватига келиб қўшилган ше-ригига қаради. Миқтидан келган, қадди дол, ранги захил, туркида кўркув қотиб қолган хужрадошининг нигоҳидан тайинли маъно укмади. Бу одам гапирганида лаби кимирламас, қараши, афти заррача ўзгармас эди.

– Иншооллоҳ!..

Абдулла эшик ёнига етганида ортига ўтирилди. Бир зум ҳаяллашининг жазо-сига дағдаға-ла айтилган “Чиқинг!” деган амр қулоғига игнадек қадалди. Бундай “илтифот”нинг мазмунини фаҳмлаб улгурди у. Демак, озод қушга айланиши даргумон...

Ростгўй амаки йўлакка чиққан замони икки соқчи қуршовида қолгани, эшик тарақлаб ёпилиб, шарақа-шуруқлаб кулфланганини кўргандагина батамом қоронғи зиндоннинг нақ тубида сакланишга ҳукм этилганига иқроп бўлибди.

– Юринг!

“Айнан кечаги томошанинг ўзгинаси”, деди ичюда Абдулла.

Тўладан келган, қора чўтир юзли, кўнғиз мўйлабли, чамаси ўттиз беш-ўттиз олти ёшлардаги афти кесакдек совуқ соқчи – Абдулланинг юраги шиг этиб кетди – турки Ҳомиднинг ўзгинаси-ку! Фақат бу нухса рўманда тасвирланган Ҳомидга қараганда у қадар узун бўйли эмас, сергўшт, кўзлари сўник.

– Тавба! – деб юборди Абдулла. – Ҳомиднинг ўзгинаси-ку!

Ростгўй амаки билан Абдулланинг тахмини бир жойдан чиққанини айтинг: ҳар иккиси ёши катта соқчини Ҳомидга ўхшатишибди. Фақат Ростгўй амаки тилини тия олмас экан.

– Афтининг қоралигини! Айнан Ҳомиднинг турки! – Шундай деб у индамаса тиккасига соқчининг афтига савол қотгудай ниятда тилига эрк берибди. – Қаерларда қорайгансан, ўрток? Асли наслинг қора эмас, кўр кўзга ҳам кўриниб турибди, кейин қорайгансан, кейин. Одам офтобда қораяди аслида. Сен эса мана шу нурсиз йўлақларда юравериб қорайгансан, панжараларнинг қорасидан қорайгансан, дийданг қотган, яъни қорайган! Сўнгра дийдангда бижиган қорақуя дийдорингга урган...

Ташқаридан қараган одам дарҳол пайқаши қийин эмас – ёши катта соқчи хизмати обдон бадиға урган шекилли, эринчоқлик билан алпанг-талланглаб қадам ташламокда. Абдулла қўлларини ортига боғлаган кўйи кўнғиз мўйлаблидан икки одим ортда унга эргашди. Айтди-ку, кечаги томошанинг ўзгинаси! Кеча икки нозир шу узун йўлақдан бошлаб кетди уни. У кетаётиб йўлакнинг икки томонида темир эшиклар саф тортиганига эътибор берди, “саёҳат” тугаб қайтаётганида эса ҳар бир эшикнинг одам бўйи баравар ўрнида майда сим тўр тортилган дарча борлигини, ҳар бир дарчадан ғамирлаган шарпа – ё кўркув, ё илинж, ё қах тўла нигоҳлар аланглаётгани кўз олдидан лип-лип ўтди.

Ундан икки одим орқада эргашиб келаётган ўспириннинг энгил-боши хийла униккан, ўзи ҳали у қадар қорайиб улгурмаган, рангпар, қадам олишларидан ўзига ишончи етишмаслиги, кўрқоклигидан далолат бераётганди.

– Шак-шубха йўк, узокка бормай бу жойларнинг нуқси шу йигитчага ҳам урмай қолмайди, – дебди Ростгўй амаки. – Қораяди, кизгимтир қора одамга айланади.

Ўспирин соқчи ўйинчоқ ўйнаётган боладек биқинига осилган калит шодасини бир силгадио, ундан керагини тутиб олиб панжара-эшик қулфига суқди.

– Юр-е!

– Айтмадимми? Манавинақа ҳомидларнинг бари қадимги девлардан, иблислардан таркагани аниқ!

Шу дамда Ростгўй амакининг шартакилиги Абдуллага ёқиб тушди. “Ҳомид”нинг оғзидан гуп этиб қўланса ис бурксиди. “Чекмаяптию!” деб хайрон бўлди Абдулла. Хайрон бўлдию хаёли бошқа ёқда – қаёққа бораётгани, неча муюлишни ортда қолдираётгани, нечта эшик очилиб-ёпилаётганида эди. Ҳар сафар навбатдаги эшикдан ўтиш чоғида соқчиларнинг ўрни қай тарика алмашаётганини пайқамай қолаётганидан хайронлиги ортарди Абдулланинг.

– Инс-жинслар одамларнинг кўзига кўринмай учиб юради! – деб изоҳлабди Ростгўй амаки бу аҳволни. – Бу нухсаларнинг инс-жинсдан нима кам жойи бор?!

Абдулла эса Ростгўй амакидан ўзгачароқ фикрлаётганди. Ахир шулар ҳам миллатдошларимиз-ку, шуларнинг ҳам ота-онаси бор, оиласи – бола-чақалари бордир. Ростгўй амаки айтмоқчи, булар хизматлари ортидан девларга, жинларга айланиб кетсалар, охир-оқибат фарзандларининг тақдири нима кечади?!

Йўлак дам тораяр, дам кенгаяр, айрим жойларда бир томон кета-кетгунча девор, иккинчи томон эса яна боягиндай дарчали темир эшиклар, дарчаларда турфа шарпалар, безовта нигоҳлар...

Абдулла айнан кечаги манзил сари боришаётганини, олдинда ва ортда унга ҳамроҳ бўлиб борувчилар бугун ўзгарганини, фақат кеча Абдулла ўзини жудаям ёлғиз ҳис қилган бўлса, бугун унинг садоқатли ҳамроҳи бор – Ростгўй амаки унинг жонига ора қираётганди.

Ўнг томондаги девор тугаб, ўнгу сўл, тепасию оёқ ости темир панжарали осма йўлгага етишди. “Кечаги жой” – нечанчи дафъа хаёлидан кечди Абдулланинг. Олтмиш одимлар ўтилгач эшик келади, олдинда бораётган кўнғиз мўйлабли соқчи эшикни очиб кўздан ғойиб бўлади, Абдулла ўспирин соқчи билан ёлғиз қолади. Соқчи миқ этмайди, Абдулла сўз қотмайди, қатъиян ман этилган оғиз очиш, бинобарин, темир панжарадан ясалган осма йўлакда муаллақ тураверишади.

Ростгўй амакини бошлаб кетаверишибди-кетаверишибди ва бир маҳал бала-анд темир панжара йўлакда, худди оёғи ерга тегмаётгандек муаллақ ҳолатда ёлғиз қолдиришибди.

Шу вазият-ҳолат такрорланишига амин эди Абдулла. Ана, кўнғиз мўйлабли соқчи қалин тунука қопланган эшикни очиб, ичкарига ўтди. Кеча ҳам шундай бўлган – Абдулла ортидаги соқчи билан ёлғиз қолганди. Бу қандай қилик, соқчиларнинг муддаоси нима – Абдулла тушунолмади. Кўнғиз мўлабли “қора” эшик ортида гумдон бўлса, ёнидаги “қорача”га сўз қотмоқни кўнглига тугди. Теварак-атрофда, ху-у пастда гимирлаган одам шарпаси кўринмади, панжарали осма йўлак, унга қўшилиб бу икки “елқадош” ҳамроҳ қора-қура ҳам муаллақ тураверишибди. “Бир терак бўйи келар-ов?” кўнглидан кечди Абдулланинг. Хотирасида жонланган ўйи таъсирида қулимсиради, ҳовлисидаги ҳовуз бўйидаги ёлғиз терак, кекса додасининг теракни пуллаш ва унинг пулига Қултепадан чўри хотин сотиб олиш ҳақидаги ўтинчи лип этиб ўтди хаёлидан. Терак омонмикан? Шамол-памолда ағдарилиб-нетмадиммикан? Рўзғордан қийналиб қолган ака-укаси кесиб сотиб юборишмаганмикан?.. Ўспиринга зимдан нигоҳ югуртирди, буни пайқаган соқчи ўзини бир қадам ортага олди. Кўзини олиб қочарга жой тополмади чоғи, калит шодаси-

ни шикирлатиб, шундан далда олгандек енгил тортди. Абдулла ўсмирнинг белига осилган калит шодасига разм солди. “Ихтиёрида шунча калит бўлган пойлоқчи билан кўлида бирорга калит бўлмаган маҳбус орасини озмунча масофа, жарлик ажратиб турадимиз?!”

– Биқинида нечта калит бўлса тили ҳам, кўли-оёғи ҳам шунча! – дебди, Ростгўй амаки ичида кесатиб.

Сўз айтишга изн берилса, Абдулла унинг калитларига қараб ўтирмасди-я, икки оғиз жумлада эсини киритиб кўярди-я! Бунга ишончи комил Абдулланинг, бироқ ўсмирнинг яна бир устунлиги – соқчи гапириши мумкин, Абдулла эса маҳбус – чурк этиб оғиз очишга ҳақсиз!

– Чурк этиб оғиз очишга у ҳақсиз, сен истаганча гапиравер, Абдулла, – дебди Ростгўй амаки.

Эртақ шу ерига етганда Назифа қизи ҳайрон бўлиб қарайди адасига, Ҳабибулла ҳам анойи эмас, “Ростгўй амаки сиззи исмингиззи қаердан билади?” деб ўсмоқчилайди. “Ростгўй амаки зийрак экан-да, кимдандир билиб олибди”, деб чалғитади ўшанда Абдулла ўғлини.

Эртақ ҳали давом этади, албатта. Ҳозир эса...

Ёши катта соқчи кириб кетган томондан итларнинг калта-култа акиллаши чалинди қулоғига. Абдулла оғиз очиш фурсати етганини сезд.

– Сўроққа оборишадими?

Абдулланинг бир оғиз саволи ўсмир соқчининг кўксига бамисоли мушт бўлиб тушди. Йигит илкис силганиб бир қадам ортга тисарилди.

– Терговчи тайинлашдими?

Соқчининг оёғидаги этикнинг нағали темир панжарага урилганидан учқун сачради. Мелиса боладаги кўркув калит шодасига юкди, унга қўшилиб темир панжарадан ясалган осма йўлка қалтирай бошлади – ҳосил бўлган беўхшов шовқин бу икки “ҳамроҳ”нинг инсон сифатида бир-бирига тамомила ёт ва бегона эканликларидан дарак бераётгандек эди.

Ўспирин жим бўласанми-йўқми деган вазоҳатда оёқларини кериб, белига тиралган кўлида... таёқни чангаллаб олган, ранг-кути гезарган, рўпарасида турган маҳбусга тиккан кўзлари косасидан чиқиб кетгудай вазоҳатда олайган, ўзи даг-даг қалтирарди.

Дунёга ўт кетдими, деб ўйлади Абдулла. Баногоҳ ваҳший йиртқич билан юзма-юз қолган одамга ўхшайди. Икки оғиз савол йиртқичми ёхуд шу савол қаршисида ёввойи таҳликага тушган манави одамнусаҳами?! Эссиз, одам!..

– Бунча ўтаканг ёрилмасе! Ўзингни бос! – деди умиди пучга чиққан Абдулла ҳафсаласи пир бўлиб. – Кимдир оғзингни сирачлаб ташлаган бўлса, қўй, гапирмансанг, ундан нарига!

У айтар сўзини шишиб улгурдим, йўқми, ортидаги эшик тўсатдан шарақлаб очилди. Чамаси эшик қулфланмаган, кўнғиз мўйлабли соқчи узоқ кетмаган, балки атайин маҳбусни синовдан ўтказмоқ ниятида эшик ортида пусиб, кулок солиб турганди.

– Син бунда кил! – деди у ўспиринга ўдағайлаб. – Син ҳам бу Ростгўйга қўшилиб отиласан!

Ўтакаси ёрилаёзган ўспирин ҳовлиқиб Абдуллани четлаб шеригининг ёнига ўтди, эшикни каттиқ ёпиб, икки қайта гирчиллатиб қулфлади.

– Йеер, китдек! – Тўнг овози эшитилди кўнғиз мўйлабли “қора”нинг.

Абдулла осма темир қафасда ёлғиз қолди. Панжара, панжара. Бармоқдек қалинликдаги темир панжара. Қуюқ қора рангга бўялган. Абдулла ёлғиз, бунинг устига муаллақ. Қўлларини эркин қўйиб осма темир қафас бўйлаб юрди-ўйлади,

кайтди-ўйлади. Нима ёки ким ҳақида ўйлаётганини аниқлолмади. Фикрини тиниклаштиролмаган дамлар овоз чиқариб, ҳатто ўзи билан ўзи гаплашиб ўй суриш одати бор эди, аслида ҳаёл суриш учун ҳам нималарнингдир номини, кимларнингдир исмини тилга олишга тўғри келади. Ҳаёл ҳам сўз билан тирик. Сўзсиз ҳаёл оқишдан тўхтайдди, кўлмакка айланади. Номлар, исмлар тилга олинмаса, ўй-ҳаёл жойидан силжимай қолиши шундан. Устига-устак оёғи ердан узилган, ер билан осмон ўргасида муаллақ...

– Жонингни сақла! Жонингни ўйла! Жонингни сақла! Жонингни ўйла! – деб тақрорлар эмиш Ростгўй амаки меҳрибонларча, иккала соқчи кириб кетган темир эшик томонга муштани дўлайтириб.

Абдулланинг эти жуижикди. Анавилар қаёққа ғойиб бўлди? Атайин уни ёлғиз қолдириб аллақайси туйнук-тиркишдан кузатишаётгандир? Ёлғиз-танҳо одамнинг муаллақ ҳолда қолдиришганидан хузурланишаётгандир? Эҳтимол унинг асабини тоблаш ниятида меҳрибонлик кўрсатишаётгандир?..

Тўқима эртақ шу ерга етганда узилди...

Агидулин “Муштум” журнали ходимлари, фаол муаллифлари билан оғанидек бўлиб кетди. Терговчи томонидан чақирилган ходим белгиланган манзилга ўша заҳоти қуюндек учиб етиб келар, чақирилмаган тақдирда эса ўзининг давлат аҳамиятига молик муҳим тергов жараёнидан четда қолиб кетаётганидан ўпқалангандек мунғайиб рўбарў бўлар, кизиғи – барча гувоҳу шохидларнинг кўргазмаси пировардида бир қора нуктага – Қодирийнинг ашаддий жиноятчи эканлигини фош этишга бориб тақалар, бунга сайин Абдулланинг бошқа “жиноят”лари тахлам-тахлам қоғозларда жамланаётганди.

Абдулла ёлғизхонага ташланганига сал кам бир ой бўлаёзганда унинг жиноий ишига яна бир варақ қўшилди.

ҚАРОР

Тошкет ш. 1926 йил апрель ойининг 3-куни. Мен Ўрт. Осие СО ШП ОГПУ вакили Агидулин “Муштум” журналининг 28-сонида босилган Жулқунбой томонидан таҳрир қилинган Хуршиднинг “Бон-Бон” мақоласини шу бугун ўқиб кўриб чиқар эканман

АНИҚЛАДИМ:

1/ “Қизил Ўзбекистон” газетаси таҳририяти томонидан берилган тушунтиришлардан маълум бўлдики, мазкур мақола муҳаррир томонидан босишга руҳсат этилмаган, бироқ муҳаррирнинг “босилмасин” деб чеккан имзоси Абдулла Қодирий томонидан қасдан ўчирилган. Натижада мақола босмахона томонидан қабул қилинган ва журналнинг кўрсатилган сонида босилган.

2/ Яъни ЖПК 128, 129, 142-моддаларига биноан 116-моддани назарда тутиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

Фуқаро АБДУЛЛА ҚОДИРОВНИ ЖК 116-моддаси бўйича жиноят содир этганлигидан келиб чиқиб, унга қўшимча айблов эълон қилинсин.

СО вакили Агидулин

“Розиман” Карпилов

“Тасдиклайман” Белский

Айблов менга 3/IV–1926 йилда берилди

Ўзимни айбдор деб ҳисобламайман (Айбланувчининг имзоси)

Ахборот нухаси ... Прокурорга

Вакил Агидулин (Имзо)

Белский прокурор Бондаревдан келган хужжатларни бирма-бир, синчковлик билан кўздан кечирди. Гувоҳ сифатида сўроқ қилинган босмахона раҳбари Степан Левченко, журнал ходимлари ва муаллифлари Хуршид Шараф, Комил Алимов, Шермухамедов, Хусайнов, Зиё Саид кўрсатмалари билан танишди. Катта ва қалин дафтарига алланималарни ёзиб қўйди.

– Ўйнатиб келишдимиз?!

Абдулла ҳамхонасининг товушигина эмас, унинг туси-турки ҳам ўзгариб қолганини дарҳол фаҳхламади. У “ўлан тўшаги”га айланган ёлғизхонасидан чиқиб унга қайтиб келгунича юз берган ва дилига туғиб улгурган саргузашт-эртакни мароқланиб оқизмай-томизмай ҳамхонасига сўзлаб беришни, шу йўл билан “Индамас”ни сайратиб юборишни дилига туғиб келганди, не кўз билан кўрсинки, мутлақо босқа кимса – қорамағиздан келган, килтирик, ранги захил, хум калласи тап-тақир қилиб қирилган, шалпангқулоқ, кўзлари чақчайган, яктагининг олди очик, кўринишдан ўзидан ёшроқ бир нусха уккиқараш қилиб турарди. “Ўбдон ёзадиган қуйма тип – Ялангтўш-ку!” деб унга бир қарашда лақаб қўйиб улгурди Абдулла. У қоғозга тушириш чоғида яна-да сайқал бериш ва ниҳоясига етказишни мўлжаллаган эртақ тафсилотини ҳам унутди, хужрага кўз югуртириб, янги ҳамхонасига дурустроқ назар солиб улгурмай, эшик шарақлаб ёпиди, кулфланди.

– Омадинг бор экан-де, ука!

Абдулла “Ялангтўш”га бир сония тиккасига қараб турди-да, гап-сўзсиз жойига чўкди. Хийла фурсат тўзиган хаёлини жиловлай олмади.

– Нега индамайсан? – савол қотди янги шериги.

Абдулланинг пешонаси тиришди, бироқ саволни жавобсиз қолдирмаслик учунгина оғзига келган гапни қайтармади:

– Қанақа омад?

– Ман билан тушганинг омад-де, окаси! Ман ёнингда бўлсам, мушугингни биров пишт демайди-де!

Абдулла мийиғида кулимсиради.

– Мушугингни кўриқлаш учун қўйишдимиз с...с... “Пишт” дейишларини кутиб тоқатим тоқ бўлди, а?.. – Абдулла янги танишни “сиз”ласинми, “сен”ласинми, “ака” десинми ёки “ука” десинми – шунисига иккиланди. У эса кўзини лўқ қилиб “ука”лашдан чарчамасди. Афтидан акалик қилишни ёқтирадиганлар хилдан кўринди.

– Эркакмисан?! Кўрқмай, чўчимай гапиравер-де! Ҳаётда паст кетма, ука!

– Сиз нега қамал... қандай маҳқум?..

“Ялангтўш” яйраб кулди. Олис бир тарихни сўзлаб беришга чоғланган ривоятчидек, чордана қурганича зах сиймон ерга жойлашиб ўтирди-да, кўрсаткич бармоғини Абдулла томон нуқиб-нуқиб уқдиришга киришди:

– Янгилардан экансан-де, окаси. Так, бу жойларга биринчи зиёратинг-де. Молодойсан, солягасан. Кўп нарсани тушунмайсан... Билиб қўй, турмада ётган зекдан зекни фарқи бор. Қулоқлар бор, хеббим-хезалақлар бор, крутойлар бор, тушундингми? Ман – ўғил бола аристонман, ўғил бола!.. Нима ёзасиз, ўзи? Ёзувчиларни додаси эмишсиз. Бизага ўхшаш замондан ортда қолган омиларни майна қилиб ёзармишсиз, шу гап тўғрими?! Ёзсанг, ундан нарига, одам боласидан кўрқсам хез бўлай – ҳар нарса бўлай, билдингми?! Хашаки одамга ўхшамайсан, так, узок ўтирмайсан, тавбангга таянтиради, синдиришади-де, эшикни очишади – пир этиб учасан-кетасан. Хў-ў осма йўлакда оёғингни остига қарамабсан-де, окаси?

“Бунақаларни “блатной” дейишади турмадагилар. “Блатной!” Фирт ўзи! Ўзги-

наси!” – кўнглидан ўтказди Абдулла. Ўтказдию афти бужмайиб кетди – “блатной”нинг озидан пойма-пой чиқаётган гапларни астойдил эътибор билан тинглашга тоқати етмади, уларнинг қай бири рост-қай бири ёлғонлигини фарқлашга тоқати ҳам етмади.

– Оёғим остида... нима? – дея олди, холос.

Ҳамхонаси кети билан сурилиб, Абдуллага яқин келди. Пичирлади:

– Сани осма панжара йўлда ёлғиз қолдиришди. Сан анави кўшпақлар қайтиб чиққунча анграйиб туравергансан. Тўғри қилгансан, ажаб қилгансан!

– Хўш? – ҳамон гапни тўла тушунмади Абдулла.

– Ўша жойда оёқнинг остида дарча бор, так, одам сиғадиган туйнук. Қопқоғи кўтариладиган. Энди етиб боргандир?! – “Ялангтўш” шундай деб бехосдан қалампир чайнаб юборган одамдек афтини бужмайтириб, бошига ёлғондака муштлади.

Абдулла кизикиб кетиб жилмайди, бош тебратди. Ҳамхонаси энсаси қотиб чакчайган кўзини қаерга олиб қочишини билмай, гудраниб сўкинди:

– Даюслар!

Шу пайт эшикнинг туйнуги очилиб, “Овқат” деган овоз эшитилди. “Ялангтўш” ўрнидан туриб мис товоғини олди, эшик томон юзландию тўхтади, Абдуллага бирров назар ташлаб истар-истамас унинг товоғини ҳам олиб эшик ёнига борди. Таом тарқатувчи – новдадеккина маҳқум бола мис товоққа чўмичда шилдир шўрва қуйди. Кутилмаганда “Ялангтўш” туйнукка бетини тақаб овқат қуяётган йигитчанинг ортида турган миршабга ўдағайлай кетди:

– Ўв, сўтак! Сан бу хатага яқин йўлама дегандим! Чаккангдаги қулоқми, ё аммамни чучварасими?!

Миршаб йигит кути ўчиб дўриллади:

– Тек! Тек-к! – деди у овозини баландлатиб “Ялангтўш”га. – Ҳаддингдан ошма, Илон! Жойингга ўтир!

– Ҳаддимдан ошаман-де! Ўтирмайман! Қўлингдан нима келади?! Айтувдим-а, туркинг ёкмади, деб! Жиним суймаган одамми-чи, ғиппа бўғаман – ўлдираман-қўяман! Ҳавасга ўлдираман! Биласан-а, нечтасини гумдон қилган бўлсам, пичок ишлатмадим, чилвир ишлатмадим – ҳаммасини маши қўлларим билан бўғиб ўлдирганман! Тил тортмай, кўзи оқиб тушган ҳаммасининг!

“Ялангтўш” шундай деб, ажойиб-ғаройиб бир юмушни қойиллатиб қўйган одамдай хириллаб кулди. Абдулла шу тобда айтишга арзирли сўз тополмади. Кимнинг ёнини олишини ҳам билмади.

– Билиб қўй, ука, – деди икки қўллаб овқатланишга шайланаётган “Ялангтўш” ҳамон ғазаб ва нафратидан тушмай, – булар билан фақат мана шу тилда гаплашиш керак! Сан дўк уришни эпламасанг, санга дўк уришади. Одам ўрнида кўришмайди. Зек – одам эмас улар учун, аристон – бит, аристон – бурга, аристон – кана, муха! Манга ўхшаш одамхўрдан, санга ўхшаш ёзғувчидан ўнтаси тўққиз пул уларга. Манга эса анавинака хеббимларни юзтаси бир пул, вох-ҳо-ҳо!.. Овқатингни ич! Ох-ох-ох, бунақа жонон ювиндини уйингда хотинчанг ҳам пишириб беролмайди!

Абдулла истар-истамас мис товоқдаги шўрвани қошиғида кавлай бошлади. Жини суймаган одамни бўғиб ўлдиришдан тап тортмайдиган... одамхўрга рўпара келгани сабаблари ва оқибатларини тош-торозига солишга уринди. Лақаби Кўршапалак бўлиб қолгани сабабини ҳам суриштирмади. Узоқ ўйламай унинг “муборак” исмини “Ялангтўш”дан “Илон”га эмас, “Бўғма”га ўзгартирди.

– Хотин борми? – Кутилмаганда савол қотди “Бўғма”.

Абдулла унинг афтига қарагиси келмади. Атайин товоғидаги таомдан кўзини

узмай, истар-истамас уни кавлашда давом этди. Шунда “Бўғма”да қандайдир авлиёлик қобилияти бордек туюлиб кетди. У Абдулланинг хаёлидан кечаётган, кўнглининг бир чеккасида йилт этган фикрни шу заҳоти илғаб олаётган, айна ўша мавзуда гап очаётган эди.

– Шу баландадан нима қидирвоссан?! Ундан кўра мани афтимга кара-де, ука, мискангга қарамай паққос тушир, ўлиб қомайсан!

Абдулла унга тик қаради.

– Хотиндан нечта?

– Нечта бўлиши керак? – Саволга савол билан жавоб қайтарди Абдулла. У “Бўғма”нинг валдир-шалдир вайсақилигидан энсаси қота бошлаганини, унинг махбуслик борасидаги кўпни кўрганлигини пеш қилишлари ёқмаётганини бетига айтиб ташлагиси келаётганди. Рўпарасида – қўл етгудек масофада ўтирган мана шу тайин-тутуруғи йўқ, “Бепарҳез-беҳирад!” деди ичида шивирлаб Абдулла. Гап-сўзларидан бу ёруғ дунёда қўл урмаган номаъқулчилиги қолмаган “Ғассоб!”¹ деди аччиғидан тишларини гичирлатиб, одамхўр, бўғма илондан-да ваҳшийроқ махлук билан гурунглашиб ўтиргани, унинг алмойи-алжойи саволларига жавоб бераётганидан ўзини ҳақоратланган ҳис этаётгани, бироқ ичидан нималар кечмасин барини ташқарига чиқармаслик эпини топаётгани йиғилиб алам-андухга айланиб, жон-жонидан ўтиб бораётган, шунинг баробарида бундай “суҳбати жонон”дан қачон кутилишини тасаввурига келтиролмаётган ёхуд... бирор калтисроқ вазифани гарданига юклаб, атайин унга қўшиб қўйишган бўлсалар-чи?! “Бўғма” йирткич сиртлондек пайт пойлаётган бўлса-чи?!

“Бўғма” апил-тапил хўриллатиб, нимани оғзига солиб, жиғилдонидан нималар ўтаётганига ҳам парво қилмай “жонон ювинди”ни паққос туширди, товоқчасини ялаб-юлкаб қўйди. Сўнгги лукма нонни чайнай туриб, боя бошлаган гапини адоғига етказди:

– Мани уч марта олиб боришди ўша туйнук тепасига. Лўҳ эмасман-ку, дарров тушундим-де, “Мана, санларга!” дедим. – “Бўғма” чап кафтини ўнг билагининг ўртасига кўндаланг қўйиб, муштини дўлайтирди. Ғазабини тўқишда давом этди: – Дарча қопқоғини очиб, ўзимми пастга ташлармишман! Қаллам билан сеймонга тушиб, парча-парча бўлиб, қонимга беланиб ётармишман-де!.. Мен-а?! Ман учта одамми бўғиб тиңчитганим учун ўтирган бўлсам, так, қўлингдан келса, мани ҳам бўғ! Бўғиш қўлингдан келмаса – бўғизла, ос, отиб ташла, хунаса! Осонгина қутулмоқчи, хезимкашлар!

Абдулла оғир ўйга чўмди. Осма панжара йўлакда оёғининг остига қарамаганини, қопқоғи очиладиган туйнук кўринганини эслолмади. Манавининг тузсиз алжирашидан ҳозиргина кўнгли ағдарилаёзган бўлса, энди унинг гапларига маъни киргандек туюлди. Истаса-истамаса эшитаётган вайсақилиқдан мянса шишиб кетди. Кўнглидан ўтаётган ўйларини беихтиёр ғўлдираб ошқор қилиб қўйди:

– Ғалати... Ақл бовар қилмайди... Кимлар ўйлаб топаркин шуларни?..

– Нимани?

– Одамларни жонига азоб бериш... Ўз жонига қасд қилишга мажбурлаш...

У кўп ўйлади, неча қайта шубҳа-гумонларга борди, матбуотга ёзганлари учун авахтага ташлаш, тавбасига таянтиришга уриниш, ёлғизликка маҳкум қилиш – нахотки, шуларнинг бари маҳаллий маъмурлар, миршабу полислар, зобитлар томонидан ўйлаб чиқилган бўлса?! Бу аҳволдан Акмалбой, Йўлдош Охун бохабармикан? Ёки бу катталарнинг катталиги сомонхонагачами? Жилови Масков томонлардами?.. Ўша Масковдаги каттаконларга бағишлаб яна битта “Йиғинди

¹ Зулмкор.

гаплар”ни битса, уни, “Салтанат улуғлари кечаю кундуз бепоён мамлакатни олийшаън чароғон кунларга олиб бориш чораларини излашаётган бир пайтда” деб бошласа...

“Бўғма” яна авлиёлик қилди. У яна бир қарра хамроҳининг оғзидан чиққан эмас, у ҳали айтишга улгурмаган – тилига кўчирмаган ўйларига жавоб бўларли топилдиғини айтди:

– Ўтаканг ёрилмасину, укам, афтингга қараганда бу томонларга кеп турадиганлар хилидан кўринасан. Ичинг тўла захар, хаммаси бўғзингга қадалиб турибди. Икки-уч камалсанг, айтилмаган гапларни ҳам тушуниб оладиган бўб қолсан, – деди у ҳали дурустрок танишиб-нетмаган авахтадошини юпатмоқчидек оҳангда. Ва кети билан сурилиб келиб Абдулланинг қулоғига муздай лабини босди. Эшик томон ўғринча кўз ташлади-да, кафтлари билан оғзини тўсиб шипшиди: – Заза² ўлғудай куёнорак, ўзидан хавотирда... Так, агрофи тўла бўри... Ўзимиззи тепадагилар хаммаси зиндик,³ ханносни⁴ томчисидан тарқаган ж...блар!..

Айбланувчига дастлабки тергов тугаши
муносабати билан эълон қилиш ҳақида

547 рақамли иш

БАЁН

Тошкент ш. 1926 йил апрель ойи 6 кун III ОГПУ вакили СО Агидулин ЖПК 207-моддасига кўра ЖК 116, 72. 105-модда 1-банди бўйича айбланувчи

АБДУЛЛА ҚОДИРОВга

эълон қиладиким унинг иши юзасидан олиб борилган тергов жараёнлари тугалланди. Терговга яна қандай қўшимчалар киритилишини талаб қилиши сўралди ва айбланувчи қўшимча киритгани йўқ

Айбланувчи (Имзо)

Ваколатли вакил (Имзо)

Абдулла алламаҳалгача мижажа қокмади, ваҳоланки, кеча туни билан миясига ўрнашиб олган қандайдир жиннисанғи нағма оромини ўғирлаган, ҳатто кундуз ҳам ўша беҳаловатликдан қутулолмаганди. Абдулла аҳён-аҳёнда такрорланадиган бундай ҳолатидан хайрон бўлар, унинг сабабларини ўзича излар, ҳеч кимсага бу ҳақда оғиз очмас, лекин тайинли ҳеч бир ҳукм-хулосага келолмай, қулиб қўя қолиш билан кифояланарди.

Маҳбусликнинг бешинчи ё олтинчи кунлари эди, шекилли. Ёлғиз, ўй-хаёл уммонига фарқ бир алфозда, чала уйқу-чала бедорлик орасида кўзи илиндию, ҳе йўқ-бе йўқ... Қудратилла⁵ дуторини тинғиллата бошлади. Абдулла ундан кўз узмай тинглади. Шу пайт дутор нағмасига қўшиқ сўзлари уланди: “Гулёрахон – Гулёра, Гулёрахон – Гулёра, Гулёрахон – Гулёра”. Не ажабки, кўздай қўшниси Диёр маҳсидўз Абдулланнинг ёнига чордана қуриб жойлашиб олган, берилиб хиргойи қияпти! “Ҳой Қудрат, ҳой Диёр ака, сизлар қаердан пайдо бўлдинглар, бу ерда нима қилиб ўтирибсизлар?!” деб сўрамоққа ҳарчанд лаб жуфтламасин, Абдулланнинг тили “Гулёрахон – Гулёра”дан бўшамаса-да! Тонггача айтди. Неча ухлаб, неча уйғониб такрорлади шу хиргойини. Ваҳоланки, ҳў-ў қачонлар бир сафар Диёр амакининг дўқонига тасодифан кириб қолган, икки улфати қаторида ўтирган мезбон “Гулёрахон – Гулёра” қўшиғини берилиб қуйлаётгани устидан чиққанди. Бўлгани шу, унут-

² Заза – Сталиннинг қатта бобоси, Иосиф ва Заза исмлари маънодош.

³ Мунофик.

⁴ Шайтонни.

⁵ Адбнинг укаси.

гандек ҳам эди ўша алёрни. У ҳолда қоқ ярим тунда, тагин қаерда ва қай аҳволда ухлаб ётган бандининг хотирасига қаерлардан меҳмон бўлиб келди экан у нағма?! Наҳот унга халоскор оҳанг бўлиб ташриф буюрди “Гулёрахон – Гулёра”?! Сиймон девору темир эшиклардан ўтиб тушида ҳамдард бўлмакчи эдим “Гулёрахон – Гулёра”?.. “Диёр амаки соғ-омонмиканлар, хонадонлари тинчмикан, ишқилиб?” дея хаёлан дуо қилганди Абдулла ўшанда. Мана, энди, бу сафар уйқусида яна бир кўшниси Нишон маҳсидўзникага “кирди”. Икки навкар номаълум томон, мавҳум бир мақсадларда етаклаб кетишяптию, ёнида Нишон косиб, “Ракканг гум, ракканг гум”лаб мукаллидлик қилишдан тинмаяпти! Бу етмагандай, диконг-диконглаб ўйинга ҳам тушиб кўяди денг! Абдулла хавотирда, мукаллидвозликни тушунмайди ахир бу тасқаралар, тушунмаган махлук ҳазилнинг фаркига борармиди, Нишонбой ака?! Сизни жувонмарг қилмасалар яхши эди, Нишонбой ака!.. Абдулла ўйини ўйлагунича, не кўз билан кўрсаки, Нишон косиб ўнг тараф бикинида ғужанак бўлиб ўтирибди! “Роса пийпалашган!” деб юборди Абдулла унинг конталаш бети-га, эзилган, пажмурда жуссасига қараб. Маҳсидўз ўзи не аҳволдаю дам ингранар, дам “Ракканг гум”лаб кўярди. “Ҳой, Нишон ака, овозингиз чиқмасин, мукаллидлик улуг санъат, фақат у тушунган фаҳми очиклар учунгина санъат, гумроҳлар учун эса қабоҳат”, деб тақорлайверди.

Абдулла эшик туйнуги томон кўз қирини ташлади. Сокчилар Нишон акани пайқаб қолсалар, бу ким, қаердан пайдо бўлди, деб сўроққа тутсалар нима жавоб қилади, ахир!..

Хуллас, тонготар Абдулланинг мияси бирон лаҳза бўлсин “Ракканг гум, ракканг гум”дан бўшамади. Кейин ўйлади, мулоҳаза қилди. Чамаси, кечаги “кўнгилочар сайри-саёҳат”дан асаблари толиққан, ичига йиғилган ҳақорат, алам, изтиробдан халос этмоклик ниятида “етиб келган” Нишон косибнинг “Ракканг гум”и! Ягона халоскор ўлароқ ташриф буюрган бандининг серғалаён уйқули шуурига, “Ракканг гум”!

Тунги безовталиқ, беоромликдан норизоланмаган, ношукрчилик қилмаганди. Тушида ғойибона мадад бериш мақсадида беминнат хизмат кўрсатган Нишон косибнинг ҳақкига дуолар ўқиганди – ундай тунлар ҳолва экан. Бу тун кегагисининг мутлако акига – энди “Ракканг гум” қаерда, хиргойи сиғадими кўнгилга, ёнгинасида тирик “Бўғма” илон ётган бўлса, бундай махлук билан бир ҳужрада қандай тонг оттиради? Тонгни кўриш насиб этармикан Абдулла? Тонг отмаса-чи?..

Абдулла бетизгин-бежилов хаёлларини жамлаганида шу қадар... ёзишни кўмсадики!.. Қанийди, шу тоб-шу кайфиятда уйдаги ижод хонасида бўлса, лампа шишани ёқиб кўйиб, қўлида қоғоз-қалами бўлса, ичи тўла қайнаб келяпти, тошиб-айкириб келяпти, бош кўтармай, қаторасига етти-саккиз мақолани ёзиб ташларди-я! Оббориб журналдаги, газитдаги дўстларига, сафдошларига бирин-кетин ўқиб берарди-я!.. Дард кўб – давоси йўқ, ҳасрат узок – кечалар қисқа, кўзлар кўр, жарт-журт зўр – манзил узок, ваҳима қатта, тўй бедарак, осмон узок – ер қаттиқ, бўйи бир қарич – соқоли икки қарич... Ёдида, “Туркистон” газитига ёзганди шу сўзларни, бошқа ёзганлари ёдига тушди. Ҳамроҳига сездирмасликка уриниб, ичида кулимсиради... Шейр ёзганди: “Кўр бизнинг аҳволимиз, гафлатда қандай ётамиз, Жойи келган чоғида виждонни пулға сотамиз...” Бизникилар “Бўрк ол!” деса, бош олишга ҳозир... От билан эшакка солиқ солинибдур, хайр, солинса солинибдур; бу орада бир қамбағалнинг эшаги очликда ҳаром қотибдур; хайр қотса қотибдур. Ўлган эшагининг солигини бераверасан, деб фармон чиқарибди қаланоғизлар... “Отингдан айланай Мочалов. Исми шарифингни эшитсам бутун борлигимга сиркироқ қирадир, Мочалов!..”

– Нимадан кулвоссан, укам? Ўзингча кимми майна кивоссан?

Абдулла ёнгинасида “Бўғма” ётганини ҳам унутганди. У туткич бермас хаёли, куюк қора булутлар остида қолган хатар тўла хаёлларига пайдар-пай ёпирилиб келаётган ёзганларини қарийб овоз чиқариб такрорлаётган, такрорлагани сайин хумордан чиқаётган эди.

– Томинг кетиб қолмасин тагин! Қўрқвоссанми?

– Худо йўлида савоб ишга таваккал қилган одам бандасидан қўрқмайди, окам!

“Бўғма” Абдулланинг жавобидаги жеркиш ва дакки оҳангини илғамаси, илғанган бўлса-да, пичингдор “окам” сўзи унинг китик патига роса ўтиришган, яъни кўкнори сўрган банги ҳолатига туширган эди. Абдулла эса ўз хаёллари билан маст – мақолаларида ёзган сўзлар, ўхшатишлар, жумлаларни энтика-энтика такрорлашдан хузур топаётган эди... Азбаройи Худо, айтингиз-чи, ҳуқуқ деган нарса ўзи нима? Ҳуқуқ нимадан иборат? Гуваламики, уни биз майдалаб ҳожатимизга яратайлик?! Нима ахир? Бунинг жавобини – “ҳуқуқ” деган дарди бедаво бўйнига осиб олганлардан сўраймиз... Ясовуллар, қозно қузотлар бу гапка, бу ишларга тушунадирларми?.. Чорсуни соғиндим, Чорсу бозорини!.. Пиёда кезган одамнинг чиккиси келмайди. Аторлик, чархчилик, пичоқчилик, темирчилик, мисгарлик, бешикчилик, тароқчилик, чопондўзу дўшпидўзлик, читфурушу чегачилик, заргарлик, маҳсидўзликлик, эх-хе-е, нимасини айтасан, кадрдон Чорсу! Кўчаларда йўл усти ош, нон, кабоб, балик, сомса, манти, лағмон, калла гўшти, хасип, нўхотшўрак, бодроқ, холва, обакидандон... Исирик тутатиб юрганлар, тиланчилик қилаётганлар, қандингни ур, баринг! Оҳо-ҳо-о-й, кеп қолингга-а-ар!.. Ким билсин, бу кунларда кеп қолинглар деб жар солишларга ҳам ижозат йўқдир, ҳойнаҳой?! Ёзгани ёдида: “Эски шаҳарнинг бошдан-оёғи, оёқдан-боши, етти яшардан етмиш яшари кўтур... Эски шаҳарнинг афкори умумияси шу кўтур масаласи билан машғул... Халқ соғликни сақлаш бўлими бу тўғрида кимир этмайди... Эски шаҳарда бўлган мушук-сичкон жангида ўн минг кишининг бурни пачоқ бўлиб, қирқ минг кишининг ияги эзилди... Пилдир, пис... Гувала, лўмбоз, замбил, Аштак-паштак Темиртак-пистак! Тоғдан лов-лов, Миянғ фов-фов!.. Бири анбар, Она қизи қайда? Ола була тоғда. Гулдир губ, Пилдир пис!..

Абдулла баралла кулиб юбормаслик дардида кафтини оғзига қопқоқ қилди, ётолмади. Ўрнидан туриб, қоронғи ҳужрага кўз югуртиришга, шу орқали ўзини чалғитишга уринди. Аллақаердан тушаётган ожиз шуъла манбаини беҳуда излади, жуда-жуда топгиси келди – истаги, умиди зое кетди. Кўз олдида Тошпўлат тажанг пайдо бўлди... “Тажанг”ни ёзишга ёзди, журналда эълон ҳам қилди, аммо-лекин, мана, ёнида ётибди ҳақиқий Тажанг! Алҳазар, Полвоннинг ўзгинаси-ку бу! Ҳаётини киморга тиккан, бор-шудини бой берган, уч-тўрт чака илинжида одам бўғизлашдан тап тортмаган Полвон!⁶ Тажангни шу Полвондан олганди, манавиниси ундан ошиб тушди, буниси “Бўғма”! Билмаган нарсаси йўғ-а? Сўраб-суриштиришга ҳам ҳожат қолмаяпти – бир дунё саргузаштларни тўкиб ташлади ўзи, яна сўраб-нетса борми, оғзининг истансаси йўк!

Дастлабки тергов

Тугалланиши ҳақида

Иш № 547

ҚАРОР

Тошкент ш. 1926 йил апрель 6 кун

ОГПУ вакили Агидулин АБДУЛЛА ҚОДИРОВни айблаш бўйича 547 рақамли ишни кўриб чиқиб ва иш юзасидан тергов жараёни мукамал ўтказилгани ва эълон қилиш учун монелик қолмаганига эътиборан ЖПК 207-моддасига биноан

⁶ “Тошпўлат тажанг” қахрамонининг ҳаётдаги прототиби.

ҚАРОР ҚИЛАДИ

Иш юзасидан тергов ишлари тугаллансин, бу ҳақда айбланувчига хабар етказилсин

Ваколатли вакил Рози

Бошлик Тасдиқлайман

Эълон қилинди “ ” 1926 йил

(Айбланувчининг имзоси) Имзо

Турмадан эсон-омон чиқса Тошпўлат тажангни қайта ёзишни дилига тугди Абдулла. Ёки турма хангомаларини алоҳида бир асар қилсамикан? Жулқун эмас, Жубой, Овсар ёхуд Думбул эмас, Гоголнинг Хлестокони муаллифлик қилса, қурмағурнинг тили хўп ўтиришади-да, ўзиям! Ёхуд... Дон Кихотни гапиртирса-чи? “Ийғинди гап”ларни ёзгани учун зиндонбанд этилган Дон Кихот, нима дедингиз жаноби Сервантес?! Ёздингизми, тамом деяверинг, муҳаррир ёнингизга тушмайди, бир товоқдан оби ёвгон ичаётган қаламқаш жўраларингиз кетини бетингизга тутуди, бу ёғи тақир сайҳонда ўзингиз ёлғиз, жавобини ҳам ўзингиз берасиз. Санчо Пансонни сотасизми, қирчанги тулпорингизни пуллайсизми, бу ёғи ўзингизга ҳавола. Чидамасангиз, тирсакни тишлаш ихтиёри ўзингизда, жаноб Сервантес!.. Ҳой, “Бўғма”, Дон Кихот саргузаштлари қулоғингизга чалинганми, окам?! “Ревизор”-чи? Бу дунёга не муродда келдингу не қисмат йўллариди адашиб юрибсан, хўрозвой?!

Бир каззоб пошшо бўлган экан, – эртақ бошлаб қолди “Бўғма” салмоқланиб, тўсатдан, – унинг ҳузурда оғиз очиб сўз айтган мулозим икки-уч кунни ичида гум бўлиб кетаверибди. Буни пайқаб қолган мулозимлар ой ўтибди, йил ўтибди, ўламан саттор оғиз очмасликка одатланишибди.

– Нега гапирмайсанлар? Ҳаммаларинг тилдан қолдиларингми, энағарлар?! – дағдага қилибди пошшо, шумлиги-каззоблиги тутиб.

– Бир қошиқ қонимдан кечгайсиз, олампадох, ҳеч кимсада гап йўқ, – дея юқуниб-эмақлаб ялтоқланибди вазири аъзам. – Сиздек етти иқлимда топилмас донодонийшманд инсон турган жойда бошқаларнинг сўз айтишига йўл бўлсин.

– Ҳеч кимда-я? – ўсмоқчилабди пошшо тулкилик қилиб. – Ҳеч кимсанинг ичида гап йўқми?

– Йўқ-йўқ, – қўрқа-писа вазири аъзамни гапини тасдиқлашибди мулозимлар жўровозда. – Ичимизда бирон оғиз сўз қолган эмас.

– Жаллод! – дея қарсақ урибди олампадох. Жаллод учиб кириб, ойболтасини кўтарибди:

– Лаббай, шохим! Буюринг!

– Бир чеккадан калласини сапчадек уз, манави соқовларни! – деганча бақрайиб қараб ўтираверибди каззоб. Жаллод амрни адо этишга киришибди. Пайдар-пай танидан жудо этилган каллалар салла-палласи, соқол-мўйлаби аралаш-қуралаш қонга беланиб, сапчадек ҳар томонга юмалайверибди. Шунда не кўз билан қарасаларки, калласи олинган ҳар бир мулозимнинг бўғзида тикилиб, қўйни кумалоғига айланиб қолган сўзлар оёқ остига думалаб-думалаб, тутдай тўкилибди...

– Кунда! – деб юборди Абдулла ғазабини босолмай, тишларини ғижирлатиб. “Бўғма” уни ҳам эртақдаги пошшо мулозимларига ўхшатди, деб ўйлади, шекилли, бу қадар ғазабини жиловломай қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. – Каллангни узиб ташласа, тананг қундаликка ярайдими?! Нима демоқчисан?! Ман нималарни ўйлаб ётганимми сан қаёқдан биласан?! Санга айтсам, тушунасанми, аклинг етадимми?!

Хом каллангга келган сассиқ чўпчагинг кимга керак?! Ё менга ақл сўқивоссанми?! Ким деб ўйлавоссан мани! Бир пас қисиб ётсанг ўласанми?!

Темир эшиқ дарчасида пайдо бўлган башарадан: “Ҳой Илон! Ишқал, ўчир!” деган даргазаб овоз келди. “Бўғма” ётган жойидан бошини кўтариб, ёталок чеккасига оёғини осилтириб ўтирди-да, ингичка бўйинини бабоғ хўрозга ўхшатиб чўзганича эшиқ туйнугини мўлжалга олиб туплади. Болохонадор қилиб сўқинди. Ва бирдан Абдулла томон ўтирилиб, тамомила хайратда қолган одамдек мутлако бошқа оҳангга кўчди:

– Ёзғувчимас, мужик экансану! Забон боракан, дух бо-ор! Манга сакрадинг-а?! “Илон” десанг ўнта хата наридагилар иштонига сийворади, қойил-е! Ман сани фойданга ишлавомман, ука. Шайтоним тутса-чи, санга ўхшаган молодойни икки секундда бўғаман-қўяман, калима келтиролмай қоласан. Илло санга қўлим бормади, тушунвоссанми?! Кўзинг бошқача, кўзингни қораси тоза, тушунвоссанми? Ичинг тўла гап – кумалокка айланмаган, қайнаб ётибди. Так, манга дўқ урма-де...

Абдулла бирдан ҳовурдан тушди, индамаса “Бўғма” яна ақл сўқишдан тўхтамайдиган, қолаверса, у айтаётган гаплар Абдуллани бир қадар мулзам қилаётгандек туюлди.

– Жойингга ёт, ухла, эртага гаплашамиз, – деди у. Жиғибийрони чиққанига қарамай, кўнглининг бир чеккасида “Бўғма”нинг китобдан ўқиб бергандек дона-дона қилиб, шошилмай эртақ айтишидан росмана хайратланганди ҳам. Бироқ одамхўр Илон, бўғма илон негадир қизикқонлик қилмади, аксинча баттар мулоим тортди.

– Суриштириб келганда, икковимиззи орамизда фарқ йўқ, – овоз чиқариб қулимсиради у. Бу гап Абдуллани янаям энсасини қотирди. Нима деб валдираяпти бу йирткич?! Индамани сайин, бошга чиқиб оляптими?! “Нима демоқчисан?” деб сўз котмоқчи эди, “Бўғма” давом этди: – Сен ўзингга ёқмаган одамларни кулги қиласан, мазах қиласан, мен эса ўзимга ёқмаган одамни гиппа бўғаман-қўяман. Так что, фарқ йўқ, топдимми?

Абдулла чуқур ўйга толди, қоронғида шеригининг нигоҳини топишни, унга синчиклаб тикилишни истади. Шундай “теша тегмаган” нусхага рўпара келишининг ўзи унинг учун муқофот эди. “Бўғма”нинг ҳар бир гапи алоҳида ҳикояга мавзу бўладигандек энди унга илҳом бағишлаётган, кўнглининг аллақасерларида янги бир асар куртаги уч бераётгандек ҳаяжонлантираётган эди.

– Ҳў, яшанг, окам, – деди у атайин сўзларга алоҳида-алоҳида урғу бериб, – орамиздаги фарқ катта, анча катта. Мен одамлардаги, одамлар табиатидаги иллатни ўлдириш мақсадида ёзаман, сиз эса ўзингиз ёқтирмаган одамни баҳрдан ўтиб қўя қолгансиз. Фарқ катта-а...

Орага жимлик чўкди. Абдулла гурунг давом этишини истамади.

– Уҳлаймиз, эрталаб давом эттираммиз...

“Бўғма” аксинча суҳбат давом этишини жуда-жуда истаётган, бунинг учун Абдулланинг ҳар қандай хоҳишини адо этишга тайёр эди. Бироқ у ўзидан заррача топ тортмаган ҳужрадошининг раъйини қайтаролмади.

– “Эртага давом эттираммиз” дейсан, – овози жуда ночор, аянчли чиқди унинг, қулимсираши баттар беўхшов эшитилди. – Эрталаб арши аълога равона қилишади мани... Омон қолишим учун эса...

– Қўркма, отишмайди! – деди қатъият билан Абдулла. Энди у муқаррар ўлими бўсағасидаги бандага ачина бошлаган эди.

– Ҳой, ёзувчи, манга нима десанг дегин, но, қўрқокка чиқарма, ман қўркмайман. Онам қўркиш учун тўққанмас мани! Ҳаётда қўрққан одам эмасман. Қапалагим уч-

маган мани, тушунвоссанми?! Эсхонам чикмаган, ўтакам ёрилмаган! Мани-чи, шу сафар отишмаса, кейинги сафар бир кун чаккамдан кўяди бу хезалак. Отса отар! Илло, сани отишмайди. Айтдим-ку, Эшонгузарингга қараб пир этасан, учасан-кетасан. Фақат, билиб кўй, мани айтганди деб юрарсан, яхши ёзувчи экансан, так что, эрта бўлмаса, индин бари бир қамашади, бунисида бўлмаса, кейингисида отади бу итлар. Нега дейсанми? Негалигини айттайми?.. – У негадир бир зум жим бўлиб қолди, бир зум мулоҳаза қилиб олди, шекилли, кейин айтадиганини айтди: – Манга ўхшаш одамхўрдан кўра санга ўхшаш каллалари ёзувчидан кўпроқ кўрқадилар! Фақат билиб кўй, дунёга одам бўлиб келдингми, айтар гапинг бўғзингга қолмасин, дивомман, ука! Эркакмисан, бўғзингга кўйни қумалоғини йиғиб юргандан кўра айт, айтадиганингни! Ёз, ёздадиганингни! Ё остидан, ё устидан-де, ўладиган дунёда!

Абдулла жойида ётолмай қолди. Ёталоғидан тушиб эшик ёнига борди-кайтди, яна борди, яна кайтди. Ёталоқ қирғоғига ўтирди-турди. Юрди. Чапани, одамхўр бекас⁷ шугина йигит шу-унча гапни билишидан ўзича мутаассир бўлди. Ўқиганми-эшитганми, ўзи тўқиб-бичадими, фарқи нима, биллади-да! Нимаики билса, оғзим бор деб гапираверади!

Хаёллари тўзиб кетган Абдулла ўрнига чўзилди, сездирмайгина чуқур “уф” тортди. Орада пича фурсат ўтди, қутилмаганда “Бўғма” аста гимирлаб қад ростлади. Қора шарпа юрди – ялангоёқ пайпасланиб, Абдулла чалқанча ётган ёталоқ тепасига ёндамаси пушиб келди-да... икки қўл – икки чангак чўзилиб келиб Абдулланинг елкасига етар-етмас...

– Ёшинг нечада? – савол қотди Абдулла беҳосдан, ётган жойида кимирламай. Унинг товуши босик, лекин хайбатли эшитилди.

“Бўғма” эсанкираб қолади деб қутганди Абдулла. Йўқ, пинагини бузмади, аксинча овози янаям осойиш тортган, ови чопмаган, лекин кейинги уринишидан умидини узмаган миришқор овчидек бамайлихотир эди. У худди тишлаб олишга чоғланган каламушдай оғзини Абдулланинг қулоғига босди. Шивирламади, шипшимади ҳам, йўқ, бамисоли илон индекс ингичка, қоп-қора тилини чиқариб вишиллади:

– Чиккан захотинг, куёни сур! Қорангни ўчир!..

Дабдурустан Абдулла тушунмади, англамади, жим бўлиб қолди.

“Нима дединг?” деб сўрамоқчи эди, “Бўғма” гапиришга кўймади.

– Уч кам ўттиз... – деди у овозини баралла кўтариб, шеригининг ёталоғи чеккасига елкаси билан суяниб. – Айтдим-ку, ҳаётда бировни “ока” деган одам эмасман. “Ока” дейишга тилим бормайди...

– Хотиндан нечта?

Абдулла беихтиёр берган саволига қутилмаган жавоб эшитаман деб ўйлаганди, адашмади:

– Мунақаларни сўраб, конимми қайнатма, ука! Ёзувчи бўлсанг ўзингга, қайтиб сўрама-суриштирма! – деди тутақиб, ҳатто очикдан-очик дағдага оҳангида.

Бу дағдага ташқаридагиларга “аталгани”ни Абдулла сизди, сезмаганга олди ўзини. “Бўғма” нари кетди, эшик пойига бориб, икки қўли билан боши-қулоқларини беркитганича, зах сиймон ерга юзтубан чўзилди. Энди пича хотиржам тортган Абдулла ёталоқ қирғоғига ўтириб олди. “Бўғма”нинг кўнгли учун нимадир демокчи эди, демади. “Бўғма”нинг овози дўриллаб эшитилди:

– Уч хотиндан саккиз чурвақа орттирдим... Илло бирортасини қоринини тўйгазишга ярамадим... Ярамас...

⁷ Ҳеч кими йўқ, ёлғиз.

Мажбурий узлатхонада ўтаётган кунларининг саноғи ўн тўртга етганида Абдулла “Индамас”нинг маслаҳатини обдон ўйлаб, қатъий қарорга келди – турма бошлиғи номига маҳзари арз йўллади. Унда шу чоккача сўроққа чакирилмагани, нима айб қилганини билмаслиғи, ўзини айбдор санамаслиғи, зудлик билан сўроққа чакирилишини талабнома мазмунида баён этди ҳамда мазкур талаблари адо этилмаган тақдирда икки кундан сўнг очлик эълон қилишини билдирди.

Бир кун кутди, иккинчи кун кутди – маъмурлардан жавоб бўлмади. Очиғи, Абдулла ўзига нисбатан зинҳор бундай муносабатни кутмаганди. Мартнинг йигирма тўртинчи кунидан берилаётган таомларни қабул қилмади, уларга қайрилиб қарамади, қўл ҳам урмади.

ҚАРОР

Тошкент ш. 1926 йил 3 апрель Ўрт. Осиё СО ПП ОГПУ вакили Агидулин 547-рақамли АБДУЛЛА ҚОДИРОВ тергов ишини кўрар эканман, очлик эълон қилган ҳибсда сақланувчи АБДУЛЛА ҚОДИРОВ 10-суткадирки очликни давом эттирмоқда ва уни тўхтатишга розилик билдирмаётганидан келиб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

А.ҚОДИРОВ Тошгузатишуйига ўтказилсин ва унга касалхонада даволаш чораси белгилансин ва зарурат туғилса сунъий таомлантирилсин.

Ушбуни ижро этиш РСО ПП ОГПУ зиммасига юклатилсин.

Ихтиёрий очликнинг дастлабки икки-уч куни оғир кечди. Маҳкумни очик ҳаво сайрига чорламай қўйишди. Учинчи куни, шекилли, оқ халатли киши кириб, Абдулладан хол-аҳвол сўради, очликнинг асорати оғир кечишини чулчутнинг тўққиз пуликдек ҳижжалаб тушунтиришга уринди. Абдулла сўзсиз-несиз, кўз қарашлари билан жавоб қайтарган бўлди, меҳрибончилик учун миннатдорлик билдирди, лекин аҳдидан қайтмади. Тўртинчи кундан очлик жуда-жуда оддий ва табиий ҳолга айланди. Ҳагто Абдулла ўзини ғоятда енгил хис этар, қоронғи ва зах ҳужрада у ёқдан, бу ёққа юрар, фикри аввалгига қараганда бирмунча тиниклашганидан, хотираси панд бермаётганидан мамнун эди. Бироқ кун саноғидан адашганини сезмай қолди. Кунми-тунми, фарқи қолмади. Эшик дарчасидан “Таом!” деган товуш эшитилса, кўнгли кетар, товоғини узатиш тугул, ичкари кириб сузиб қолдиришган шилдиршўрвага қайрилиб қарамасди ҳам. Шундай кунларнинг бирида иттифоқо эшик очилиб... Абдулла мутлақо кутмаган таниш инсонни кўраётганидан аввалига хотира хиралашди, деган хаёлга борди. Бехосдан йиқилиб тушмаслик учун, эҳтиёт чораси сифатида чўнкайиб ўтирди, кириб келувчи қўлагага разм солди. Йўқ, адашмабди, рўпарасида... маҳалладоши Ашрабхўжа амаки ундан кўз узмай қараб турарди!.. Қандай қилиб? Нима учун? Топишганини!.. Маҳалла-қўйда ўзини қўли етмайдиган-сўзи ўтмайдиган мушкул юмуш йўқ деб ҳисоблайдиганлар хилидан. Ҳойнаҳой, “Ёзувчи болани ўзим кўндираман”, деб ваъдани катта қилгандир. Буни Абдулла тахмин қилди ўзича, лекин шу тобда унинг учун чуқур мулоҳаза юритиш ҳам ортиқчалик қилаётган, малол келаётган эди.

Амаки нимадир деди, бироқ у айтган-айтаётган сўзларни Абдулла тугул, шўрлик амакининг ўзи ҳам дуруст англамаётган – негадир у ёш, лекин номи машҳурлаша бораётган маҳалладошини буткул ўзгача аҳволда кўраман деб ўйлаганди. Ҳойнаҳой, у аллақачон синиб улгурган, бурунги шаштидан тушган, инчунин икки оғиз гапда ўз раъйимга юритаман, деб ишонганди. Бироқ айна дамда ҳибсдаги Абдулладан кўра очикдаги Ашрабхўжа кўпроқ хаёли қочган, паришон, харчанд уринмасин, ўзи “тартибга чакириб қўйиш”ни мақсад қилиб қўйган бандининг кўзига тик қаролмаётганди. Ниҳоят, идроклар, уларнинг изидан сўзлар равланлашди.

– Дурустмисан, Абдуллажон иним?

Абдулла бош иргачи ва шундагина қўшниси қандай қилиб унинг ёлғизхонасида пайдо бўлиши боисини англаб етди. Ашрабхўжа амакининг ташрифидан кўзланган муддао Абдулланинг тақдирдан қайғуриш эмас, йўқ, Абдуллани зиндонбанд этганлар учун манфаатлирок эди.

Абдулла кишибилмас истехзо ила кулимсиради. Ноилож, қўл бериб кўришди.

– Бехавотир, – деди шивирлаб. Бошқа гапни чувалатмади.

– Бибинг, яқинларинг... ҳаммамиз ташвишдамиз, Абди ука. Очлик иғлон қилиш билан нимага ҳам эришасан? Турган-битгани – ўзингга қони зиён!

Абдулла бош чайқади.

– Ҳаммаси жойида, – деди истар-истамас гапни мухтасар қилиб. – Айтинг, ҳеч ким хавотир олмасин. Сиз ҳам хотиржам бўлинг...

– Ахир...

– Уйдагиларга салом айтинг...

Раҳбарнисанинг аҳволини сўраш учун оғиз жуфтлаганди, эсини йиғди – хотинининг аҳволини бориб-келиб шу одамдан суриштирадими? Ичида: “Ой-қуни яқин эди, эсон-омон кутулиб олсин”, дея илтижо қилиш билан кифояланди.

Кун саноғи санокдан чиқди. Абдулла вақтнинг ўтишини дам ҳарорати ошаётганидан, дам аъзойи бадани қақшаётганидан пайқаб қолар. Шунда бу аҳволда ўйлаётган, дилдан кечаётган барча хотиралари тарикдек сочилиб кетадигандек хавотирга тушар, бибиси тушмагур сопол коса тўла талкон келтириб, еб ол, Абди, ол болам, ҳолдан кетиб коласан, кўзим деб кўярда-қўймай қистовга олар, хотини, унинг пинжиги тикилган қизи билан ўғли пича наридан мунғайиб унга жавдираб қараб туришар, бу манзара ўрнини қаламқаш биродарларининг танишдан-таниш чехралари эгаллар, худди яқин меҳрибонини чорлаётгандек “Муштум”, “Муштум” деб юборар, ҳарчанд бақирмасин овози ўзига ҳам эшитилмас, хаёл оқими “Ўткан кунлар”га етганда ўзани кенгайган дарё мисол соқинлаша-соқинлаша... Отабек ҳардамхаёл, Кумушбиби ҳардамхаёл... Отабек икки ўт орасида, Кумушбиби оғироёк... хотини Раҳбарниса ой-қуни яқин – иккиси ҳам хавотир-изтироб исқанжасида... Юсуфбек ҳожининг боши қотган, на оилада-на хонликда муросаи мадора чорасини тополмай тўшаъи охират тадорикига юз бурган. Устма-уст, устма-уст ёпирилиб келаётган қопқора булут босимидан ўзини қаёққа уришини билмай қолган Абдулла мошинавори бир хаёл измида Чорсу бозорида келиб қолганини сезмас... бозор ўша-ўша – гавжум, издиҳом, ранго-ранг, гала-ғовур, ғивир-ғивир, жимир-жимир, қаҳ-қаҳа, воҳ-воҳа, опқолинг-кепқолинг, қўл ташланг, ҳой қани, ҳой мана, хў-ў кучингдан, хў-ў тилингдан, ғат-ғат, ғат-ғат, тарака-тум, тум-тум, так-тарака тум, тўпланма... қоч-қочиб қол, тўхта хумса, тўхта дедим... отаман, сотаман, осаман, бадарға қиламан сартни боласи... тўпланма, тарқал, тарқал дедим хароми... бозорда тўпланмай онангникида тўплансинми, ҳаммомда тўплансинми ҳанги, хў ҳанги!..

Абдулла етти ухлаб тушига кирмаганди мана шундай аҳволда қолиши, бор-йўғи матбуотга гап ёзувчи мухбир-мусанниф⁸ бўлса, нимаики ёса янги жамаиятнинг қорига яраш, ёмонни қамайтириш – яхшини кўпайтириш дардида ёзди. Одамларга ёкадиган сўзни излаб-топиб ёзди. Унга ҳеч ким ёзишни ўргатмади – қўлига қалам тутқазмади – ўзи топди, ўзи ёзди. Услуга яратди. Матбуотда сўз айтиш услубини кашф этди. Оми-оломон ҳаётига янгилик шабадасини олиб кирувчи яккаю ягона куч – матбуот деб билди. Шу ақидасига қаттиқ ишонди. Матбуот сўзини

⁸ Ёзувчи.

хамма нарсадан, хатто жумхуриятнинг катталаридан, ўша калон курси эгаларининг шаънидан-да устунроқ деб билди. Ундай деса... суриштириб келганда, ўша Акмалча ҳам, ўша Йўлдош ҳам Масков чизган чизикдан чиқолмаслар! Тур деса туради, ёт деса ётади, от деса отади, кама деса камайди-да!.. Тавбасига таянтир деса таянтиради-да!.. Бу эса ёзаверди, беармон ёзди, хумордан чиккунча ёзди ва... Ёхуд Масковдаги ўкишини давом эттирса, ўкишини тугаллаб қайтса дурустмиди? Ҳар қалай, журналистлар институтида ўкиса, Неъмат Ҳаким⁹ ёзганидек, маълумотини юкорилатса, тағи яхшироқ ёзар, замон матбуоти сирларини тўлароқ ўрганса, аллақандай кулунч бир мақола ёзиб бундайин балоларга қолиб ўтирмасмиди?

Қайдан ҳам Комилнинг раъйига юрди?! Унинг сўзига кириб, ўкишни ташлади, тиниб-тинчимас мақоланависга айланди. Уни Масков ўкишидан олиб қолган ҳам Комилнинг ўзи! Энди “Йўғинди гаплар”ни босилмасдан бурун ўқимагандим дея тониб ўтирибди. “Зимангга олган бўлсанг, жавобини ҳам ўзинг берасан!” деб келадиган балони ўзидан соқит қилди-қўйди, ғалвадан силлиққина бошини олиб кочди – кутулди.

Бир у эмас, Ғози, Санжар, Мирмуҳсин, уларга кўшилиб Зиё ҳам гуноҳнинг бирини бир овоздан Абдуллани бошига ағдариб туришибди. Ҳа, бир овоздан! Бундан чиқди, уларнинг барчалари бир томон, Абдулланинг ёлғиз ўзи бир томон! Абдурахмон Саъдий, изма-из Неъмат тушмагурнинг мақоласида унинг номи буюк инкилобнинг дастлабки олти йили мобайнида ғайрат кўрсатиб меҳнат қилган – ижоддан тўхтамаганларнинг сафида илғорлар қаторида санаганлари сафдошларини сакаротга¹⁰ солмадимикан, ишқилиб?! Ўйлаб кўрса, илғорлик, пешқадамлик – ёлғизлик-танҳоликнинг ўзгинаси! Қўлтиғинг остида ҳеч киминг йўқлиги белгиси экан. “Бўғма” жинига ўтиришмаган нусхаларни гиппа бўғиб ташлаш одати туфайли ёлғиз, Исоқ домла калваклиги боис ёлғиз, Жулқунбой эса қалами ўткирлиги, эҳтимол, ҳаддан ташқари куюнчаклиги боис – ёлғиз. Раҳматулло домла омонмилар, ишқилиб?.. “Шундай кунларга қолдик, устоз...” “Оллоҳ таолонинг иродаси, бўтам...” “Алижон домла, тақсир, суҳбатларингизни беҳад соғиндим...” “Таҳаммул¹¹ тилайман сизга, Абдуллажон, яхши кунлар яқин, иншоаллоҳ!...” Оллоқул, сан қаердасан, қаландар?.. Тозасидан бор, тозаси, кайф-да, дамласам би-ир тортасизм, окам?..

- Абдулло ока, ҳ-хо-ой, Абдулло ока!
- Лаббай, келсинлар, Салимбой, қандай шамол учирди?
- Шўрва шира боғлади, улфатлар мушток, ока, юрақолинг!
- “Солма”ми, “босма”ми, зиёфат, Салимбой?
- Солма, хотиржам бўлинг, оагинам, хашпаи ҳалолидан – солма!¹²

Салимбой овозининг борича ҳа-ҳолаб маҳаллани бошига кўтарди, Абдулла ичидан унга жўр бўлди. Яқин атроф мавзеларда донг таратган йўлтўсар ўғрининг тап тортмай кимсан Жулқунбойдек машхур бўла бораётган ёзувчини ҳамтовоқликка чорлашидан кулгиси кистади. Абдулла учун бу тоифа кишиларнинг солмаю босмасидан кўра, мулоқот тарзи, сўзи, тили кадрли... Чорсу бозоридан чиқиб, Самарқанд дарвоза кўчасига бурилиш жойида, Чуқуркўприкка етар-етмас ўнг ёққа кетган нишаб сўқмоққа бурилди, кенгина ариқнинг кирғонига келиб чўнқайди. Беш-олти одимда буткул ўзга бир дунёга ўтиб қолгандек хис этди ўзини – салқин, сувнинг жилдираб оқиши, майин-майин жилмайиб-қиқирлаб қўйишлари эшитган қулоққа, аъзойи баданга роҳат бағишлайди. Жимжитлик, сокинлик... жони ором олди...

⁹ Адабиётшунос. Абдурахмон Саъдийдан орқама-орқа ўша давр адабиёти ва матбуоти ҳақида тахлилий мақола эълон қилган, Абдулла Қодирини пешқадам ижодкорлар қаторига қўйган.

¹⁰ Талвасага.

¹¹ Сабр, бардош.

¹² Солма – халфана (солиқ солиб) зиёфат уюштириш. Босма – мол ўғирлаб (босмавлик қилиб) сўйиб, улфатчилик қилиш.

Мираҳмад тажангни айтмасинми?! Хончорбоғнинг палаги тоза чапаниларидан! Зап йигит, мард, дангал. Саратондаги момакалдиروقдек кутилмаганда “юр-юр”лаб кеп қолади. “Бироз бандман”, дейди Абдулла. Тажанг ўлақолса сўзидан қайтмайди: “Кейин ёзасан, оғайни, бир бабоғ опкелдим, ўшанга битта ҳекоя бағишламасанг, отимми бошқа кўяман!” деб кисталанг қилаверди. Абдулла таклифни рад этишга кўнгли бўлмади. Шай килиб қўйган қалам-дафтарини йиғиштириб, Мираҳмаднинг олдига тушиб борди. Мираҳмад тушмагур янги топган бабоғини ҳовлининг ўртасига қўйиб юборди, унга гўшт, дон-дун, анор донасини ташлаб чўқилашини томоша килинг деб қўйди. Пича чалғитиб тургач, Мираҳмаднинг кенжаси Муродвали сопол лаганга уйиб сузилган паловхонтўрани икки қўллаб кўтариб келиб, супанинг ўртасига тузалган дастурхонга қўйди.

– Ия-ия! – нима деярини билмай қолди Абдулла.

Мираҳмад тажанг беҳазил-бемутойиба муддаосини айтди:

– Жангтоҳдан чиқиб, уйга келсам, би-ир чойхона палов дамлашаётган экан. “Ёнимга Абдулла келиб ўтирмаса, ман бир чўким оғзимга омайман”, дедим!

Ошхўрлик тугагач, Мираҳмад тажанг хайхот ушалмас орзусига етишган, ҳаётда армони қолмаган одамдек баттар эриб кетди, хотини борми, ўғил-кизлари борми, барини қаторлаштириб ўтказиб қўйиб кимсан Абдулла Қодирийдек, кимсан Жулқунбойдек инсон – кимсан замонанинг пешқадам ёзувчиси меҳмон бўлиб ўтирганини етти маҳалла эшитадиган килиб баралла ва такрор-такрор айтишдан чарчамади. Савол устига савол ёғдирди, қўярда-қўймай уни гапиришга ундади.

– Жинлар базмидан ол, Абди, жинлар базмидан. Мани давримда ўз оғзингдан эшитсин, булар, жон ука! Ўлгунича гапириб юради кейин!

Абдулла сўзга чечан эмасиди. Гапиришдан кўра ўйлашни, хаёл суришни афзал кўрарди. Гапдон, сўзининг адоғи кўринмасларга қараб туриб дам ҳайратланар, дам ич-ичидан ғаш келарди. Шундай бўлса-да, Мираҳмад тажангнинг сўзини ерда қолдирмай, узук-юлук бўлса-да, “Жинлар базми”ни сўзлаб беришга киришди.

“Ўрта Осиё бўйича РНПУ вакилига
ПП ОГПУ Тошкентда ҳисба сақланаётган фуқаро
Абдулла Қодировнинг онаси – Жосият биби Абдулқодир хотинидан
Илтимос

Яқин кунларда ГПУ органи томонидан “Қизил Ўзбекистон” газетаси ва “Муштум” журналида ишловчи ўғлим Абдулла Қодирий ҳибсга олинган.

Унинг қамоққа олинishi мен ва бизнинг оила аъзоларимизга қаттиқ зарба ўрнида қабул килинди, зеро, бизнинг ўғлимиз қандайдир жиноятга қўл уриши ва унинг эвазига турмага ташланиши ҳақида ўйламаганмиз.

Башарти у қандайдир хатога йўл қўйган бўлса мен ишонаманки, бу унинг мутлақо ёшлиги, тажрибасизлиги ёки бошқа бир кишилар таъсирига тушиб қолгани оқибатида юз берган деб ўйлайман.

Фикримча у қатта айбга қўл урмаган, қўл урган бўлса қамоқхонада ўтирган кунларида етарли даражада жазоланган ҳисобланур.

Ушбу билан Сизга илтимос қиламанки, ўғлимга нисбатан қўзғатилган ишни тез кунда тўхтатиб, уни қамоқдан озод қилсангиз. Зеро, мен ва бутун оила аъзоларимиз туну кун оғир изтироб исканжасида қолмоқдамиз.

Тошкент, эски шаҳар

Апрель 2-кун 1926 йил”.

Бойқушлар макони бўлган бир вайронада юз берган воқеа тафсилотини эътибор-сиз тинглаш кийин эди... Майдон ўткир нурдан чароғон, тўда-тўда кишиларнинг чағир-чуғури, гижданг-гижданглар, чилдирма, дутор, танбур, ғижжакнинг заиф, аммо юракни қитиклайтурган товушлари... катта оқ самоварлар, катта дошқозонлар, жиз-биз, жиз-биз давом этар... Юз чоғли ёш-қари базми авжига чиқарган... “Мана, Ўсар акам ҳам келди! Ҳой, Ўсар акамга дастурхон ёзинлар!” Нима эмиш, аввал базм, бадъаз дастурхон эмиш. “Қорним оч. Қорним ўлардай оч!” деган гапка кулок осадиган банда қаҳат. Босиқ ва оғир машқ чалина бошлади. Машқ авжига минди, эзилиб кетдим, ўпкамни босолмайин, пиқ-пиқ йиғлай бошладим. Машқ узоқ давом этди, мен ҳам узоқ йиғладим. Нега йиғладим – ўзимга-да ноаён. Илло машқ ўзи билан бирга мени ҳам битирди ҳисоб! Икки тегирмон тоши орасида янчилган кишидек мажруҳ эдим, забун эдим. Қимир этолмадим. Базм иштирокчиларининг кўз ўнгида ер ёрилмадию ерга кирмадим...

Қаҳ-қаҳ отиб хандон кулишлардан хушимни йиғдим. Созандалар шўх, ўйноки куйни чалишга тутиндилар. Аввал ўйнаб бер, аввал муқом, бадъаз таом! Қорним оч, Мираҳмад, ошингни суз, барака топгур!.. Қанақа ош?! Ана, ана, қара, аввал муқом қил!

Ия, ўн беш-ўн олти ёшли норасида қиз, сочлари жингила-жингила, юз-кўзлари дўндик, устида яшил бахмалдан бурама қилиб тикилган чиройли делвагай кийим. Ҳар қадам босганида оёғидаги кўнғироқлари жиғирлаб кўзни оладир. Ўйноки машқ, унга жўр рақсдан дунёга бир шодлик, бир руҳ ёғилар, ўликлар тириляётгандек, ерлар силкинаётгандек, тоғ-тошлар куляётгандек, юлдузлар рақсга жўр бўляётгандек, дарахт япроқлари қарсақ чалаётгандек! Ана Ҳомид, ана Содик, Жаннат хола ҳам шу ерда, Абдулланинг аҳволидан куляётгандек, бу ердан омон кетмайсан деган маънода чапак чалишяётгандек, Абдулла баданига ботиб кетган ёталокнинг устидан қуриган хазон янглиг учиб тушяётгандек... Шу ётиши, шу ўйлари ўзига хуш ёкаётгандек...

У Чорсу бозоридан чиқди-да, катта тош кўчани кесиб ўтиб, Самарқанд дарвозага бурилди. Одатдагидек Чуқуркўприкка етган пайтида “Жинлар базми” ёдига тушади. Кўприкнинг биқинидаги кенгина майдонни ям-яшил майса қоплаган, аҳён-аҳёнда болалар кўй-кўзи ўтлатиб юргани демаса, аксаран кимсасиз, зоғ кўринмас, отаси айтган ҳикоядаги базми жамшид майдони айни шу ер! Хилма-хил соз чалаётганлар қани, рақсга тушяётган кизалок қани, қарсақ чалаётган, тўхтамай унинг устидан куляётганлар-чи? Абдулла бир рақсга тушгиси келди десангиз! Бундан баттари бўлмайдими, осмон узилиб ерга тушмайдими, киёмат қўпмайдими, нари борса, бир жонга – бир ўлим-да, шунга ҳам ота гўри – қозихонами?! “Бўғма”нинг гапи – гап: кўркмай-пусиб юрмай, юрак ҳовучламай яшаганга не етсин! Топган гапини – айтилмаган, одамнинг бўғзида қолган сўзлар кўйининг кумалогога айланармиш!.. Магбуот нима, магбуотда музика нима эканини чулчутиниб тўққиз пулидек қилиб тушунтириб ёзди, керак бўлса, оғзаки айтиб беришга ҳам шай. Тушунган одам тушунмаганлар олдида – ёлғиз. “Ҳақ гап бамисоли мағзи аччиқ бодом, уни кадрига етган одамни ўзи кадр топмайди, болам. Ҳаёт азал шунақа”. Ҳаёт азал шунақа... Шунақа бўлса шунақа-да, кўрқадиган, тили қисик жойи йўқ Абдулланинг! У неки гап айтқан бўлса, неки ўйлаган бўлса, бари-барчаси магбуотдаги хизматларидан очик-равшан! Ёзди у, истасалар, айтишга ҳам тайёр – тавба қиларли маъюб¹³ эмас у. Тавбага бўйин буккан банда бандаларнинг энг ярамаси, яхшилар!.. Ўзинг бир ҳақиқатқа қонмай туруб ва ўзингнинг хатойингга тушунмай туруб фақат ожиздан қилинган тавба – тавба эмас; ҳам ўзингни, ҳам ўзгани алдашдир, расволик-раддибалоликдир!.. Шўринг

¹³ АЙБДОР.

курғур Калпараш! Увол кетган Калпараш! Ҳой, амир Абдулрахмонхон – кўллари кон, мияси кон, кўзи кон, ичи тўла кон! Хон – кон – жон!.. Отсанг от, майли, оссанг ос майли, ох деган, тўғрилиқ ортидан бош кетса, ух деган-воҳ деган номард!.. Чал, нағмангни майдонча! Жинлар созласалар созласинлар созларини! Жинлар базми авжига чиқса чиксин, тугамаса тугамасин қарсақлар. Масхаралашлар, қаҳ-қаҳалар тинмасин, майли, қорни очлигидан қолдан тойса-тойсин Абдулла! Гир айланиб-чир айлансин, қўл-оёқлари чарчоқдан узилиб-ла туша қолсин, хумордан чиксин Абдулла! Тур, ўрнингдан, хой Ҳомид, Содикка айт, Содикка, Комил Алини, Зиё Саидни, унга қўшиб Хуршидни бошлаб келсин, бир мўйига олмас Абдулла! Оломон, издиҳом орасида ўтирган ранги захил “Индамас”, унинг ёнидаги “Бўғма” без ўз кўзларига ишониб-ишонмай Абдулланинг бу “хунари” нима билан тугашини билолмай аланг-жаланг. Абдулла турган жойида ўйнайверди-ўйнайверди, гир айланди-чир айланди, оёғининг ости – қара, қаранглар, ёлғизхонанинг қок ўртаси, сиймон-пиймони, ёталок-патологи билан аралаш-қуралаш ўйилиб-ўйилиб, ўпирилиб-ўпирилиб, тўзиб-тўзиб ўрама хосил бўлди – ҳибсхонанинг тўрт томон девор-певори, панжаралари, гуйнуқли темир эшиги – ҳаммаси ўрамага ағдарилиб, уларнинг ўрнида яшнаган, чарақлаган, қаҳ-қаҳ отиб оламга нур таратаётган... гулзор пайдо бўлди, гулзор! Раёно гул, зебо гул, жонон гул! Абдулла кўз ўнгига “осмондан тушган” мўъжизани кўриб хушини йўқотаёзди. Қаранглар, томоша қилинган, завқланинглар бу гуллардан-чамандан дея хайқиргиси, бундан қаноат қилмай чаппар уриб очилган ранго-ранг гулзор ўртасига чикиб олиб, бонг урмоқ қасдида оғиз жуфтлади... Ҳе йўк-бе йўк, югура солиб ҳовли чеккасидаги казноқ эшигини силтаб очди, ичкари кириб тимирскланди – гулкайчисини излай кетди... Жони ўртаниб соғинганди гулкайчини. Топди! Югуриб бояги шиддатда казноқдан отилиб чикди, чикдию ўнг ёққа пастваб кетган нишаб сўқмоқдан юриб, анхор ёқасига бориб қолди. Бу ер шу қадар сокин эдики, хозиргина уни ҳаяжонга, жунбишга солган манзаралар кўз ўнгида рўёга айланди. Тавба, туйқус болалигига қайтиб қолди. Узун, япаски харсангтошга омонатгина чўнкайди. Сув ғоятда мулоим ва беозор оқаятганди. Атроф жимжит... Бола-болакай ўртоқлар бирин-сирин гиштин кўприк тепасидан сувга сакрашди, сувда қувалаш бошланди. Оламни болаларнинг, уларга қўшилиб Абдулла – Абдининг шўх-шодумон қийқириғи тутди. Кўприқдан йигирма қулоқ сузишлик жойда бир туп қандтек ўрик дарахти ёнига етишганида, эпчил ўртоқлари оқимга қарши сузишга ўтди. Боиси ғарқ пишган ўрик чўлп-чўлп этиб сувга шўнғир, бир зум кўздан ғойиб бўлиб хиёлгина наридан пўқакдек отилиб сув сатҳига қалкиб чиқар, эпчил шайтонваччалар уни таллашиб тутиб олишар ва ўша заҳоти оғзиларига тикишар, данагини бир-бирларига отиб, “кўзчиқарар” ўйин ўйнашар эди... Вой, қаранглар, хушрўйгина йигит сув ёқасига келиб чўнкайди. Чамаси аср намозига ҳозирлик кўраётган, эҳтимол андек ошиқаётган, ўзига нотаниш бўлган бу ошёнда хийла саросимага ҳам тушаётган, сувдан кўз узолмас, сув сеҳргар, ариқ сеҳргардек кўринаётганди кўзига... Яна чуқур кўприк, яна гиштин кўприк остидан чиққан сув уч-тўрт қулоқ чамаси очик ҳавода оқиб ўтгач, қандтек ўрик ёнига, йўк-йўк, бутун ихтиёри ила оқим охангига ғарқ бўлган бўй етган киз қаршисига етар-етмас гўёки унинг таъзими учун бир чарх уриб қўяр, ўз устида ўлтурган сохиранинг сихрига мусаххар бўлган каби тағи бир каттароқ доирада айлангач, оқистагина... Кумуш, Кумушой, худди ўзи – Кумушбиби! Қаранг, қаранглар, у қўл узатиб сув олди, юзини ювди. Кумушбиби юзини чайган сув томчилари билан ариқ ўзгача ҳаракатга келиб қайқалди, гўёки сув ичида бир фитнес юз берди. Қиз иккинчи, учинчи қайталиб юз ювишида бу фитнес тағи ҳам кучайди. Отабек, Кумушбиби! Ойкумуш, офтобкумуш! Оғриқлари... паймонаси яқин Кумуш!.. Оғриқнинг биринчи куни ҳеч кимга сездир-

май юрди Кумуш. Аммо иккинчи кун буни бошлаб Отабек, ундан кейин Ўзбек ойим сезди. Абдулла-чи?! Абдулла каерда? Неча кунлаб хабар йўк ундан. Раҳбарнисанинг холи нима кечди, кечмоқда? Бибим доя айтдилармикан ёхуд ўзлари?.. Ўзбек ойим, Жосият бибим – онаизор. Хушёр бўлинглар, хушёр! Фитна!.. Сабр!.. Ирода!.. Укубат!.. Тоқат!.. Матонат!.. Ғози, Комил, Шаме! Отабекка тегманглар, Кумушбибига, Раҳбарнисага кўз тикманглар! Ҳомид! “Бўғма!” Ҳой, “Бўғма!” Қаёққа ғойиб бўлдинг, Ялангтўш, Илон?! Муаллақ осма йўлка, қора панжара, қопқоғи очик туйнук!.. Заза... Акмалча... Йўлдош Охун!.. “Бўғма!..” Бир гўр, бир гўр, бир гўр!.. Нега ёздим, кимга ёздим, Қалвак? Исоқ домла афтани бужмайтириб, чумчуккараш қилди, ишшайди: “Ҳа, бачам, қулоғингга айтгандима-а, ёзғувчилик – асли шайтони лаъини касми!..”

– Нима дедингиз, Ҳасанали ота?! Ота!..

Абдулла каерда, қай аҳволда ётганини дабдурустан англолмади. Ўз товушидан ўзи чўчиб уйғонди. Кўзини қайта юмиб, қайта очди. Ўн чоғли каравот, бари банд. Рангтусидан барчалари бемор... Касалхонами?! Нега? Қачон келтиришди уни бу ерга?! Тфу, лаънат! Суф, лаънат барига! Бари бир, бари бир оғзимга увок ҳам олмайман!..

ШОШИЛИНЧ

МАХФИЙ ҚИСМ.

Фуқаро ЖАСИЯТ ҚОДИРОВА

Эшонгузар Бешёғоч қисми 4-махаллада

Яшовчи

АРИЗА

Менга турли овозлар орқали етиб келган маълумотга кўра Сизларнинг қамоқхонангизда сақланаётган ўғлим Абдулла очлик эълон қилган ва бу икки ҳафта давом этмоқда. Мен она сифатида бу аҳволдан гоятда безовтаман ва шундан келиб чиқувчи оғир маънавий аҳволимни ҳисобга олган ҳолда, кексалигимни эътиборга олиб, уни ишончлироқ шахслар ихтиёрига ўтказишингиз ҳақидаги талабимни рад этмаслигингизни сўрайман; яна нималар талаб қилинадиган бўлса – улар ҳақида менга маълум қилишингизни сўрайман.

8 апрель 1926 й.

Тошкент ш.

Очлик яна уч кеча-кундуз давом этди. Шифокорлар Абдуллани ўзгача меҳр билан даволаш йўлларини излашар, уни суҳбатга ундашар, судлов жараёнини тезлаштиришни зиммаларига олиб, уни қандай бўлмасин, таомланишга кўндиришга уринишарди. Абдулла турма маъмурларига эмас, шифокорларга ишонди. Уларнинг раъйига юрди. “Шундай рўмон ёзган одамни аячқ аҳволга солишибди, инсофсизлар! – деди ёши қайтган шифокор қордай оппоқ сочлари сийраклаша бошлаган бошини чайқаб. – Уч қайта ўқидим, яна ўқийман! Отабекнинг, Кумушбибининг ҳақки-ҳурмати, Юсуфбек ҳожининг ҳақки-ҳурмати пича тотининг!” деди у ёлборгудай елкаларига қоқиб Абдулланинг. – Сизни чиқариб юборишади, албатта озодликка чиқасиз!” “Бўғма” ҳам шундай деди: “Яхши ёзувчи экансан, эрта бўлмаса, индин бари бир қамашади. Бунисида бўлмаса, кейингисиди отади, кейингисиди...”

Касалхонадан рухсат теккан Абдуллани қайтиб туйнукли темир эшиклар саф тортган йўлакка бошлаб келишди. Ихтиёр ўзида бўлса, ҳар бир эшик рўпарасида сукут сақлаб тек турар, эшикдаги туйнукка термилганича ўйларга толарди. Бу эшиклар унинг назарида аллақачон – ўша илк сафар қўрганида эшик эмас, йўқ-йўқ, тик қўйилган улкан китобларга айланиб улгурган, ана энди уларнинг ҳар бирини

авайлаб-эхтиётлаб кўлга олиб varaқлар, уларга битилган бирон жумлани назардан қочирмас ва албатта, уларнинг ҳар бирига ўнлаб, эҳтимол юзлаб varaқларни ёзиб илова қилган бўлур эди.

– Тўхтаг!

Тўхтади.

Унинг учун тайинланган китобнинг муқоваси очилаётиб инграб юборди.

– Кириг!

Кирди.

Муқова ғингшиб ёпилди. Абдулланинг кўзи нимкоронғиликка кўникди. Чоккина ёлғизхонада ёлғиз ўзи эди. Унинг тасавурида муқоваси инграб ёпилган бу китобнинг янги саҳифалари бежирим арабий ёзувда қоғозга туша бошлади...

ҚАРОР

1926 йил апрель 11 кун Тошкент ш. Тошоблсуд катта терговчиси шу куни Жин. Кодексининг 116 ва 73-моддалари бўйича айбланувчи Абдулла Қодировни сўроқ қилиб ва 1/ Абдулла Қодировга қўйилаётган айблов озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланишидан келиб чиқиб 2/ Қодиров озодликка қўйилган тадирда суд ва терговдан яшириниши мумкинлигини ҳисобга олиб

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Жинной Проц. Кодекс 144 ва 158-моддаларига биноан айбланувчи Қодиров Абдулла Тошкент қамокхонасида сақлаб турилиши унга тушунтирилсин, қарор нусхаси айтиб ўтилган озодликдан маҳрум этиш уйи ва Тошкент области Прокурорига етказилсин

Катта терговчи

Бондарев

Имзо

“Бўғма”нинг башорати яна бир карра тасдиғини топди – темир эшикнинг бу сафарги шовкин-сурон кўтариб очилиши кулоғига у қадар оғир ботмади. Кўнгли алланечук хаприкиб кетди. Шундай бўлса-да, “тўйдан аввал ногора чалинмас” нақлига риоя қилди.

– Лаш-лушингни йиғиштир!

Абдулла соқчига хўмрайди, унинг ўзидан анчагина ёш эканлигига аҳамият берди, бир узиб олишга кучи етарди-я, тилини тийди. Бу каби мишиқилар билан паचाқилашиб ўтирмасликка аҳд қилиб қўйганди у. Йиғиштирадиган лаш-луши ҳам йўқ. Ти-тилиб кетган дафтари бор, холос. Абдулла бир дунё гап ёзди, суд мажлисида асқотиб қолишини ўйлаб, газит ёхуд журналга босиладиган мақоласини қайта-қайта ўқигани, матнга сайқал бергани каби ёзганларини ўчирди, тузатди, ўчирди, тузатди.

У соқчи етовиди аввал ҳовлига чиқди, бирмунча пиёда юришгач, яна чоккина уйчага кирди.

– Ўтирма! Кутиб тур! Келишади.

Ким келади, кутганига яраша... шу ердан жавобини беришармикан? Ана, деворнинг орти кўча шекилли, мошинанинг гуриллаши, аравакашларнинг кўчани бошларига кўтариб шаллақилик қилишлари эшитилипти.

Абдулла ҳолдан тойган эди. Унинг учун жисмоний мағлубиятдан кўра маънавий мағлубият оғирроқ, шу боис руҳан синиб қолишдан эҳтиётланар, эҳтиётлангани сайин эса кутиш азоби тоқатини ўртаб юбораётган эди. У ўзининг феълидаги тоқатсизликни яхши билар, жонсараклиги, меҳнат қилиб чарчамаслиги, қаламни кўлдан қўймаслиги, ноҳақлик-жаҳолатга дуч келганда унга қарши нимадир қилмаса, жони ичига сиғмай кетишларининг бари ана шу тоқатсизлиги, жонсараклиги туфайли эканлигини яхши биларди. Турмада ўтган кунларида у кечирган из-

тиробу чеккан азоб-укубатларнинг бир учи – бекорчиликка тоқат қилолмаслигига бориб тирғалар эди! Бетоқат одам ҳақсизликка дош бериши маҳоллигини бошидан ўтказди. “Ҳақ гап бамисоли мағзи аччиқ бодом, уни кадрига етган одамни ўзи кадр топмайди, болам. Ҳаёт азал шунақа”.

Кексайиб ётиб қолган одам кўп нарсанинг фарқига боравермайди, деб ўйларди Абдулла. Мана, аллақачон юзни уриб қўйиб тўшакка қадалиб қолган Қодирмуҳаммад сарбознинг айнан айтгани бўлди – ҳаммаси биргина мақолада баён этилган оддий ҳақиқатларни тушунмасликдан ё тушунишни истамасликдан келиб чиқди. Шунақаси ҳам бўларкан-да, янги замон, янги матбуотнинг мана шундай йўриғлари, найрангу нағмалари ҳам бор экан. Биргина мақолада, тагин Абдулланинг ё Жулқунбойнинг эма-ас, Овсарнинг тилидан айтилган уч-тўртта нордон гап учун ҳам одам ҳибсга ташланадиган замонларга етишибмиз-да?!

Ниҳоят, эшик очилиб, икки нафар ҳарбийнамо либосли киши кирди. Абдулла истар-истамас уларга разм солди. Қовоғи уюлганлигидан уларнинг ниятлари дурст эмасдек кўринди. Лекин биттасининг қўлида юпқа папка.

– Суд белгиланди. Хабаринг борми? – сўради ёши каттаси.

– Қуни аникми?

– Аниғи зарурми?

Абдулла индамади.

– Манавини ўқи, – деди ёши каттаси ёнидаги шеригининг қўлтиғидаги қатлам-қатлам қоғозга разм солиб. – Яхшилаб ўқигин-да, остига имзо чек.

Абдулла ўқиди. Ўзининг номидан битилган тилхат экан. Мазмуни – шу-шу, суд тайин қилинган шаҳарга ета-етгунча ёнимда бораётган соқчининг измидан чиқмайман, бесўроқ ҳеч ёққа чалгимайман, дуч келган ҳеч бир таниш-нотаниш билан салом-алиқ қилмайман, гурунглашмайман. Савол-жавоб алмашмайман.

– Ҳеч бир терговсиз ишни судга ошириш мумкинми?

Қирувчиларнинг ҳар иккиси “шуниям билмайсанми?!” дегандек истеҳзо аралаш Абдуллага бўзрайиб қаради. Жавоб бўлмади.

– Суд қаерда бўлади? – яна савол қотди Абдулла.

– Борганда биласан!

Тошкент
Облпрокурорга

Қодировнинг айблов ишини шошилишч почта орқали Давлатпрокуратурасига жўнатиш тчк Махбус этап тартибида Самобласттузатишуйига келтирилсин

Давлат прокурори (Газиев)

1 июнь 1926 й.

Самарқанд ш.

Поезднинг у ёндан бу ёнга чайқалиб шарақлаши кулоқни коматга келтирар, дамбадам чўзиб-чўзиб берган наърасидан кейин паровоз томондан ёпирилиб келган кора қуюн юқориси очик ойнадан ичкарига йирткич махлуқдай ёпирилиб вагон хужрасини лик тўлдирарди. Бундай дамларда бир муддат нафас олмай ўтиришга тўғри келар, Абдулла дам хаёлга толар, дам кўз ўнгида ўтирганча мудраб бораётган пойлоқчи йигитга разм солиб, унинг авзойидан нималарнидир уқишга уринар эди.

Соқчи йигит милтиғини дам у, дам бу қўлига олар, худди биров тортиб кетаётгандек чангалидан қўймасди. Бир неча тунлаб мижжа қоқмаган, шекилли, рўпарасида беозоргина ўтирган махбусга зимдан назар ташлар, яна зўравон уйку зуғуми олдида ожизлиги сезилиб қолаётганди.

– Толиқдингизми?

– Йўқ-йўқ! – деди ховликиб соқчи ва апил-тапил кўзларини ишкади. – Толиқмадим.

– Хизматингиз оғир, иним. Йўлимиз олис, мизғиб олсангиз ҳам бемалол.

Соқчи ичидаги гапни махбус топиб айтганидан ҳайрон эди. Азбаройи кўзига ёш келгандек:

– Мулла ака, – деди у иккиланиб, хижолатланиб. – Онам оғир хасталар, туни билан тепаларида ўтирдим. Мижжа қоқмадим.

– Кўриниб турибди, пича мизғиб олинг.

– Сиз...

– Мен? Мен сизни кўриклаб бораман.

Абдулла кулди, соқчи кулмади.

– Қочиб кетмайсизми?

Абдулла ойнадан лип-лип ўтаётган қишлоқ уйларига, яйлов ва ўтлоқларга кўзини бурди. “Тоза одамига йўлиқибман-ку!” деди ичида.

Махбус бу саволга жўяли жавоб ўйлаб топишга улгурмай, соқчи ёнбошига босиб тутган милтиқни кучоклаганича пинакка кетди. Абдулла йигитга термилганича ўзининг ва унинг аҳволини солиштирди. “Онам оғир хасталар, туни билан тепаларида ўтирдим. Мижжа қоқмадим”. “Онам оғир хасталар, туни билан...” Абдулланинг йигитга ҳаваси келди. Бибим нима қилаётган экан? Болалар, онаси... эсон-омон қутулиб олибди, яна бир ўғил ато этган яратган эгамга шуқр...

Паровоз узок югуриб нафаси тикилган одамдек ҳарсиллай бошлади. Силтаниб-силтаниб тўхташга чоғланди. Ташқаридан бакир-чакир шовқин овозлар кулоқка чалинди. Поезд яна бир қур наъра тортгач, ўша-ўша маромда йўлида давом этди.

Соқчи йигитнинг кўзи чирт юмилган эса-да, афтида беҳаловатлик сезилиб турарди. Бир пайт у чўчиб уйғонди. Айб иш қилиб кўйган одамдек апил-тапил кўзларини ишкади, милтиқни чангаллай туриб рўпарасида хотиржам хаёлга ғарқ ботиб ўтирган махбусни кўриб хотиржам тортди.

Абдулла хаёлини бузмади.

Соқчи ўзининг тийрак эканлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлди, шекилли, пича жим кетатуриб, оғиз жуфтлади:

– Қайси моддага биноан судга оширишди?

– “72” ва “105”нинг биринчиси.

– Ҳммм, – деб қошларини керди соқчи тушундим дегандек. – Қачондан буён хибсдасиз?

– Уч ой бўляпти...

– Қ...қандай қ...қилиб... Қаерда? Айтингизми ёки?..

Абдулла тушунмади.

– Нимани айтаман? Англамадим, ука, нимани сўраяпсиз?

Соқчи бир силтаниб олди. Хурпайди. Авзойидан “Мен сенга ука эмасман”, дегани эди. Шунга карамай ўз ихтиёридаги бандининг мутлақо одатдаги махбусларга ўхшамаслиги қизиқтираётганди уни.

– Давлат раҳбарларининг шаънига оғир ботадиган сўзларни айтдингизми ёки ёздин...

Абдулла енгил тортиб кулимсиди.

– Ёздим, ёздим, – деб юборди бир оғиз сўз билан орадаги гумонларни кўтариб. – Ёзганда ҳам “Муштум”га ёздим.

– “Муштум”га?!

– “Муштум”га.

– Ёзғувчимисиз?!

– Афсус, ёзғувчиман...

Соқчи ўтирган ўрнидан сапчиб, оёққа калқди. Икки қўллаб тутиб турган милтигини ёнига қўйди-да, кўзларининг ола-куласини чиқариб ҳам хайрат, ҳам савол, ҳам ҳаяжонда Абдулланинг кўзларига тиккасига тикилиб қолди.

– Сиз... Сиз Ж-жулкунбой? Жулкунбоймисиз?!

Ташқаридан қараган одамнинг назарида бу икки йўловчи агар бирининг қўлидаги милтикни айтмаганда улар оға-инидек ёхуд тоға-жиандек гурунглашиб кетаётганга ўхшарди. Бироқ ёши каттароғи қандай ўй-хаёлларда, кичиги нима ташвинида боришаётгани ҳеч кимсага ноаён. Фақат шу топда милтиқ тутган йигитнинг хайратдан сапчиб қад ростлаши ажабланарли бир манзара ҳосил қилган эди.

– Аста, шовкин кўтарманг, – деб уни тинчлантирди Абдулла. – Ўтиринг.

Соқчи жойига чўкди.

– Ўқигандим, – деди у ҳамон ҳаяжонини босишга уриниб, – тоғам қўлдан қўймай ўқийдилар. Бизга ҳам ўқитадилар! Ҳеч ерда эшитилмаган сўзларни қаердан топасиз? Кула-кула ўламитиз, амаки! Исмингиз нима учун Жулкун, шуни тушунмаймиз, амаки?

Соқчи шундай деб милтиқни оёгининг остига – узун курсининг панасига суқиб қўйди.

– Ўзбекча исми, ўзи? Ё...

Абдулла деразадан лип-лип ўтаётган кишлоқ манзараларига хаёли қочди. Рўпарасида ўтирган, саволига жавоб кутаётган одамнигина эмас, ўзининг қаёққа, не савдолар қўйида кетаётганини ҳам унутгандек эди.

– Кишлоқлар... Одамлар... Ҳаёт...

Нега бундай деди, нимани назарда тутди – ўзига-да, ноаён эди.

Соқчининг тамоман уйқуси ўчган, энди у боядан буён ўз қўл остидаги инсон билан дардлашмай келаётгани хиссасини чиқармоқчидек шоша-пиша гапираётган, ичи тўла гаплигини, уларни зудлик билан баён этмаса, йўл тугаб манзилга етиб қолишларидан чўчигандек бир аҳволга тушганди.

– Ёзувчи одам қамаладимиз?! – У икки томон ойнасидан ташқарини кузатди, чамаси у манзилга қанча вақт қолганини чамалади. Ҳамон ўзини, эхтиросларини жиловлолмай деди: – Тоғам Жулкунбой ёзмай қўйди, жўрнални қизиги қолмади, дегандилар! Бир замон касалга чалиниб ёзмай қўйгандингиз, шундайми?

Абдулла бу сафар соқчи йигитга ҳурмат билан разм солди. Бояги беписандлигидан ичида хижолат чекди. Биз “Муштум”ни одамлар ўқимайдилар, бефарқлар дея нолиймиз, мана, ёшгина миршаб йигитча шунча нарсдан бохабар экан, чакки эмас! Жулкунбой бир муддат касалланган кезлари номи журналда кўринмай қолган, бу ҳол муштарийлар орасида миш-мишларга сабаб бўлган, журнал бунга равшанлик киритиш мақсадида махсус тушунча-иғлон берган, демак, омма орасида журнал ва унинг муаллифларига бефарқлик эмас, аксинча қизиқиш юқори экан.

– Бир замонлар ман ҳам мелисада бўлганман, – деди Абдулла соқчига туғилган меҳрини изхор этиш ўйида салмоқланиб. – Кўнгилли мелисада.

Соқчи кулимсиради.

– Ёзғувчилар мелисада қандай ишлайдилар? – ишонқирамай сўради у. – Мелиса бўлак, ёзғувчилик бўлак касб. Бир-бировидан йироқ...

Абдулла мийиғида кулди, сўнг жиддий тортди, айтди:

– У қадар йироқ эмас, ўхшаш жиҳатлари ҳам бор...

Тошкент Облпрокуратура

Махбус ҚОДИРОВ Абдулла шошилинич тарзда Самтузатишуйига этап йўли билан ёки имкониятга қараб бир кишилик конвой билан олиб келинсин

Давлат прокурори

8V1 26 й.

Тақдирини пойтахт Самарқандда ҳал бўлишини биларди Абдулла. Ўша кунлар ҳам етиб келди. Бир-икки кунда суд иши бошланиб қолар, бу ёғи тайин – суд залига кирдию қатор ўтирган дўстларига рўпара бўлади! Сафдошлари, ижоддошлари, матбуотнинг нонини еб юрган, матбуот сўзи, матбуот кулгиси нима эканини беш қўлда билладиган хайрихоҳларини кўради! Бири олиб, бири қўйиб сўз сўрайди. Орадаги барча шубҳагумонлар тумандек тарқайди. Судловчилар – ҳамма ҳайрон, арзимас бир мақола туфайли юз берган англашилмовчиликдан... суд мажлиси ҳазил-мутойибага айланади ва...

Абдулла. Келаётган ким? Кимлар кўринаётир кўзимга?

Комил Алимов. Биз, Жулкун, бегона йўк қаторимизда.

Абдулла. Мен қайси қаторда?

Комил Алимов. Сен... биз...

Абдулла. Сен, биз – беиз.

Комил Алимов. Нечун беиз, Абди? Нечун?

Абдулла. Қора тутун, қора булут, қора ис-курум! Нахот ёруғлик қаҳат?! Қани қолганлар, дўстлар-дарддошлар?

Санжар. М-мен шу ерда...

Абдулла. Сен-да, шу ерда. Ғози қани? Мирмуҳсин, Хуршид?

Зиё Саид. Муродинг не, Абди, муродингни айт?

Абдулла. Муродим битта – сени танқиддир, танқид (*заҳарли қулади*).

Зиё Саид. (*оғриниб*) Чаённинг касби нишин суқмоқ...

Абдулла. Чаённинг ниши, билсанг – даво, йўкса итоб – маломат! Ихтиёр...

Ғози Юнус. Ихтиёр кимда?

Абдулла. Обидийда қилмасман асло. Билло, ихтиёр – ҳақда, адолатда! Ялҳакликда¹⁴ эмас муқаррар!

Ғози Юнус. Тағин?

Абдулла. Тағи¹⁵ мубораза?! Тағи тағофул¹⁶?! Суд ишининг дебчасин билгим келадир.

Ғози Юнус. Дебчаси?.. (*ўйланиб қолади ва бирдан*) Нимага шаъма?.. “Йиғинди гаплар”дан бошланди-ку, бари хангама.

Абдулла. Сенга хангама! Зирҳинг ҳамон – тағофул, тағофулда ғофилсан, ғофил! Майдон энди – сеники, мард бўлсанг, майдонда хангра, биродар Ғози!

Ғози Юнус. (*Комил Алимов томон қараб*). Айтмадимми?!

Комил Алимов. Надур тағофул? Надур булут, надур қора ис-курум, Абдил? Биз яқдилмиз, ахир, баримиз – шунда!..

Абдулла. Хаҳ-ха-ҳо! Хаҳ-ха-ҳо! У ҳолда нечун туркингиз заҳил-пажмурда?! Адоват, хусумат бўялган мамлакат рангига?! А, лаббай, сизлар бир сафда, бир сафда!..

Т.И.Т.Д. тергов бўлими қошидаги қабулхона мудирини

Хизмат хати

1926 й. 22 май

¹⁴ Иккиозламачилик.

¹⁵ Тағин.

¹⁶ Билиб билмасликка олиш.

Маълумотнома

Қодиров Абдулла очликни тўхтатгач 9–18 апрель кунлари бизнинг бўлимда ётиб даволанди.

Облсуд учун ёзилди.

22.V.1926

“Қани эди!” деб юборди Абдулла. Хаёлида театр учун мўлжаллаб ёза бошлаган сахнада ёғдирилаётган таъна-маломатлар таъсиридан чиқолмаётганди. Ҳаммалари иштирок этсалар эди, қанча айтар сўзи бор, изхори истиғфори бор. Гина-кудуратларни тамом унутиб, ёзганларини ўқиб эшиттирса, дўст-биродарлари тингласалар, судлов оқими тамомила ўзанини ўзгартириб... Батаҳқиқ, у суд залида “Муштум” раҳбариятини, қолаверса ижодкор дўстларини кўришига ишончи комил эди. Ҳатто уларнинг қай бирлари сўз сўраб кимсан Жулкунбойни, кимсан Абдулла Қодирийдек сафдошларини ўз химоятларига олиш ниятида бирлари олиб, бирлари кўйиб сўзга чиқишларини, матбуотда кулгили мақола ёзишнинг хос услуби борлигини, “Йиғинди гаплар” оддий ҳазил-мутойиба эканлигини, мақола журналда босилганга қадар ҳаммалари ўқиб, дам маъқуллаб, дам иккиланганликларини судга тушунтириб беришларини кўз ўнгига келтирганди. Не кўз билан кўрсинки, судлов хонасида суд хайъати, котиб йигит, давлат кораловчиси, икки нотаниш кимса, соқчи ва айбланувчи, холос. Бошқа ҳеч зоғ йўк!

– Нима сабабдан химояловчи олишни рад этдингиз? – сўради хайъат раиси.

– Нима сабабдан иш юзасидан гувоҳлар, менинг қаламкаш сафдошларим иштирок этмаяптилар? – саволга савол билан жавоб қайтарди Абдулла.

– Сиз савол эмас, жавоб беринг! – деди хайъат раиси.

– Савол бериш ҳуқуқим бўлмаса, талаб этишга ҳақким бордир?

– Хўш, талаб?

– Дастлабки тергов-суриштирув, юзлаштирув ўтказмай туриб суд жараёнини бошлаш ҳеч бир қонун-ҳуқуқ талабларига жавоб бермайди. Шундай экан...

– Шундай экан, мана, – деди хайъат раиси олдида турган, қалинликда бир-биридан қолишмайдиган икки тўплам қоғоз бойламига ишора қилиб, – манави хат-ҳужжатларга ишонайми ёки сизнинг оғзаки гапингизгами? Билиб кўйинг, судланувчи Қодиров, суд процессининг тили – ҳужжат, ёзувчилик-сафсатабозлик эмас!

Абдулла хайратидан оғиз очолмай қолди. Раис боқладимми, деган маънода муғамбирона бош чайқаб, судланувчидан нигоҳини узмади.

– Қандай хат-ҳужжат?.. Сизга қаердан келди?..

– Ҳаммаси имзоланган. Муҳр билан тасдиқланган. Суд учун муҳими – муҳр! Изох...

– Ахир мен билан ҳеч кимса бирон марта...

– И-изоҳ ор-тиқ-ча! Биз бу ерга хангама учун йиғилганимиз йўқ. Етар, мақсадга ўтамитиз.

– Мақсад нима, ўзи?! – Судланувчининг товуши судловчининг товушини босиб тушди.

– Мақсад – гапни қисқа қилиш! Матбуотда қасддан аксилинқилобий мақола бостириш жиноятига яраша жазо белгилаш! Ҳамонки химоячига эҳтиёж йўқ деб ҳисоблар экансиз, менинг вазифам – сизни огоҳлантириш. Менга ва судга нисбатан даъво туғилишини истамайман. Иш – ғоятда нозик.

Суд раиси “иш нозик” деганда нимани назарда тутди, ўзига аён, лекин Абдулланинг фикрига кўра, нозиклик деганда – матбуотга кулгилик нарса ёзишнинг, уму-

ман ҳажвия моҳиятини англаш, фаҳмлашнинг нозиклиги муҳимрок саналаётганида эди.

– Нозиклиги шундаки, – деди у товушини пасайтириб ва вазминлашиб, – менга қўйилаётган айбнинг аслида айб эмаслигини ёлғиз ўзимгина асосли тушунтириб бера оламан. Ҳеч бир ҳимоячи бунга қодир эмас.

– Ҳўш, нечун? Қандайига?

– Багафсил ёзиб қўйганман, рухсат этсангиз, бир бошдан ўқиб эшиттираман.

Раис икки ён шеригига бир-бир нигоҳ ташлади-да, “Ўқинг” деб қўлидаги қаламни столга ташлаган эди, қалам судланувчининг товушидаги ҳазинликка дош беролмади чоғи, стол кирғоғига юмалаб борди-да, “тирқ” этиб оёқ остига тушди. Раис пинагини бузмай қора чарм копланган суянчиғи баланд курсига ясланди. Абдулла дафтар варақларини кафтининг қирраси билан текислаётиб, томоқ қириб олди, шошилмай, бир маромда ўқишга киришди:

– Мен 1926 йилнинг 10 январидан 10 февралигача отпускага кетуб дам олуб юрганамда бу “Йиғинди гаплар” номли мақолани ёзганман. Отпускадан қайтгандан сўнгра 14–15 числада навбатдаги чиқатурған “Муштум” журналининг сони учун материаллар тайёрлаганимда уларнинг ичида бу мақолани ҳам қўшуб, масъул муҳаррир Комил Алимовга олуб борганман.

Абдулла суд раисига кўз кирини ташлади, раиснинг туркида ҳеч қандай ўзгариш-қизиқиш аломатини сезмади. Давом этди:

– Масъул муҳаррир Комил Алимов ҳалиги “Йиғинди гаплар” мақоласини маним қўлумдан олу-уб, – Абдулла атайин ургу бериб ўқир экан, яна раисга ўғринча кўз кирини югуртирди, – ўзунинг кабинетида баланд овоз билан ўқуб берди-и. Ул мақолани ўқуб берган вақтда унинг кабинетида ўртоқ Ғози Юнус, Санжар, Шермухамедов ва контўршик Халучев бор эди.

Бу гаплар ўқилганида ҳам суд жараёни иштирокчиларининг бирортаси қилт этмади. Ваҳоланки, мазкур ахборот айбланувчининг бўйнига тиркалаётган гуноҳнинг бир қирраси – мақолани ўзбошимчалик билан бостириб юборганлик айбини йўқка чиқаришга етарли далил бўлур эди. Абдулла бир зум ўқишдан тўхтади.

– Давом этинг, – деди суд раиси совуккина.

Абдулла давом этди. Узоқ ўқиди. Тушунтириб, ижикилаб, дона-дона қилиб ўқиди. Кейин-кейин тингловчиларга эътибор ҳам қилмай қўйди. Абдулла ҳаётида бу қадар узоқ ва баланд овозда маъруза ўқимаганди, товуши бўғилди, бироқ ўқишдан тўхтамади. Ваҳоланки, суд ҳайъати аъзолари ҳам, давлат қораловчиси ҳам аллақачон унинг маърузасидан тоқатлари тоқ бўлгани очик-равшан кўриниб турар, бироқ улар судланувчининг қонуний ҳуқуқини поймол этишлари мумкин эмаслигини яхши билишар, кейинчалик “судга нисбатан даъво туғилишини иста-масликлари” аниқ эди. Бироқ суд раисининг бардоши кўпга етмади.

– Маърузангиз ҳали узоқми? – дея савол қотди у тўсатдан.

– Узоқ.

– Суд жараёни эртага довуруқ танаффус эълон қилади.

Ҳаво одамни лоҳас қиладиган даражада бетайин, ланж эди, шунга қарамай иккинчи куни Абдулла яна узоқ ўқиди. Иштирокчилар ўша-ўша – бепарво. Ҳатто тингламаётгандек, истаганингча ўқи, дегандек чурқ этиб оғиз очмас, айбланувчи-га савол қотмасди. Аввалига бундан ажабланган Абдулла бора-бора кўникиб кетди. Нима бўлган тақдирда ҳам ўқиса, ўқиганлари суд заботмасига¹⁷ киритилса, унинг даъволарига ақли этиб қулоқ осадиган бирор банда топилиб қолар деган ни-

¹⁷ Протоколига.

ятда кандай руҳда бошлаган бўлса, ўшандай давом эттирди. Абдулла ўқиб туриб ўйлади, туни билан ўйлади, на бирорта гувоҳ, на бирорта ахли калам катнашди жараёнда. Наҳотки, уларнинг ҳеч бирларини кизиқтирмаган бўлса, Абдулланинг тақдири?! Наҳотки, уларнинг барчалари ундан юз ўгиришган? Бу етмагандай, барча шохидлар “Йигинди гаплар”дан журналда босилгунга қадар беҳабармиз деган бўлсалар?! Ахир ўша шохидлар Абдулланинг дўстлари, ёронлари, кунда бирга касбдошлари, ўрни келганда, Абдулланинг қарийб ҳар сафар босилган мақоласи юзасидан таҳайюрларини¹⁸ очикчасига изхор этиб олқишловчи, лузум¹⁹ топилса, ҳар қадамда маслаҳат сўровчилар-ку!

Учинчи кун эрталабки мажлисда маъруза ниҳоясига етди. Абдулланинг назарида ортиқча изохга ҳожат қолмаган, матбуотда кулгили гап айтишининг ўзига хос сир-асрорини тўла-тўқис баён этиб бергандек эди. Унга қўшилиб бошқа иштирокчилар ҳам энгил нафас олдилар.

– Саволлар борми? – ўлик нигоҳини ўтирганларга тикиб сўради раис.

Жимликни давлат қораловчисининг ясама жиддий ва таҳдидли овози бузди:

– Судланувчи Қодиров! Айтинг-чи, шу вақтга қадар фирка аъзоси эмаслигингиз сабаби нимада?

Қораловчи киши бундан бошқа қандай савол ҳам берарди. Маърузани дурустига тинглагани ҳам йўқ, тинглаган тақдирда ҳам айбланувчи жон койитиб айтган гапларига ақли етмаса. Матбуот нима, унда босилган мақоланинг яратилиш услуби нима, тушунмаса.

– Мен маърузамда бунинг сабабига изох бердим, – деди Абдулла.

– Мен такрор сўрадим – сиз ҳам такрор айтинг!

Абдулла бир зум ўйлаб олди-да, жавоби маърузадаги изохдан фарқли бўлиб қолмаслиги учун диққатини жамлаб олди. Сўнг қарийб сўзма-сўз такрорлади:

– Бу ҳақли савол. Дарҳақиқат, мен бунда айблیمان, чунки маним табиатимда фардликка мойиллик бор. Шу сабаб...

– Фардлик? Қайси маънода?

– Ёлғизлик маъносида.

– Ҳаммаси тушунарли, – деб унинг гапини бўлди қораловчи худди шу жавобни кутгандек. – Менда бошқа савол йўқ.

– Қодиров! – салмоқланиб гап бошлади раис. – Мана, уч кун сўзингизни бўлмайд кулоқ солдик. Шундайми? Тингладик, шундайми? – У судланувчидан жавоб кутмай давом этди: – Айтинг-чи, энди ўз қилмишингиздан пушаймонмисиз? Биз учун муҳими, шуни айтинг.

Абдулла тутақиб кетди. Бошқа ҳар қандай лагтачайнар саволга тоқат қилиши мумкин эди, лекин бу қадар бемаъни, бетайин, лаққи саволни кутмаганди. Шунча айткан гаплари муҳим эмас экан-да, булар учун! “Уч кун қулогингга танбур чертдимми, бесавод ифрит²⁰?!” деб юборди ўзини босолмай. Яхшиямки, бу иддаоси ичида қолди, сиртига тепчимайди.

– Бу савол менга эмас, мақола муаллифи Овсарга берилса ўз тилида янаям тўқисроқ жавоб кайтарарди, – деди Абдулла энсаси қотганини сездирмасликка уриниб, киноя аралаш. – Мақолани мен ёзган эсам-да, Овсарнинг тилидан ёзганман. Барча англашилмовчилик шугинанинг фарқига бормаслик оқибатидир. Маъюблик курсисига ҳам аслида Овсарбойни ўтказиш адолатдан бўлур эди.

Судланувчи тагдор сўз ўйини қилаётганига раиснинг фаҳми етмади. Яна бир

¹⁸ Ҳайратларини.

¹⁹ Зарурат.

²⁰ Учига чиққан шайтон.

неча савол берди, бироқ барча саволлар номигагина берилётганди. Бунинг устига судланувчининг маърузасида атрофлича равшанлик киритилган саволлар бўлганидан Абдулла уларни такрорлашдан маъни топмас, раисни эса серизоҳ жавоблар у қадар кизиктирмаётгандек эди. Ўйлаб кўрса, Абдулланинг ҳафсаласи пир бўлган, гўё номигагина давом этаётган жараённинг ўзига, унинг тақдирига мутлақо дахли йўқдек, шундай экан, савол-жавоб эмас, манави майнавозчилик тугаган заҳоти у йўлга отланади, ниҳоят, уйига – онаси, ака-укаси, аёли ва фарзандларининг кучоғига ошиқади. Ҳамма-ҳаммалари билан ачом-ачомлашиб кўришади, дийдорлашади, янги туғилган ўғилчасини бағрига босиб, унинг жаннатий исларидан тўйиб-тўйиб нафас олади! Шу куннинг ўзиде оиласига бошидан кечирган хангамаларни – Ростгўй амаки эртагини тонготар окизмай-томизмай ҳикоя қилиб беради. Сўнгра эртасигаёқ тонг саҳардан уйғониб, ижод хонасига қамалиб олиб, бир ёзади-бир ёзади! Бир ҳамлада, ҳа-ха, хумордан чиккунча бош кўтармайди. Ҳафта бўйи кўчага чикмайди, келди-кеттини йиғиштиради – кўрган-кечирганларини, саргузаштларини ҳикоя қилади, йўқ, фельетон ясайди. Эҳтимол, Калвак маҳзумдан кўра йирикрок китоб ҳосил бўлар?! Уни тугатар-тугатмас, мусаннифлик дастгоҳида яна бир рўмон уч бериб турибди... Ҳа-а-а, мана шу уч ой панд берди, ёзиш гаштидан мосуво этишди – кисир колган совликнинг ҳолига туширишди! Ёзгани шу уч кунда ўқигани маъруза бўлди, холос. Ўйлаб кўрса, маъруза баҳонасида анча-мунча гапларни қоғозга туширибди, вирди забон²¹ қилиб юргандан кўра қоғозга тушса, турган-битгани адабиёт, матбуот аҳлига ҳар жиҳатдан нафи тегмай қолмас!..

Раиснинг тутуруксиз саволларига жавоб берар экан ҳаёлининг бир чеккасида қораловчининг саволи гир-гир айланишда давом этаверди. Не сабабдан битта савол билан чекланди у? “Ҳаммаси тушунарли! Менда бошқа савол йўқ”. Нимаси тушунарли? Қандай қилиб ҳаммаси?! “Ҳаммаси” деганда нимага шаъма қилди у? Нимани назарда тутди?

У ҳукм ўқиб эшиттириляётган дамларда ҳам ҳаёлларини жамлай олмади. Уч ойдан буён ўйламаган нарсам қолмади деб юрганди, колган экан. Шуни ўйламаган, табиатидаги фардлик мохиятини, мохиятидан келиб чиқадиган оқибатини мулоҳаза қилмаган экан. Ваҳоланки, ҳаётидаги жуда кўп воқеалар – оила тутимидан китобхонликкача, газит-журналчилигидан ёзувчилигигача, жонсарақлигидан сафдошларига аямай-нетмай айтадиган тигдор танкидларигача, Ғози айбсигдан тилининг заҳар-заққумлигигача, барча-барчаси унинг феълидаги ушбу хусусият туфайли экан! “Санинг қайси бир ёзганларингга ишчи-деҳқон тушунадир?” Ғози Юнуснинг шундай деб ёзганини эслаб, қулимсиди Абдулла, жиддий тортди. Ижодидаги бу “айби” ўзига ҳам маълум. Ким билсин, ушбу “туноҳи” ҳам ижоддаги фардлиги, яъни адаблик тушунчаларидаги ёлғизлиги боисидандир?! Тушунган одам тушунганлиги туфайли тушунмаганлар орасида тушуниксиздир, ёлғиздир... Илло кўнгилда на шамси ғубороти, на-да тесқаричилик мақсад-муроди бор. Қанчалар содда, авом учун тушунарли ёзишга уннамасин, авом-оми ўқувчилар у ёқда турсин, мана, касбдошлари, қалами ўткир Ғозидек сафдоши ҳам аввалбошдан унга тесқари ўгирилиб олгани-олган! Ғозида гап кўп. “Муштум” яратилибдики, у билан ўртада мунозара! Мунозара мубоҳасага, мубоҳаса тортишувга, тортишув тош отишга айланди. Аччиқ гаплар отишмаси ҳамманинг оғзига тушди. Тўғри, Абдулланинг тили аччиқ, матбуотчилик юзасидан аччиқ-қурум гапларни кўп ёзди. Унинг қалампир ўхшатишларига дош беролмаган Назир Тўракул, Ғози Юнус мақола ёзиб чиқдилар. Бироқ уларнинг бари ижод ва матбуотчилик ишларини йўлга қўйиш ниётида қилинган ва айтилган сўзлар эди, холос. Фикрда, фикрчанликда ёлғиз эди,

²¹ Оғзаки такрор.

Абдулла. Үша ёлғизлик мана энди буткул ўзгача тўнда унинг бошига ёпилганди!.. Начора, суд ишида ижоддош дўстлари ёнида туришар деб кутганди. Кутгани зое кетди, умидлари пучга чикди, ўзини химоя қилиш якка ўзига колди. Ана, ҳукм – икки йил озодликдан маҳрумлик муборак бўлсин, ўрток ёзувчи! Матбуот кулгиси учун кулгили жазони қабул қилиб олсинлар, ўрток Жулқунбой! Ана сизга ёзувчилик эвазига мукофот, фардлик гаштини суриш имкони! Ана сизга тушунганнинг устидан тушунмаганларнинг қаҳ-қаҳаси, ҳукми одили!..

Абдулла қарахт бўлиб колди, ҳукми ўз кулоғи билан эшитдию уни вужуди-га сингдиролмади. Суд ҳайъати раиси ҳам роса кифтини келтириб, кироат билан, дона-дона қилиб ўқиди. Шунда ҳам ишонмади у, чулки у тасаввурида бундай бўлишни ақлига сиғдиролмаганди. Қандай бедодлик бу ахир! Шу халқ, шу юрт, шу маориф, шу маърифат йўлида жонини тиккан, ҳаловатидан воз кечган, одамлар ўқийдиган сўз излаш, топганини ўхшатиб ёзиш кўйида кунни тунга улаган, хали ўйлаганлари, истаганлари, мўлжалга олган тоза ниятлари хирмон-хирмон бўлиб уюлиб ётган одамни икки йил ҳаётдан юлиб олиш кимга зарур бўлиб колди?! Бундан ким ютади? Кимга канчалар фойдаю, кимга нечоғлик зарар?! Наҳотки, масаланинг бу томонини мулоҳаза қилишга ярайдиган бир банда топилмаса?!

“Ахир!?”, “Наҳотки!”нинг адоғи йўқдек. Бирок суд иши ниҳоясига етган, галда-ги воқеалар одатий оким ўзанини тарк этмаслиги муқаррар эди.

Кўлга кишан солинди. Аллақандай темир эшиклар тарақ-туруқ қилиб очилди-ёпилди, қанча йўл босилди, қай томонларга хайдаб кетишяпти, билиб бўлмади. Билиб бўлмади эмас, билишнинг қизиғи қолмади. Кўрсдан-кўрс, дағалдан-дағал, ҳам қўланса, ҳам тигдор дағдаға устига дағдаға ёғилаверди:

- Юр!
- Тўхта!
- Қимирлама!
- Анграйма!
- Ўнгга!
- Чапга!
- Аланглама!
- Имилама!
- Илдам юр!
- Кўзингни оч!

Устма-уст ёғилаётган бу амрларга Абдулла кулок солдими-йўқми, уларга риюя қилдими-қилмадими, англаб етгани йўқ. Унинг хаёли шиддат билан ишлаётган – маҳкумлик ҳаётини қандай ўтказишни, нималар билан машғул бўлишни чамалашга тушиб кетганди. Шуури чўл шамолидек шувуллаб аллақакларга ғойиб бўлгандек қалаванинг учини йўқотиб қўйган – нима ҳақда ўйлаётганини унутганди. Ҳозир, бугун ё эрта ҳақида эмас – нукул истикбол ҳақида қайғураётганидан ҳайронлиги ортаётган, нима бўлган тақдирда ҳам Абдулла ҳар қандай оғир дамларда зинҳор-базинҳор умидсизланмас, умидсизланиш туйғуси унинг феълига ёт эди.

– Чик!

Абдулла қимир этмай тураверди.

– Мошинга чик, дедим! Гарангмисан?!

– Томошага очиб кўйдими мошинани! Кир ичкарига!

Кимдир орқадан бели аралаш гурсиллатиб тепди. Абдулла базўр ҳушини йиғди. Қора кўнғиз мошиннинг ланг очик орқа эшиги рўпарасида турганини элас англади.

– Кўлингни узат! – деган бўғиқ товуш келди мошинанинг ич томонидан.

Шундагина Абдулла мошин ичида ўзига ўхшаш тўрт-беш нафар аристон тикилишиб ўтирганини кўрди. Унга томон чўзилган етти ёт бегона икки қўл Абдуллани мошинга осонгина чиқиб олишига кўмаклашди. Ёнида, ортида келаётган соқчининг дағдағаси тепкидан кўра канчалар оғир ботса, икки аристон қўлнинг кўмак истагида чўзилгани кўнглига ажиб шуъла ёқди. “Ёрдам қўлини чўзадиганлар ҳам бор...” деди ичида кўнгли ийиб.

Қора кўнғиз мошин аристон ташишга мослаштирилган: эшиклар тараклатиб ёпилган захоти машина ичи... тунги “Хўжа Маъоз” мазористонига айланди-қўйди.

Ўзбекистон Коммунистик (большев.) партияси

Марказий Комитети

№ 6746 27/V11 1926 й.

Самарқанд ш.

Олий Судга

Ўз КП(б) МК Матбуот бўлими Сиздан Абдулла Қодировнинг иши бўйича қарорни жўнатишингизни сўрайди.

Ўз КП(б) МК

Матбуот бўлимининг мудирини (Назиров)

Котиб (Гневушева)

Олти нафар қисматдош эндиги ҳаёт оқими қай томон нишаб тортишини билмай, чурк этмай боришарди. Бешала нотаниш кимса ва Абдулланинг дарди-дунёсини қоплаган зимистон қора кўнғиз машина ичидаги қоронғиликка бир манба каби эди. Ташқарида жавзо олови борликка ўт кўяман дейди, ичкарида эса... асов ва қутурган, аммо кўзга кўринмас ел кучайгандан кучайиб борарди. Бунга сайин қора кўнғиз мошин ичи яна бир қат қўрқинч ҳолга кирар, бир-бировининг пинжида нажот топадигандек сиқилишиб ўтирган аристонлар шамолга дош беролмай қарс-курс синган шох-шаббадек тинмай силтанар, қайси бири “их”раб, бошқаси “мих”раб ёлбориш товуши чиқарарди. Кўкни ўраб олган қора булут эса, тўс-тўсга бўлиниб, қора парда ичидан ярим юзини очган ой номаълум қисмат олдидан додидираб бораётган маҳбусларнинг манглайини ожизона ёритиб турар, бу манглайга битилган тақдир битикларини ўқиш, ўқишга эса бандаси ожиз эди, ожиз...

Негадир Абдулла яна аввалгидек яқка ўзи ёлғизхонада қоламан деб ўйлаганди. Ҳар банда борки, ўз ёлғизхонасининг хожаси, ўйга толишдан ўзга нажот йўқ. Шундай ҳолатга тушса у яна бир бошдан ҳамма-хаммасини ўйлаб олади, чамалайди, режалаштиради. Бибиси, аёли ва фарзандларига айтадиган гапларини... тагин ким билсин, бу ёғи қандай кечади ҳаёти? Уни қай томонларга бадарга қилишади? Эҳтимол барини ёзиб қўймоғи, ёзганларини жой-жойига жўнатиш эпини топмоғи даркор. “Муштум”даги ҳамкасбларига атаганлари йўқ эмас, уни кенгрок, батафсилрок ёзади, балки... Уларни Абдуллага қарши қайрашган бўлса-чи?! Билмадим... Камерига кириб олай, нафас ростлайман, кейин бир бошдан, ҳа, барини бир бошдан тоштарозига соладиган мавриди келди, мавриди...

Темир эшикнинг кулоққа ўтиришиб қолган танишдан-таниш шарақлаб очилиши уни ҳушига келтирди. “Қора кўнғиз”да келган олтовлон қисматдошни туртиб, суртиб, тепкилаб эшикдан ичкарига киритишди. Гуп этиб урган қўланса ис димоғни ёриб юбораёзди – ичкарида қора-қура қўланка тирбанд эканлигини Абдулла уч қадам юрганида кўрди. “Ой булутлар остига кирса, улар, яъни бойқушлар роҳатланган каби “чиғ-чиғ-чиғ, ки-ки-ки” қилиб сайраб ҳам юборадилар. Бу вақт шу бойқушлар сайроғи ичидан инграниш каби бир товуш...” Абдулла бор мадо-

рини кулоғига йиғди. Хужра адоғида аллакандай хашаротлар шипиллаб-вишилла-ётганини, чигирткадек тик-тук этиб ирғишлаб яқинлашаётганини сезди. Ўрмалаб, гимирлаб яқинлашаётган канаю бит мисоли махлуқлар янги келган аристонларнинг устига қора курумдек ёпирилишга, оч иштаҳа билан аъзойи баданларини ич ва ташидан ишғол этишга киришди.

– Ё, алҳазар! – деб нола чекиб юборди Абдулла қарийб товуш чиқариб. – Хушимдан кетиб қолмай-да. Ўзинг мадад бер, ўзинг! Ўзинг бор – фардлик бегона бандангга, Парвардигор! Ўзинг асра!

– Илонни асфалософилинга жўнатган машими?

Абдулла тушунмади, ваҳоланки, жуда таниш сўз-ку – Илон. Нима?!

Қаёқка жўнатган?! Нега у жўнатади Илонни асфалософилинга?! Қандай қилиб?!

– Буни ёзувчи деб, ғишпа бўғишга қўли бормаган у сўтакнинг. Бу эса уни аяб ўтирмаган – тинчитган-қўйган!

Қоронғи бурчақда ғўнгиллаган, тўнгиллаган, серкават қўланса сўзлар бурксиди – Абдулланинг боши, боши аралаш кўзи, кўзи аралаш шуури жазиллаб ачиша кетди.

– Бери ке, туркингни кўрсат!

Бўғик ва кўрс товуш кимни ёнига чорляпти, тушуниш қийин эди.

Абдулла бир одим ҳам ташлашга мадори қолмагани.

– Ўзинг сўтак, хез! – деди бўғик ва кўрс товуш эгаси янаям овози гулдираб. – Бировни бўғадиган одамми, шу?! Илон ўзини ўзи “Ҳиқ-к!” қилган...

– Жичча ёрдам берворишган... – Гулдурлаган товуш эгасининг гапини маъқуллади яна бир бошка овоз.

– Қачон? – деб сўради Абдулла ҳам алам, ҳам ғазаб аралаш. У иккала кўзини чирт юмиб олди. Кўзини очса рўпарасида “Бўғма” пайдо бўладигандек, бироқ, бундан чиқди, у аллақачон жон таслим қилиб бу дунё азобларидан халос бўлиб кетган, бироқ Абдулланинг унга айтадиган гаплари қалалиб келаётган, лоақал ундан исмини сўраб қолмоқчидек, бироқ, бироқ, бироқ!.. – Қачон юз берди бу воқеа?! Айтинглар, қачон?!

...узок-узоклардан мунгли азон товуши чалинди кулоғига. “Оллоҳ акбар” такрорланди, яна “Оллоҳ акбар”, яна такрор, такрор. Муаззин одамлар эшитмай қоладилар деган хавотирда шекилли, “Оллоҳ акбар”ни тинмай такрорлашда давом этди. Отабек зиёратхона... йўқ, хашаротхонанинг темир эшиги шарақлаб очилди. Ўткир чироқ шуъласидан Абдулланинг кўзлари қамашиб кетди. Одам одами танимай қолди. Ҳаловатини йўқотган хашаротлар тумтарақай қоча-қочга тушди.

– Қодиров Абдулла! Ташқарига!

Жумҳуриятда аҳвол қандай? Тошкентнинг Чорсу бозорида нима гап? Эшонгузарда нима сўз? Ўтиб бораётган кунларнинг номи – жавзо. Курраи арз ўз чархпалаги теграсида айланишдан тўхтамаганидек ҳамалдан зўр чиққан саврнинг ўрнини забт этган жавзо ҳам оёқлаб бормоқда. Ҳадемай саратон келади. Абдуллачи, Абдулла қачон келади? Раҳматли Қодирмухаммад бобонинг хонадонидагилар кўзлари тўрт бўлиб, тор кўчадан кўз узмайдилар. Бормаган жойлари қолмади. Мурожат қилмаган не-не идораю маҳкама остоналаридан тарвузлари қўлтиқдан тушиб қайтмадилар. Жосият биби уч қайта хат ёзди, ёзғувчи ўғлининг айбидан ўтишларини сўраб илтижолар битди. Абдулла очлик эълон қилганини эшитгач, онаизорнинг томоғидан лукма ўтмади. Икки дафъа Ғози, бир сафар Зиё йўқлади, шекилли, Исоқ домла эса кунда-шунда.

– Ёзғувчилик – шайтонни қасми, дедим, неча бор айтдим, йиғиштир шу ишингни, дедим. Беш маҳал намозимда йиғлаб, Худога ёлборяпман, раҳм-шафқатингни дариг тутма, шу бандангдан, деяпман.

Исоқ домланинг оғзидан тушмади бу сўзлар! Абдулланинг акаси Раҳимбердига ҳам, укаси Қудратуллага ҳам, ҳатто Жосият бибига ҳам неча қайта такрор батакрор айтишдан чарчамади бу сўзларни. Куйиб айтди, жонига ўт қалаб айтди, алам-андухла айтди. Раҳбарнисанинг яна бир ўғил туғиб бериши ҳам мусибатзада хонадонга кўпда қувонч олиб келмади. Ва қутилмаганда...

– Вой шўрим, Абди, кела қол болам! Худойимдан айланай, кеп қолдингми?!

Жосият биби ичидан отилиб чиққан йиғини босолмай, эшиқдан кириб келган Абдулла томон икки-уч одим илгарилаб улгурмади, оёқларидан жон чиққандек бўлиб, мажолсизланиб чўк тушди. Кампирни ёнидагилар суяб қолишди. Бибининг бетига сув пуркаб, хушига келтиришди. Биби кўзини очиб, тепасида ўзига жавдираб термилиб ўтирган Абдуллани кўрди.

– Кимлар сани шу кўйга солди, жон болам...

Жосият бибининг кўзида ёш кўринмади. Абдулланинг назарида ушбу нигоҳдан кўра ишончлироқ, меҳрибонроқ, таъмасизроқ нигоҳ йўқ эди бу ёруғ дунёда. Жосият бибининг назарида эса ўтган уч ой мобайнида ўртанча ўғли фавқуллода улғайиб, ҳатто қаримсиқлашгандек, шунга қарамай унинг оналик туйғуси устун келаётган – Абдулланинг ранг-рўйи хийла кетиб қолгани сезилаётган эди унинг кўзларига.

Бибисининг “ким” эмас, “кимлар” деган сўроғи Абдулланинг миясига тигдек қадалди. Тутқунликнинг узун куну узун тунлари адоғига етган-етолмаган ўйлари ичидан у ҳам “ким”дан кўра “кимлар” деган саволга алоҳида жавоблар излаганди. Неча қайта жавоблар топди, неча қайта топган жавобларидан воз кечди. Нима бўлганда ҳам, лўндасини айтганда, Абдулла кенг омма – оломоннинг кўзини очмоқ ниятида газит-журнални мақолага кўмиб ташлади – ўбдон ёзди, хўпам ёзди, беармон ёзди – тиним билмади, номи оғизга тушди, танишлару нотанишлар тугул ижоддошлари ҳам унинг исмини эшитканда хушёр тортадиган бўлиб қолишди. Ҳавасу ҳасад баҳорнинг бўтана сувидек аралаш-қуралаш бўлиб кетди. Мана шундай бир паллада “Йиғинди гаплар” чоп этилдию баҳонанинг оёқнинг остидан чиққани асл муносабат – асл ниятларнигина эмас, шўролар сиёсатининг пинҳона кирдикорларини, халқни саводхон қилиш, янгича турмуш тарзига эришиш йўлидаги тарғибот-ташвиқотлар замиридаги асл ниятларни, маҳаллий раҳбариятнинг нималарга қодиру нималар олдида мутлақо ожизу нотавонлигини ойдай, кундай ёритди-қўйди! Айниқса, яхши ният қўйидаги матбуот сўзини поймол этиш шу қадар осон ва жўнлигидан қаттиқ қайғурди.

Ҳаётнинг шафқатсиз оқими янгидан-янги жумбоқларни кўндаланг қўйди Абдулланинг олдига. Саволлар қалашиб кетди. Уларга жавоб топиш учун эса яна фардлик – ёлғизлик уммони мавж уриб чорлай бошлади. У остонадан қадам босиб, кўчага чиқмади. Эртаминан пастак ижодхонасига кираверишда бирров тўхтади. Шу хонани тинтув қилишганди, остин-устун қилиб барча ёзув қоғозларини, чала-қораламаларини бир қопга тикиштириб олиб кетишганди.

Оппоқ чойшабада чалқанчасига қип-яланғоч ором олиб ухлаётган, хануз исм танланмаган чақалоққа узоқ термилиб турди. “Қадамнинг қутлуғ келсин, ўғлим”, деб дуо қилди-да, оҳиста ҳовлига чиқиб чоккина гулзор оралаб боғ томон юрган жойида тўхтади. Изига қайтди – ҳовуз бўйига етмай туриб, қулоч етмас терак кундасига нигоҳи тушди. Отаси оғиз солган, хонадоннинг қадрдонига айланган терак кесилибди. Анча бўлган шекилли, кунданинг икки бикинидан кўқарган икки қаламча новда тонгги шабадада ожиз тебраниб турибди.

Боғ салқиндек туюлса-да, саратоннинг нафаси уфуриб турган иссиқдан қочиб қутулиш қийин. Узумзор, у ёғи боғ – олмазор, шафтолизор, ўрикзор... Ҳар бир туп

дарахт, ҳар бир ток занги уни соғинган... Дарахт шохлари оралаб тушаётган қуёш нурлари, соялар унга мушток... муҳимдан-муҳим, эхтимол мудхишдан-мудхиш хабар етказмоқ ниятида шивирлашаётгандек... Тўкилган ўриклар қорайган, туршакка айланган, данаклар... Кечагина каерда эди у, бугун каерда?.. Нахотки, “Бўғма” йўқ энди? Нахотки, у ўзини ўзи “Ҳик-қ!” қилган?.. “Фақат билиб қўй, дунёга одам бўлиб келдингми, айтар гапинг бўғзингда қолмасин, дивомман, ука! Эракмисан, бўғзингда қўйни кумалоғини йиғиб юргандан кўра айт, айтадиганингни! Ёз, ёзадиганингни! Ё остидан, ё устидан-де, ўладиган дунёда!” Абдулла қулоғига мухрланиб қолган бу сўзларни неча қайта такрорлади ўзича. Ҳар сафар ёдига тушганида “Бўғма” билан бафуржа суҳбат қурмаганига афсуслар чекди. “Чиккан заҳотинг, қуёни сур! Қорангни ўчир!..” Қуёни сур! Қорангни ўчир!.. Қуёни сур! Қорангни ўчир!.. Қаёққа суради, қандай қилиб?! Қорасини ўчириш ҳазилми?! “...бирортасининг қорини тўйғазишга ярамадим... Ярамас...” Ярамас? Ўзи устидан ўз ҳукми эдими бу сўзлар?.. Илон деган номи бор экан, бу эса аввал “Ялангтўш” деди, сўнг уни “Бўғма”га ўзгартирди. Асл исмини эса сўрамади!.. Уч ой мобайнида кўрган-кечирганларимни “Бўғма”нинг тилидан ёзсам-чи? Ёзувчи дўстларни “Бўғма”га рўпара қилсам, уларни гапиртирсам, на Комилни, на Ғози, на Хуршидни “ока” дейишга тили бормаса, ҳаммасини “ука-ука”лаб ҳездан олиб безга солса!.. Ич-ичидан мириқиб кулди Абдулла. Овсарнинг қуни келмаса бас, Овсарнинг!..

Яқун қип-қизил майнабозчиликка айланди. Ҳа, майнабозчиликнинг ҳам қизили бўларкан. Икки йиллик қамоқ жазоси эълон қилиниши қайдаю, сассиқ ҳаво бижғиган хужрада қана ва бургаларга ем бўла бошламай ўша заҳоти ҳукумат томонидан афв этилиши қайда?! Шунинг ўзидаёқ аён эмасми барча машмашаларнинг илдизи, дебчаси, кирдикорлари! Касбдошларининг бошларини “қовуштирган”, уларни бир одамга айлантирган, бир овоздан кўрсатма беришга ундаган қудратли куч ҳам... “Синдиришадди, сўнг учасиз-кетасиз”. Ким айтганди бу гапни? “Индамас”ми, “Бўғма”ми? Илло бу гапда жон бор, буниинг шохиди бўлиб турибди Абдулла! Фақат синган қанот билан... Синган қанот билан уча билиш учун қанча қанот керак? Қайдасан, қаноат?! Қудратингни дариг тутма, қаноат!

Абдулла дарахтнинг айри шохига қадаб қўйилган тешани қўлига олди. Дастасини силади, дамани томоша қилиб қараб қолди – боғ ўша, дов-дарахтлар ўша, ўт-ўланлар ўша, теша ўша – Абдулла ўша эмасди. Энди унинг олдида ўзгарган – бошқага айланган Абдуллани, эхтимол янаям ёлғизлашган Абдуллани англаб олишдек мушкул вазифа турарди.

Жимжит кимсасиз боғ ҳовлининг аллақаерида мусича “ку-ку”лади. Боғ жаранглаб кетди. Ҳатто “ку-ку”нинг акс садоси бир мунча лаҳза жаранглаб, сукунат оғушига сингиб кетишга шошилмади. Абдулла нафас олмай унга қулоқ тутди – мусичанинг сокин ҳавога чўзиб-чўзиб “ку-ку”лаши ҳам ўша... Абдулланинг синик кўнгли бу қадар мунгли куй ижро этаётган қушни излаб топишни истади. Зеро, бу беозор, маҳзун қуш унинг ёлғизлигига маҳсус куй басталаётган, унинг хотираларига басталаган қуйини Абдулланинг қайтиши шарафига ижро этаётганди ҳам!.. Мусичанинг вужудидан сирғалиб таралаётган бу фиғон... Абдулла охириги дафъа қачон осмонга қараганини эслолмади. Кўм-кўк, тиниқ само уммонида яккам-дуккам оппоқ булут парчалари худди аразлашган одамлардай бир-бирларига яқинлашолмай, силжишни ҳам-силжимасликни ҳам билмай қотиб турар, Абдулланинг назарида Тошкентнинг, йўқ, ўзи яшайдиган Эшонгузарнинг осмонидаги булутлар кадрдонроқ, суюклироқ... бошқачароқ кўринарди...

У оёғининг остига ботган ўрик данагини топиб чўнқайди. Данақни хандалакдан

беҳроқ силлиқ тош устига кўндаланг кўйиб ўнг кўлидаги теша билан қаттиқ урди. Данақ сачраб “қочди”. Абдулланинг чап кўл кўрсаткич бармоғининг учи жазиллаб ачишди. У беихтиёр кўлини силтаб тортиди, ўрнидан ирғиб турди. Уҳ, деди, овоз чиқариб қулди. Жони оғриси қуладиган одати бор эди азалдан – қандай воқеа юз берганини англаб-англамай теша билан урган бармоғини кўз олдига яқинлаштирди. Кўрсаткич бармоғининг учи – тирноғи аралаш эзилган, тиркираб қон оқарди. Абдулла бармоғининг эзилган учига, жикка қонга беланган тирноғига қараб туриб ҳам ўзини қулгидан тиёлмади. Бошқа бармоқлари шикастланмаган эди, соғлом эди, уларда оғрик йўқ, кўли-оёғи оғрик сезмаяпти, фақат биргина чап кўлидаги кўрсаткич бармоғи – бутун жони шу ерга тўплангандек зирқираётган эди. Абдулла чидади. Ярадор бармоғи лўқиллай бошлади. У оғрик бошқа бармоқларига, ундан кўлига, ундан бутун аъзойи баданига тарқайди деб кутди. Йўқ! Яраланган бармоғининг икки кўшниси – бош ва ўртанча бармоқ кўрсаткич бармоқдан тиркираб чиқаётган қондан ўзларини эҳтиётлаш учун буқланиб олишди. Номсиз бармоқ ва чинчалоқ яраланган кўшнидан йироқ эканликларидан батамом хотиржам эдилар. Қонга беланган кўрсаткич бармоқ ҳавода ёлғиз, муаллақ қолди. У элас-элас титраётганди.

Бармоғини Абдулланинг ўзи шикастлади, бунга ҳеч ким айбдор эмас. Нима қиларди тешани ўйнаб. Тешани соғинган бўлса соғингандир – шу дамда данақ чакмаса нима эди – ўрикники эмас, шафтолининг данаги эди, шекилли, тошдан қаттиқ! Тешада ургани билан данақ чақилармиди, демак, қон чиқармасдан бошқа иложи йўқ! Боғ юмушларини ўлғудай соғинган бўлса нима – бундай деса, ахир у уйга қайтиб борган куним бош кўтармай гулзорни эпақага келтираман, боғда ишлайман, меҳнат қиламан деб қўмсай-қўмсай дилига тугиб кўйганди. Боғдан чиқмаса, кўнглининг олис жин кўчаларида йиғилиб, қайнаб-тошаётган гапларни пайдар-пай қоғозга туширса, уларни газит-журналда бостирса, одамлар ўқисалар, ўқиган сайин кўзлари очилса, дунёни буткул ўзгача нигоҳлар ила кўрсалар, ҳаётлари ўзгарса, ўзбек халқи ҳам дунёда...

– Ада!

Абдулла ўғлининг овозини танидию у қай томондан чақираётганини дарҳол тушунолмай қолди.

– Ада, ада! – дея шошилиб, баралла чақирди Ҳабибулла. Бағаз остидан энгашиб ўтаётиб тоқ навдасига илинган дўпписи ерга тушди.

– Ҳа, Ҳаби, нима гап?

– Сиззи кўришга ўртоқларингиз келишди, – ҳамон нафаси тикилиб суюнчи олмақ ҳаёлида ошиқиб хабарлади Ҳабибулла.

Абдулла симиллаб, оғриғи зўрая бораётган бармоғини ўғлидан яшириб ҳаяжонсиз, вазмин товушда танбех бергандек гапирди:

– Дўппинг ерда ётмасин, ўғлим. Аввал дўппингни кўлингга ол, бошингга кий.

Ҳабибулла тезда изига қайтиб дадаси айтганини қилди.

– Барақалла, ана энди гапингни айт.

Ҳабибулла бояғи ҳаяжон-бояғи қувонч овоз-ла хушхабарни такрорлади:

– Ишхонангиздан сиззи кўришга келишди. Ёзувчи дўстларингиз...

ТАМОМ



Ўктам МИРЗАЁР

Юракда ҳаприқар ловуллаган шаҳд

Айтилмаган сўз

Бўлар сўзни айтмадим ҳали,
Ҳали излаб умр ўтмоқда.
Сўзлашмоқнинг келмади гали,
Тинглагучи эса кутмоқда.

Қандай бўлар ўша сўз ранги,
Тафти унинг меҳрча борми?
Унда борми найнинг жаранги,
У қайдадир, дилда туморми?

Тубсиз кенгликларга боқаман,
Этагидан тутиб сабонинг.
Булутларни қучиб, оқаман,
Изларида моҳитобоннинг.

Эй сизларим, бекарор сўзлар,
От сурасиз, кўксим дупирлар.
Йўлингизда интизор кўзлар.
Қалбда эса тугён уфурар.

Бош эгиб кирар бўлсанг,
Бошда бошпананг бўлса.
Дардингни тинглагани
Отаю онанг бўлса.
Шириндир парча нонинг,
Шунингдек Ватан бўлса.
Ака-ука қанотинг,
Ҳам синглинг, опанг бўлса.

Ўктам МИРЗАЁР – 1956 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) журналистика факультетини битирган. Ижодкорнинг “Огоҳ кўнгил”, “Яхши кунлар қувончи”, “Тупроқ ҳиди”, “Амакмининг касали” номли тўпламлари нашр этилган.

Елкангдан юк оларга,
Киз оқил, боланг бўлса.
Меҳрингни ардоқловчи,
Суйгали санам бўлса.
Дўст бўлса қаторингда,
Фаним тўполон бўлса.
Шу эрур саодатинг,
Шу эрур бахтинг Ўқтам,
Такдирда Ўзбекистон –
Яшнаган чаман бўлса!

Гул бўлиб

Кўрганмисиз, аёл гул юлмас,
Лолалар ҳам термайди аёл.
Кўриб, қувонади кўзлари фақат,
Гулга озор бермайди аёл.

Келтиргансиз қачон гулдаста
Ё бир тутам қизғалдоқ юлиб?
Бокқанмисиз, юзига аста...
Юрибмизда, биз, эркак бўлиб.

Иш, иш, иш – тугамас ташвиш,
Кўзни очиб, юмаверамиз.
Оқшом эснаб ё танда ҳориш...
Бўсағада тураверамиз.

Газпечкада вишиллаб чойдиш,
Тўлғанасиз кўзни очолмай,
Хотин супа супурар, хомуш,
Кўнглингизга бир сўз тополмай.

Осмондаги ой каби тўлиб,
Юлдуз каби чараклаб кўзи.
Шаркираган жилғадай бўлиб,
Кўнглингизга кирганди ўзи.

Энди зинҳор чиқиб кетолмас,
Унга дарддир, тортсангиз ташвиш.
Сизнинг юзингиздан ўтолмас...
Сизни эса, ҳар кун қутар иш...

Майли, гул ҳам келтирманг атай,
Эшиқдан бир бора кирсангиз кулиб,
Аёл яшнаб кетади, хай, хай...
Ўзи қутиб олар сизни гул бўлиб.

Дарё шовиллайди мисоли ҳаёт,
Кўпиклар қалқади сувнинг юзида.
Гўё авжланади гўзал бир баёт,
Гўё чечак унар кўпик юзида.

Дарё шовиллайди мисоли ҳаёт,
Кўпиклар қалқади сувнинг юзида.
Яшаймиз кўпикдан излаб нафосат.
Нилуфар кутамиз кўпик изида.

Бир қадам нарида

Бир қадам нарида бахтимни кўрдим,
Интизор, кўзида сўнаётир чўғ.
Бир қадам нарида рўпарў турдим,
Қалбимни куйдирди лағчаланган тиг.

Ҳайкирдим. Бокмади. Ҳайрон. Паришон.
– Кутганинг мен – дедим, – ҳей, парирухсор!
Менинг излаганим сендирсан, инон, –
Десам. У хўрсиниб, бир бокди хумор.

Наҳот, кўзи кўрмас, тиллари лолдир,
Юракка ҳаприқар ловиллаган шахд.
Бир қадам нарида, ажаб не холдир,
Кутиб яшаганим, танимади бахт.

Ҳаёт тўхтамас

Кунлар ўтаверар, кунлардан ўзиб,
Бемаҳал очилган гуллардек тўзиб,
Юракка армоннинг суратин чизиб,
Ҳаёт давом этар, ҳаёт тўхтамас...

...Излаб борар бўлсанг, рухсорлари йўқ,
Чечаклар тергани баҳорлари йўқ,
Кечаги кун қани? Шунқорлари йўқ,
Ҳаёт давом этар, ҳаёт тўхтамас.

Умр нима ўзи – бир лаҳза нафас,
Кимларга насибдир бўлмоқ ҳамнафас,
Кимларга бу умр қафасдир-қафас,
Ҳаёт давом этар, ҳаёт тўхтамас.

Қайтай десанг, бир он, имкон топилмас,
Имкони топилса, забон топилмас,
Болалик кунлардай, замон топилмас,
Ҳаёт давом этар, ҳаёт тўхтамас.

Кафтимдаги чизиқ бесаноқ



Қаххор ЙЎЛЧИЕВ

Баҳор

Баҳор келди, дилда ҳаяжон,
Баҳор келди,
 юзда,
 кўзда нур.

Баҳор келди!
Баҳор!..
Онажон,
Баҳор асли қайдан бошланур?

Ғамлардан зах босган кўнгилни,
Набиралар кулгисига тут.
Шунда, толе ранг-баранг гулин,
Йўлларингга сочади сукут.

Баҳор келди, бамисли отам,
Ҳаж сафардан қайтгани каби.
Ҳайдалган ер, ям-яшил далам,
Аждодларнинг мунис матлаби.

Гул-чечакнинг муаттар хиди,
Гўзалликдан маст этиб кўзни,
Уялганча сингиб ҳавога,
Уриб олар димокқа ўзни.

Энтикаман сархуш ҳаводан.
Қандай гўзал ва қандай дийдор?
Баҳор келди!
Баҳор!
Онажон!
Эзгуликлар онаси – баҳор!

Қаххор ЙЎЛЧИЕВ – 1969 йилда тугилган. Фарғона давлат университетининг тил ва адабиёт факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Хушидий нигоҳ”, “Мунис насим” шеърӣ тўпламлари; “Постмодернист адиблар” ўқув қўлланмаси; “Поэтик олам сирлари” монографияси нашр этилган.

Савол

Салқин кунлар шаббодасида,
Яшил боғлар ранглари синик.
Сувлар сокин, юзлари тиник,
Кимдир юрар мевали боғда.

Куёш кекса. Ўтмайди сўзи.
Кушлар қўркиб тўпланган шохга.
Дайди шамол – қўрмайди кўзи,
Боғдан чиқиб кетади тоғга.

Кимдан қўркиб узилар олма,
Беҳи беҳос ҳидин таратар.
Қовжирайди зарғалдок гуллар,
Узун кунлар нечун қисқарар?

Саволларга жавоб йўқ бунда,
Ҳамма қизик, шошар қайгадир.
Тушунарсиз юрганим кунда,
Куёш юзин тўсади кимдир?

* * *

Тупрок – вужуд,
Вужуд – тупрок.
Кафтимдаги чизиқ бесаноқ –
Мени кутиб кезганинг йўл –
Ёлғизоёқ.

* * *

Қаторлашиб
Булултар кетмоқда
Ҳаёт-мамот жангига.
Кузатади тоғлар,
Боғлар,
Сувлар...
Ҳатто тупроқдан бошини кўтарди майса.

* * *

Учқур асримизнинг шиддатли куни
Ҳар онни ўлчовга солар бегумон.
Тақдирим шу эрур – ахбор замони,
Бош кашлаб туришга бермайди имкон.

Сахий куз қўйнига тўлган мевалар
Мисоли қалбларда орзулар бисёр.
Яғона бир тилда турли шевалар,
Мисоли янграйди жамики тиллар.

Қайтадан тикланар карвон йўллари,
 Бир ёнда Шанхаю, бир ёнда Лондон.
 Шимолий қутбга элтади бир йўл,
 Бир ёнда афғонлар ёзар дастухон.

Дунёнинг энг улуғ минбарларидан
 Янграйди ўзбекча салому калом.
 Юракнинг кўз етмас чуқурларидан
 Уйғонар туйғулар – юртимда айём.

Ниҳоят, халқларнинг қутлуғ уйида
 Ҳилпираб турибди кўк-яшил байроқ.
 Ҳар одам яшайди орзу кўйида,
 Кўзида порлайди улкан иштиёқ.

Бир ёнда тикланар тенгсиз шаҳарлар,
 Бир ёнда ҳашарга уланар тўйлар.
 Виждонлар дақиқа ҳисобин сўрар,
 Бесамар ўтган он – асрга бўйлар.

Учқур асримизнинг шиддатли они
 Ҳар кимни ўлчовга солар бегумон.
 Яша, сев, яратгин чорлаб инсонни,
 Орзулар ривожда – тор келар осмон.

* * *

Сокин тонг. Йўл бўйлаб сузади туман,
 Оёғим остида оҳ тортар музлар.
 Дарахтлар безабон, ҳаво ёсуман,
 Зўр мақом авжида – мудрайди тузлар.

Табиат қонуни, аслида, шаксиз,
 Гумон йўқ, оҳ урган музнинг дилида.
 Фақат алам қилар, уч кунки рангсиз,
 Туманлар қуёшни бойлаб йўлида.



ШАҲРИБОНУ

Мени юрак билан англамоқ мумкин

* * *

Оловранг қуёшга монанд хаяжон,
Дилимга кўчади – туйғулар ўтли.
Ниҳоллар осмонга бўй чўзган макон,
Сокин дарёларга ўхшайди юртим!

Тўполон қилади, улоқлаб сойим,
Бобом чертган торнинг хониши тотли.
Сенга қиёслагим келади доим
Ҳулкар юлдузининг ёнишин юртим!

Менинг битта сатрим, бунёд қонимдан,
Бўйимга бўйладим, бағримга ботди.
У менинг фарзандим, менинг онамдир.
Юрагимни чертган торимдир юртим!

Бандимдан узилсам, паноҳим замин,
Кўз-кўз қилгим келар, сарчашмам юртим!
Боболарим юрган тупроғим қадим,
Менинг атиргулга ўхшашим юртим.

* * *

Сенга хат йўлладим шамоллар бирла,
Ёмғир шивирита шўх қулгуларим.
Гулгунча кафтида ҳисларим – сирлар,
Лабимдан узишга ноз улгурмадим.

Булутлар ортидан эргашди хаёл,
Йўлтумор боғладим райҳон атирли.
Сен томон ошиқди қоқилиб дарём,
Бошқа нима бордир сенга арзирли?

ШАҲРИБОНУ – 1974 йилда туғилган. Тошкент давлат университетида (ҳозирги ЎзМУ) таҳсил олган. Шоиранинг “Таниш сўқмоқлар”, “Лаҳзадаги мангулик”, “Ҳислар камалаги”, “Шовуллаган дарахтлар юрти” шеърый тўпламлари нашр этилган.

Кўзларим юмаман – соғинч оғуши,
Кўзларим юмаман – деворлар кулар.
Денгизлардан олдда, тоғлардан ошиб,
Сенга хат йўлладим шамоллар бирла.

* * *

Ақл қаричида ўлчайсан барин,
Минг бора ўйланиб, босилар қадам.
Текис нафас олиб, тўхтайман бир дам,
Мени телба этар гулу настарин.

Сени қийнар мудом: “аммо”, “бирок”лар,
Худди чавандоздек ниқтайди ҳаёт.
Менинг хаёлларим ел каби саёқ,
Чорлар ўзи томон музли кирғоклар.

Тўхтагин, ортингга боккин бир бора,
Олча дарахтининг сирғалари мўл.
Кафтимни қитиклаб сирғалади кўл,
Бир чиройли ёғар ёмғирлар, қара.

Бир-бир экиб чиқдим қалбларга дарахт,
Эрта бирин-кетин гуллайди улар.
Боғдан ўпичларин йўллайди гуллар,
Кейин лочин каби учаман баланд.

Дилим тоғдан баланд, денгиздек шошқин,
Шамолда хилпирар алвон кўйлагим.
Занжирбанд айлама учқур ўйларим,
Менинг хаёлларим довулдан тошқин.

Вужудим чўғланган, қалама ўтин,
Мен вақт дарёсига чўқдим, сузмадим.
Яшайпман фақат кўнгил измида,
Мени юрак билан англамоқ мумкин.

* * *

Ранг олган осмондан, зулумот тундан,
Сиёхранг ҳисларим кулади синиқ.
Қуёш шуъласидан яшнаган, унган,
Гиёҳга ўхшагим келяпти менинг.

Бу ҳаёт – бир уммон, узлуксиз оқим,
Бир томчи ёш каби кетгайман сингиб.
Денгизлар бош урган мавжланиб тўлқин,
Қирғоққа ўхшагим келяпти менинг.

Қалбимда орзулар – қуёш ботмаган,
Сен билан мунаввар ўтади оним.
Бахтдан масрур нигоҳ – ёши қотмаган
Қароққа ўхшагим келяпти менинг.

* * *

Ортимга боқаман, тоғлар сукути,
Қай манзил кўзлаган кемалар шитоб?
Дарахтлар тек қотган қирғоқда кутиб,
Кўзларини оғир юмади шу тоб.

Тоғлар тўхтатмайди тўсиб йўлимни,
Дарахтлар этагим тутмас энтикиб.
Кўйиб юбор демас, юрак кўлимни,
Дардлар олиб кетар мени етаклаб.

Мен, ахир, севардим ўзимдан ортик,
Бу кенглик, бу осмон орзуларимдир.
Юрагимни ишққа қилдим-ку тортик,
Сўнги йўқ сафарга боз хозирландим.

Силкима баргларинг – хазонлар фасли
Остонанг остида эшик қоқмоқда.
Қатта сувда қайик – ҳаётим акси,
Чарчадим кутишдан, ортга боқмоқдан.

* * *

Салом қуёш, бугун яна учрашдик,
Юракка чўкканда ғамларнинг тоши.
Етказдинг орзулар – сирлар муждасин,
Баланд кўтаргим бор янаям бошим.

Кўкларга юксалгим келади бирдан,
Сендан баландларга чиқсам дегандим.
Воқиф бўлгум бордир мангулик сирдан,
Сайёралар менга сизга дегандим.

Дардларни саралаб, ғамларни ортдим,
Учишга ҳавасманд қушман – балки мен.
Балки юрак эрур орзулар юрти –
У кўрмоқ истаган тушман – балки мен.

Харобазор уйдан кетса уккилар,
Йўл бўлса камалак фалакка томон.
Заррин қор парчалар, нурлар тўкилар,
Менинг бошим узра чайқалса осмон.

Салом қуёш, салом кадрдоним нур,
Кўзларимни очдим, нафасим тўлсин.
Кўнглимга бер менинг оловранг хузур,
Армонлар йўқолсин, армонлар ўлсин.

Салом қуёш, салом заррин томчилар...

СУЛТОН ЖАЛОЛИДИН МАНГУБЕРДИ

Бахтиёр АБДУҒАФУР

Роман¹



50-боб. Парвон жанги. Иккинчи кун

Мағриб уфқи ғира-шира, хали субҳи содиқ қарор топмаган.

Кенг дашт бомдод намозига ҳозирланиб сафланган хоразмшоҳ қўшини билан тўлган. Имомга эргашиб руку ва сажда қилганида навқарларнинг совути ва анжомлари “шарақ-шуруқ” қилиб қўяди. Имомнинг икки марта, “Ассаламу алайкум ва роҳматуллоҳ!”идан сўнг бирдан қўзғалган қўшин мудраётган даштни уйғотиб юборгандек бўлди. Анча ёришиб қолган уфқдан энгил шабада эсиб, уйғонаётган даштга баҳор нафасини ёяди. Қаердадир олисда кушларнинг ёқимли овози эшитилди. Худди қуёшнинг илк нурларини, оромбахш субҳидамнинг майин шабадасини олқишлаётгандек. Қалин ўсган ўт-ўланлар орасида унда-мунда кўриниб қоладиган лолақизғалдоқлар нозик баданини титратиб рақсга тушиб кетди. Азалдан қолган одат шу – қуёш чиқавереди, хаёт давом этавереди, лекин одамлар бир-бирларига қасд қилиб, мағрибдан машриққа, машриқдан мағрибга черик тортавереди. Дашт шабадасида титраб турган лолақизғалдоқларни қузатаётган султоннинг хаёлидан шу ўйлар ўтди. Бугун балки саваш тақдири хал бўлар, мўғулни чекинтиришар, ундан кейин-чи? Чингизхон Толақонда, бу ерлардан анча олисда. Бу дегани катта черикни сақлаб турибди. Бу субҳидамлар, елвизак шабадалару кушларнинг шўх хонишлари, лолақизғалдоқларнинг ажиб рақси омонатга ўхшаб қолди. Жалолидин кўзларини юмди. Ичида Қуръондан айрим сураларни тиловат қилди. Сўнггида “Анна фаттахна”ни баланд овозда ўқиди-да, қўлларини дуога очди:

– Буюк Эгам, Оламлар парвардигори, нусрат бергувчи меҳрибон зот, бугунги савашда Ўзинг бизни қўлла! Ҳазрати Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи вассаламнинг тариқатини сўндирма! Юзимизни ёруғ, илкимизни қувватли қил, омийн, Оллоху акбар!

Кафтларини юзига сийпаганда, кўзларидан ёшлар оққанини сезди – қўллари намланди. Энди кўнгли равшан тортган, кеча оқшомдан бери қийнаган мубҳам ўйлар уни тарқ этганди. Туйқус кўнглидан оралаган ўй тилига кўчди:

– Бу савашлар узоқ давом этмоғини кўнглим сезур! Биз ҳам асло чекинмағаймиз, иншооллоҳ!

– Хожам!..

¹ Охири. Бошланиши ўтган сонларда.

Ўн-ўн беш қадамлар нарида эгнига ҳалқали совутини ташлаб, бошига дубулғасини кийиб олган Ахос Малик ғуломлардек қўл ковуштириб турарди.

– Хожам, мўғулнинг муқаддами¹ сафланмиш!

Ахос Маликнинг ёнида турган Муқарробиддин дарров султоннинг дубулғасини узатди. Жалолоддин мамлуклардан бири келтирган оқ отига чакқонлик билан сакраб ўтирди-да, Ахос Маликка деди:

– Амирларга айтинг, черикнинг қалбида² тўпланамиз!

– Хўп бўлади, хожам!

Ахос Малик қуллук қилди-да, нарироқда навкарлардан бири тизгинидан ушлаб турган оти томон югуриб кетди. Жалолоддин сафлана бошлаган черик марказида отини тўхтатди. Ахос Маликка иш қолдирмаган амирлар султонни кўришиб дарров отларидан тушишди. Бир-бир ярим чақирим нарида ёғий чериги Хоразмшоҳни кутарди.

– Султон ҳазратлари, ёғийга мадад келганми? – Ахос Малик журъати етиб-етмай деди.

Жалолоддин мўғулларни кўздан кечираркан, таажжубланди:

– Қандай келиши мумкин? Хуфияларимиз атрофда тинмай изғиб туришган бўлишса!

– Ҳазратим, навкар юбормоқ лозим! – Алп Буғахон суҳбатга аралашди.

– Ахос Малик жаноблари, ўзингиз яхши билган навкарни ёғий томон юборинг!

– Бош устига, султон ҳазратлари!

Ахос Малик отининг бошини шахд билан ортага буриб, Жалолоддинни ярим ҳалқа қилиб ўраган хос навкарларга юзланди. Энг олдинги қатордаги отлик унинг кўзларига тез ташланди – Салоҳиддин. Унга бош ирғаб, олдинга чиқишни буюрди. Салоҳиддин отини никтаб, Ахос Маликка бақамти бўлди.

– Султон ҳазратларидан буйруқ – ёғий томонига ўтиб, унинг миқдорини аниқлаш лозимдур!

– Бош устига!

Салоҳиддин дарров отидан тушиб, Ахос Маликнинг ёнидан ўтиб кетди. Сўнг югурганича кенг даштнинг ўнқир-чўнқир тепаликларига сингиб кетди. Орадан чорак соатлар вақт ўтиб, Салоҳиддин Жалолоддин ва унинг амирлари хузурига қайтиб келди. У энтиқиб нафас олар, дубулғасидан тер томчилари сизиб турарди. Салоҳиддин кела солиб, Жалолоддин қаршисида тиз чўкди.

– Султон ҳазратлари, мўғул хийла ишлатибди!

– Хийла?! – ажабланди Жалолоддин.

– Шундоқ! Черик марказидаги отликлар аслида қўғирчоқ экан! Отларга миндириб қўйишибди!

Жалолоддин жилмайиб қўйди. У ёнидаги амирларга буюрди:

– Черикка хабар беринг! Ёғий хийла ишлатмиш!

Амирлар қўшиннинг икки томонига от қўйиб кетишди. Кўп ўтмай мўғулларнинг хийла ишлатганлари баланд овозда эълон қилинган, қўшин кўзгалди. Минглаб отликлар мўғуллар устига ташланди. Кечагидан-да қонли, даҳшатли саваш бошланди. Одамлар бақирар, ох урар, отлар кишнар, қиличларнинг совук, этни сескантирувчи жаранг-журунги Парвонни тутиб кетганди. Чанг-тўзон орасида қолган бу издиҳомда эса биров бировни танимасди. Жалолоддиннинг олдинги сафлардаги қўшини мўғулларнинг анча зич сафларини ёриб, анча ичкарига кириб кетди. Баронғор ва жуванғардаги Сайфиддин Ағроқ ва Амин Маликлар энди иккига

¹ Қўшиннинг дастлабки ёки илк хужумга ўтадиган қисми.

² Қўшин маркази.

бўлингган ёғий черигини пароканда қилмоқда эди. Салоҳиддин, Ахос Малик тайинлаганидек, Жалолиддиндан бир қадам айрилмас, йўлида учраган мўғулни чопиб борарди. Жалолиддин эса ҳеч нарсага қарамас, унинг кўзлари мўғул саркардалари турган қўшинда эди.

Мўғуллар султон Жалолиддинга қарши тура олмади. Пароканда қўшин мағлуб этиб ташланди. Мўғул Толақонга қоча бошлади...

51-боб. Сайфиддин Ағроқ аразлади

Ўлжамисан ўлжа! Бунақаси ҳатто тушингга ҳам қирмайди!

Сайфиддин Ағроқнинг хос навкарларидан бири асабий пишқириб, ер тепиниб қўяётган оппоқ арабий отнинг жиловидан зўрга ушлаб турарди. Мўғулларда ҳам шундай отлар борлигига кишининг ишонгиси келмайди. Сайфиддин Ағроқ отидан сакраб тушиб, унга яқинлашди. Бегонанинг ҳидини олган от сесканганидек бўлиб, таҳдидли кишнаб юборди. Яхши отни фарқлай биладиган Ағроқ отнинг узун-узун ёлли бўйнига аста шапатилаб, тинчлантирган бўлди. От ювош тортиди.

– Маним ўлжамга эга чиқмоқчимисиз? – анча наридан овоз эшитилди.

Сайфиддин ўтирилиб, ундан ўн қадамлар наридаги отлик Амин Маликни кўрди. У қулди.

– Бировнинг ўлжаси?! – ажабланди Сайфиддин Ағроқ.

Унинг овозидаги таҳдид Амин Маликнинг ғашига тегса-да, буни сездирмасликка уринди.

– Ҳа, бировнинг ўлжаси! – деди у ҳам таҳдид оҳангида.

Табиййки, Амин Маликнинг “маники!” дейиши Сайфиддин Ағроқнинг жаҳлини чиқарди. У ҳам ўзини босди.

– Ўлжа маники! – деди у.

Амин Малик отидан сакраб тушиб, унга юзма-юз бўлди.

– Қанақасига ўлжа сизники? Маним навкарларим ўраган қўшиндан қолди-ку бу от! – қаттиқ гапириб юборди Амин Малик.

– Навқарингиз ўраган бўлса отни маним навқарим тутди! Югурганники эмас, буюрганники! От маники!

Икки амирнинг даҳанаки жанги кучайиб борар, уларнинг атрофида одамлар анча кўпайиб қолганди.

Амин Малик Сайфиддин Ағроқнинг рухсатини кутиб ўтирмай жаҳл билан юриб, навқарнинг қўлидан тизгинни юлиб олди.

– От маники! Маним ўлжам!

Амин Маликнинг бу муомаласидан Сайфиддин Ағроқ ғазабдан оқариб, титраб кетди. У ҳам Амин Маликнинг ёнига шаҳд билан қадам ташлаб, унинг қўлидан тизгинни тортиб олди. Сайфиддин Ағроқдан буни кутмаган Амин Малик қўлидаги камчининг дастаси билан уни уриб юборди. Қутилмаган зарбадан Сайфиддин Ағроқ йиқилиб тушаёзди. У ўзини ўнглаб олди, аммо Амин Маликка бошқа қарши юрмади. У қонга тўлган кўзларини Амин Маликка ўқдек қадаган, бутун вужуди титраб нафас оларди. Одамлар ҳам нафасларини ютгудек жим туришарди. Агар шайтон яна зўр келса, қилич яланғочлаб, савашиб кетишлари ҳам ҳеч гап эмас. Лекин, икки амир бу сафар шайтон фитнасига учмай қолдилар.

– Буни Султоннинг ўзи ҳал қилсин! – деди Сайфиддин Ағроқ. – Ўлжа кимга тегишли эканлигини у айтсин!

Ғазаб ва интиқом юрагини куйдираётган Сайфиддин Ағроқ ортига бурилиб, ўз кўшини томон юриб кетди...

Икки амир ўртасидаги низо Жалололдиннинг кулоғига етганди. Ечим топмок керакки, ҳар икки амир келишсин! Бировлар Амин Маликни, бошқалар эса Сайфиддин Ағроқни ҳақ топадилар... Жалололдиннинг боши қотди. Ташқарида оёқ товушлари эшитилиб, унинг хаёллари узилди. Изн сўраб, Шамсулмулк кирди. Можаро сабаб у вазирни хузурига чорлаганди. Шамсулмулк унинг қаршисидан жой олди.

– Амирларимиз ўртасига низо тушмиш, хабарингиз борми? – сўради Жалололдин.

– Эшитдим, минг афсус... – Шамсулмулк хўрсинди.

– Сизни кенгашга чакирганим шунинг учун. Қандай маслаҳат берасиз?

– Хўп мушкул иш, онҳазратим! Ҳар икки амир ўзини ҳақ санайди. Ҳозир уларнинг кўзига адоват парда тортган. Адолатли қарор бўлса-да, ҳақсиз томон буни тан олмайди.

Вазир ҳақ. Ҳар икки амир ўзини ҳақ санамоқда.

– Бировини тақдирлаб, иккинчисини куруқ қолдирсангиз келажак ишларимиз нимага юз буришини башорат қилиш қийин эмас, онҳазрат.

Ҳали мўғул иши бир ёкли бўлмасдан мутаффарика балоси!

Жалололдиннинг ёдига Гурганча, Олтин Қозикдаги кўшқда ўтириб, худди шу устози Шамсулмулкдан сиёсат ва давлатчилик тўғрисида тинглаган дарслари тушди. “Шахзодам, салтанат юмуши жуда оғирдир, уни қилич билан илкингизда барқарор ва бардавом тутиб туришликни фикр қилиш яхшиликка эмас! Шунда сиёсат илми сизга кўмакка келади...” “Сиёсат илми недир, устоз?”, сўраганди ўшанда Жалололдин. “Улуғ устозлар ва мутафаккирлар сиёсат хусусида кўп фикрлар бирдирганлар, аммо улар бу хусусда иттифок, дейилса муболаға қилмаймиз. Сиёсат – салтанатни қилич билан эрмас, бильакс ақл билан бошқармоқдир! Сиёсат яна ўзгаларни ўз йўлига солмоқдир”.

Жалололдиннинг жуда боши қотди. Қандай сиёсат қилинмоғи лозимдир? Чодир ташқарисида шошқалок оёқ товушлари эшитилди-ю ўйлари узилди. Ахос Маликнинг ташвишли овози эшитилди:

– Султон ҳазратлари... киришга изн берсангиз!

Ярим тунда Ахос Маликнинг кутилмаган ташрифидан Султон Жалололдиннинг кўнглини нохуш ҳислар чулғади.

– Кириг!

Ахос Маликнинг ўзи кирди.

– Султон ҳазратлари, Сайфиддин Ағроқ сиздан юз ўтириш! Аъзам Малик ва Музаффар Маликлар билан бирга ҳалаж ва қорлуқларни олиб кетмоқда!

Арабий от! Қимматга тушмаса эди бу! Жалололдин ўрnidан туриб, устига мовут чакмонини ташлаб, чодирдан чиқди. Шамсулмулк унинг ортидан қараб қолди.

– Отимни келтирсинлар! – буюрди у.

Эгар-жабдуғи қайтадан урилган отни келтиридилар. Жалололдин отига ўтириб, Сайфиддин Ағроқ чодирни ўрнатилган томон от солди. Унинг ортидан навкарлари билан Ахос Малик эргашди.

Жалололдин юқлар ортилган оғир аравалар, отликлардан ўтиб Сайфиддин Ағроққа етиб олди. Амирлар султонни кўриб, бирдек отлари тизгинларини тортишди. Жалололдин, гарчи қоронгида юз-кўзлари аниқ кўринмаса-да, дастлаб Сайфиддин Ағроқ, сўнг қолган икки амирга синовчан ва таъқиб этиб тургувчи кўзларини тикиб турди. Бу ўртада етиб келган Ахос Малик ва навкарлар кўлларидagi маш-алалардан Жалололдиннинг жиддий юзи, Сайфиддиннинг яширинишга бефойда уринаётган кўзларини ёритди.

– Черикни илкимиздан айирмоқчисиз? Буни қандок англамоқ лозим? – ўртадаги сўзсизликка яқун ясаб сўради Жалолиддин.

Сайфиддин Ағроқ кучланиб жавоб берди:

– Султон ҳазратлари, кўрдик, биз сизга керак бўлмай қолибмиз! – жавобидан Сайфиддиннинг журъати анча қайтди.

– Бурнимиз остида Чингизхон турганида ҳар бир амирга менинг мухтожлигим бор! Жалолиддиннинг “мухтожлигим бор” дейишини Сайфиддин ўзича тушуниб, журъати анча кучайди.

– Султон ҳазратлари, рухсат берсалар, кетсак. Қўлимиздан келганича хизматингизда бўлдик.

Жалолиддиннинг ижозатини кутмай Сайфиддин отини ниқтади. Унинг ортидан Аъзам Малик ва Музаффар Малик эргашди. Ёмғир кучая бошлаган, навкарлар қўлларидаги машъалалар ўчиб колганидан атроф қоп-қоронғи эди. Фақатгина отларнинг “билч-билч” лой кечишлари, арава ғилдиракларининг ғижирлашлари зулмат пардаси остидаги даштнинг ҳали уйғоқ эканидан дарак бериб турарди. Кечагина бирга жанг қилиб, ёғийни енгган кўшин Жалолиддинни тарк этмоқда эди.

У отининг бошини ортига бурди. Ахос Малик ва навкарлар унга эргашишди.

52-боб. Хосиятсиз башорат

Оқшом маҳали қалъа дарвозаси остида бир тўда отлиқлар кўринди. Кийим-бошидан навкарларга ўхшамайди, қурол-яроғи ҳам йўқ. Фуқароларга ўхшаб кийинишган: бирида одми бўз тўн, яна бирининг эгнида кўски пўстин; энг олдиндаги отлиқ муллаваччага ўхшайди. Бошида ихчам салласи ҳам бор, ёнидагиси эса яланғоч баданига у ер-бу ери ситилиб, пахтаси чувалган чопон кийиб олган. Бу ола-қуроқ отлиқларни кўрган соқчилар дарров машъалаларни кўтариб, қилич-камонларни қўлга олишди.

– Кимсизлар? Қалъада не ишингиз бор? – кўпол овозда сўради дарвоза юқорисидаги соқчибоши.

– Хуфиялармиз, Толақондан келамиз! – муллаваччага ўхшаган йигит жавоб берди.

– Шошмангиз! Кутингиз! – бу сафар овозини анча пасайтириб деди соқчибоши.

Соқчилардан бири югурганича ичкарига кириб кетди. Кўп ўтмай Қутлуғхон ва яна икки амир шошганларича чиқиб келишди. Дарвозанинг бир табақаси оғир сурилиб очилди. Қутлуғхонни кўрган отлиқлар дарров отлардан тушишди. Муллаваччага ўхшаган отликни Қутлуғхон дарров таниди: Салоҳиддин. Қутлуғхоннинг тунд юзи бирдан ёришди. Толақонга кетган Салоҳиддиннинг гуруҳи бир ҳафтадан бери дом-дараксиз эди. Қутлуғхоннинг хавотири энди қўрқувга айланди. Нафақат у, балки Жалолиддин ва бошқа амирлар ҳам хуфияларнинг қайтишини кутишади.

Ёғий кўшини, ахволи ва режасини билиш учун неча-неча хуфиялар юборилади, улардан қанчаси муҳим маълумот билан қайтади. Омади келмай қўлга тушиб, қатл этилганлари эса, омаддиларидан кўп. Хуфиялар қарвонларга кўшилиб ёғий эгалланган шаҳарларга боради, дарвешларга айланиб кўча-кўйларда тиланчилик қилади, қарвонсаройма-қарвонсарой изғиб, одамлардан гап олади...

– Оллоҳга шукр, тирик экансен! – беихтиёр Қутлуғхоннинг кўзлари ёшланди. – Тезроқ юр, сени султон ҳазратлари кутмоқдалар!

Дарвозанинг иккинчи табақаси ҳам очилди. Отлиқлар қалъага киришди.

Хобгоҳига чекинган Жалолиддин хуфиялар қайтганини эшитиб, амирлари-

ни йиғдирди. Девонга Темур Малик, Кузбор Малик, Ахос Малик ва Қутлуғхон тўпланишди. Жалолоддин ҳали уст-бошини алмаштирамаган, ўзига тартиб беришга ҳам улгурмаган Салоҳиддинни саволга тутди:

– Чингизхоннинг ўзи ҳали ҳам Толақонда эканми?

– Худди шундоқ, султон ҳазратлари. Мўғулнинг сара баҳодирлари бир неча ҳалқа қилиб ўраб, уни ҳимоя қиладилар. Шу кунларда мўғул кўшини савашга ҳозирлик кўрмоқда: вилоятлардан яна черик келиб қўшилмоқда, от уюрлари ҳайдаб келинмоқда.

Жалолоддиннинг қошлари чимирилиб, қовоғи уюлди. Парвонда енгилган мўғуллар Толақонга қўшин йиғмоқда, демак Чингизхон тез орада унга қарши юриш қилади.

– Чингизхоннинг чериги қай аҳволда? – яна сўради у.

– Черик жанговар, бир неча туманга бўлиниб турибди...

Кенг кирга ёйилган мўғул кўшини Салоҳиддиннинг кўз олдига келди. Черикнинг адоғи кўринмайди, эгарланган уюр-уюр отларни кўрган одам дунёнинг оти шу ерга йиғилибдими, деган ўйга бориши, ваҳимага тушиши мумкин.

Жалолоддин амирлар қаторида қўл қовуштириб турган Қутлуғхонга нигоҳини кўчирди.

– Амир Қутлуғхон жаноблари, ҳозирок биздан вакил бўлиб амир Сайфиддин Ағроқ ҳузурига жўнайсиз.

– Ҳазратим! – Қутлуғхон бош эгиб, қуллук қилди. Бир муддатли тараддуддан сўнг Салоҳиддин томон истиҳола ила қараб қўйгач, сўради: – Ҳазратларидан ижозат етса, мамлугимни бирга ола кетсам бўладими?

Жалолоддин ҳам ҳозиргина сафардан қайтган Салоҳиддинга қаради-да, тасдиқ ишорасида бош ирғади. Қутлуғхон ҳам, Салоҳиддин ҳам бирдек таъзим қилишди. Жалолоддин яна ўйга берилди. Сайфиддин Ағроқ гина-кудуратни унутиб, Ғазнига қайтса черикнинг қуввати, жанговарлиги ортади. Қайтмаса, Чингизхоннинг бу ҳамласига дош бера олмайдди. Бирдан-бир йўли – Ғазнидан кетмоқ! Атроф вилоятлардан навқар ёллагунча вақт кетади. Чингизхон аҳмоқ эмас. Унинг аҳволини яхши билади. У Жалолоддинга черик тўплашга имкон бермасликка уринади. Тутмагунча таъқибни давом эттиради...

Жалолоддин кўнглидан ўтган ўйларни амирларга айтишни лозим топмади. Аввал Қутлуғхон Сайфиддин билан учрашсин, кейин узил-кесил бир қарорга келадди. Кутилмаганда кўз олди қоронғилашиб, қўл-оёғи мадорсизланди. Лекин даров ўзига келиб, ўзини қўлга олди. Кўзларини қатта-қатта очганича амирларига қараб қолди. Бу ҳолатига роса таажжубланди, олдин бу аҳволга ҳеч тушмаганди. Нима бу?! Қўрқдими? Ёки хосиятсиз бир башорат?.. Гурганчдан чиққанида қумда ҳам шундай бўлганди, машғум бир башорат сўйланганди. У ўзини бу ўйлардан қалғитишга уринди. Одамнинг кўзига нималар кўринмайди...

53-боб. Хўрлик

Ғазнидан беш-олти фарсах шарққа юрилса кенг қирлар, даштлар бошланади. Бу ерларда одамлар яшамайди, кимсасиз. Одам қадами етмаганиданми, табиати гўзал, ёввойи ҳайвону қушларга бой. Ғазнига ҳукмдор бўлганлар ҳам шу дала-даштларга шикорлар уюштирадилар. Кийикларни, турфа қушларни овлайдилар...

Жон-жаҳди билан от чоптириб кетган икки отликка бу гўзаллик, софлик ва маъсумликнинг ҳеч қандай қизиғи йўқ. Улар фақат тезроқ манзилга етиб олишни

ўйлашади. Дашт ўртасида ўт чимдиётган бир гала кийик уларни ҳадик билан кузатиб туради. Булар – Қутлуғхон ва Салоҳиддин.

Навбатдаги кирдан ошганларида кенг даштни тўлдириб келаётган моллар, қўй-кўзилар сурувига кўзлари тушди. Уларнинг ортидан чангга беланиб бир тўда отликлар – чўпонлар келарди. Қутлуғхон беихтиёр отининг тизгинини тортди. Салоҳиддин ҳам отини секинлаштирди.

– Чўпонларнинг юришлари бежо, бировдан қочгандек келадилар, – деди Қутлуғхон. – Бирор гап бўлдимикин?

Чўпонлар уларни кўриб бир-бирларига қараб олишди, юришлари сустлашди. Юз-кўзларидан ҳадиксираётганлари сезилди.

– Кимсизлар? Қаёққа кетаяпсизлар? – улар анча яқинлашганларида сўради Қутлуғхон.

Қутлуғхоннинг туркийда сўзлашидан чўпонларнинг кўрқуви ариди. Улардан ёши каттаси Қутлуғхон ва Салоҳиддиннинг кийим-боши, қурол-анжомидан тахминлаб:

– Худога шукр, ўзимизнинг улуғларимиздан экансизлар, – деди. – Биз... мўғулдан жон сақлаб қочмоқдамиз...

– Мўғулни қаерда кўрдингиз? – шошиб сўради Қутлуғхон.

– Икки кундан бери бизнинг кишлок атрофларида мўғул навкарлари ўралашиб қолишди. Билсангиз ҳам керак, Ҳалаж кишлоғи амир Сайфиддиннинг иктоёси... раиси Бурҳониддин исмли бир киши...

“Амир Сайфиддиннинг иктоёси” дейилиши билан Қутлуғхон Салоҳиддинга маъноли қараб қўйди.

– Шу сурув ҳам амирники... Мўғул навкарлари сурувни кўрди, лекин тегмади, индамади, хайрон қолдим...

Қутлуғхоннинг кўнгли нохуш нарсани сезди. Бежиз мўғуллар бу томонларда изғимаяпти, уларнинг нияти ўлжа эмас, балки Сайфиддин Ағроқ! Улар Ағроқнинг черигини қидирапти. Қутлуғхон чўпонлар билан хайрлашишни унутиб, отига камчи босди. От сапчиб, чавандозни ағдараёзди. Салоҳиддин ҳам хожасининг ортидан от қўйди. Чўпонлар хайрат ва таажжуб ичида уларни кузатиб қолишди.

Қутлуғхон мўғулларга учраб қолишдан ҳам кўрқмай от чоптирарди. У имкон қадар тезроқ Сайфиддин Ағроқни топиш илинжида эди.

Туйқус олисданми ёки яқинданми, шовқин-сурон, ур-сур овози эшитилди-ю, отликлар тўхтаб қолишди. Ажабланган Қутлуғхон ён-атрофига қаради, шимолий-шарқдан ғир-ғир эсаётган шабада ўқтин-ўқтин тушуниксиз овозлар, отларнинг кишнаган товушини олиб келади. Қутлуғхон тизгинни бўш қўйганича кета бошлади. Овозлар энди тобора яқинроқдан келар, ора-сира аниқ-тиник эшитилиб қолади. Сабри чидамаган Қутлуғхон яна отини никтади. Қаршиларидаги тепаликдан ўтганларида анча пастликда, кўринишидан кенг водийга ўхшаган жойда икки черик жанг қилаётганини кўришди. Аниқроғи, бири иккинчисини кирарди. Бу даҳшатли, этни жунжиктирувчи манзарадан кўз узолмай қолган Қутлуғхоннинг титроқ лабларидан заиф сас учди:

– Ағроқни киришаяпти...

– Кеч қолдик, хожам! – пичирлади Салоҳиддин.

Узоқдан қоп-қора кўринадиган мўғулнинг сара баҳодирларидан тузилган қўшан – кешик танг аҳволда қолган амир Сайфиддин Ағроқнинг черигини ўраб олиб, шафқатсиз равишда кирарди. Кешик ваҳший кепатага кирган, инсоний хис-туйғуларни тамом унутган эди. Парвонда тутдек тўқилган, саваш майдонида туғлари оёқ остига олиниб, хор-зор бўлган жазо қўшинига асло ўхшамасди.

– Бул лаънатиларни Парвонда қандай киргандик, – афсус билан деди Қутлуғхон. – Бундай шармандалиқни Ағроқнинг ўзи сотиб олди...

Халқани тобора қисаётган мўғуллар урду марказидаги туғта, унинг остидаги Сайфиддин Ағроққа яқинлашиб борарди. Туғ ҳам, Ағроқ ҳам узокка бормади, ҳаммаси бир зумда тамом бўлди...

Бундай хўрлик ва иснодга чидай олмаган Қутлуғхон эгардан сирғалгудек бўлиб тушди-да, чўккалаб қолди. Кечагина саваш майдонидан думини қисган итдек қочган ёғийнинг бугун қўли баланд келганди. Қутлуғхон гапирмоқчи бўлди, бироқ титроқ лаблари, сўз қочган тили бўйсунмади. Шу алфозда бир муддат тургач, беихтиёр пичирлади:

– Минг лаънат сенга, Ағроқ!

Сайфиддин Ағроқни енган мўғуллар энди ўлжа тушган отларни, қурол-яроғларни йиғиштиришга киришди. Ярадорларга омонлик берилмади – бари қиличдан ўтказилди. Бундай ишларга мўғулларнинг олдидан ўтадигани йўқ эканига Қутлуғхон бир неча марта имон келтирган. “Урушнинг қонуни йўқ, уни ғолиблар тузадилар”, кўнглидан аламли ўй ўтди.

– Хожам, кетишимиз керак, – унинг ортидан Салоҳиддиннинг овози эшитилди.

Қутлуғхон кўзёшларини киши билмас артиб олди-да, ўрнидан турди. Отга шаҳд билан миниб, отнинг бошини ортга бурди. Унинг кўнглида яққаш бир ўй эди: “Тезроқ Ғазнига етиб олмақ лозим!..”

54-боб. Сув ва олов

Кечга бориб Жалолиддиннинг иситмаси кўтарилиб, камига безгак ҳам тутиб қолди. Сарой табибларининг муолажалари, дори-дармонлари қор қилмади. Қузбор Маликнинг ижозати билан Муқарробиддин Қуръонни олди-да, Жалолиддиннинг қошида ўтирганича, суралар тиловат қила бошлади. Ўзига келган Жалолиддиннинг кўзи илинди...

Кимдир уни чақираётгандек туюлаверади. Камига таъқиб ҳам этади. Панапастқамда пистирмада турганларни ҳам сезмоқда. Ким экан улар? Нега таъқиб этишади?.. Қаердандир олов кўтарилди, у шитоб билан яқинлашиб келади. У қочишни, яширинишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмади. Ён-атрофида одамлар бақираяпти, улар ким? Қутилмаганда ёмғир шаррос қуйиб юборди. Ёмғир бўлиб ёмғирмас, қайноқ, этни узади, қуйдиради. Бу не синоат?! Ёмғир – сув ҳам шундай бўладими? Кейин яна бир нарсани сезиб қолди – ёмғир қучайган сари олов ҳам шиддат билан ёнади. Сув ва оловнинг қаршисида туриш жуда мушкул эди...

...Жалолиддин чўчиб уйғонди. Авзойи бадани терга ботган, кийимлари жиққа хўл. Нарироқда, милтиллаб ёнган шам ёғдусида Муқарробиддин Қуръон тиловат қилмоқда. У туш кўрганини фахмлади. Қайноқ сув, олов... Бунинг таъбири қандай? Хаёлларини йиғиб олишга улгурмай, ташқарида ошиғич қадам товушлари эшитилди. Эшик очилиб Қузбор Малик кўринганида у сергак тортди.

– Зоти олийлари, Қутлуғхон қайтмиш, қабулингизга ижозат сўрайдур, – деди Қузбор Малик.

– Кирсин! – Жалолиддин шоша-пиша ўрнидан туриб кетди.

Қутлуғхон Жалолиддиннинг хузурига кириб, қўлларини қовуштирди. Жалолиддиннинг яна иситмаси кўтарила бошлаган, пешонасига тер томчилари югурган, энтиқиб нафас оларди.

– Ҳазратим, улгура олмадик... Ағроқ енгилди! – деди Қутлуғхон.

– Афсус, минг афсус! – Жалолиддин бўшашди. Кўнглининг тубларида милтиллаётган умид учқунлари сўнганини сезди. Вужуди ҳолсизланаётганини туйқус пайқади-ю, ўйма нақшлар солинган курсига ўтирди. Ҳаммаёқдан ўраётган сув ва олов тушига бежизга кирмаган. Бунда бир хикмат, башорат бор. Барча режалари барбод бўлгани, шафқатсиз ва ёввойи куч қаршисида ёлғиз қолганини чуқур ҳис қилди. Ўрнидан туришга ҳаракат қилди, ҳолсизланганидан беихтиёр чайқалди. Ортида турган Муқарробиддин чаққон ҳаракат қилиб уни тутиб қолди. Жалолиддин кўлини аста кўтариб “мен яхшиман” ишорасини берди-да, Қутлуғхонга қаради.

– Сайфиддин Ағроқнинг энгилганини бошқаларга гапирманг, – деди у. – У ҳақда бошқалар ёмон хаёлларга бориб юрмасин.

– Ҳазратим! – Қутлуғхон бош эгиб қўйди.

Жалолиддин оғир кўзғалиб Муқарробиддинга қаради. Унинг нима демокчилигини дарров фаҳмлаган Муқарробиддин аллақачон тайёрлаб қўйган тўнни олди. Жалолиддиннинг кийинишига ёрдам берди. Жалолиддин ўзига кўз тикиб турган аъёнлари ва мулозимларини тонг қолдириб, хобгоҳидан чиқди. Машғалалар ёритган кенг, деворлари ложувард сиркор кошнлар турфа гулдор нақшлар, безаклар солинган дахлиздан одатда аъёнлар, мулозимлар девонга кириш учун навбат кутадиган золга, у ердан эса пишиқ ғишт ётқизилган ҳовлига ўтди. Бу ердан қалъа дарвозаси, кўшкли Арк, ҳарам биноси яхши кўринади. Уларни бирма-бир назаридан ўтказган Жалолиддиннинг юраги увушди. Бу бежиз эмасди. Бир вақтлар илмфан, адабиёт тараққий топган, султон Маҳмуд Ғазнавийдек ҳукмдорнинг пойтахти бўлган Ғазнини тарк этишга мажбур. Чингизхон Толақонга сара черигини йиғмоқда. Бугун-эрта Ғазнига юриш қилиши муқаррар. Кейин нима бўлади? Бу минглаган кўшинга қарши тура оладими?.. Гурганчага қайтганида ҳам яқинларининг фитнасига учганди, бу сафар эса ишонган амирларининг кеки сабаб чекинишга мажбур.

Бирдан қоронғи ҳовлининг машғалалардан ёруғ бўлиши, нағал қоқилган этикларнинг овозидан унинг ўйлари тўзғиди. Хавотир олган Кузбор Малик хос навкарлари билан ҳовлига чиққанди.

– Ҳазрати олийлари, – деди у журъатсиз.

Жалолиддин хушсиз бош ирғаб қўйди, мубҳам ўй-хаёллар ичида сарой йўлаги томон юрди. Ортидан эргашган Кузбор Маликка:

– Амирларни чақиринг, кенгашмоқ лозимдур, – деди зўрға. Унинг хатто гапиришга ҳам мажолли қолмаганди.

– Хўп бўлади, зоти олийлари, – деди Кузбор Малик.

Оғриқ сония сайин кучайиб борарди. Базўр хобгоҳига етиб олди. Тўшагига ета олмай қалкиди-ю, чўккалаб қолди...

...Сарой ходимлари оёқ учида сассиз юришиб, пичирлаб сўзлашадилар. Сарой худди ўлик чиққан азахонага ўхшайди. Султон хобгоҳидан ҳам дарак йўқ, амирлар ва саркардалар хобгоҳ эшиги ёнида қўл ковуштириб туришади. Ҳамма Сайфиддин Ағроқнинг энгилганини эшитган. Ниҳоят, чорак соатлар ўтгач, эшик очилиб, сарой табиби чиқди. Унинг жонсарақ боқайётган кўзларидан бирор маъно олиш мушкул эди.

– Онҳазратнинг аҳволлари қандай? – сўради Ахос Малик.

Табиб чўчиб тушиб, хуркак кўзларини овоз эгасига тикди.

– Онҳазратнинг дардлари энгиллашмаяпти... доруларим ҳам, эзибичкиларим ҳам наф келтирмаяпти...

– Наҳотки битта дарднинг давосини топиш мушкул! – кизишди Қутлуғхон.

– Хожам, бандасининг илми ҳамма нарсага етганида ўлимга ҳам чора топиларди, – табиб бошини эгиб қўйди.

Табибнинг мантикли жавоби амирларнинг тилларини боғлаб қўйди. Хобгоҳ эшиги очилиб, Муқарробиддин кўринди.

– Онҳазрат Темур Малик ва Амин Малик жанобларини йўқламоқдалар!

Амин Малик ва Темур Малик бошқа амирлар орасидан суғурилиб, хобгоҳга киришди.

Жалолиддин ўз тўшагида ётар, унинг ёнида Шамсулмулк ва бошқа ходимлар қўл ковуштириб турардилар. Жалолиддиннинг кўзлари юмук эди. У кириб келганларнинг оёқ товушларини эшитиб, кўзларини очди.

– Толақондан қандай хабарлар бор? – сўради у.

Амин Малик киши билмас томоқ қириб олиб деди:

– Ҳазратим, Чингизхоннинг чериги кўзғалган! – у давом этайми-йўқми, деган истиҳолада давом этолмай қолди. Аслида уни мўғулларнинг Ғазнига юраётганлари эмас, балки уларнинг миқдори анча ташвиш ва хавотирга солиб қўйганди. Ғазнига юзланган мўғул қўшини ер-кўкни тўлдиргудек, отликларнинг ҳисоби йўқ. Қўшиннинг бошида эса оқ ўтов сохиби – Чингизхон.

– Нечун жимсиз? – унга саволомуз қаради Жалолиддин.

– Ҳазратим, бу сафар ёғий чериги икки ҳисса кўп... – деди паст овозда Амин Малик.

– Ёғий чериги атрофидан хуфиялар узилмасин! Чингизхоннинг ҳар бир қадами назаримиздан пинҳон қолмасин!

– Бош устига, онҳазрат, – қўлини кўксига қўйди Амин Малик.

Жалолиддин Темур Маликка юзланди.

– Саркардаларни девонга йиғинг!

– Хўп бўлади, онҳазрат, – Темур Малик ҳам қўлини кўксига қўйди.

Вужудидаги дард кучайди, лекин Жалолиддин тишини тишига босди. Оғрик хийла босилгач кўзларини юмди. Унинг айтадиган бошқа сўзи йўқлигини билган саркардалар аста хобгоҳни тарк этишди.

55-боб. Юзсизлик

Қутлуғхон тез-тез қадам ташлаганича девонга ошикаётганида унга қарама-қарши келаётган Алп Буғахонни кўрди-ю таажжубланди. Ҳамма машваратга чакирилганда бу каёкка йўл олди?!

– Алп Буғахон жаноблари?! – унга саволомуз қаради Қутлуғхон.

Алп Буғахон нима дейишини билмай қолди. Унинг саросимага тушганини Қутлуғхон сизди.

– Султон ҳазратлари машваратга чакирганларини эшитмадингизми?

– Эшитдим...

Қутлуғхоннинг таажжуби ортди.

– Бу юришингизни қандоқ англамоқ лозим?

Қутлуғхоннинг тергов қилиши Алп Буғахоннинг ҳамиятига тегди. Унинг кўзларига тик боқди.

– Кетмоқдамен! – деди Қутлуғхонга менсимагандек қараб.

– Кетмоқдамен?! Қаёкка?!

– Бошим оққан томонга!

– Ақлингизни йиғинг, Алп Буғахон жаноблари! – Қутлуғхоннинг овози кескин чиқди. У Алп Буғахоннинг максadini тушунганди.

– Кутлуғхон жаноблари, худди шу нарсани мен сизга айтмоғим лозим эмасми? Султоннинг чериги кучсизланмиш, бу ахволида ҳали Ғазнида турмоғи имконсиз. Чингизхон энди уни соғ кўймайди!..

– Бас, имонсиз! – Кутлуғхон ўзини тутиб турулмади. – Бундай сўзларни айтмоққа қандай ҳақдинг сизди, кўрнамак! Агар султон сени ҳимосига олмаганида Содирхоннинг илкида ўлиб кетардинг, шуни эсингдан чиқардингми, юзсиз!

– Ўзингизни босинг, Кутлуғхон жаноблари! – Алп Буғахон қиличини кинидан чиқарди ва қўшқўллаб ушлаганича унга қаради. Сиёқидан уни чопишга рағбати борлиги сезиларди.

– Қилични кинига солинг! – улардан нарироқда ўқтам ва жарангдор овоз эшитилди.

Кутлуғхон ҳам, Алп Буғахон ҳам бирдек овоз келган томонга юзланишди. Улардан нарироқда қилич яланғочлаган Салоҳиддин турарди.

– Кимга таҳдид қилаяпсан, қул! – тишлари орасидан тупук сачратиб ўшқирди Алп Буғахон.

– Қилични жойига жойланг! – иккинчи марта такрорлади Салоҳиддин.

Мамлукнинг буйруқ бериши, ҳам унга қарши қилич яланғочлаши Алп Буғахонни кутуртириб юборди. Қилични қўшқўллаганича ушлаб Салоҳиддин томон югурди ва унга яқинлашганда зарба берди. Салоҳиддин бунга тайёр эди. У Алп Буғахонни эмас, унинг қиличига кучли ва кескин зарба берди. Алп Буғахон айни кучга тўлган йигит эди. Бироқ Салоҳиддин ундан-да кучли эди. Унинг зарбасидан Алп Буғахоннинг қиличи иккига бўлиниб кетди. Алп Буғахон қаршисидаги мамлукнинг кучини сизди, агар бу навқар қилич сермаса на дубулғаси, на пўлат совути уни асраб қололмаслигини туйқус англади-ю, вужудини муздек тер қоплади. Кўз олди қоронғилашаркан, ногаҳон кўрингандек бўлган ўлим шарпасини ҳис қилди.

– Менга қара, Алп Буға! – у томон қадам ташларкан, ғазаб билан деди Кутлуғхон. – Хонлик сенга ҳайф, ювуксиз кўппак! Эшитиб ол: султон ҳазратлари сиёсатда барқарор бўлмагунча ҳеч қаёққа кетмайсан! Кейин тўрт томонинг қибла! Лекин бир нарсани унутма, хожасига хиёнат қилганлар хор бўлади, Ағроққа ўхшаб!

Алп Буғахон тақдирга тан берганди. У Сайфиддин Ағроқ ва Ҳасан Қорлук қўшинидан айрилган Жалолоддин энди Чингизхонга бас келолмайди, деган ўйда эди. У Ироқ мулкларида ҳукмфармолик қилаётган Ғиёсиддиннинг хизматига киришни режалаштирган ва фурсат борида тезроқ Ғазнидан кетиш керак, деган тўхтамага келганди.

– Сиздан бир ўтинчим бор, – деди у Кутлуғхонга, оғир нафас оларкан.

– Гапир!

– Бўлиб ўтган иш султон ҳазратларининг қулоғига етиб бормасин. Афсусдамен...

Кутлуғхон унга ишонди, бироқ ғазабидан ҳали чекинмаган, ҳам ҳали нафрати сўнмаганди.

– Султон ҳазратларига бу ҳақда айтиш ниятим йўқ! – деди у қатъий.

Кутлуғхон девонга қараб кетди. Алп Буғахон ноилж унинг ортидан эргашди.

Аслида уни бу йўлга бошлаган нарса Жалолоддин дехқонларнинг серҳосил ерларини қайтариб беришга мажбур қилганида учқулланиб, кўнглининг тубига яширинган адовати эди. Сайфиддин Ағроқ ва Амин Малик ўртасидаги можародан сўнг учқун аланга олди. Сабаби, султон отни тортиб олган Амин Маликнинг ёнини олди. Дехқонларнинг ерларини ўзиникига қўшиб олганида эса Жалолоддин бошқача йўл тутган эди... У девонга ана шу ўй-хаёллар билан кириб келди.

Жалолоддин тахтда зўрга ўтирар, хансираб нафас олар, кўзлари хорғин боқарди. Унга кўзи тушган Алп Буғахон: “Қуни ҳам битаётганга ўхшайди!” деган хаёлга бор-

ди. Кўнглидан ўтган ўйни кўзлари сотиб қўйишидан кўркиб, дарров ерга қаради. Юзига ҳамдардлик, ачиниш ҳиссини беришга интилди.

– Хуфияларимиз... Толақондан хабар келтиришди... – оғир нафас олиб гап бошлади Жалолиддин. – Мўғулларнинг катта чериги кўзгалмиш... Черик бошида... Чингизхоннинг ўзи... Парвондагидан кўп эмиш... Навкар тўплашга улгурмаймиз... Олдимизда биргина йўл – чекиниш!.. Қолган черикни кўзгатинг... хозирок йўлга тушурмиз...

Барибир мўғулдан қочиб қутулиб бўлмайди. Қаердадир етиб олиши ва ўртада мусоҳара бўлиши муқаррар. Шуни хаёлидан ўтказган Қутлуғхон сўради:

– Ҳазратим, қаёққа юрамиз?

– Ҳиндистон чегараларигача чекиनावерамиз... Очиқ савашга кира олмаймиз...

Мўғуллардан узоқ муддат қочиб юриб ҳам бўлмайди. Қутлуғхон шуни ҳам сўрамоқчи эди, ийманди. Унинг изоҳталаб кўзларидан шу саволни ўқиган Жалолиддин давом этди:

– Черикнинг... ярми... ярми йўк! Чингизхоннинг бу сафарги... чериги бизни тўзгитиб ташлайди... Тайёрланинглар!

Саркардалар бирин-кетин девондан чиқиб кетишди. Султон фаррошлари Жалолиддиннинг қўлтигидан олишди ва хобгоҳига олиб кириб кетишди.

56-боб. Алвидо, Ғазни...

Жалолиддинни маҳофада³ олиб чиқишди. Унинг аҳволи анча оғирлашган, ҳатто гапиришга ҳам мажолли қолмаган. Ғазни кўчалари, бозорлари ва ҳамшиша одамлар билан гавжум гузарлар хувуллаб қолганини, фуқаро шаҳарни тарқ этганини сезиб юраги эзилди. Гурганчдан қайтишда, Мил Жафта қабристонидан учратган қариянинг сўзлари хаёлидан ўтди: “Бу шўрпешоналарнинг қисматиға акли нокис ҳукмдор ёзилганидан шу кўйга тушмиш...” Нақадар аччиқ ҳақиқат!

Жалолиддиннинг ортидан сарой аъёнлари ва ходимлари – вазир Шамсулмулк, Қузбор Малик, Темур Малик, Қутлуғхон ва Алп Буғахон эргашишган. Султон хараси билан Аҳос Малик улардан кейин боради. Ҳаммадан ортда эса мунший Шайхобиддин ва Фахриддин Жандий бошчилигидаги ходимлар. Бутун бошли сарой аъёнларининг кўчирилишидан айниқса мунший кўп маънолар ўқирди. Жалолиддин унча-мунчага ёвдан тап тортмасди. Бу сафар чорасиз ва иложсизлигини тан олган, шекилли.

Қутлуғхон билан ёнма-ён от йўрттириб кетаётган Алп Буғахон унинг кўзларига қарамасликка ҳаракат қилади. Кечаги ишидан юзи шувут. Бир томондан оғир аҳволга тушган Жалолиддинни ташлаб кетиши номардлик, иккинчи томондан, бу иши, Қутлуғхон айтганидек – Содирхоннинг қангалидан сақлаган Жалолиддинга кўрнамақлик эди. У ўша машъум мажлисни эслади. Қайфдан кўзлари сузилган Содирхон, султон даврани тарқ этгач, ўзини тенгсиз ҳисоблаб, дастурхон атрофида ўтирганларни бирин-кетин ёнига қақриб, май тўла қосани узатар ва сўнги томчи қолгунча сипқоришни буюрарди. Май ичмайдиганлар ҳам султонга таъсири қучли бўлган Содирхоннинг кўзига ёмон кўринмаслик учун, юзини бужмайтирганича қосаларни бўшатишарди. Навбат Алп Буғахонга келди. Содирхон унга май тўлдирилган қосани узатди. Алп Буғахон қосани бир қўтаришда бўшатиб, дастурхонга қўйди. Унинг дадил ҳаракати Содирхонга хуш келмай иккинчи қосани узатди. Бу сафар Алп Буғахон “ичмайман!” дегандек бош чайқади. Содирхоннинг кўзлари олаланди.

– Ич!

³ Тахтиравон.

– Ичмаймен! – деди Алп Буғахон унинг кўзларига тик бокиб.

Алп Буғахоннинг тутган жойидан кесадиған, сўзидан қайтмайдиған феъли бор эди. Ана шу феъли хўйи энди ўзини кўрсата бошлаганди. Унинг саркашлиғидан кутуриб кетган Содирхон ўрнидан сапчиб туриб, яна буюрди:

– Ич!

– Ичмаймен! – такрорлади Алп Буғахон.

Содирхон косадаги майни тўкиб ташлаб, пишқирди:

– Май ўрнига конинг билан тўлдирамен!

Алп Буғахонга бежиз “Алп” исми берилмаған, у пинак бузмас, қилг этмас қоядек ўтирарди. Даврада сархуш ўтирганлар ҳам дарров жиддий тортишған, нафас юткудек бўлиб, бу томошани кузатишарди. Улар орасида Кутлуғхон ҳам бор эди.

– Кучингни сўзинг билан эмас, илкинг билан исботла! – деди Алп Буғахон Содирхонга.

Содирхон кўрок эди. Алп Буғахоннинг сўзлари, ҳам важохатидан кўркиб “ора очди”ни кейинроққа суришни маъкул кўрди. Кўрок одамлар бундай ишларда одатда бировнинг кўли – иқтидоридан фойланишади. Содирхон ҳам шундай йўл тутмоқчи эди. У Жаҳон Пахлавон Аёзнинг жазо кўшинини Алп Буғахоннинг иқтўсига жўнатиш учун султондан розилик ҳам олди. Бироқ Кутлуғхон бу ҳақда Жалолоддинни огоҳлантириб қўйди. У отасидан Алп Буғахонни кечиришни илтимос қилиб, уни амирлари қаторига қўшиб олишни сўради. Султон, табиийки, Содирхондан кўра ўғлининг сўзларини устун қўйди ва шу тариқа Алп Буғахон ўлимдан омон қолиб, Ғазнига юзланди. Саройда, хос доираларда эса унинг: “Кучингни сўзинг билан эмас, илкинг билан исботла!” деган сўзлари машхур бўлиб кетди...

Кутлуғхон билан ёнма-ён кетаётган Алп Буғахоннинг хаёлидан шу воқеалар ўтаркан уятдан ўзини қўйгани жой тополмасди. Жалолоддин химояси учун нимаики қилиш керак бўлса, энди у барига тайёр эди.

Шаҳар ичи бўм-бўш бўлса, унинг ташқарисида кўчаётган одамлар, юклар ортилган эшак аравалар тирбанд. Навкарлар келаётганини кўрган одамлар йўл беришиб, уларни ўтказиб юборишарди. Бир вақтлар мағрибу машрикқа мағрур от қўйган хоразмшоҳ султонларнинг амир ва навкарлари тезроқ Ғазини тарк этиш илинжида кетиб боришарди...

...Орадан икки кун ўтгач мўғулларнинг илғори Ғазнига етгани хабари келди. Жалолоддинни топа олмаған мўғуллар Ғазини талон-тарож қилиб, кутубхоналар, мадрасалар, масжидларни ёндирдилар; шаҳарни вайрон қилдилар. Ўтрор, Самарқанд ва Бухоронинг қисмати Ғазнининг ҳам бошига тушди. Чингизхон Жалолоддин ортидан таъқибни давом эттирди. Сон-саноксиз мўғул лашкари Ҳиндистон томон юзланди. Улуғ қооннинг муддаоси Жалолоддин эди. Мўғуллар йўлларида учраған кишлоқларни талар, қулини кўкка совураб, одамларни ўлдиради.

Агар Жалолоддин қўлга олинадиған бўлса, ислом ҳазорасининг куни битадиганга ўхшарди...

57-боб. Алп Буғахон гуноҳини ювмоқчи

Чингизхон илғори Жалолоддин қўшинига етай деб қолди. Йўлда қолдирилған хуфиялар бу мўғулларнинг жазо кўшини – кешик эканидан Жалолоддинни воқиф этишди. Жалолоддин унга қарши хараси ва Кутлуғхоннинг отлиқларини жўнатмоқчи бўлди. Алп Буғахон уни ҳам савашга юборишни илтимос қилди. Шу тариқа айбини ювмоқчи бўлди. Жалолоддин қаршилиқ қилмади.

Қўшин ортида Ахос Малик қўмондонлигидаги харас ҳамда Қутлуғхон ва Алп Буғахоннинг отликлари колди. Булар султон Жалололдиннинг энг сара ва жанговар қўшини эди.

Узоқдан чанг-тўзон кўкка ўрлади. Кўп ўтмай мўғулларнинг сара баходирлари – кешик ҳам кўринди. Улардан кўз узмай тураркан, Қутлуғхон ёнидаги Алп Буғахондан сўради:

– Буларнинг нияти нима эканини биласизми?

Дабдурустан берилган саволдан муддаони тушуна олмаган Алп Буғахон тааж-жубланди ва у ҳам сўради:

– Султон ҳазратларими?

– Бу лаънатиларнинг нияти мукофот ва ўлжа! – тушунтирди Қутлуғхон. – Мукофотни агар Чингизхон илқидан оладиган бўлса, улар ўлимга ҳам тайёр!

Унинг нима демокчилигини Алп Буғахон фаҳмлагандек бўлди. Гапирмоқчи бўлиб оғиз жуфтлаганида Қутлуғхоннинг ўзи давом этди:

– Султон ҳазратлари биз билан эмаслар, шундай экан, улар бизларни – саркардаларни тутишга ҳаракат қилишади.

– Биламен...

– Мўғуллар душман саркардаларига шафқат қилмаслар. Ўтрор ҳокими Инолчикни эсланг.

Ўтрорни ойлар давомида мўғулларга бермаган, қўлга олингач, оғзи ва қулоғига эритилган кумуш куйилиб, шафқатсиз ўлдирилган Инолчикнинг қисмати ёдига тушиб, Алп Буғахон сесканиб кетди. Қутлуғхоннинг нима демокчилигини тушунди: “Ҳар қандай ҳолда ҳам асирга тушма!”

– Мўғул илқига тушиш ниятим йўқ! – деди у катъий.

– Балли! – деб қўйди Қутлуғхон, яқинлашаётган мўғул қўшинидан кўз узмай.

Қутлуғхон мўғул отликлари ўн мингдан кам эмаслигини сездди. Сўнг икки ёнидаги Алп Буғахон ва Ахос Маликка қараб қўйди.

– Тайёр туринг! – баланд овозда деди у. – Савашга кирурмиз!

Қутлуғхон қўлларини дуога очди. Ёнидагилар ҳам дарров унга қўшилишди. Қўшиннинг бир овоздан “Оллоху акбар!” дейишдан атроф-борлик ларзага келди. Қутлуғхоннинг буйруғи билан қўшин кўзғалиб, мўғуллар устига ташланди. Бир текис сафланиб турган отликларнинг шиддат билан ҳужумга ўтиши мўғул нўёнларини эсанкратиб қўйди. Уларга қарши елдек учаётган қўшинда Алп Буғахоннинг зирхли ва оғир қуролланган отликларини улар кутишмаганди.

Қутлуғхон тўғри гапирганди: мукофот ва улуг қоннинг муборак назарига ноил бўлиш мўғул баходирларига куч-қувват, шиддат бағишларди, ҳозир ҳам қилич тигига учишдан қўрқмай ўзларини қайноқ издиҳомга уришди. Иккала томоннинг сафлари аралашиб кетди. Одамларнинг бақиршлари, отларнинг кишнаши ва қурол-яроқларнинг жаранг-журунги бу саваш маърақасини янада қўрқинчли, ваҳший кўрсатарди. Одамлар одамлик сиёкини унутиб бир-бирини чопар, кирарди. Аслида бу Жалололдин ва Чингизхоннинг сара жангчилари эди. Шунга мувофиқ саваш – қирғин ҳам санъат даражасига кўтарилганди. Ҳарб усталари ўз ишларини бенуқсон, мукамал бажаришарди.

Мухорабада Алп Буғахон ўзгача жонбозлик кўрсатарди. Унинг зирхли қўшини кешикка жиддий шикаст етказиб, унинг марказига ханжардек санчилди ва иккига бўлиб ташлади. Кешикнинг иккига бўлинган қисми бир-биридан беҳабар, ўз ҳолича жанг қилишга мажбур бўлди.

Муваффақиятдан руҳланган Алп Буғахон душмanning анча ичига кирган-

ди. Кутилмаганда елкасига кучли зарба тушди-ю, мувозанатини йўқотди. Эгарга кайтадан базўр жойлашди. Ўзини ўнглаб олишга улгурмай иккинчи зарба тушди – бу сафар қилич тиғининг пўлат совутидан кайтганини аниқ сездди. Зарба шу қадар кучли эдики, эгарда қийшайиб қолди. Эгар тасмаси алпқомат чавандоз ва унинг пўлат зирхи оғирлигини кўтара олмай узилди-ю, у ерга кулади. Ўрнидан туришга чоғланганида юқорисида икки мўғул суворийси – кешиктенлар пайдо бўлди. Уларнинг фақат кўзлари очик, қолган жойи пўлат зирх билан тўсилган. Алп Буғахон уларнинг кўлидан омон чиқмаслиги ва шу ерда омонатини топширишига имон келтирди. Уларнинг кўзларига тик боқиб ўрнидан турди. Ерда ётганича душман тиғига учишни ўзига ор деб билди. Кутилмаганда кешиктенлардан бири эгардан ағдарилди. Иккинчиси ўзини ўнглагунча унга зарба тушди. Унинг пўлат совути елкасидан қоқ иккига ажралиб қолган, қилич теккан жойдан қон фавворадек отиларди. Алп Буғахон эгасиз қолган отлар ортида Салоҳиддинни кўриб енгил тин олди. Салоҳиддин унинг ёнига келди.

– Отингиз эгари тасмаси узилди, – деди у. – Бу аҳволда савашда қолишингиз хавфли!

Алп Буғахон унинг нима демокчилигини тушунди ва бош иргаб кўйди. Салоҳиддин эса отининг бошини ортга буриб, қилич чопишаётганлар орасига ўзини урди.

Мухораба кўпга чўзилмади. Қутлуғхон ва Алп Буғахоннинг қўшини мўғул баҳодирларини янчиб ташлади. Шундай бўлса-да, Чингизхон бошлиқ мўғулларнинг асосий кучлари ҳали жангга кирмаган, тез орада улар ҳам кўриниши мумкин эди. Шунга хаёлидан ўтказган Қутлуғхон ярадор ва ўликларни йиғиштириб, Жалолоддинга етиб олишни буюрди.

Алп Буғахон Салоҳиддиннинг олдига келди.

– Бугун жонимни сақлаб қолдинг, мамлук! – деди у.

– Оллоҳнинг иродаси!

– Сени қул деганимга пушаймонмен! – чин дилдан деди Алп Буғахон.

– Ҳаммамиз қулмиз! – Салоҳиддин унга бош иргаб кўйди ва отининг бошини ортга бурди.

Кўшин Жалолоддин томон йўлга чиқди.

58-боб. “Ҳилол” шиддати

У қаламравидаги ерлар каерда тугаши, бу жойларда қандай халқлар яшашини кўришни хоҳларди. Тақдир бу ниятига етказди – йўлбошловчилар энди Ҳиндистон сарҳадлари бошланишидан гувоҳлик беришарди. Кўп нарсалардан хабардор мушший Шихобиддин эса шавкатли ҳукмдор султон Маҳмуд Ғазнавий Ҳиндистон мулклари фатҳига айнан шу йўллардан ўтганидан маълумот берди. Жалолоддин бу ерларга Чингизхон таъқибидан қутулиш учун эмас, балки султон Маҳмуд каби келиш, ҳамда “Абулмузаффар”, “Абулфатх” ёки “Абулғозий” фахрий лақабларини олишни истаганди. Лекин бундай бўлмади, буни у чуқур хўрсиниш билан қўнглидан ўтказди.

Йўлларни текшириш учун олдинга юборилган навкарлар ҳам етиб келишди.

– Султон хазратлари, – деди улардан бири. – Тахминан бир фарсаҳдин сўнг дарёга чиқилур!.. Ўтиш мушқул, нариги соҳили жуда узок...

– Бу Синд суви, хазратим, – изоҳ берди мушший. – Ҳиндистоннинг улуғ дарёларидин.

Жалолоддиннинг қўнгли нохушланди. Мўр-малаҳдек бостириб келаётган мўғуллар уни дарёдан ўтиб олишига имкон бермайди. Хаёлига онаси ва аёли келди. “Ҳарам ҳар қандай аҳволда ҳам дарёдин ўтиб олиши лозим!”

У каршисида қўл қовуштирган Қутлугхон, Темур Малик, Алп Буғахон ва Кузбор Маликларни назаридан ўтказиб олиб деди:

– Биз учун ҳозирча энг мақбул йўл – дарёдин ўтиш! Дарҳол усталарни юборинг, марқоби ясашга киришсинлар! Уларга кўмак учун навкарлар кўшиб беринг!

Шу пайт чодир ташқарисида, “Султон ҳазратларига ошиғич хабар!” деган овоз эшитилди ва Жалолиддин:

– Кириг! – дея буюрди.

Кирган навкар қўшин ортида қолдирилган хуфиялардан эди. У дарҳол таъзим қилди ва шоша-пиша гапира кетди:

– Султон ҳазратлари, мўғуллар бизга етиб олай деди! Агар черик илғори шиддати сўндирмаса тез орада биз билан юзма-юз бўлур!

– Черикни кўзғатинг! – буюрди у. – Тезда дарёга етиб олмоғимиз лозим!

Саркардалар, “Бош устига, султон ҳазратлари!” дея ташқарига чиқиб кетишди. Усталар ва уларга ёрдамлашадиган навкарлар жўнашга улгурмай яна бир чопар етиб келди. У хансираб нафас олар, уст-боши чанг эди.

– Султон ҳазратлари! Мўғулларнинг илғори кўринди! Отлик бисёр!..

Жалолиддин имкон қадар дарёга яқин бориб, ўша ерда мўғулларнинг шиддати-ни сўндиришни ўйларди. Саркардаларга сўнгги сипоришларни бергач, нафас олиш учун тўхтаган хоразмшоҳ қўшини йўлда давом этди. Қўшин орадаги масофани тезда босиб ўтиб Синд ёқасига, кенг майдонга чўзилиб кетган Нилаб текислигига чикди. Ваҳимали уюрмалар ҳосил қилиб оқаётган, бўтана сувли дарёнинг нариги соҳили кўринмайдигандек эди. Сув юзасида эрта тонгдан сийрак туман сузади. Ўпқонлар ҳар гал айланганида кишининг юрагига ғулу соладиган овоз чиқариб кўяди. Ундан осонликча ўтиш мумкин эмаслигига одам дарров имон келтиради...

Дарё лабида тўхтаган қўшинни энди мудофаага қўймоқ Жалолиддиннинг ҳаёлини олганди.

* * *

Минглаган, бир-бирига анча зич жойлашган Жалолиддиннинг қўшини сарой аёёнлари ва султон ҳарамни яширинган тепадан кафтдек кўринади. Бу ердан қўшиннинг ўзига хос ҳилол каби жойлашгани, унинг икки қаноти соҳилга тиралганини бемалол илғаш мумкин. Шамсулмулк тинмай тиловат қилади; ҳаяжон, ҳам ҳадик сабаб сўзларда адашади, кўзларини яна юмади-да, ўша оятни кайтадан ўқийди. Мунший Шихобиддин эса худди улуг тарихий воқеага гувоҳ бўлаётгандек кўзларини жанг майдонидан узмайди. Бу муҳораба тарихини саҳифаларга, албатта, муҳрлашини кўнгли сезади. Ўз-ўзидан сўзлар ҳам қуйилиб кела бошлайди: “Султон Жалолиддин ибн Муҳаммад Синд сувига дохил бўлгач, Чингизхонни шу ерда қарши олмоққа қарор қилди ва черикни ҳилол мисоли ёғий дафъига қўйди. Яримой маркази – ғулда султон ҳазратлари харас ила ўрин олмиш. Черик баронғорига Амин Малик, жуванғарига Темур Малик буюрилмиш. Бу икки саркарда “Ҳилол”нинг икки учини ясамиш. Хоразмшоҳ лашкарининг савашга иштиёки баланд...” Қўшиннинг ўзига хос тартибда мунший яна бир рамзийликни ўқиди: “Ҳилол” ғолиб бўлса мусулмонларнинг шиддати ошажак ҳамда Мовароуннахру Хуросонда ҳазрат пайғамбар (с.а.в) шариасти ғолиб бўлажак! Акси бўлса, кофир Чингизхоннинг сўзию амали устун келажак...” Сўнгги ўй кўнглидан ўтганида унинг вужудини муздек тер қоплади. Миёсида яккаш “астағфируллоҳ” айланаркан, мўғулларнинг Бухоро ҳамда Самарқандда мусулмонларга қилган шафқатсизлиги ёдига тушди. Улар учун одамларни хўрлаш, қийнаш ва ўлдириш

оддий иш, кўнгилхушлик эди. Муншийнинг назарида бу қавмда инсонийликдан кўра хайвон табиати устун.

Қуёш анча кўтарилиб, сийрак туман ариганида Жалолиддинга қарши қўйилган мўғулларнинг қўшини кўринди-ю, хайрат ва даҳшатдан муншийнинг тили сўзга айланмай қолди. Султон Аловуддин Муҳаммаднинг юришларида ҳам бунчалик кўп лашкарни кўрмаганди. Ўша вақтларда “бундай катта черикни бошқа кўрмасам керак”, деган ўйга борганди. У адашганини тан олди – Чингизхон дунёнинг қўшинини бошлаб келгандек эди. Қоп-қора қўшин узок масофага чўзилган, кейинги қаторлар қаерда тугашини ҳам билиб бўлмасди. Бошқалар ҳам мўғулларнинг улкан қўшинини кўриб сукутга ботганди. Улардан анча пастда, қўшин калбида мўғулларни кузатаётган Жалолиддиннинг кўзлари жиддий ҳам қахрли боқар, қошлари уюлганди. У жангни қандай бошлашни ўйларди. Ҳаммаси мўғулларнинг илк зарбасини қандай қайтаришга боғлиқлигини сезар, ҳарбий тартиб бузилмаса ҳар қандай черикни енгишига ишонар, душманнинг кўплигидан заррача ҳам кўрқувга тушмасди.

– Черик бир-бирига зич турсин! – ёнидаги саркардаларга буюрди у. – Буйруксиз хужумга ўтилмасин! Черик мунтазам турсин!

Жалолиддин аввал Темур Маликка, сўнг Амин Маликка қаради ва яна буюрди:

– Жойларингизни эгалланг! Ҳаммангизни Оллоҳга омонат топширдик!

– Ҳазратим, сизни ҳам Худога омонат топширдик! – деди Темур Малик ва қўшин баронғорига от чоптириб кетди, Амин Малик эса “Ҳилол”нинг чап канотига от қўйди.

Мўғул қўшинининг олдинги сафлари ҳаракатга келди. Улардан кўз узмай турган Жалолиддин буйрук кутаётган хабаргирларга деди:

– Ёғий камончилари хужум бошламиш! Черик ҳозирлансин!

Жалолиддин қўшинида бурғулар кетма-кет ва қисқа-қисқа чалинди. Минглаб лашкарнинг ҳаракатидан узок чўзилган жимлик бузилди. Шакир-шуқур, тақир-туқур овозлар ҳаммаёкни тутиб кетди.

Мўғулларнинг минглаб камончилари олдинга чиқиб ўқланган камонларни юқорига кўтаришди ва сон-саноксиз ўқларни Жалолиддин қўшини томон юборишди. Пайконлар ҳавода бир муддат туриб колганида сахийлик билан нур сочаётган куёшнинг юзи тўсилиб, атроф-борлиққа қоронғилик чўкаётгандек бўлди.

Мўғулларнинг бу усулини билган Жалолиддин бунга қарши чора топганди – навқарлар ёғочлардан ясалган тўсиқларни кўтариб, уларнинг остига яширинди. Мўғуллар бундан иш чиқара олишмади – “Ҳилол” сафлари бузилмади.

Мўғул камончилари ортага ўтишди. Зарбдор суворий қисмлар олдинга чиқди. Уларнинг марказини аслзода ва баҳодирлардан иборат жазо қўшини – кешик эгаллаганди. Уларнинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турган Жалолиддиннинг баланд овози эшитилди:

– Камончилар олдинга чиксин!

Бу сафар бурғулар бошқача чалинди – олдинги қаторга Жалолиддиннинг камончи қисмлари чикди. Мўғул отликлари хужумга ўтганида камончилар камонларга ўқ жойлаб юқорига қарата ўқ уза кетишди. Ҳавода ёй ясаб учаётган пайконлар отликларни бирин-кетин тўка бошлади. Пайкон суворий ёки отни ажратмай санчилар, ўқ теккан одамлар “оҳ” урганича қулар, отлар ғалати кишнаб мункирди. Камончилар бир зум бўлсин тин олмасди. Талаф бўлган жонлар оёк остида тикилиб кетганидан отликлар олдинга юра олмай қолишди ва камончиларнинг ишини енгиллаштириб беришди.

Бироқ Чингизхоннинг қўшини катта эди. У ҳатто эрмакка ҳам Жалолиддинга

қарши туманларини⁴ юбориши мумкин эди. Буни Жалолиддин ҳам сезар, кўшин тартиби сақланишини қатъий назорат қиларди. Кўшин мунтазамлиги сақланса, Чингизхонни енгилга кўзи етарди.

Куёш аста уфққа бош кўяркан, жангнинг биринчи кунига хотима ясади.

* * *

Тонг отганида Жалолиддин мўғуллар томонида ўзгача ҳаракат бошланганини сездди. Олдинги сафларда жанговар қисмлар эмас, балки отлар, туялар етаклаган одамлар кўринарди. Унинг таажжуби ортди – бу яна қандай усул?! Минглаб одамлар отлар ва туялар судраб келтирган нарсаларни устма-уст тиклашга, ясашга киришиб кетди.

– Ҳазратим, улар нима қилишяпти? – сўради Кутлуғхон.

– Таажжубдамен! – деди Жалолиддин.

Кўп ўтмай Жалолиддин уларнинг нима эканлигини англади: мўғуллар қисмларга бўлиниб келтирган манжаникларни тиклашмоқда эди. Кечаги ҳужумлардан иш чиқара олмаган Чингизхон энди шу усул билан “Ҳилол”нинг тартибини бузишга аҳд қилганди.

– Саркардаларни ҳузуримизга чакиринг! – буюрди Жалолиддин.

Унинг мияси тез ишлар, бу қурооллардан қандай ҳимояланиш режасини тузарди. Агар манжаниклар ишга киришса катта талафот беради, черик тартиби бузилади. Тўзгиган лашкарни яна мудофаага кўйгунча мўғуллар отликларни ташлайдилар. Йўлида учраган пароканда қисмларни супуриб ташлайди. Жалолиддин бу қуроолларнинг зарбини қабул қилмаслик учун кўшинни олдинга суришни ва имкон туғилса қарши ҳужумга ўтишни ўйлади. Саркардалар келгач манжаниклар ота бошлаганида қандай йўл тутмоқ лозимлигини тушунтирди ҳамда махсус ишоралар берилиши учун хос аламбардорларни белгилади.

Мўғуллар манжаникларни Жалолиддин кўшинига анча яқинроқ жойда бир қаторга тизиб чиқишди. Уларнинг ўзига яқинроқ ва қулай ўрнатилгани Жалолиддинга ҳам маъқул бўлди ва ўйлаган режаси иш беришига астойдил ишонди. Ваҳимали қад ростлаган бу қуроолларга тошлар, йирик гўлалар ва ёндирилган нарсалар жойлана бошланди. Уларни кузатаркан, Жалолиддин илк зарба айнан ўзи бошқараётган марказга – гўлга берилишини тушунди ва тўғрисида турган аламбардорга ишора берди. Ундан кўз узмай турган аламбардор дарҳол байроқни кўтарди ва гўл бирдан оёққа қалқди. Мўғуллар томонидан йирик-йирик тошлар ва олов иргитилганда гўл ўз ўрнидан силжиб, катта тезликда ажал уруғи сочаётган қурооллар томон отилди.

Қулаётган тошларнинг оғирлигидан ер силкингандек бўлар, ёнма-ён тушаётган оловлар эса қуруқшаган ўт-ўланларни ёндирар, қуйдирарди. Мўғулларга хизмат қилаётган хитойи мухандислар қанча масофага отишларини ҳисоблаб қуроолларни ўрнатишган, бироқ Жалолиддин ўз кўшинини олдинга суришни хаёлларига ҳам келтиришмаганди. Жалолиддин кўшинни кўзғатиб, асосий қучлардан анча илгарилаб кетган мухандислик қисмларини қиличдан ўтказди. Отишга тайёрланган ермой⁵ билан манжаниклар ёндирилди. Сўнг “Ҳилол” яна мунтазам бўлди.

Чингизхоннинг бу режаси ҳам муваффақиятсиз чиқди.

Мўғулларнинг кейинги юриши қандай бўлишини тахмин қилиш қийин эмасди.

Чингизхон бирданига бир неча туманларни Жалолиддиннинг иккала қанотига

⁴ Ун минглик кўшин.

⁵ Нефть.

ташлади. Амин Маликнинг устига ташланган мўғул отликларининг шиддати банд эди. Дастлабки зарбада жуванғар калкиди. Бироқ кейинги сафлар тартибни ушлаб колди ва мўғулларнинг шиддати чекинди. Кейин жуванғар аста олдинга силжиб мўғулларни ортга сурди. Бундан дадилланган Амин Малик душманни таъқиб этишга тушди. Шунда мўғул қисмларининг ортида турган байроқдорлар чекиниш аломатини кўрсатиб байроқларини кўтаришди. Буни сезган Жалолоддин дарров буюрди:

– Амин Маликка етказинг! Мўғулни таъқиб этмасин!

Жалолоддин Чингизхоннинг ниятини пайкагани – мўғуллар ўзини чекингандек кўрсатади ва ортидан Амин Маликни эргаштириб кетади. Асосий қўшиндан узоклашгач, уларни қуршаб олиш осонлашади.

Темур Малик кўмондонлигидаги жуванғар ҳам мўғулларнинг бир неча туманларини қарши олган, бу ерда ҳам саваш ҳадди аълосига етган. Минглаб оёқлар остидан кўкка ўрлаётган чанг-тўзон кўришни кийинлаштирган, аммо бир-бирини чопаетганларга бунинг кизиғи йўқ, улар тиним билмас, сония сайин шиддати ошиб бораверарди.

Хабаргирлар Амин Маликка ета олишмади – анча илгариланган баронғарни мўғуллар қуршовга ола бошлашганди. Чингизхон савашга янги-янги туманларни ташлашда давом этарди, шунинг учун Жалолоддин Амин Малик ортидан ёрдамчи қисм жўната олмади. Устунлик мўғулларга ўтди. Амин Малик охиргача савашди, аммо қуршовдан чиқа олмади. Хоразмшоҳ қўшинида биринчи бўлиб Амин Малик кўмондонлигидаги баронғор синди.

Жалолоддин танг аҳволда қолди. Пайдар-пай бостириб келаётган мўғулларнинг шиддатини сўндириш учун ўзи хужумга ўтди ва душманни марказгача сурди. Ғул ва султон харасини мўғуллар тўхтата олмади.

Қуёш ботиб савашнинг иккинчи кунига ҳам хотима ясади. Карнайларнинг овози саваш майдони узра оғир, гулдурак янграб хоразмшоҳ қўшинини ортга қайтарди.

59-боб. Буюрмаган арабий от

Кенг майдон беҳисоб чопилган, найза санчилган жасадаларга тўла. Очик қабристон! Ярадор навкарларнинг жон аччиғидаги овози атрофни тутган. Уларнинг фарёди, ноласи юракни эзади. Кундузи ёндирилган манжаниқ ва даббалар тутайди, саваш майдони сийрак тутун остида қолгандек. Эгасиз, эгари кийшайиб қолган отлар ҳеч нарсани кўрмагандек ўт чимдишар, мажакланган, кийшайган жанг аравалари айниқса шом арафасида кўзга хунук кўринади.

– Салоҳиддин!

Салоҳиддин овоз келган томонни чамалаб қаради. Ундан сал нарида, ғираширада кўзга зўра кўринаётган отликнинг Ахос Малик эканини сезди. У қиличига тиралиб ўрнидан турди. Кунбўйи қилич сермаган ўнг қўли симиллар, елкаси ҳам оғирди. Қийналиб оёкка турганидан роса чарчаганлиги билинди.

– Оллоҳга шукр, бу издиҳомдан омон чиқдинг! – деди Ахос Малик. Салоҳиддин унинг овозида биродарлик оҳангини сезиб кўнгли юмшади.

Ахос Маликнинг айтганича бор – бу ёввойи муҳорабадан қандай омон чиққанини ўзи ҳам билмайди. Тангри таоло жонини асрамаганида мўғул қиличи дамига учраши ҳеч гап эмасди. “Оллоҳга шукр!” заиф ун чиқди унинг қуруқшаган лабларидан.

– Унга от беринг! – буюрди Ахос Малик.

Унинг ортидаги отликлардан бири от келтириб, тизгинни Салоҳиддиннинг қўлига тутқизди. У кон қотган қиличини шундоқ кинига тикиб, базўр эгарга ўтирди. Ахос Малик хос навкарлари орасида Салоҳиддинни кўрмаганидан “ўлган бўлса керак” деган хаёлга борган эди, уни тирик кўриб роса қувонди. Ахос Маликнинг хизматида кўплаб мамлук ва хос навкарлар ўтган бўлса-да, у каби садоқатли ва ёвқур жангчини кўрмади.

– Султон ҳазратларларининг қайин оталари йўқолмиш, – деди Ахос Малик. – Мўғул томонга ўтиб, ярадор ва жасадлар орасидан излаймиз!

Ахос Малик отининг бошини шахд билан ортига буриб, Чингизхон қўшини тўхтаган томонга от солди. Навкарлар унинг ортидан эргашдилар.

Майдоннинг анча қисмини босиб ўтганларидан кейин бу томонларда мўғул ярадорлари ва жасадлари анча кўпайди. Айниқса, жасадларнинг саноғи йўқ. Мухорабанинг иккинчи куниди ҳам мўғул қўшинининг талафоти Жалолиддинни-кидан кам эмасди. Ярадорларини йиғиштираётган мўғуллар кўп учрар, улар отлик хоразмликларга эътибор бермасдилар.

Ахос Малик отини секинлатиб олди. У ҳар бир жасад ёки ярадорни назаридан қолдирмасликка уринарди.

– Ана у киши! – навкарлардан бири кичкириб юборди.

Ахос Малик отининг тизгинини тортиб, навкар кўрсатган томонга қаради. Икки-уч мўғул жасади ёнида Амин Маликнинг жонсиз танаси ётарди. Ахос Малик отидан сакраб тушиб, Амин Маликнинг бўйинини ушлаб кўрди. Томир уриши йўқ, бадани совуган. Ахос Малик қафтларини очиб, юзини силади.

Жасадни бўш отлардан бирига ўнгариб қайтдилар.

Навкарлар орасида от қўйиб келаётган Салоҳиддинни турли ўйлар безовта қиларди. Амин Малик Ағроқ билан от талашиб нимага эришди? Ҳатто жасадини ҳам ўша арабий эмас, оддий отга ўнгариб кетишмоқда...

Жалолиддиннинг қароргоҳини харас пухта ўраган. Султон боргоҳи атрофида гулханлар ёнади. Барча саркардалар шу ерга йиғилишган. Уларнинг кайфияти тушкун, мухорабанинг бугунги куни кечагига караганда анча оғир келгани сўлғин чехралар, сўник нигоҳлардан сезилади.

Амин Маликнинг жасадини боргоҳ ёнига олиб келишди. Ерга наमत ёзишиб, жасадни авайлаб унга ётқизишди. Боргоҳдан чиққан Жалолиддин омонатини топширган қайин отаси қаршисида тўхтади-ю, ичида нимадир узилгандек бўлди. Қафтларини очиб, марҳум ҳаққига дуолар қилди.

Сўнгги кунларда Амин Малик Жалолиддиндан тортиниб юрар, Сайфиддин Ағроқ билан ихтилофга борганидан афсусланаётгани сезиларди. Бирок Жалолиддин бу ҳақда сўзлашни лозим топмасди. Қайин отасининг ўлими оғир эди. Ҳар не бўлганда ҳам у хоразмшоҳлар хонадонига содиқ кишилардан бўлиб, Ғазнига катта қўшин билан келганди. Энди эса Жалолиддинни кучли ва обрўли саркардалар бирин-кетин тарк этаётганди...

60-боб. Ғайбдан ишорат

Кеча бориб шамол қутурди. Чодирлар йиқилар, аравалар ағдарилар, шамол ҳар турли ашёларни учириб юрарди. Энг ёмони – усталар ясаган марқобларнинг ҳаммаси оқиб кетди, уларни тутишнинг иложи бўлмади. Усталардан бири оқиб кетаётган марқоблардан бирини ушлаб қолиш илинжида ўзини сувга ташлади, шамол зўрлигидан у ҳам қўшилиб оқиб кета бошлаганда, шериклари уни аранг сохилга

тортиб олдилар. Соҳилбўйидаги машғалалар ёруғида усталар энди нима қилиш кераклигини маслаҳат қилардилар. Уззукун савашдан чарчаган бўлса-да, бу хабарни эшитган Жалолiddин дарё томон от чоптирди. У келганида усталар айбдорлардек елка қисишиб, бир-бирларига қарашиб қолишди. Биринчи бўлиб устабоши деди:

– Султон ҳазратлари, гуноҳимиздан ўтинг... марқобларни шамол олиб кетди... – хукмдор ғазабидан эмас, балки ишончни оклолмаганидан кекса устабошининг кўзларига ёш келди. У султон харамининг тақдирини айнан уларнинг ишига боғлиқ эканини тушуниб, усталарга бирдам бўлсин тин бермай ишлатган, ҳатто навқарларни ёғоч ташишга мажбур қилгани. Синд суви кучли ўпқонлар ҳосил қилиб кенг ўзанга ёйилиб оқар, бундай дарёни оддий қайиқ ёки сол билан кесиб ўтиш ҳазилакам иш эмасди. Агар бундай бўлишини билганида устабоши наридан-бери бўлса-да, кема ясаган, ҳеч бўлмаса ҳарамнинг ярмини нариги қирғоққа кузатган бўларди.

– Энди қандай маслаҳат берурсиз? – сўради Жалолiddин.

– Бошим котмиш, султон ҳазратлари... Марқоб ясамоққа ёғоч керак... Уларни анча олисдан келтирамиз...

Жалолiddиннинг боши котди. Соҳил бўйлаб мўғул хуфиялари изғийди. Ёғоч кесгани одам юбориш хавфли, бекорга нобуд бўлишади. Бугунги савашда мўғулларнинг катта отлич қисми унинг асосий кўшинини айланиб ҳарамни қўлга киритмоқчи бўлди. Яхшики, ўз вақтида сезиб қолди...

– Султон ҳазратлари, – ёлворгандек деди устабоши. – Изн беринг, араваларни бузиб бўлса ҳам марқоб ясайман!

– Уста жаноблари, унутмангиз, тақдиримиз сизнинг қўлингизда! – дея отининг бошини ортга бурди Жалолiddин.

– Ҳаргиз унутмасмен, Султон ҳазратлари!

Жалолiddин бошқа сўз айтмади, чодирини томон жўнади. У онаси билан учрашини истар, лекин кўнглида қандайдир истихола бунга қаршилиқ қиларди. Марқобларнинг оқиб кетишида у ўзини айбларди. Назарида шамол марқобларни эмас, балки онасининг, аёлининг, фарзандининг озодлигини учириб кетгандек эди. Бу ўй кўнглидан ўтганида “астағфируллоҳ” деб қўйди ва отини ниқтади. Чодирга етиб келганида Қутлуғхон ва Мукарробиддин ундан хавотирланиб туришарди.

– Хайрият, султон ҳазратлари, келдингиз! – деди Қутлуғхон.

– Ҳазрати олиялари келмишлар, – Қутлуғхоннинг ортидан кўриниш берган Мукарробиддин деди. – Сизни ичкарида кутмоқдалар.

Аъёнлар чодир ёнида эртанги саваш машварати учун тўпланиб туришарди. Жалолiddин уларга кутиб туришни буюриб, ичкарига кирди.

Шикор вақтими ёки ҳарбий юришларми, султон чодирини барча расм-русумларга мувофиқ тикланиши, жиҳозланиши шарт. Кираверишдаги бўлмадан ўтилиб, асосий, кенг ва баланд чодирга кирилади. Манқалларда чўғ ловуллаиди, машғалалардан ичкари ёруғ, султон қароргоҳининг бутун хашамати кўзга ёркин, турфа рангда кўринади. Оёк остига кимматбаҳо гиламлар тўшалган, тўрда султоннинг кўрпача ва болишли кенг ўриндиғи. Чодирнинг икки томонида, унинг “девори”га тақаб қўйилган курсилар. Султон ўриндиғидан бериқоқда оёқлари нақшли хонтахта; унинг атрофида ҳам кўрпачалар, парку болишлар. Одатда султон машваратлардан сўнг ҳужжатлар билан шуғулланадиган, тавқлар коралайдиган жой. Жалолiddин чодирнинг асосий бўлимига кирганида онаси пастроқда, шундоқ гиламнинг устида ўй сурганича ўтирарди. Оёк товушлари, қурол-яроқларнинг шиқирлашидан ўйлари узилди ва шошиб ўрнидан турди.

– Ассалому алайкум!.. Нега куйида ўтирибсиз? – ажабланиб сўради Жалолiddин.

– Ваалайкум ассалом... шу ер кулай...

– Юкорига ўтинг!

Ойчечан аввалига ийманиб турди. Ўғлининг қатъий тикилган кўзларидан бўшашиб тўрга ўтди-ю, яна туриб қолди. Жалолiddин тез-тез юриб ўзи ўтирадиган ўриндикнинг кўрпачаси ва болишини тўғрилаб қўйди. Унинг мақсадини тушунган Ойчечан яна хижолат тортди: Ўғлимнинг жойига ўтириш?!..

– Тортинманг! Бемалол ўтираверинг! – деди Жалолiddин.

Ойчечан ўриндикқа – султоннинг юришлардаги тахтига омонат ўтирди. Жалолiddин эса вазир ва саркардалар ўтирадиган курсилардан бирини олиб онасининг қаршисига қўйиб ўтирди.

– Вақтингизни зое кетказиш ниятим йўқ, ўғлим, – гап бошлади Ойчечан. – Ҳолингиздан хабар олгани келдим...

Ойчечан бугунги кунни қандай қаритганини билмади. Одамларнинг бакириқлари, отларнинг кишнашлари, қилич-найзаларнинг жаранг-журунги уни кунбўйи дахшатга солиб турди. Эрининг юришларида у бунга ҳеч эътибор бермаган экан, бугун у ҳарам аёли бўлиш нақадар оғир эканини янада чуқур англади. Уларнинг эрки, инон-ихтиёри ўз қўлларида эмас. Савашга қираётган султонлар ўртага тожу тахтдан ташқари... ўз ҳарамларини ҳам тикишади. Муҳораба майдонини ташлаб қочган ҳукмдорнинг нафакат мулки, балки ҳарами ҳам ғолиб илқиға ўтиши бор гап. Ҳарам ахлининг эрки у ёқда турсин, ҳатто хоҳиш-истаги ҳам нусрат майини татиган султон измида. Хоҳласа уларни ўз ҳарамига қўшади, хоҳласа амирларига тортиқ қилади. Ҳазрат Пайғамбар шарияти қарор топганидан бери таомил ва удум шу. Ҳарам аёли савашни ихтиёр этган хожаси учун дуолар қилади, Худодан тилайди, мағлуб султонлар ҳарами қисмати уни четлаб ўтишини сўрайди... Лекин Ойчечан буни ўғлига айтишга уялди. Кўнглидан ўтган ўйларни ўгли сезиб тургандек юзлари қизарди.

Онасининг бемаҳалдаги ташрифидан Жалолiddин таажжубга тушди, бироқ буни сўрашга жазм қила олмади. Аслида Ойчечан туши боис ўғлини зиёрат қилгиси келганди. Туш таъбири ўғлининг кўнглига ўтиришмаслигини сезиб бу ҳақда сўзлагиси келмади.

Тушида эри, оқ яқтак иштондаги султон Аловуддин Муҳаммад оқ отни етаклаб келганмиш. Ойчечан отга минибди, султон отни етаклабди. Қанизақлар эса уларнинг ортидан эргашибди. Уларнинг изларидан гуллар дув-дув сочилаармиш-у дарров қурирмиш. Сув тўла косани кўшқўллаб ушлаб олган Гулбегимгина бу издиҳомга аралашмай орта қолибди...

Ойчечан тушини – ғайбдан келган бу хабарни тақдир ҳукми дея тушуниб, Яратганнинг иродаси қаршисида бош эгди. Марқобларнинг оқиб кетишида ҳам ана шу илохий иродани кўрди.

– Ҳаёлимга негадир уқангиз Гиёсиддин келибди, уч-тўрт ёшли маҳали, эслайсизми? – туйқус ўйларидан узилиб сўради Ойчечан.

– Ҳа... – Жалолiddин ажабланибди, онасининг ниманидир яшираётганини сезди.

Бир бўлак ҳолва устида талашганлари, Гиёсиддиннинг онаси – Бағлава ва Ойчечан уларни завқ билан кузатганлари... Кейин Ойчечан ҳолвани олиб Гиёсиддинга берди. “Энди акангизга ҳам беринг-чи, ўғлим!” деганида хархаша қилаётган Гиёсиддин бирдан ўзгарди. Бир Жалолiddинга, бир Ойчечанга қараб ҳолвани иккига бўлиб, бир муддат уларнинг қатта-кичиклигини чамалаб, қаттароқ бўлагини

акасига берди. Ундан кўз узмай турган Баглава ҳам, Ойчечан ҳам мамнун бўлишиб бир-бирларига қараб қўйишди.

– Агар ёнингизда Гиёсиддин турганида бунчалар машаққатга қолмасдингиз, ўғлим... – бу гапни Ойчечан маслаҳат тарзида айтдимиз, ёки афсусланиб, Жалолиддин билолмади.

Гиёсиддин Форс ва Ироқда мустақкам туриб олди. У ердаги амирларнинг катта чериги хизматида. Онаси бежиз уни эсламади – ундан юз ўгирганлардан Гиёсиддин минг марта афзал эди.

Ойчечан ўғлининг кўзларига тик қаради. Унинг кўзлари ёшланганди.

– Ўғлим, сиз қай йўлни тўғри деб билсангиз, шу ишни қилинг! – титроқ овозда деди у. – Ор-номусингиз, ғурурингизни асрашда ҳар не ишни қилсангиз бошимиз устига!

Жалолиддин кўзларини ерга қадади.

– Бу тўғриларида кўнглингиз тўқ бўлсин! – деди у кучланиб. – Мени дуо қилинг...

Ойчечан титроқ қирган қўлларини дуога очди. Онасининг қўлларига кўзи тушган Жалолиддиннинг кўнгли бузилди. Уни бундай ожиз кўрмаганди. Бу нимадан дарак? Ўзи ҳам қандайдир ёмон нарсаларни сезади. Юғурик хаёллари мислсиз тезлик олиб, минг турли ўйлар қомига ташлади. Астағфируллоҳ!.. У қафтларига қаради. Қизик, улардаги чизиклар кўпайиб, айқаш-уйқаш бўлиб кетгандек.

Ойчечан ўғлини узок дуо қилди, сўнг кетишга ижозат сўради. Жалолиддин яхши сўзлар билан онасининг кўнглини кўтармоқчи бўлди, лекин тили сўздан қолганди. У зўрға: “Яхши боринг!” дея олди. Ойчечан унинг пешонасидан ўпиб қўйди ва ортига чекинди. Жалолиддин намли кўзлари билан уни кузатиб қолди.

61-боб. Сўнган “Ҳилол”

Ҳижрий 618 йил, шаввол ойининг саккизинчиси⁶, савашнинг учинчи куни.

Синднинг авзойи ҳамон бузук, ёмғир аста томчилайди. Уфқ қора тортган. Худди ўтган йили султон Аловуддин шаҳодат шаробини тотган куни Қулзум осмонидек қоп-қора.

Хоразмшоҳ кўшини қайтадан саф тортди. Марказ – гўлдан Жалолиддиннинг ўзи жой олди. “Ҳилол” яна савашга тайёр бўлди. Жалолиддин пичирлаб дуо қилгач, қафтларини юзига силади. У қиличини яланғочлаб мўғул устига ташланди. Темур Малик, Қутлугхон, Алп Буғахон ва бошқа саркардалар ҳам унинг ортидан от қўйишди. Икки томон бир-бири билан аралашиб кетди. Шунга қарамай, Жалолиддин мўғулларнинг жанговар сафларини бузди, уларни таъқиб эта бошлади. У ҳеч нарсадан тап тортмас, кўзига жони ҳам кўринмасди. Мўғул туманларининг бирин-кетин тартиби бузилди. Жалолиддин саваш марказигача етиб борди. Бу ердан Чингизхоннинг чодирини шундоқ қўл еткудек кўринарди. Худди бир зарб билан унга етадигандек. Бирок Чингизхон мўғул баҳодирларидан иборат туманни пистирмага ўтганиди. Жалолиддин кўшинининг шиддати ортиб, муҳорабадаги устунлик унга ўтганиди пистирма қанотдан ҳужумга ўтди. Жалолиддин олдинга юра олмай қолди. Энди мўғуллар хоразмшоҳ кўшинини сиқиб келишди. Жалолиддин пайдар-пай бостириб келаётган мўғулга қарши туриб бўлмаслигини англади. Мўғуллар уни уч томондан оловли ҳалқадек ўраганди. Мўғул отликларининг адади йўқдек эди. Бирини чопса ортидан иккитаси пайдо бўлади. Ортда эса асов Синд! Жалолиддин

⁶ 1221 йил, 9 декабрь.

чорасиз қолган бўлса-да чекинишни ҳаёлига келтирмасди. Ундан бир қадам ҳам айрилмай савашаётган Қузбор Малик қичкира кетди:

– Султон ҳазратларини ўранг! Султон ҳазратларини ўранг!

Бу буйруқ фақатгина харасга тегишли бўлиб, савашда аҳвол мушқуллашганда харас қўмондони томонидан айтиларди. Жалолиддиннинг ёнида жанг қилаётган харас навкарлари – мамлуклар уни бир неча қават халқа қилиб ихота қилишга ўтдилар. Бу жонли девордан бирорта ҳам мўғул пайкони кира олмасди. Ўзини харас ўраётганини кўрган Жалолиддиннинг алам ва иложсизликдан тишлари ғижирлади.

– Султон ҳазратлари, чекинмасангиз бўлмайди! – Ахос Малик Жалолиддинга қараб қичқирди.

Харас ичидаги Жалолиддин бир саваш майдонига, бир ортига қарарди. Мўғуллар ҳар томондан бостириб келар, чекинишдан бошқа илож қолмаганди. Харас чекинди. Бирок хоразмшоҳ қўшини ҳали саваш майдонидан тортилмаган, лекин минглаган қўшин бор яроғ-аслаҳаси, от-анжоми билан Синдга тиралганди. Ўнг соҳилда навкарларнинг сафи шундай тигизлашиб кетдики, юргани жой йўқ, ҳатто нафас олишга ҳаво етмасди. Бунинг устига, минглаб навкарлар орасида кўплаб отликлар ўралашиб қолишганди.

Жалолиддин ҳарамидан хавотирда эди. У дарё соҳилига етиб борганида одамлар тўпланиб турганини кўриб хайрон бўлди. Отидан туша солиб сўради:

– Марқоблар тайёрни?

Кемалар тайёрлашга бош-қош бўлган устабоши айбдордек елка қисинди.

– Султон ҳазратлари... гуноҳимиздан ўтинг, аввал тайёрлаган марқобларимизни дарё суви олиб кетди. Қолганларини ҳали битказганимиз йўқ...

Бу орада Темур Малик юборган навкар етиб келди. У отдан сакраб тушди-да, Жалолиддин пойида тиз чўкди.

– Султон ҳазратилари, мўғуллар ортингиздан тушишди! Ҳали замон етиб келишади!

– Қанча фурсатда етиб келишларим мумкин? – сўради Жалолиддин.

– Султон ҳазратлари, қўрқаменки, фурсатни бой бердик... – навкарнинг боши эгилди.

Жалолиддин ҳарамни тарафга бир қараб олди. Аёллар-чи?! Марқоблар тайёр эмас. Уларни дарёдан қандай ўтказди? Тақдир қилмаган бўлсин, агар онаси Чингизхон қўлига тушса нима бўлади? Ор-номуси, ғурурини топгайди Хокон! Ундан кўра, ўлгани минг марта афзал эмасми?

Темур Маликнинг иккинчи навқари ҳам етиб келди: мўғуллар уни халқа қилиб ўраганлар! Аёллар орасидан суғурилиб чиққан Ойчечан ўғлига яқин келиб, мулоҳим овозда деди:

– Ўғлим, нима қилсангиз ҳам бизларни Чингизхонга асир топширманг!

Жалолиддиннинг кўзларида ёш ҳалқаланди. Тақдирнинг бундай синови ҳам бормиди?! Онасини қандай асрайди? Асов, нариги соҳили кўринмайдиган дарёдан қандай олиб ўтади? Ҳаёлига туйқусдан ўй оралади-ю, авзойи бадани жимирлаб кетди. У негадир нигоҳини дарё томон кўчирди. Ягона нажот энди... Синдданими?! У онасининг кўзларига термилди, юрагига ханжардек ботаётган сўзларни айтишга журъати етмасди. Ниҳоят, ўзида куч топиб, кучланиб деди:

– Мендан... рози бўлинг!

– Розиман, ўғлим, мингдан-минг розиман! – Ойчечаннинг кўзларидан ёшлар оқа кетди. – Сиздек ўғли бор она бу дунёдан армонсиз ўтади.

Жалолиддин титраб кетди. У кўзларини онасидан яширишга уринди. Ойчечан ҳам ўғлининг ниятидан воқиф бўлгандек эди. У ўғлини бағрига босди.

– Бошингиз тошдан бўлсин, султон ўғлим! Тангри номингизни улуғ қилсин...

Жалолоддин ўзида зўрга куч топиб, онасининг бағридан юлқинди. У ортига ўтирилиб, қаршисида турган Ахос Маликка буюрди:

– Ҳарамни чўктиринг!

Ахос Малик ҳайратдан тахта бўлиб қолди. Ҳарамни чўктириш?!

– Султон ҳазратлари... – тили сўзга айланиб-айланмади Ахос Маликнинг.

– Ҳарамни чўктиринг! – Султон буйруғини иккинчи марта такрорлади.

Буйруқни учинчи марта такрорлашга ҳожат йўқ, барчаси аниқ эди: Султон Жалолоддин ҳарамини мўғулга тирик топширмақчи эмас.

Дарё бўйига келтирилган аёллар ўзларини йиғидан зўрга тутиб турадилар. Ойчечан сокин, ўлимнинг совуқ нафасини ҳис қилаётган бўлса-да, ўзини дадил ва мағрур тутди. Аёлларни уввос солиб, сочларини юлиб йиғлашдан тўхтатиб турган нарса ҳам шу. Навқарбоши канизаклардан бирини даст кўтарди. Қиз қаршилиқ кўрсатмади. Навқарбошининг қўллари титрар, қизнинг кўзларига қарашга кўркарди. Қиз заиф овозда калима қайтараётганини эшитди-ю, титраб кетди. Бирок эсанкирамади – кизни сувга улоқтирди. Қизнинг рўмоли дарёга тушишни истамагандек ҳавода учди. Навқарбошидан кейин навқарлар қолган аёлларни сувга ташлай кетдилар. Аёллар жонҳолатда типирчилар, кимлардир дод солар, ёрдамга чақирарди... Ниҳоят, Ойчечаннинг навбати етди. Синддан эсган бўғик, намчил шамол рўмолини, унинг остидан чиқиб қолган бир тутам сочини ўйнатарди. Онанинг кўзларига қарашга юраги бетламаган навқарбоши уни аста кўтарди. Беш-олти қадам масофа тугамайдигандек туюлди. Навқарбоши кўзларини юмди ва Ойчечанни... дарёга отди. Она овоз чиқармади, сув қаърига жимгина ютилди. Навқарлар фарқ бўлаётганларни минг изтироб, алам ва иложсизлик ичра жимгина кузатиб туришарди. Дарё бирин-кетин ожизаларни қомига тортди. Уларнинг оху нолалари, дод-фарёдлари тинди. Сув юзида фақатгина сузаётган ва эгасиз қолган ҳарир рўмоллар, рўмолчалар қолди, холос.

Жалолоддиннинг назарида кўксини ёриб, юрагини суғуриб, кўз олдида оловга тутишаётгандек эди. Сўнгсиз алам ва изтироб ичра кечган шу фурсатда тишлари орасида тош қолганида борми, кумга айланиши ҳеч гап эмасди...

Атроф-борлиқ улуғвор сукунат ичра сомеъ бир киёфада, гўё бундан бир неча соат аввал қирғинбарот бўлмагандек, минглаб навқарлар қатлиом этилмагандек. Ёлгончи, омонат жимжитлик ичида, кумга тиззалаганича пешонасини ерга берган Жалолоддиннинг елкалари титрар, унсиз йиғлар, онаси қайтиб чиқадигандек гирдобланиб оқаётган бўтана дарёга қараб-қараб кўярди. Султон ўғлидан фахрланиб юргувчи онаси энди йўқ, дийдор киёматга қолди.

– Султон ҳазратлари!

Жалолоддин ортидан эшитилган овоз эгасига юзланди. Унинг нигоҳида чексиз, таърифи мушкул ғазабни ўқиш мумкин эди.

– Мўғул отлиқлари кўринди! – гапиргувчи Қутлуғхон эди.

Жалолоддиннинг аламдан тишлари ғижирлади, бурун катаклари кенгайиб, чуқур-чуқур нафас ола бошлади. У сакраб отига минди-да, унинг бошини шаҳд билан ортага буриб, яна саваш майдонига қайтди. Аввалига уни хангу манг бўлиб кузатиб турган Қутлуғхон ҳам, Ахос Малик ҳам султон ортидан от қўйишди. Бирок Жалолоддин аллақачон савашни бой берганди. Бир муддат мўғуллар билан савашган Жалолоддинни харас иккинчи марта ўраб, соҳилга олиб чиқди. Энди у ҳам Синдга сакраши керак. *Сўнги умид*. Тик қоятошдан пастга қараганда одамнинг юраги орқага тортиб кетади. Ўн газ куйидан оқаётган дарё суви ваҳимали эди. Жа-

лолиддин улуғвор дарёга юзланди-да, отини никтади. От аввалига ўжарлик қилиб турди, аммо хожасининг катъияти қаршисида бўйин эгиб, югуришга ўтди-да, дарёга сакради. Дарё чавандозни ҳам, отни ҳам қомига тортиди...

62-боб. Мамлук эмас, ўғлимсан!..

Султон дарё томон бешикаст ўтказиб юборилганини кўрган Салоҳиддиннинг елкасидан тоғ ағдарилгандек бўлди, “Оллоҳга шукр!” дея отининг бошини ортга, хожаси савашаётган издиҳом томон бурди. От ғалати пишқирди, ваҳший қирғинбаротни кўрибми ёки қон исини олибми, ортига тисарилди. Салоҳиддин отни никтади. От сапчиганича ур-тўполон орасига ўзини урди. Хоразмшоҳ қўшинининг туғлари харас узра хилпирайди. Мамлуқлар ҳали енгилишни, чекинишни ўйлашмайди. Мўғул қўшини энди юзма-юз турганида қамонлар фойдасиз, қилич, найза ва гурзилар қўлга олинган. Салоҳиддин қиличини олди-да, ҳайқирганича мўғуллар билан жанг қилаётган шериклари қаторидан жой олди. У ўзидан қийла нарида қилич сермаётган Қутлуғхонни кўриб Яратганга беҳисоб шукрлар қилди.

– Хожам, султон ҳазратлари дарёга ўтмиш! Сиз ҳам чекининг! – шовқин-суронни енгил учун қичқирди у.

– Йўқ! – Қутлуғхон ҳам қичқирди.

– Хожам, ўтинаман, ўзингизни асранг!

– Асло! Одатимда чекиниш йўқ!

Қутлуғхон ўнг-терсидан чиқаётган мўғулларни аямай чопарди. Уни ахдидан қайтариш имконсиз эканини тушунган Салоҳиддин хожаси ёнидан силжимаи саваша кетди. Мўр-малаҳдек бостириб келаётган мўғулларнинг адоғи, саноғи йўқ эди. Ҳар томондан ёғий чериги билан ўралган султон хараси қисилди; исқанжага олинганидан шикаст ета бошлади. Биринчи бўлиб Кузбор Малик аҳволнинг ўта ночор, танг эканини тушунди.

– Харас чекинади! Харас чекинади! – қичқира кетди у.

Сара мамлуқлар ортга тортилди.

Салоҳиддин Қутлуғхонни назардан қочирмасликка уринарди. Қутлуғхон Кузбор Маликнинг чекинаётганини кўриб, отининг бошини дарё томон бурди. Салоҳиддин дарҳол хожасининг кетидан тушган мўғулларнинг йўлини тўсди. Қутлуғхон ҳали саваш ҳалқасини ёриб чиқишга улгурмай, кўксига қамон ўқи санчилиб эгар устида ғалати чайқалди. Кўз ўнгида ярадан қон отилиб чиқа бошлади. Пайкон чуқур ботқон, оғриғи жуда азобли эди. Қон йўқота бошлаганидан вужудини ғалати титроқ олди. Салоҳиддин дарҳол етиб келиб, Қутлуғхоннинг оти тизгинидан тутди, хожасини султон чекинган тор сўқмоқ йўлга олиб ўтди.

Қутлуғхон анча оғирлашиб қолганди. Салоҳиддин уни эгарга маҳкам боғлади-да деди:

– Хожам, нариги соҳилга ўтамиз.

Қутлуғхон бошини ожиз силкиди, лаблари заиф пичирлади: “Хўп...” Салоҳиддин шахд билан отига минди-да, хожаси ўтирган отнинг тизгинидан олди. Отини никтаб дарё томон юрди. Отлар бирин-кетин шалопоганича сувга тушди...

Соҳилга етиш тобора мушкуллашиб борарди. Салоҳиддин ўзи учун эмас, хожаси, валинеъматни учун хавотир олар, тез-тез унга қараб қўярди. Вужудиди қолган бор кучни тўшлаб отининг бўйнидан қучоқлаб олган Қутлуғхон қимирламайди, бурун катакларини йириб-йиртгудек пишқириб сузаётган от билан сувга ботади, ваҳимак уюрмалар қомида чирпирак бўлади. Ниҳоят, Салоҳиддин минган отнинг

туёқлари ерга тегди. Илдамлик билан ортидаги отнинг тизгинини тортди, шалоплаганича юриб хожасини айлантириб боғлаган арқонни кесди-да, уни сохилга судради. Қутлуғхон гоҳ инграб, гоҳ ихраб кўярди. Салоҳиддин уни буталар соясига олиб бориб ётқизди. Жибанинг пайкон кадалган жойидан қон сизиб турарди. Бошка кишига ўқ текканида ортиқча ваҳима ва ҳадиксиз суғуриб олган, чўғдек қиздирилган темир босган бўларди. Лекин бу сафар бундай қилолмайди. Ярадор – хожаси. Унга азоб бериш, жонини қийнашга журъати етмайди. Мамлугининг чуқур тараддуд ичида қолганини сезибми, Қутлуғхон кўзларини очди.

– Ўқни... суғуриб ол... – деди Қутлуғхон оғир хансиради.

– Хўп, хожам, – Салоҳиддиннинг кўллари титради.

У авайлаб жибани ечди, машаққат-ла хожасининг кўксини яланғочлади. Ўқни бир зарбда, ўта аниқлик билан олмоғи шарт. Агар пайконнинг учи қолиб кетса иш жуда мушкуллашади. У ҳолда фақат табиб-жарроҳгина ёрдам бериши мумкин. Бу ерларда табибни қаердан топади? Йигит кўзларини юмиб ичида дуо қилди ва чуқур-чуқур нафас олганича ўқни ушлади. Бир фурсат жамъи журъатини тўплагач, ўқни шахд билан тортиб чиқарди. Қутлуғхон “их!” дея олди, холос. Салоҳиддин пайконнинг учига каради-ю, енгил тортди: ўқнинг учи оддий тиг эди. Пайконни ташлаб дарҳол яранинг ўрнига латта босди, бор зехни ва ҳафсаласини сарфлаб ярани боғлади.

Қутлуғхоннинг кўзлари юмук бўлса-да, мамлугининг жон куйдираётгани, хавотирланаётганини сезиб турарди. Унинг ҳар бир ҳаракати, ҳатто нафас олишларида ҳам валинеъматига чексиз ҳурмат, садоқат ва юкиниш рўйирост кўринарди. Қутлуғхоннинг кўз ўнгида беш-олти ёшлардаги, увода, йиртиқ-ямоқ кийимли, кўзлари жавдираган, жажжи қўлчалари чилвир билан боғланган ўша кул болақай гавдаланди. Уни сотиб олиб, махсус устозлар белгилагани, Салоҳиддин исмини берганига салкам ўн беш йил бўлибди. Унинг садоқатли жангчи эканига сира шубҳа қилмаган эди. Бироқ бугунги хизмати, ёрдами... Унча-мунчага кўзи намланмайдиган Қутлуғхоннинг кўзларида ёш ҳалқаланди.

– Ўғлим йўқ, деб шу кунгача... ўқинардим, – бўғиқ овозда деди у.

Ярани боғлаётган Салоҳиддин бирдан ишидан тўхтаб қолди. Нега бундай деяётганига тушунолмай таажжубланди.

– Бугун... Оллоҳ менга ўғил... фарзанд берди, Салоҳиддин, – давом этди Қутлуғхон. – Салоҳиддин... энди сен... энди сен ўғлимсан! Сен мамлук эмас, менга фарзандсан!

Салоҳиддин кулоқларига ишнолмай унга тикилиб қолди. Қутлуғхон эса юм-юм йиғларди. Бугун Оллоҳ унинг жонини Салоҳиддиннинг қўли билан саклаб қолганди. Яратган унга нафақат жонини қайтарган, балки фарзанд ҳам ато этганди.

63-боб. Ё ҳаёт, ё мамот!

Девон аҳли, хизматкор ва ғуломлар саваш майдонидан олисда, қовжираган яккам-дуккам буталар, сийрак дарахтлар орасида нафас ютиб Нилаб томон кўз қадашган. Савашаётганлар кўринмайди, аммо шафқатсиз мухорасанинг гулдурак, этни жунжиқтирувчи овозини эшитилади. Қўкка қоришиб бораётган тупроқ рангидаги чанг-тўзон тобора қуюқлашади, йириклашади. Шунинг ўзиёқ мухорабанинг нақадар омонсиз бўлаётганидан гувоҳлик беради. Фаррош Муқарробиддин тинимсиз калима қайтаради, баъзида адашиб узук-юлуқ гудранади. Фахриддин Жандийнинг эса тили сўзга ҳам айланмайди. Унинг кўзи тобора улғайиб, ваҳимали

ўрлаётган уормада. Бу қирғинбаротдан бирор кишининг омон чиқишига ишонмайди. Султон... Шамсулмулк... Агар уларга бир нарса бўлса ҳоли не кечади? Бошини қаерга уради?..

Ҳаммадан ҳам мунший Шихобиддиннинг хавотири сония сайин улғаяди, ўзи учун эмас балки саваш майдонида жон олиб-жон бераётган Жалололдин учун қайғуради, кон билан суғорилаётган издиҳомдан омон чиқишни Яратгандан сўрайди. Хоразмшоҳ султонлар хонадонига хизмат қилиб, неча-неча савашларни кўрди. Султон Такаш билан Аламутгача борди, султон Аловуддинга ҳамроҳ бўлиб халифаю гурийлар, султонлар устига юрди. Бироқ бугунгидек кўркмаганди. Ўзи учун эмас, балки сулоланинг сўнгги тиргаги, ишонган тоғининг қулашини истамасди.

“Салтанат бу султон Жалололдиндур!” сўнгги кунларда унинг онгу-шуурини ёлғиз шу ўй эгаллаганди.

Олисдаги буталар орасида отликлар кўринганида бирдан сергак тортди. Улар найзабардорлари қуршовидаги Шамсулмулк эди.

– Саваш... саваш... тамом! – деди ранги қум ўчган Шамсулмулк. – Энди жонимизни асрамоғимиз лозим!

Мунший: “Ё, Оллоҳ!” деб юборди. Фахриддин Жандийнинг эса эти жимирлаб кетди. Англагани – қочмоқ лозим!

– Жаноблари... жаноблари нима қилмоқчилар? – биринчи бўлиб сўради у.

– Қаршимизда биргина йўл бордур – дарёдин ўтмоқлик! – деди Шамсулмулк. – Хуфиялар қайта-қайта оғохлангириб турадур, сохил ёкалаб мўғул чериги изғийдур!

– Лаънатилар! – деди нафрат билан Муқарробиддин.

– Биргалашиб дарёдин сузиб ўтишга ҳаракат қилайлик, – деди Шамсулмулк ва олдинги сафда турган мунший ва Фахриддин Жандийга қаради.

Одамлар орасида йиғлаганлар ҳам бўлди. Ёлғиз муншийгина султоннинг енгиллаётганини тушунди. Бўлмасам Шамсулмулк бундай демасди. “Султонларга яқин юрмоқ – доимо хавфда, тахликада ҳам бўлмоқлик экан!” аламли ўй юрагини куйдириб ўтди. Одамларнинг ҳаракатга тушиб қолгани, Шамсулмулкнинг унинг ёнига келганидан хаёлларини тўзғитди. Шамсулмулк ёшига ярашмаган шошқалоқлик билан отдан тушди, ён-верига қараб хизматкорлар хийла узоқлашганини кўргач, пичирлаб:

– Ёнимда бўлишга ҳаракат қилинг, – деди бир мунший, бир Фахриддин Жандийга қараб. – От... от... дарёдин сузиб ўта оладур... Мени кўздан қочирсангиз, навкарлардан узоқлашманг...

Мунший ва Фахриддин Жандий унинг нима демоқчилигини тушунди. Айниқса, кекса муншийга қийин, дарёдан сузиб ўта олмайди, лекин от уларни қирғоққа етказади.

– Миннатдормен, миннатдормен... отамдан кўрмаган яхшиликларни сиздан кўрмоқдамен!.. – Фахриддин Жандийнинг кўзларидан ёш думалади.

Шамсулмулк унинг сўзларини эшитмагандек муншийга қаради.

– Навкарлардан бири мудом ёнингизда бўлмиш, мунший жаноблари! – деди овозини хийла пасайтирганича. – Сизнинг риюнгизда дарёдин сузиб ўтмиш!..

– Миннатдормен, вазири аъзам жаноблари... – мунший кўнглидан оралаган истиҳолани очиқ айтишга қийналди. Одамларнинг ҳаёти хавф остида турганида бу нарсани айтиш ўринсиз эканлигини сезди.

Шамсулмулк унинг нимадир демоқчилигини фаҳмлаб, сўради:

– Бирор нарса демоқчимидингиз, мунший жаноблари?

– Султон ҳазратларининг омонат нарсалари зиммамда эди, – деди мунший. – Девон хужжатлари, ноиблар ёрликлари... жамъи дафтарлар менда эди...

– Тушундим, мунший хазратлари, навкарларнинг отларига ортамит, бундан хавотир олманг! – деди Шамсулмулк.

Мунший бош эгиб кўйди.

Девон ҳужжатлари сакланаётган кутилар зудлик билан отларга ортилиб, арконлар билан маҳкамланди.

...Одамлар сузишни билишадими-йўқми, ўзларини сувга ташлашди. Сузишни билмайдиганлар тушган жойида сувни жонҳолатда шалоплата бошлашди, сув юта бошлаганлар эса бақира кетди. Дарёнинг ваҳимак уюрмалари эса уларни оқимнинг ўртасига олиб кета бошлади. Фахриддин Жандий кўз олдида чўқаётган одамларни кўраркан, ўлим шарпасининг совуқ, этни жунжиктирувчи нафасини туйди. Ортига қайтиб кетишга ҳам чоғланди, бироқ Шамсулмулкнинг сўзлари ёдига тушди: соҳил ёқалаб мўғул чериги изғийдур! Худди мўғул навқари ҳозир етиб келиб ёқасига чанг солиб қоладигандек шоша-пиша ён-атрофига қаради. Ҳали сакрашга улгурмаганлар орасидан Шамсулмулкни топиб шу томон ошиқди. Одамларнинг тигиз сафларини ёриб ўтиб вазирнинг оти ортига туриб олди. Бир-икки ортга тисарилган отдан сўнг машинавори сувга сакради...

Шамсулмулк тўғри гапирганида – от бошини баланд кўтарганича, бурун катакларини кертганича бир маромда сузарди. Обдон ивиб оғирлашган кийимларига ўралиб қолган Шамсулмулк базўр эгарни ушлаб олган, қўлларидан мадор кетиб борарди. Фахриддин Жандий эса отнинг думини ушлашга улгурган. Ёнида одамлар сузади, кимдир йирик шохга илашган, яна кимдир билганича сузади. Гирдоб кучайиб, от сувга бир шўнғианда Шамсулмулкнинг қўллари дош бермади. Фахриддин Жандий нима бўлганига тушуна олмади – вазир энди кўринмасди.

– Хожам!.. Хожам! – оғзига сув тўла-тўла кичкираёзди Фахриддин Жандий. От думини маҳкам ушлаганича жонҳолатда ён-верига қаради. Шамсулмулк кўринмасди. Фахриддин Жандийнинг вужудини муздек тер қолади. Синднинг илик сувида ғалати жунжикди. Вазирнинг найзабардорларига ҳавас қилгани, бироқ унинг ўрнини эгаллашни хаёлига ҳам келтирмагани. Шамсулмулкни отасидек яқин бўлиб қолганини энди ҳис қилди. Кутилмаганда у ёш боладек уввос солиб йиғлаб юборди. Унинг юзини нафақат кўзёшлари, балки дарё суви ҳам юварди.

Кейинги уюрманнинг силтанишига у ҳам дош беролмади. Қўллари бўшаша-бўшаша от думини кўйиб юборди. Шу ерда, сувда омонатни топширишига имон келтирди. Сузишга ҳам кучи қолмагани. Ўз ихтиёрини Синд ҳукмига топширди. Нафас ололмай кўз олди коронғилашди. Кутилмаганда кимдир унинг тўнидан тортди. Бошини юқорига чиқарди. Ўпкасига ҳаво тўлди-ю онги тиниклашди... Оғир-оғир нафас оларкан уни соҳилга судраётган навқарни кўрди. Юриши таниш, қаердадир кўрган. Навқар ортига бир ўтирилди-ю, Фахриддин Жандий кўзларига ишонмади. Бу – Салоҳиддин эди. “Оллоҳ бу мамлукни менга нафақат омад келтириш, балки жонимни саклаш учун ҳам ҳамроҳ этган экан!” деган ўй ўтди кўнглидан.

Кейин бошқа ўй калласига урилди-ю сергак тортди: “Агарки хос навқарлар шу ерда экан, султон хазратлари... энгилибдилар!”

БИРИНЧИ ҚИСМ ТУГАДИ

Асарнинг тўлиқ матнини журнализмизнинг www.sharqyulduzi.uz сайтида ўқишингиз мумкин.



Йўлдош СОЛИЖОН

ЧЎҚҚИНИНГ САЛОБАТИ ВА МАЛОҲАТИ

Эссе



Мен Ўзбекистон халқ шоири, академик Ғафур Ғулум билан ўтган асрнинг 50-йилларида, 5-синфда ўқиётганимда машҳур “Сен етим эмассан” шеъри орқали танишганман. Мен етим эмасдим, бироқ атрофимда отаси Иккинчи жаҳон урушидан қайтмаган, онаси бошқа турмушга чикиб кетганлиги сабабли кекса бобоси ёки бувиси қўлида қолганлар кўпчилик эди. Уларнинг баъзилари мендан ёши катта, айримлари кичик бўлса-да, дарду ғами бир хиллигидан кўзларида мунг яширинган, биз билан шўх-шодон ўйнай олишмасди. Мен уларга шоирнинг шеърини ёддан ўқиб, кўнглига таскин бермоқчи бўлардим. Бироқ шу ишим билан уларнинг етимлигини қайта эслатиб қўяётганимни, дилига жароҳат етказаяётганимни билмасдим. Кейин Ғафур Ғулумнинг “Шум бола”си менга доимий ҳамроҳ бўлди. Унинг қилиқларини амалда кўрсатишдан, сўзларини такрорлашдан сира чарчамасдим. Юқори синфларга ўтганимда бу асарлари қаторига “Турқисиб йўлларида”, “Яловбардорликка”, “Мен яхудий” шеърлари, “Тирилган мурда” кассаси қўшилди. Бу асарлар орқали ўқитувчиларимиз бизнинг онгимизга зўр бериб тарихимизнинг фақат қонли урушлар, очлик, харобаликдан иборат эканлигини, октябрь инқилоби тўғрисида яхши ҳаёт кечираётганимизни, интернационалист бўлишимизни, социалистик меҳнат ўлим тўшагида ётган одамни қайта тирилтириб, ғайрат ва фаровон ҳаёт ато этганлигини сингдиришга уринардилар.

Олий ўқув юртида адибнинг ўнлаб ҳикоялари, “Нетай”, “Ёдгор” кассалари, достонлари, таржималари, илмий мақолалари билан танишдим. Бора-бора Ғафур Ғулумнинг ижод оламига чуқурроқ кириб боравердим. Айниқса, улуғ шоир 60 йиллик юбилеи муносабати билан Фарғонага келганида, унинг бир йўла иккита китобига дастхат ёздириб олганим, биз ёш ижодкорларни етаклаб турли тадбирларда бўйимизни кўрсатишга уринадиган устозимиз Йўлдош Сулаймон раҳбарлигида Ғафур Ғулум атрофига тўпланиб, чакчаклашиб турган ҳолда сураатта тушишимиз менинг ҳаётимда ўчмас из қолдирди.

Мен бу пайтда Фарғона давлат педагогика институтида ўқиб, умримни адабиётга бағишлаганга, шу фан бўйича етук мутахассис бўлиб етишишга аҳд қилгандим.

Йўлдош СОЛИЖОН – филология фанлари доктори, профессор. 1940 йилда туғилган. Фарғона давлат педагогика институтининг тарих-филология факультетини тамомлаган. “Улуғ санъаткор”, “Шеърятнинг сирли жилвалари”, “Сўз сехрлари”, “Зулматдан нур қидирганлар”, “Мен сиздан сабоқ олдим”, “Ҳақиқатнинг синчков кўзлари”, “Фарғона адабиёти” каби илмий асарлар муаллифи.

Мана шу истак ўқиш жараёнида Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Миртемир, Мақсуд Шайхзода, Зулфия, Асқад Мухтор, Саид Аҳмад кабиларнинг ҳаёти ва ижоди билан чуқурроқ танишишга ундади. Гарчи ўзбек мумтоз адабиёти фанидан дарс берадиган домламиз жуда билимдон бўлиб, ўша вақтда номини тилга олиш таъқиқланган, диний-мистик адабиёт вакиллари деб камситилган Аҳмад Яссавий, Сулаймон Бокўрғоний, Рабғўзий каби ижодкорлар мероси тўғрисида сўзлаб, туйғуларимизни янгилаган бўлса-да, замонавий ўзбек адабиётидан сабоқ берадиган муаллимимиз баландпарвоз гаплардан бўшамас, ёзувчилар ижодининг туб моҳиятини тушунтириб беролмасди. Бунинг устига 30-йиллардаги катағон қурбонлари бўлган Фитрат, Қодирий, Чўлпон сингари миллатпарвар адибларнинг ижоди тўғрисида лом-мим дейилмасди. Мабодо, улар тўғрисида сўрайдиган бўлсак, ўқитувчимиз тўғри жавоб беришдан қочар, бизни бошқа мавзулар билан чалгитарди.

Институтни битиргач, шу ерда ишга қолишни таклиф қилганларида бошим омонга етди. Омадимни қарангки, илмий иш қилиш ниятида Тошкентга бориб, танлаган илмий раҳбарим Салоҳиддин Мамажонов Ғафур Ғуломнинг шогирди бўлиб чиқди. У киши улуғ шоир ижоди бўйича аввал номзодлик, кейин докторлик диссертациясини ёқлаган. Бу тадқиқотлари асосида “Шоир ва замонавийлик”, “Ғафур Ғулом прозаси”, “Услуб жилolari” номли илмий трилогия яратган таниқли олим эди. Гарчи мен Ғафур Ғулом ижоди юзасидан илмий-тадқиқот иши олиб бормаган бўлсам-да, унинг меросидан ҳозирга қадар баҳраманд бўламан ва ҳар сафар мутолаа қилганимда янгидан-янги бадиий кашфиётларга дуч келаман. Масалан, шоирнинг 80 йиллигига бағишлаб, ҳамкасбим – филология фанлари номзоди, доцент Собиржон Тошканов билан биргаликда Ғафур Ғуломнинг тил устида ишлаш маҳорати, ўзбек адабий тили хазинасига қандай янги сўзларни олиб киргани, “Кўкан” дostonи қахрамонларининг руҳий ҳолатини тасвирлашдаги ўзига хос услубини, насрий асарларининг бадиий хусусиятларини тадқиқ этувчи “Улуғ санъаткор” деб аталган рисола нашр эттирдик.

Ғафур Ғулом таваллудининг 100 йиллиги эса бутун мамлакатимизда катта тантаналар билан нишонланди. Шу муносабат билан атоқли санъаткорнинг 12 жилдди “Мукаммал асарлар тўплами”ни яна синчиклаб ўрганиб чиқдим ва ҳақиқий ижодкор ўз даври учунгина эмас, келажак учун ҳам хизмат қилади деган ҳақиқатга яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Мана, шундан буён яна 15 йил ўтди. Ҳар сафар устоз санъаткор Ғафур Ғулом асарларига мурожаат қилсам, албатта, янги сўз ва ибораларни, матн остига яширилган изтиробларни, халқ дардини учратаман, ўзбек халқининг қадим тарихи билан чексиз фахрланиш туйғусини ҳис қиламан. Ҳа, устоз адабиётшунос Озод Шарафиддинов айтганларидек, Ғафур Ғулом номли “Чўккига қанча олисдан қарасанг, унинг юксаклиги, улуғворлиги шунча аниқ кўринаверади”¹.

Академик Бахтиёр Назаров тўғри таъкидлаганидек, “Ғафур Ғулом ўзбек халқининг дарди, севинчи, орзуси ҳақида кўп ёзди. Лекин ўзбек шоири бўлгани билан ҳеч қачон фақат ўзбек халқининг орзуси, дарди, қалбини куйлаш билангина чеклангани йўқ. У дунё дарди билан, XX асрнинг жамики оғриқлари билан бирга яшади”². Чиндан ҳам улуғ шоир гарчи, “Мен ўзбек шоириман, ўз халқимнинг тилиман, Қалбим буюрганини айтиб келдим ҳамиша”, деб ёзган бўлса-да, аслида қалби буюрганини тўла айтолмай кетганлигини ҳис қиламиз. Шунга қарамай, йўлини топиб ҳар бир асарида ўзбекона сўз ва ибораларни, урф-одатларни олиб киришга, “тенглар ичра тенг бўлган” халқининг дил изтиробларини гоҳ лирик қахрамон,

¹ О. Шарафиддинов. Истеъдод жилolari. Адабий портретлар. Т., Ғ. Ғулом номидаги АСН, 1976. 3-бет.

² Б. Назаров. XX аср ва Ғафур Ғулом. “Ўзбек тили ва адабиёти” №2, 2003. 4-бет.

гоҳ ифодаланаётган персонаж, гоҳ юртининг озодлиги учун курашаётган хориг фукароси (“Она қизим Жамила”, “Поль Робсонга”, “Ливан омон бўлади”) тилидан изҳор этишга уринганини сезиш қийин эмас. Масалан, шўро ҳукумати айнан тарихимизни, миллий урф-одатларимизни, динимизни камситаетган ўша машъум йилларда ҳам Фафур Фулом, “Қадим ўзбек халқисан, Асл одам авлоди, Миср эҳромларидан Тарихинг қарироқдир”, дейишга журъат қила олди, “маҳшар, чин арафа, ҳайит, имон” каби ўнлаб динга оид, шунингдек, “икким суйди, елвагай, куймалашмоқ, столпараст, учурум, саннағлаш, сўлти вақт” сингари неча ўнлаб халқ жонли сўзлашувига оид ибораларни адабий тилимиз хазинасига олиб кирди. Уларнинг кўпчилиги ҳозирги 5 жилдли “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да ҳам учрамаслиги Фафур Фуломнинг чинакам халқпарвар шоир бўлганлигини исботлайди. Шу билан бирга, шўро ҳокимиятига хос қаттиққўллик, мустамлакачилик сиёсатининг туб моҳиятини тўлиқ акс эттирувчи, аммо ўз даврида дадил айтиш мумкин бўлмаган “диктатура”³ сўзини ҳеч чўчимаё нафақат сатрлар орасида, балки сарлавҳада ҳам дадил қўллагани шоирнинг буюк жасоратидан нишонандир (“Диктатура”, “Диктатурамиз солдатларига”) шеърлари).

Фафур Фулом ота-онасидан эрта етим қолган, унинг болалик ва ўсмирлик йиллари рус чоризми зулми, Биринчи жаҳон уруши давридаги оғир иқтисодий қийинчиликлар, бирин-кетин юз берган инқилобий тўнтаришлар, ўзаро фукаролар уруши, очлик, вайронагарчилик шароитида ўтди. Очиғини айтганда, у шўро тузумининг “марҳамат”идан баҳраманд бўлди. Эндигина вояга етаётган йигитни янги ҳукумат қўллаб-қувватлади, иш берди, етим укаларини ўқишга, болалар уйига жойлаштирди. Унинг онгига совет мафкуриси “агар бизга астойдил хизмат қилсанг, айтганимизни бажарсанг, ҳаётинг бундан ҳам зўр бўлади” деган тушунчани сингдирди. Бунинг учун бўлажак шоир бу жамият олдидан ўзини қарздордек ҳис қилди, унинг ҳар қандай топшириғини сўзсиз бажаришга шай турди. Шоир янги жамият вакили сифатида илғор ижодкор бўлишга интилди. “Ҳар доим олдинга қараб ҳаракат қилиш ҳаётимизнинг қонунидир. Шеърятимиз бақувват бўлиши, образларимиз, мисраларимиз ҳам ҳаётимиз билан ҳамнафас бўлиши керак”⁴, деб билди. У ўзбек шеърятини “янги темалар, янги образлар, янги поэтик воситалар билан бойитиш”га киришар экан, шўро сиёсатини ниқоб қилиб олди. Бу ниқоб остида ўзбек халқи тарихи буюклигини, миллий урф-одатларини, эл дарду аламини айтиш йўлини излади.

Ахир у ижодининг илк давридаёқ миллатпарвар адиблар Фитрат, Ҳамза, Қодирий, Чўлпон сингари замондошлари бошига тушган кўргиликларга гувоҳ бўлди. Устозларининг “айбини” исботлаш учун бир неча бор давлат хавфсизлик идорасига сўроққа чақирилиб, отиб ташлаш ёки қамоққа олиш билан қўрқитилди. Шунинг учун бошловчи ижодкор ўз ижодий йўлини, вазифасини “Биз, куйчилар, пролетар/ Мазолланган қўлларнинг/ Кўз нурлари./ Энди биз/ Ақлларни партияннинг/ Бош йўлига соламыз. /Қаламларни кун доврўгин/ Ёзмокликка кистаймыз” (1, 94–95-бетлар) деб белгилашга мажбур бўлди. Мен “мажбур бўлди” иборасини бежиз ишлатмадим. Эътибор беринг: келтирилган мисолнинг охириги сатридаги “кистаймыз” сўзи ўрнига шоир “ундаймыз” ёки “истаймыз” деган сўзларни қўллаши мумкин эди-ку! Ҳар ҳолда шеърнинг қофияси ҳам, бўғини ҳам, ритми

³ Диктатура (лот. Diktatura – диктатор унвони, чекланмаган ҳокимият). Давлат бошқарувининг недемократик усуллар билан амалга оширилиши, зўравонликка таянувчи чекланмаган ҳокимият, тоталитар режим. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли, 1-ж., Т., “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти, 2006. 612-бет.

⁴ Ф.Фулом. Муҳаммад асарлар тўплами. Т., “Фан”. 12 жилдли. 11-ж., 118-бет. (бундан кейинги ҳаволалар ва шеърлар шу манбадан олинди ҳамда жилди билан саҳифаси қавс ичида кўрсатилди).

хам бузилмасди. Менинг назаримда, Ғафур Ғулум бу сўзни онгли равишда ишлатган ва у оркали шўро ҳукумати ўз машъум сиёсати билан қаламкашларни янги тузум ютуқларини қуйлашга мажбур қилаётганлигини, “Мана шундай ёзасан! Агар бошқача ёзсанг халқ душманисан!” деб кисталанг қилаётганини айтмоқчи бўлган. Донишманд шоир келажакнинг хушёр ва билимдон ўқувчиси бу ниятини англаб етишига ишонган.

Ғафур Ғулумдек юксак билимли, хушёр, истеъдодли шоир ва инсон ўзи ҳамнафас юриши шарт бўлган реал ҳаёт билан бадий ижод ўртасида узилиш, зиддият рўй бераётганини, янги тузумнинг сўзи бошқа, иши бошқа эканлигини, очлик, кашшоқлик, вайронагарчиликларни кўрмаслиги, бегунох кишиларнинг қатл этилаётганлигини билмаслиги, бунинг туб сабабларини англаб етмаслиги мумкин эмасди. Булар Ғафур Ғулум тимсолида икки киёфа – шўро тузумининг содиқ фуқароси билан халқпарвар, миллатпарвар ўзбек шоири – ички “мен” яшаганлигидан, улар бир-бири билан доимо бахслашиб, курашиб кун кечирганидан далолат беради. Унинг асарларига синчиклаб разм солинса, ич-ичидан шоир “мен”нинг ўзи тушиб қолган муҳит тузоғи азобларидан қутула олмай изтироб чекаётганлигини, афсунадоматларини, ёзаётганларидан коникмаслик ҳиссини сезиш мумкин. Масалан, илк ижоди намуналаридан бирида “Энг яхши шеър учун кўп интизор эдим” деб ёзади ва ўзининг кўз ўнгида рўй бераётган реал воқеаларни рўй-рост тасвирлай олмай, андиша қилаётганини, йўл излаётганини (“Андешадан ақлга макон тузор эдим”) айтади (1, 129-бетлар).

Фикримизни янада тўлароқ исботлаш учун Ғафур Ғулумнинг бундан роппароса 85 йил муқаддам ёзилган “Етар май, рубоий ва анекдот” (1933 йил 7 февраль) сарлавҳали шеърини олиб кўрайлик (1, 118–119-бетлар). Юзаки қараганда, бу шеърда ижодкор гўё узлуксиз ичишга қарши исён кўтараётгандек, тинимсиз шаробхўрлик туфайли ўттиз ёшга етмай туриб сочлари оқаргани, бевакт қариганидан (“Кўрина бошлади бошимда оқ туқлар, “Мўйсафид” исмини таший бошладим”) шикоят қилаётгандек ва умрнинг эгови бўлган бу ичкиликни бундан сўнг ичмасликка аҳд қилгандек таассурот туғилади. Аслида, унинг замирига халқимизнинг “мастлик-ростлик” деган ҳикматли иборасининг мазмуни сингдириб юборилганлигини англаш кийин эмас.

Шеър лирик қаҳрамоннинг ўз улфатларига мурожаати тарзида баён қилинади. Маълумки, улфатчиликда оз-моз ичишдан сўнг “Бир чимдим шўх суҳбат, эрмак”, ҳазил-мутойиба бўлиши табиий. Лекин ўша хатарли шароитда ҳар қандай даврда қатнашиш ҳам, ҳар хил сўзни оғизга олиш ҳам хавфли “ҳазилнинг таги зил” бўлиши ҳеч гап эмасди. Шунинг учун ҳам шоир “Реал фикр шиша оғзидай бўғик” бўлган бундай муҳитда ўзини ҳам, дўстларини ҳам эҳтиёт бўлишга чақиради. Чунки шўро ҳукумати ўз бошқарувининг илк босқичидан халқ фикрини ўзгартиришга қодир зиёлилар тоифасини қаттиқ назорат остига олиб, уларнинг ҳар бир қадамини, хатти-ҳаракатини кузатиб юрганлиги, зарур пайтда жазога тортганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай давраларда айтилган ҳар қандай гап-сўзлар кимлар томонидандир махсус идораларга етказилган. Аслида, ижодий муҳит вазифасини бажарган бу давра шўро ҳукумати учун ўзига қарши уюштирилган “ташқилот” бўлиб кўринган. Ана шу йўл билан ижод аҳли аста-секин йўқ қила борилган.

Ғафур Ғулум рост сўзини айтиш мумкин бўлмаган ва ҳақиқат “Шу маст ғарғарада чувала” шаётган бундай хатарли муҳитда рост сўзлар ўрнига, “Сўйлаб бера бошлайман ҳар хил анекдот, Ёлғонлар маржонин игга тераман”, дейди. Аслида, ҳақиқий шеър хушёрлик меваси бўлиши шарт. Бироқ шоир яшаган муҳит одамларни шу

қадар маст қилган эдики, хушёрликда бирор гал “Сўйлашмак ҳаттоки мумкин ҳам эмас” эди. Зеро, мамлакатда амалга оширилаётган ишлар ҳукумат томонидан “Оддий кўзга ялтироқ танга” қилиб кўрсатилар, “Ҳали биз билмаган талай юлдузлар” (тарихимиз, адабий-маданий меросимиз, аллома аждодларимиз) пролетар мафкурасининг қора булутлари орқасига яшириларди. “Зехн окуркадай оёқ остида” сатри орқали эса шоир маданиятимиз ва маънавиятимиз хор қилинаётганига, ўша даврнинг энг яхши зиёлилари қамокқа олиниб, отиб ташланаётганлигига, илм-маърифатимиз камситилаётганлигига, ёзувимиз ўзгартирилиб, тарихимиз оёкости бўлаётганлигига ишора қилади. Тилда эса “Янги турмуш-чун оҳ уриб” “алёр” айтиш русумга айланган, чин сўз “Маст, ирганч ҳаётнинг қора дастида” махв этилаётган эди. Бунда Ғафур Ғулом ўзини айбдордек ҳис этар ва бу “айби” учун бугунги ўқувчисидан узр сўраётгандек нола қилади:

*Шеъримни ўқийсиз, қуласиз, албат,
Таъна-ла қистайсиз, қиласиз синоқ (сўроқ).*

Аммо, деб давом этади шоир, виждонимни қийнаётган бу саволларингизга ҳозир жавоб бера олмайман. Негаки, “Аъзоси бўлганим (шу) олий жамият (мени) Шишган талоқ каби қилсинми талоқ?” (мазмунни осонроқ тушуниш учун қавс ичидаги сўзларни ўзим кўшдим – Й. С.). Эътибор беринг, ичидан отилаётган фарёди ифодаланган бу мисраларда шўро фуқароси Ғафур Ғулом (ташки) билан халқ фарзанди бўлган шоирнинг ички “мен”и нечоғлик зиддиятли ҳолатда эканлиги яққол кўриниб турибди. Бу зиддият шоирнинг “Юзида-ку сохта севинч, дилда оҳ, /Душман қармоғини қалбга солсинми?” деган сатрида янада очиқроқ аён бўлади. Шу билан бирга Ғафур Ғулом “Ёвнинг қалбига” чуқурроқ қараш учун “Кўзларида рентген нуридай кўриш” қобилиятини уйғотишга, “Зехни ҳар пайтда хушёрлик” қилишига, “Уй ҳавоси тоза ва бахтли” бўлиши учун “лаблар хушёр” бўлишига чақиради (1, 118-бетлар).

Бундай исёнкорлик ва тазарру руҳида ёзилган шеърлар Ғафур Ғулом меросида талайгина. Масалан, ўтган асрнинг 90-йилларида нозиктаъб зиёли Урфон Отажон шоирнинг “Сиз эй, озода дўстлар, бу кўнгилни эҳтиром айланг” мисраси билан бошланган 6 байтли ғазалини ғоят билимдонлик билан таҳлил этиб берди⁵. Мақолада Ғафур Ғулом дилида кечаётган андуҳ-армонлар, унинг ўз ўқувчисидан узр сўрашига асос бўлган сабаблар, яъни жамият зуғуми туфайли ўқувчиси кўзининг хуккасини сиёҳдон, қаламини найза қилиб қилиб санчишга мажбур бўлганлигини очик тан олгани ва бу айби учун энди истаганча “интиқом” олишингиз мумкин деб ўтингани яхши очиб берилган. Унга фақат ушбу “Ғазалнинг ёзилган вақти 60-йилларнинг бошлари деб тахмин қилинади. Кўлёмаси ва машинка нусхалари сақланган. Илк маротаба “Шарқ юлдузи” журналида (1966 йил, № 12) чоп бўлган”лигини қўшимча қилишни истардим. Аён бўладики, шоир бетоблиги ва вафоти туфайли уни эълон қилишга улгурмаган. Шунинг учун ҳам ғазал “Мукаммал асарлар тўплами”нинг илова бўлимида берилган. Шу боисдан унга кўпчиликнинг назари тушмаслиги мумкин.

Шуни ҳисобга олиб, ушбу ғазални хушёр ўқувчи эътиборига ҳавола этиш билан чекланаман. Уни ўқиб, ўзингиз хулоса чиқарарсиз:

*Сиз эй, озода дўстлар, бу кўнгилни эҳтиром айланг,
Мабодо ваҳшиликда шухрати, оҳиста ром айланг.*

⁵ У. Отажон. Ўқинч ва ўтинч. “Шарқ юлдузи”, 1993 йил 5–6-қўшма сони 147–150-бетлар.

*Ҳамиша масту бепарво лобар танги бошимдан
Риё базмида аммо бериё андуҳу жом айланг.*

*Кесиби томирларимни дилдаги зарбим билан пайваст,
Мақоми келди денгу базмингизда “Шашмақом” айланг.*

*Эсиз жонимга жонингиз сабабдан етгани озор,
Мудом айланг, мудом айланг, мудом айланг, мудом айланг.*

*Қаро дилларни равшан қилгали найзам қалам бўлди,
Кўзингиз хуққасиндадир сиёҳим, интиқом айланг.*

*Агар виждон аро бир партаве тушса бу сатримдин,
Бу эски қулни тутдик денг-у Фафурни Ғулом айланг⁶.*

Демак, ўтган асрнинг 60-йилларида мамлакатда юз берган эрувгарчилик ту-
файли айрим замондошларидан фаркли ўларок, Фафур Ғулом тафаккурида эркин-
лик экинлари эса бошлади, қалбида жамланиб ётган андуҳ-армонларини, ўша
пайтда айтолмаган дил изҳорларини айтиш истаги туғилди. Шоир билиб-билмай
қилган гуноҳлари, олдинги йилларда яратган мадҳиябозлик руҳидаги ижоди учун
халқидан узр сўрашни фарзандлик бурчи деб билди. Улуғ шоирнинг бу узрхоҳлиги
айниқса, ғазал мақтасида аниқ намоён бўлади:

*Агар виждон аро бир партави тушса бу сатримдин,
Бу эски қулни тутдик денгу Фафурни Ғулом айланг.*

Булар шубҳасиз, шўро даврида яшаган ижодкорлар ўзларини нечоғлиқ шоду
хуррам, бекаму кўст, бахтли қилиб кўрсатишга уринмасинлар, аслида, эркин шахс-
ижодкор сифатида ҳис этмаганлиги, айтган гапини, берган топшириқларини сўзсиз
бажаришга мажбур қилган жамиятнинг қули деб билганлигини кўрсатади.

⁶ Ғ. Ғулом. Мукаммал асарлар тўплами. 12 жилдди. 3-жилди. 380–515-бетлар.



ОЙДИНИСО

Афв

Шеърий қисса



I

Ташқарида шамол супураётир
тақдир бўлақларини...

Вақт томар чак-чак...
Ўн йилки бўйсунмай соатга
тўхтаб турган қайсар вақт томар.
Денгиз сипқороққа шай бир ташнанинг
қақроқ лабларига ҳаётбахш томчи
ва, ёки ярадан томган қон каби.
Соат милларига боқаман:
00:00

Саккиз соат қолди, тугайди бари
ёки бошланар...
хотиранинг кўзлари қадалар ортга...

II

Ташқарида шамол супураётир
тақдир бўлақларини...
Вақт томар чак-чак...
Тун ичра яркирар
тонгдан қарз олинган бир томчи –
Лола.

Бадбўй балчиқда ҳам
ширин ифор таратган,
икки йилча яшаб ҳам бунда,
махбус либосида юриб ҳам
ифорини сақлаб қололган –
Лола.

ОЙДИНИСО – 1980 йилда туғилган. Ўзбекистон Миллий университетининг журналистика факультетини битирган. Шоиранинг “Менсизлик”, “Номсиз”, “Қайтиш”, “Ҳовур”, “Қоралама”, “Серенада” номли шеърий тўпламлари нашр этилган.

Лаъл, ёқут устига
кўрғошин эритиб қуйсада,
тушмагандай унинг баҳоси...

Нечун қисмат бу тонг парчасини
судраб келган узлуксиз тунга?

Қайтмоқдан умидвор чиққан отаси
хайр-хўшни насия қилиб,
кайтмас бўлиб кетар
дорулбақога.
Уч бола етимлик ёзиғин олар.
Катгаси ўн ёшли Лола.
Бобо айтар Лола вояга етса,
уйни унга мерос колдиражагин.
Улғайишга улгурмас Лола,
у улғайгунича, яшаб туришга кучи етмас бобонинг.
Уйини ўз номида ташлаб, кўз юмар у,
ўғиллари кўз очишар мерос илинжида...

Лола ўн саккизга тўлган кун
имзо чекар
онаси ва нотариус ходими қўлига тутказган
бир уюм хужжатга.
Енгиб чиқар курашда онаси –
уйнинг эгасига айланар Лола.

Ёз фасли экан ўшанда.
Бахт туғажак келиндай нафас олар
кунлар ҳансираб.
Тўй куни яқин Лоланинг.
Ёйиб кўрсатаёттир сепини дугоналарига –
кўз-кўзлар туғилажак бахтнинг либосларини.
Дарвоза тагида кўринар миршаб.
Бир эҳтимол каби кўнар, у аввал бошга.
Ортидан кўринар яна битгаси –
ковоклари солиқ, одимлари сипо,
дунёнинг тақдирин ҳал этажақдай.
Турли гумон каби ёпишар энди улар юракка.
Маҳалла оқсоқоли кириб келар сўнг,
котибаси ила
мудҳиш ўй каби.
Куёв бармоғига узук тақар паллада
билагига кишан тақарлар Лоланинг.
Фириб йўли билан мол-мулк ўзлаштиргани боис.
Сохта хужжатларга имзо чеккани боис.
– Унинг тўйи бўлар яқинда, – изиллар она, –
тушуняпсизми, ахир, белгилаб қўйилган тўйи.
Унда айб йўқ, мен қилдим барини.
Фақат жигаримни олиб кетманглар,
Юрагимни олиб кетманглар-р-р!

Онанинг зорига чўкади дунё,
чўкиб кетар унинг пушаймонига...

...Узлуксиз тун ичра яркирар
тонгдан қарз олинган бир томчи –
Лола.

Ҳадя этган менга у
йиллар аро унутиб қолдирганим –
ўз-ўзимни эслаш бахтини...

* * *

Барча йўллар тўғридай гўё.
Барча йўллар эгридай яна.
Шу қадар чалқаш,
шу қадар коришиқ –
аркондай эшилган бири-бирига.
Ажратсанг,
мўртлашиб қолгудай,
узилиб кетгудай

ИЗТИРОБЛИ ЎЙЛАР ТАЛҚИНИ

Ойдиннисонинг “Афв” шеърини қиссаси ўзига хос, пишиқ-пухта композиция асосига қурилибди. Бу – изтиробли ўйлар талқини. Ҳаёт – тириклик завқи, муҳаббат шавқи, оила қадри, эгрилик офати, эзгулик шарофати... Инсон зоти ўз умри давомида дуч келадиган бу сингари турли қадриятлар тавсифига уйғун равишда ўқувчи Лола, Шойиста, Санам, Шарифа каби қаҳрамонлари тақдирига йўлиқади. Шеърини қиссада уларнинг қисмати ҳис-туйғуларга йўғрилиб баён қилинади. Ойдиннисо муаззам тонгни интиқлик билан қутаётган аёллар орасига киради. Сўконгич Санам опанинг “савдоси” қизиқ – у бошиқа бир маҳбусанинг гўзал бир тушини сотиб олмоқчи. Унинг телбаланиб қолиши ва эрк учун ўзининг борлиқ бисотини алмашишига тайёр маҳқумаларнинг ҳоли ушбу фожиавий образ аурасини кенгайтиради. Яна бири – Шарифа дўхтир. Эркин ташиқарида нима юмуш қилган бўлса, у эрксиз ичкарида ҳам беморларга ёрдам беради, ҳатто, ўзига душманлик, ёмонлик этганларга ҳам яхшиликни раво кўради... Шеърини қиссадаги инсонлар тақдири бир қатор ҳаётини муаммолар устида фикрлашга, баъзан одамни ўзига ва ён-атрофида юрганларга назар солишга мажбур этади. Бу яхши.

Унда қатнашадиган қаҳрамонларнинг кечмиши, ҳаёт тарзи, орзулари, бошидан ўтган яхши-ёмон кунлари, ҳасрати, муҳаббати – чак-чак томаётган вақт оралиғига жойланади. Бу асар структурал жиҳатдан олинган мавзу баёни, мазмуннинг бадий ифодаси учун оригинал бир шакл топилганидан дарак беради. Ойдиннисо ушбу асарини вазни эркин қўяди. Мисралар мезони бамисоли асар қаҳрамонларининг юрак уриши, кўнгил ҳолатини ифодалаб келётгандек таассурот қолдиради.

Ойдиннисо ушбу асарининг умумнафосида айбсиз айбдорларнинг беғубор ва мунис қалбига қулоқ тутади, хокисор юрагига ва покиза кўзига, библиб-билмай орттириб олган маломатларига назар солади. Шоира ва унинг юраги ораста туйғуларга тўла қаҳрамонлари адолат, ҳақиқат ва тўғрилиқ тантанасига умид кўзи билан қарайди. Энг муҳими, бунда реал воқелик лирик туйғулар қамровида тақдим этилади. Бир тарафдан қаламга олинган бирор аёл қисматидан очилган сўз ва иккинчи тарафдан ифодадаги самимият ўқувчини ўзига боғлаб туради.

Баҳодир КАРИМ,
филология фаълари доктори

кўтаролмай кўкка ўрлаётган одамни.
Кўтаролмай олдга юраётган одамни.

Агар шундай бўлмаса,
йўллар факат тўғри ё эгри бўлса,
шогирдларга тўғри йўл кўрсатиб,
юрармидим ўзим бунда
эгри йўллар аро адашиб.
Агар йўллар
факат тўғри ё эгри бўлса,
Ватан оиладан бошланар,
дермидим –
мен оила ҳақида гапирармидим
хиёнаткор бўла туриб.
Агар йўллар
факат тўғри ё эгри бўлса,
юрагимда бегона бахт туя туриб,
оила бахтидан сўзлармидим, мен –
виждонсизлик қилармидим
виждонни покламак учун?!

...Чинакам бахт нима?
Бахтсизлик нима?
Бахту бахтсизликнинг чегараси не?
“Бахтлиман!” деб кўкрак керишинг
ё сени бахтли деб ўйлашлар бахтми?
Ясама гул каби гўзал, ифорсиз
умрингга суқланиб бўйлашлар бахтми?
Қалбингда эмасми бахту бахтсизлик?
У неларни туюшингмасми?

Ҳақким бормиди, ахир,
“Менинг оилам!” деб тилга олгали?
Меники дейишим, мумкин нимани?
Мен ҳеч қачон ҳеч кимга бермас
ва тортиб ололмас ҳеч кимса мендан
неки нарсам бўлса,
ўша меники.
Мендаги нималар меники эди?
Тафаккурим, фасоҳатим, адолатим,
болам, туйғум, муҳаббатим,
севган инсонларим ёди ва яна
ўз қарашларимга қатъиятим.
Кўп нарса меники,
лек, бу рўйхатда оилам йўқ!
Гўёки бордаин, бироқ, йўқ!
Юрагимни ҳарчанд титиб ҳам,
излаб тополмайман бундай туйғуни.
Ўзимда йўқ ҳисни
болалар қалбида қандай уйғотай?..

III

Ташқарида шамол супураётир
тақдир бўлакларини...

Вақт томар чак-чак...

Уйқуда жилмаяр,
шўроб ерда ўсган дарахтдай Шойиста.
Дуч келган кимса:

шоҳларин эгиб, синдириб кетгувчи
дарахтдай.

Жонсиз кўғирчокдай латта вужудли.

Ҳаммавақт,

ҳар ерда

дуч келган одам

истаган ролига ўйнатар уни:

кир ювувчи, овқат ташувчи,

уқалаб қўювчи,

йиртилган кийимни ямаб берувчи.

Фақат бир нарсадан –

буюрилган ролга сўзсиз киришдан,

итоатла бўйсунишдан

таскин топгувчи.

Борлигини пайкашларидан

мамнун бўлгувчи.

Ҳеч бир кимса уни хўрламасада,

ўзи-ўзин хўрлаб юргувчи.

Хокисор,

кам сўзли,

доғ юзли Шойиста...

...Уйқуда жилмаяр ана шу Шойиста.

Тушида

велосипед олиб берар

у қамоққа олинганида,

беш ёшидан ошган ўғлига.

Бир кун ёлғиз учратиб мени,

кисиниб-кимтинган эди бир муддат.

Яна бир муддат

энг нозик сирини ошкор этгудай

ёки кўтаргудай муҳим масала,

тилга жамлаганди бутун журъатин.

Ва сўраган эди шивирлаб:

– Билмайсизми, мабодо, ҳозир бозорда

уч оёкли, кўнғироғи бор

велосипедча қанча тураркан?

– Нима қиласан уни?

– Ўғлим орзу қилар шунақасини.

Туғилган кунига ваъда қилгандим.

Пул йиғаяпман.
 Яна беш йил қолди, кутулиб чиксам,
 уйга кириб борсам у орзу қилган
 велосипедни кўтариб,
 қувонса керагов роса?
 – Ўтирганингга неча йил бўлди,
 Шойиста?
 – Тўрт йил.
 – Демак, ўғлинг ҳозир тўққиз ёшида,
 чиққунигча кирар ўн тўртга.
 Уч оёқли велосипедча минармикан
 ўн тўрт ёшли бола?
 Кутилмаган шумхабарни эшитгандай,
 буришиб кетди Шойистанинг доғ босган юзи,
 йиғлаб юборди ерга тикилиб.
 Наҳотки,
 наҳотки, Шойистасиз ҳам
 ўн тўртга кираверар унинг боласи?
 Наҳотки, онасининг
 велосипедга яраша пул йиғиб
 қайтишини кутиб турмайди
 унинг болалиги?

Тонг отса,
 шу тунни,
 биргина шу тунни отса тонг,
 беш йил олдин ушалар Шойистанинг
 ва боласининг орзуси...

IV

Ташқарида шамол супураётир
 тақдир бўлақларини...

Вакт томар чак-чак...

Шу тунни кўриши,
 уйғонажак тонгни кутиши
 мумкин эди сўконғич Санам опа ҳам.
 Яхшийди, сўконғич бўлсада,
 эркашода бўлсада, яхшийди.
 Бу ерга илк келган палламда,
 менга энг кўп ёвқараш қилиб,
 қўрқитган бўлсада, яхшийди.
 Ахир, кейинчалик ўргатди менга
 тикиш-бичишни,
 чин юракдан, сўкина-сўкина.
 Тигдай санчилсада юракка сўзи,
 оғриқ бермас,
 чандик қолдирмас эди.
 Тўсатдан бир ердан ёнғин чиққандай,

ёниб кетар ловиллаб,
 кўп ўтмай ўчар ва айланар эди
 совуган кулга.
 Ҳеч нима, ҳеч нима топиб бўлмасди
 бу қулни нигоҳла титкилаб.
 Сўзла титкилашга эса
 етмасди ҳеч кимнинг журъати.

Ўзи ҳақидаги бу тасаввурни
 парчалашни қачон бошлади
 Санам опа?
 Эсладим!
 Лоланинг тушлари айбдор бунга.
 Қизгина бир куни
 сойдаи тошиб, кирғоғига урилиб,
 орзу-армонига берилди беҳад –
 кўнгил ёриб қўйди кўпнинг олдида:
 – Агар тушларимни гапирсам сизга,
 агар айтаверсам хаёлларимни,
 мабодо учини чиқариб қўйсам,
 орзуим, ундаги имконларимни,
 чўкиб кетишингиз мумкин армонга.
 Армондан оғири борми инсонга?

Эртакка ишонмай қўйган болалар
 эртакка ишонган боланинг
 устидан кулгандай
 масхара қилдилар уни.
 Фақат Санам опа оғир хўрсинди.
 Энг дийдаси қаттиқ,
 сўқонгич Санам опа
 хўрсинди!
 Ўзига ўхшамас бир ҳасрат ила,
 кўзларида оғир дод ила хўрсинди у:
 – Тушларингни менга сот, Лола.

Ҳазилга йўйдилар, қулдилар.
 Бора-бора ўзгарди Санам опанинг феъли,
 Лоланинг тушларин сотиб олгали
 пул йиға бошлади ишлаб куну тун.
 Ҳаммадан кўп тикди ҳарбийлар учун
 қулқопларни ва ўзга либосларни.
 Ўзи билан ўзи бўлиб қолди у,
 озор бермай қўйди ҳеч кимга.

Сўнг эса, тиржая бошлади,
 тиржаяверди эси оған одамдай.
 Секингина шипшиди бир кун
 менинг қулогимга:

– Лоланинг тушини тортиб олдим мен!
Ҳаммадан бахтлиман, энди!

Ўша кун ўзини
малика деб эълон қилди Санам опа.
Шаҳзодага – уни севгувчи,
энг гўзал малак деб билгувчи
кўркем ва меҳрибон шаҳзодасига
фарзанд туғиб бера бошлади ҳар кеча.
Кўп ўтмай ахтариб кетди у
қадр топмаган ўз муҳаббатини,
шахсиятини.

У кетгандан кейингина англр ҳамма
унинг яхшилигини.
У кетгандан кейингина эшитарлар, чунки,
унинг фожиага тўла ўтмишин.

Эрини севган ҳар аёлдай
қалбининг энг сара дур-гавҳарларин
тўкиб яшар Санам опа эрининг пойига.
Аммо,
кераги йўқ экан эрга бунинг.
Бир ёстикка бош кўймас у билан,
овқат емас бир дастурхонда.
Санам опа йиғласа эр санамларга хос,
юзи буришар норози эрнинг:
– Қорнинг тўк, устинг бут, не етмас яна?
– Қорним тўк, кўнглим оч!
Устим бут, кўнглим ярим!
Етмагани қадр-қиммат!
Етмагани муҳаббат!

Санам опанинг уч йил умри ўтар шундай –
яшалмай.
Уч йил умри ҳидланишга зор гулдай ўтар.
Сўнг, сезиб қолар севимли эри
ўзга гулни ҳидлаб юрганин.
У кўзгуга боқар узок,
ўз аксига термилар-термилар.
Чиройли кўринар ўзига-ўзи.
Муносибдай кўринар буюк бахтларга,
гўзал, тўкис бахтларга.
Сўзланар:
– Ушлаб қололмадинга,
Яратганнинг сен учун яратган бахтини?
Бериб юбординга бир бегонага?

Бир силкиниб тўкиб юборар Санам опа
ўзидаги ўзини,

Ўзгага айланиб олар ва ўйлар:
– Ё меники бўлмай, ё ҳеч кимники!

Куз экан ўшанда.
Ёнаётган экан дарахтлар Санам опага хос.
Совуётган экан ҳаво уларга қарши.
Энг чиройли кўйлақларин кияр Санам опа.
Сочини турмақлатар пардозхонада.
Юз-кўзини бўятар бахтиёр аёлларнинг рангига.
Энг бекам аёл бўлиб қолишни истар
эрининг сўнгги тасавурида.
Кетар маҳалдаги тасавурида
энг бахтли аёлдай кетишни истар.
Узоқ кезар шу истакла у кузги боғни.
Лахча чўғлар оралаб кезар.
Дарахтлар ёнар.
Иситгиси келар совуётган ҳавони улар.
Санам опа ёнар.
Ёндиргиси келар бир бор эрини.
Уйига йўл олар шу истак ила.

Заҳар қўшиб берар эрининг емагига.
Ёна бошлар эри.
Йиғлаб югура бошлар Санам опа тўрт томонга,
кўчага чиқиб,
қилмишини айтаверар яхши-ёмонга.
Эрининг ўтини ўчирар “Тез ёрдам”.
Панжара ортига сепилар
ёниб битган Санам опанинг кули.

– Бечора! – хўрсинар Лола. –
Ақлидан ҳам айрилди энди.
Даволай олишармикан уни?
– Дўхтирларнинг ўрнида бўлсам,
даволамас эдим уни ҳеч қачон.
Билсанг, шу ҳолида у анча бахтли.
Аввалгидан юз чандон бахтли.
Ҳайрон боқар менга Лола.
Чиройли жилваланар кўзларида
ўлмаган хайратлари:
– Дейлик, сиздан эрк эвазига
ақлингизни сўрашса, берармингиз?
– Берардим, қўшқўллаб берардим.
Ақл тўрларидан қутулиб,
ҳеч нени англамай яшаш кўп осон,
юракни унутиб яшашдан кўра.
Лола ўйга чўмар, сўзга сўз қарздордай.

Ўйлай-ўйлай топар:

– Гар мендан сўрашса,
кулоғимни берардим эрк эвазига.
Бу шовкинли дунёни эшитмаслик қандай яхши.
Нимани тинглашни истасанг,
тинглайсан шуни...

* * *

– Биласанми нима? – дейман
Лолага қараб. – Бу ернинг ҳам
афзал томонлари бор.
Ҳарҳолда, емагинг, ичмагинг, ётоғинг тайин.
Китоб ўқимакка имкон бор.
Ўйламакка имкон бор
ўзинг ҳақингда,
ўзгалар ҳақида,
эрк ҳақида...
– Ташқаридагиларчи?
– Улар кўп ишлайдилар.
Сен билан менда бор шу нарсаларга
эришмак учун
кундузи ишлай-ишлай,
тошдай қотадилар тунда тўшақда.
Ўйламакка вақтлари бўлмас.
– Нима деб ўйлайсиз,
хайвонот боғининг қафасларида
емишу табиби тайин хайвонлар
ўрмонда оч-наҳор изғиб-изиллаб,
тирик қолиш учун курашиб юргувчи
озод хайвонлардан кўра бахтлими?
– Билмайман.
Одамнинг фарқи бор хайвондан.
Яна бу икки ҳолатда мақсаду моҳият бошқа.
Хайвонот боғининг хайвонлари
хизмат қилаётир кўрсатиш учун одамзотга
ўз зотининг бу дунёда мавжудлигини...
Хоҳлаган бир кимса бажарар
бизнинг ишларни.
Меҳнат ўлдирмайди одамни,
оғир бўлса ҳамки ҳаётдан,
у ғуссадан оғир бўлмас ҳеч қачон.
Аксинча, отангдай бошингни силаб,
онангдай овутар.
Меҳнат ўлдирмайди одамни,
ўлдириши мумкин мақсадсиз меҳнат!
– Дейлик, шу ерда ҳам сизга
муаллимлик учун маош тўлашса

ва рухсат беришса болангизни
 ёнингизга олиб яшамоқ учун.
 Шоҳона таомлар ила сийлашиб,
 яшасангиз иззат-икромда,
 озодликка чиқиш учун шунда ҳам
 воз кечармидингиз бирор нимадан?
 – Умрбод шундай бўлсами?
 – Умрбод шундай бўлса.
 – Воз кеча қолардим ҳаётдан!
 Прометей ҳақида ўқигансана?
 Жигарини чўқир қузғунлар,
 қайта ўсаверар жигар.
 Чўқийверарлар,
 ўсаверади у.
 Ўсмаса эди шу жигар, қутулар баридан.
 Биратўла қутуларди.
 Шуни истаган бўлса керак Прометей.
 Аммо, бу истакнинг энг ичкарисиди
 бир умид ҳам бўлгани аниқ:
 “Шу ғоя ҳам ўсиб
 чиқса... эҳтимол...” деган.
 – Демак, эрк – бу, емак-ичмак эмас,
 болангни кучмоқ ҳам эмас.
 Унда шу бетон деворлар ичидан чиққач,
 ўзимизга яна девор излаймиз нега?
 Нега панжара ясатамиз деразаларга,
 ер юзига чегаралар кураимиз?..
 Эркислар топинган,
 эрклилар топтаган эрк ўзи нима?

V

Ташқарида шамол супураётир
 тақдир бўлақларини...

Вақт томар чак-чак...

Шу умидбахш тун оқарса,
 ҳеч нимадан воз кечмай туриб,
 эркака эришиши мумкин эди
 Доно ҳам.

Кўргазмага кўйилган эски буюмдай,
 саришталик ила хушфёъллигини
 атай кўз-кўзловчи Доно.
 Уйга вазифани аъло бажариб,
 кўпнинг олдида мақталмоқни хуш кўргувчи
 синфком киздай Доно.

Илдизи мустаҳкам, шохлари йўғон
 дарахтларни ағдарган бўрондан ҳам
 бошларини эгиб жон сақлаб қолажак
 нозик майсалар каби Доно.

Баҳор эди ўшанда.
 Нафис бўйли маккора баҳор.
 Қамокхонага ҳам қай бир тирқишдан
 сукилиб кирганди унинг маст айлар бўйи.
 Масхара қилгандай китиклар туйғуни.
 Силаб-сийпаб, нозик букар эди у
 ёлғизликка, айриликқа, хижронга
 дош бермакка иродани:
 Ҳар саҳар, энг аввал уйғониб,
 турғизарди ҳаммани.
 Турмай ётаверди ўша эрталаб.
 Йўқламада йўк эди Доно.

Уни йўқлаб кирди навбатчи йигит.
 Ишлашга ундади.
 Ёш ва келишган эди у.
 Бўйи узун,
 елкалари кенг,
 билаклари чайир.
 Офтобда қорайган, тобланган, пишган.
 Ўзига ишонган эди камига.

Доно турмади ётган еридан.
 Қараб ётди уни илк бор кўраётгандай.
 Ёш ва келишган эди назоратчи йигит.
 Ёшлиқ қилди аёлни тушунмоқликка.
 Қатъий ишонч билан буюрди:
 – Туринг ўрнингиздан!
 Доно сакраб турди ўрнидан.
 – Олдимга тушинг!
 Доно яқинлашди унга ва
 илондай чирмашди ўнта бармоғи
 йигитнинг бўйнига,
 вишиллади заҳарли тили:
 – Менга қара, сен ваҳший, золим,
 ўлиб қоласанми ширин сўз ила
 сийласанг бир бахтиқарони!

Шошиб қолди йигит.
 Силтаб олиб ташламоқчи бўлди
 қўлларини бўйнидан.
 Ҳамон бақиришда давом этди у,
 давом этди йигитга чанг солишда:

– Билиб күй, сен кишан такқанинг,
 “махбус” дея тамға босганинг билан,
 хўрлаганинг,
 шаънимни топтаганинг билан
 рад эта олмайсан одамлигимни!
 – Одам бўлсанг, одамдай яша эди,
 торт мендан кўлингни!..

Ўғирлик ила қамалганди Доно.
 Ўшанда ҳам саришталик ила хушфёзлик
 либоси остида
 чидаб яшаб юрган бўлса керак
 узоқ йиллар.
 Қадимги Англия қироличаси либосидай
 хашамдор, ноқулай ва тор бу либос
 кишиб ташлаган бўлса керак унинг
 аъзойи баданини,
 юрагини.
 Бечораваш, кўли калта эрига қараб,
 бу либос ичида
 шишиб кета бошлаган,
 ичига аламлар тўлган Доно.
 Ва бир куни ёриб юбориб либосин,
 исён кўтарган бўлса керак ҳозиргидай
 қисмат олдидаги ожизликка қарши.
 Йўқсилликка қарши.

Ўйлаган бўлса керак:
 – Йўқдир йўқотгувчи ҳеч нимам,
 йўқ нарсани қандай йўқотмоқ мумкин?
 Ҳаттоки, мен ўзим йўқ одам.

Китоблар айтарак:
 йўқсиллар шижоат кўрсатса,
 кўпол ва нодон деб қарши оларлар.
 Сахий бўлса, исрофгарга,
 мулойим бўлса, кўрқоққа чиқарарлар уни.
 Бой айтганда мақталган сўзлар
 бачкана янграйди йўқсил оғзидан.
 Бир орзу қилишга етмас журъати.

Доно журъат топган бўлса керак орзуга.
 Орзусини қутқармоқ умидида,
 парваришлаш умидида уни авайлаб
 ва тезроқ, жуда тез етишиш умидида
 осон йўлга юзини бурар,
 юлиб улуктирар кўксидан қалбни.

Ва бир кун биларки, қалб ила бирга
 ўшал орзуни ҳам қўйган йўқотиб.
 Ўзини ҳам қўйган йўқотиб.

Йўқ одамнинг сояси қайдан?
 Қайдан бу йўқ гулнинг хазони?
 Ўйласа, бор экан ҳамма нарсаси:
 севги қўниб турган бир парча ери,
 пок виждони, қалбда меҳри, муҳаббати,
 бир этак боласи, меҳрибон эри,
 ҳеч нимага алишиб бўлмас ҳаловати.
 Йўғи чидам, қаноат экан.
 Чимдим ҳаракат экан.

* * *

...Игнадай тешиқдан тушган нур каби
 хотираларим:
 она бўлган куним
 боламнинг отаси гул тутган лаҳза.
 Гўдагимнинг қўлчаларидан тутиб
 юргизганимиз.
 Оилавий ўтган оддий кунларнинг
 энди оддий туюлмаётган шукуҳи.
 Зерикарли туюлган ҳаётимнинг
 энди фароғатли эсланаётган онлари...

...Яшалмайин ўтиб кетаётган кунларнинг,
 сарфланмайин сўнаётган эҳтироснинг,
 янгиланмай тўлаётган хотиранинг,
 ишлаб туриб тўлмаётган захиранинг
 бадалини сўраб бош кўтармасайди,
 тушуниб етсайди буларнинг бари
 айирбошлаш йўли эканин
 теккизилган зиёни фойдага,
 гуноҳни савобга алмашиш бахти
 эканин тушуниб етсайди,
 шу умидбахш тун оқарса,
 ҳеч нимадан воз кечмай туриб,
 эркака эришиши мумкин эди
 Доно ҳам...

Давоми келгуси сонда



Ортиқбой
АБДУЛЛАЕВ

“КЕЛ, ЮРАК, ЁЛҒИЗИМ, СИРЛАШАЙЛИК ЖИМ”

Умр оқар дарё экан. “Шарқ юлдузи” журналига янги ишга келган кезларимни яхши эслайман. Худди ҳозиргидек Ёзувчилар уюшмасининг мажлислар залида адабий учрашувлар, шеърят кечалари, баҳслар, янги асарлар муҳокамалари тез-тез ўтиб турарди. Бундай анжуманларда талабалар ва ёш адабиёт хаваскорлари ҳам бемалол кириб ўтиришарди. Мен шоир Икром Отамурод билан бир хонада ишлардим. Бу меҳнаткаш йигит университетни битирганига эндигина икки-уч йил бўлганди. Бир куни хонамизга шеър мухлисларидан икки-уч дугоналар кириб, устки кийимларимизни шу ерга илиб қўйсақ бўладими, деб сўрашди. Ҳали анжуман бошланишига ярим соатча вақт бор эди. Икром кизларни менга таништирди – улардан бири газета-журналлар орқали менга таниш ном, ёш шоира Шарифа Салимова экан. Қайси вилоятдан эканлигини сўрасам, “Паркентданман”, – деди у тортинчоқлик билан. “Ҳамюрт эканмиз-ку, – дедим қулиб. – Мен Бўстонликданман, хумсонлик”. Айрим шеърларини газета-журналларда ўқиганимни айтдим. “Шеърларингизни олиб келинг”, – деб таклиф қилдим. Анчадан кейин у бир даста шеър билан келди. Мен бу қўлёзмаларни катта қизиқиш билан ўқиб, “Чотқол қизи” номли туркум тайёрладим ва “Чотқол қизи” каби сямимий, мисраларидан она туфрок хиди келаётган, ёш қалбнинг ўзига хос уринишларини нафис чизгиларда кўрсатиб беришга уринаётган шундай ижод намуналарини кўпайтириш зарурлигини таъкидладим.

*Мен қўлимга бугдой олиб, бийдай ёйиқ даламга,
Ҳовуч-ҳовуч ризку рўзни қувонч билан сепаман.
Поклик, гурур, бир дунё бахт бергани-чун озамга
Тавоб айлаб она туфрок ва онамни ўпаман,*

деб ёзганди ёш шоира ўшанда. Яна шу шеърда онаси ҳақида “Кўклам суви югуради тўқилган қошларига” деган мисраларни ҳам ёзганди.

Орадан кўп ўтмай Шарифа ўқишни битирди ва университет маъмурияти талаби билан шаҳарда қолди. Кейинчалик Зулфияxonим дуоларини олиш бахтига муяссар

Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, филология фанлари номзоди. 1943 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) тамомлаган. Унинг “Шеърятнинг тиниқ осмони”, “Қалбга очилган йўл”, “Туркистоннинг ўтган кунлари”, “Хивани истило қилиниши”, “Она Ватан фидойилари” каби китоблари нашр этилган.

бўлди. Шеърлари эл оғзига туша бошлади. Ўша пайтда шеърятга кириб келаётган янги авлод ҳақида Эркин Воҳидов ўзининг “Янги авлод овози” мақоласида шундай ёзган эди: “Шеърятимизга янги авлод кириб келди. Оқхиста, ийманиб, улуғлар қошида чўчинкираб эмас, шахдам, дадил, бамисоли тўйхонага келган ўспирин кўвнавкарлардек олатасир ва сурон билан кириб келди.

Биз бу “боскин”ни кўпдан кутган эдик, интизорлик билан пойлаган эдик. Шундай кун келди... бугун шеърятимизнинг тенг ҳуқуқли ёш авлоди бор. Бу – Усмон Азимлар, Азим Суёнлар, Шукур Курбонлар авлоди, Бу – Мухтарамалар, Шарифалар, Дилбарлар авлоди”.

Болалардай беғубор, тиришқок, шеър заҳматига бардош бера олган Чотқол кизи бугун элимизнинг номдор, таниқли шоирасига, давлат ва жамоат арбобига айланди. Ҳалоллиги, камтарлиги, заҳматкашлиги туфайли халқ ишончини оқлаб, Ўзбекистон Олий Мажлисига икки марта депутат этиб сайланди. Олий Мажлисида “Оила ва аёллар муаммолари комиссияси”ни бошқарди. Бундай шарафга эришиш осонликча, ўз-ўзидан бўлмади. Шарифа йўлидаги дуч келган ғовларни матонат билан енгиб ўтганига ўзим гувоҳман. Айниқса, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилояти бўлимини бошқарган йиллари ҳозиргидек кўз ўнгимда. Ўтириб ишлаш учун на жой, алоқа учун на телефон бор. Дастлабки пайтда номидан бошқа ҳеч вақоси бўлмаган бу ташкилотни изга қўйиш учун Шарифа идорама-идора югуриб шикоят қилиб юрмади, босиқлик билан имконият излади, уюшмага лойиқ аъзолар сафини кенгайтди, хумсонлик шоир, машғум қатагон қурбони Элбек (Машриқ Юнусов)нинг 100 йиллик тўйини ўтказиш учун бирга елиб-югурганларимиз, шoirнинг “Сайланма” китобини чиқариш ва ҳайкалини яратишда пул тополмай қарахт бўлганларимиз кечагидек эсимда. Югуришлар натижаси ўлароқ Бўстонлик тумани ҳокими Абдуманноб ака ва вилоят ҳокимининг мадади билан ҳамма ишларимиз аъло даражада бажарилган эди. Шунда хумсонликлар ҳам қараб туришмади. Ҳосилга кирган икки гектар олмазору шафтолизорни уюшмамизга тортиқ қилиб беришди. Чорвоқ тўғонининг директори Тоҳир ака боғни электр қуввати билан таъминлади. “Элбек боғи” деб ёзилган гиштин дарвоза, катта шийпон қуриб берди. Туман марказида Элбекнинг ҳайкали яратилди. Буларнинг ҳаммаси шоир Элбек хотираси учун беминнат эҳсон, мурувват эди. Юбилей куни Саид Аҳмад, Шукрулло, Одил Ёқубов, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Иброҳим Раҳим, Рамз Бобожон, Эркин Воҳидов, Озод Шарофиддинов, Жамол Камол, Умарали Норматов, Иброҳим Ғафуров ва яна кўп шоир ва ёзувчиларимиз, олимларимиз эсдалик учун кўчатлар экишди. Шоирнинг ўғли, таниқли шахмат устаси Улуғбек Элбековга от совға қилинди. Ҳаммаси кўнгилдагидек бўлди, аммо... тайёрга айёрлар бор экан. Табаррук боғни зўравонлик билан тортиб олишди. Ҳозир боғдан ному нишон қолмаган. Устозим Озод домла – мен ва Шарифа югуриб-елиб кўрдик. Аммо, афсуски...

Мавзудан “нега бироз четлашдингиз” деган савол туғилиши табиий. Ҳаёт деб аталмиш бу оламда ҳали ҳеч қайси истеъдод бир чеккада қўлини ковуштириб фақат ижод билан шугулланмаган. Айниқса, аёл шоираларимиз “бир қўлимда болам, бир қўлимда қалам” деб адабиётнинг муқаддас даргоҳида адабий ҳодисага айланишлари осонликча кечмайди. Шарифанинг 1980 йилларда ёзган “Анор” деган шеърни бор. Шоира унда юракка:

*Анор доналари бунча қонталаи,
Юрагим, у сенга нақадар ўхшаиш...*

*Туғу қун ташвиши камаймас инсон,
Гўё ҳалқадаги эркисиз олмахон.
Сўздаги азоб ҳам ҳалқага томар,
Кўздаги азоб ҳам ҳалқага томар,*

дея таъриф беради. Бу назаримда давр талотўпларидаги аёл умри – истеъдод умрига бир ишорадай.

Мана ҳозир Шарифанинг ўнлаб китоблари: “Ҳаёт завқи”, “Менинг баҳорим”, “Гиёҳлар билан тиллашган инсон”, “Тонгга касам”, “Ватан суврати” асарлари, “Хизр булоғи”, “Дуогўйим онам”, “Тўмарис” каби дostonлари, болажонларимиз учун ёзилган алифбо – “Ҳайвонот оламига саёҳат” китобхонлар томонидан севиб ўқилади. 2011 йилда Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг мазмундор сўзбошиши билан “Ватан суврати” номли салмоқдор китоби босилди. У юқори баҳоланди. Шоир учун камолотнинг чегараси бўлмади. Шарифа ҳамон изланишда. У шоиралар билан ижодий баҳса, мусобақада толиққани, чарчаб қолгани йўқ. Буни унинг янги шеърӣй тўплами – “Бедор тун томчилари”ни ўқиганда ҳам чуқур хис қиласиз. Янги китобга “Ватан суврати”нинг мантикий давоми сифатида қараш лозим. Уларда ҳар томонлама яқинлик, муштарақлик бор. Шарифа Салимова Ватан мавзусининг янгидан-янги қирраларини топиб, юрагини қувонч, ҳаяжонга, изтиробга солган хилма-хил туйғуларни ҳароратли мисралар бағрида ифодалаб, завқимиз ва хайратимиз ортиб бораверишига имкон беради. Шоиранинг шеърларида мавзу кўлами, образлар дунёси ва мазмун чуқур.

Шарифа шеърларида Ватан сувратини чизар экан шоирона шеърӣй деталлар, юракка етиб борадиган шеърӣй образлар топиш ва уларни ривожлантириш йўлидан боради. “Илтижо” шеърӣда:

*Тунда туриб, юлдузларга боқдим мен,
Юлдуз тўла дарё каби қалқдим мен.
Арш арқини нидо бўлиб ёқдим мен:
– Қодир эгам, Туркистонни асрагил...*

деб она қалби ила Яратганга илтижо қилади. Бу нафақат шоиранинг, аслида ўзбек оналарининг тинчлик, осойишталик сўраб қиладиган ҳар кунги дуолари, таваллоларидир.

Шоира она Ватан сувратини ҳассос қалб билан чизар экан, субҳидамда “ғунчанинг ол яноғида” “бир уммондек” бўлиб қимтини турган шудринг гўзаллигини кўра олади. “Самога сирларин айтган минорлар” билан тиллашади, “баҳорга ирмоқ узатган қорлар” саховатини кўриб хайратланади, далаларда ўйноқлаб учган қулунларни кўриб завқланади. Буларнинг ҳаммаси Ватаннинг зарралари. У Ватан сувратини меҳри, одамийлиги осмондек поёни, чеки йўқ, бағри саховатга тўла инсонларнинг қиёфаси, шодлиги ва ғамлари, ташвишларини миллий бўёқларда чизади:

*Ана, эндигина тушган келинчак,
Тонгдан йўлларингни супуриб кўяр,
Мўйсафид оталар йўлини тўсмай,
Чеккада қимтиниб, индамай турар,
Дастурхонга қайноқ нонлар кўяди,
Сенинг сувратингни шундай чизади.*

Ватан – она. Унинг қарзини ҳеч қачон узиб, адо этиб бўлмайди. “Боримсан, сенсиз мен тентиган шамол”, “Туфроғинг зарраси жонимга тумор”, деб ёзади шо-

ира. Тасвирнинг гўзаллигини қаранг. Шеърий образ, миллий колорит деганимиз шунчалик бўлади-да! Шарифа шеърларини хушбўй таратиб турган райҳонларга ўхшатади: “менинг райҳонларим – хуркак шеърларим”, дейди меҳр билан соф ўзбекона қилиб. Шоира уларни ардоқлаб, юракка қиёслайди, шеър орқали китобхон билан дардлашишни, ширин суҳбат қуришни қўмсайди. “Кел, юрак, ёлғизим, сирлашайлик жим” деб илтижо қилади. Аммо Шарифа шеърлари фақат мана шундай сокин дардлар, порлоқ орзулардангина иборат эмас. Унинг нозик қалбидан халқимиз босиб ўтган оғир, аламли йиллар, машаққатлар, азобларга тўла ўйлар ҳам дард тўла мисраларга айланади. Улар қайғу, ғамлар ифодаси бўлиб, булок сувларига ўхшаб ер остидан сизиб чиққан томчиларга айланади:

*Ёдга тушар болалик чоғим,
Қаҳратон қиш ва қора чироқ,
Қизамиқдан адо бўлган эл,
Аталага айланган урвоқ...*

Биз болалигимизда кўрган юрт манзараси мана шундай оғир эди. Иккинчи синфга борган кезларим. Кичкина синфимиз тўла ўғил болалар, қизлар. Партادا Абдулла деган қоп-қора бола билан ўтирдим. Жуда юввош, индамас бола эди. У кишлоқдан анча узоқ – Ҳазрат мулла деган жойдан яёв қатнаб ўқирди. Қора фуфайка киярди. Қиш бошланди. Бирдан синфда болалар, қизлар камайиб қолди. “Тул чикди”, дейишди. Уч-тўрт кундан кейин менга ҳам касал юқди. Уйда даволашди. Дори йўқ. Докторлар йўқ. Битта фельдшер Тўғон ака тиним билмайди. Хумсоннинг у чеккасидан бу чеккасига югуриб кунни кеч қилади. Бизга фақат суюқ овқат – ёрма шўрва беришади. Ҳовлигаям чиқаришмайди. Ҳар куни адам кечкурун икки-уч одамнинг номини айтиб, “фалончиларнинг боласи кетди”, деб ух тортиб гапириб қоларди. Мен-ку, Худога шукр соғайиб кетдим, бироқ мактабга борганимда синфдошларимнинг анчагинаси кўринмади. Партадодим Абдулла ҳам йўқ эди. Икки-уч кун ўтди. У келмади. Шундан кейин “у каерда” деб сўрадим. “Ўлиб қолди” дейишди. Баданим музлаб кетди. Шарифанинг шеърини ўқир эканман, “Паркентдаги болаларга ҳам киргин теккан экан-да”, деб ўйладим... “Қизамиқдан адо бўлган эл”, – бутун Ўзбекистонда, Қозоғистонда қанча бола нобуд бўлган экан? Алам билан ўйлайман. Нахотки уларни даволаш учун дори-дармон топилмаган бўлса?

*Қайда қолди у гўзал дўстлар,
Шафтолининг гулидай хушрўй.
Мен уларни чорласам нечун
Қабр узра майса чўзар буй?..
Қайда қолди у гўзал меҳр,
Минг тигли тиг бағримни тилар.
Ёлғиз Ватан – мунис онажон
Оптоқ сочли бошимни силар.
Ёлғиз Ватан бору йўгингда
Сен-ла қулиб, сен-ла қуяди.
Юзинг ювган шўр томчиларни
Жирқанмасдан артиб қуяди.*

Мардона, жўмард мисралар. Ҳеч қандай ҳашамсиз, юракдан чиққан ва яна юракка бориб тегадиган мисралар. Бир пайтлар раҳматли Шавкат Раҳмон “Ўлдири, ичингдаги хоинни ўлдир!” деб нидо қилганини яхши биламиз. Шарифа ҳам шу

йўлдан боради – оддий ва самимий, катъий, юракдан сўзлайди. Зеро, она Ватан ҳақида оташин бўлиб, кўкракка уриб нутқ сўзлаб бўлмайди. Оташинлик бу ўринда ёлғон, алдамчилик, сохталикка айланади. У шеърни ўлдиради.

Шарифанинг “Йўқолган ишонч ёхуд ёлғончи шоҳ ҳақида ривоят” шеъри бошдан-оёқ мана шундай жўмард сўзлардан иборат. У таланган, хўрланган, бўйнига эрк-сизлик кишани солинган юрт қиёфаси ҳақида катта жасорат билан сўзлайди. Шафқатсиз, ниҳоясиз зулм занжирлари остида эзилган, қора терга ботиб ишласа-да, роҳат кўрмаган шўрманглай одамларнинг қисмати ҳақида бонг уради. Шеърнинг ҳар бир бандида истибоднинг аниқ қиёфаси, минг турли кўринишлари аччиқ хитоблар, нидолар, фош қилувчи далиллар воситасида жонлантириб берилади:

*Оналарнинг оқ сутига
Заҳар кўшиб ичирдинг.
Ўттиз уч минг палопонни
Йўқлик сари учирдинг.
Ёлғончи шоҳ, ёлғончи шоҳ
Ёлғончиларнинг шоҳи,
Бевақт хазон гунчаларнинг
Неда эди гуноҳи?*

Шоира ҳар бир бандда фош этувчи шафқатсиз саволлар қўяди. Бу саволлар шеър қатларида аёвсиз айбномага, оғир ҳукмга айланади. Ёлғончиларга қул бўлган, ўз юртининг келажагини жар ёқасига келтириб қўйган жоҳил ҳукмдор таъна тошлари остида қалтирайди. Шоиранинг ҳар бир банд охиридаги “Неда эди гуноҳи?” деган аччиқ хитоби отилган ўқ каби янғиради. Бу ҳукм остида сонсиз аламлар, халқнинг оху зорлари силқиб томиб туради:

*Мен-ку содда гўдак эдим,
Йўлларингга сочган гул,
Ўша ишонч эвазига
Эгатларга қилдинг қул.
Ёлғончи шоҳ, ёлғончи шоҳ
Ёлғончиларнинг шоҳи,
Минглаб буюк ишончларнинг
Неда эди гуноҳи?*

Шеър мана шундай нутқ услубида битилган, у кескин хитобларга тўла. Бу айбнома Ватанни севиш, уни авайлаб асраш, унинг учун жонфидолик билан қайғуриш зарурлиги ҳақидаги энг яхши шеърлардан биридир. У кишини оғир ўйларга толдиради, зулм дарахтининг ижтимоий илдизлари – ўқ томирини суғураётган вокеликка фикрингизни йўналтиради. Аччиқ ўтмишга айланган тузум – ёлғончи шоҳ портретини шоирона чизгилар орқали бугунги авлодга етказди.

Шарифа сўзларнинг рангини, оҳангини чуқур хис қилади. Ўз дилида кечаётган нафис туйғуларни образлар, мажозлар тилида моҳирона жилолантириб ўқувчини ўз асирга айлантиради. Шу туфайли шоиранинг янги тўпламида шодлик ёки ғамга айланмаган мисра, ўқувчини лоқайд қолдирадиган сўз йўқ десак муболага бўлмас. Шоира маҳоратнинг баланд босқичига кўтарилиб, сўз сеҳргарига айлангани бизни қувонтиради. Қаранг: “Хазонга бош қўйиб ух тортар шамол: эҳ, барибир баҳор, эҳ, баҳор бошка”. Ёки: “Учар чоғингиз ух тортмадим атай, Қуйиб кетмасин деб канотларингиз”. “Зулматни синдираш шам, нурдир унинг овози”.

Янги тўпламни варақлар эканман, ўқувчига таъсир қилмайдиган заиф мисрага, мазмунсиз кофияга дуч келганим йўқ. Унинг қалбидан сиркираб чикиб, бир шода дурдек тизилган сўзлари дилимизни забт этади. Бу тиниқ чашмалардан сув ичган кишининг дили яйраб кетади. Бу тиниқ чашмалардан бирини шоира "Хизр булоғи" деб атайди. Нафис дostonга айланган бу покиза булоқ шеърга ташна дилларга манзур бўла олади. Бу дoston Шарифанинг катта ютуғи деб бемалол айта оламиз.

Дoston рамзий усулда битилган. Шоира унда буюк даҳо Алишер Навоий сиймосини чизади. Дили дарддан адо бўлган муштирапар оналарни хаёлан ҳазрат Навоий билан учраштиради. Бу шўрманглай оналарнинг аччиқ қисматини ва оёқости бўлган, таланган, ягона денгизини ҳам сақлай олмаган, ўз она тилини унутаёзган юрт фожиасини кўрган буюк шоир ҳайрат бармоғини тишлаб қолади. Шоира турғунлик йиллари деб аталган давр фарзандларининг қиёфасини мана шундай тасвирлайди:

*Узоқ йиллар аёл хордан наст эрур,
Номи осмонда-ю, қисқа даст эрур.
Йигитлар-чи ҳамон туш кўрадилар,
Ўзга жаннатларни хуш кўрадилар,
Кўнглида уйғонмоқ хаёли йўқдир,
Гўё вужудида мадори йўқдир.
Ғиротлар ўғлони эрур йўқликнинг,
Узангида эмас пойи ўзбекнинг.*

Бу мисраларни ўқиганда яна Шавкат Раҳмон сатрлари ёдга келади: "Этилган бошларни қиличлар кессин!"

Шарифанинг аччиқ ҳақиқатлар билан суғорилган "Хизр булоғи" ва "Дуоғўйим онам" дostonлари ҳам ҳаётбахш оҳангларда яқунланади. Истиклол куёши нур сочиб турган юртнинг келажаги порлок. Ниҳоят зулм кишанлари чил-чил бўлди. Энди бизни ҳеч ким орқага қайтара олмайди. Чунки Хизр назар солган булоқлардан тоза, зилол сувлар оқиб, юртга покизалик таратиб турибди. Ана шу улуғ юртнинг ўтмишига ҳам, келажагига ҳам ўзимиз масъулмиз. Шунинг учун унинг олис ўтмишини ёзиш, буюк қаҳрамонларимиз руҳидан мадад олиш доимий бурчимиздир. Буни ҳар доим юракдан ҳис қилган Шарифа Салимованинг ўтмиш мавзусида дoston ёзиши – қаҳрамон Тўмарис онамизни улуғлаши табиий ҳол. У қалб амрига қулоқ солиб, ўз халқининг қул бўлишини хоҳламасдан Эрон босқинчиларига қарши мардона курашган аждодларимизнинг улуғвор сиймосини маҳорат билан чизиб берди. Унда Шарифанинг умр бўйи эгаллаган бутун шоирона маҳорати, санъаткорлик қуввати жам бўлган десак муболага бўлмас. Асар эълон қилиниши биланок тилга тушди. Олимларимиз дoston ҳақида мақолалар ёзишди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, ардокли шоиримиз Абдулла Орипов Шарифанинг "Ватан суврати" китобида дил сўзларини шундай изҳор қилган эди: "Зеро, ҳар бир кўнгилнинг таржимони унинг ўқувчисидир. Мен эса "Ватан суврати"да Истиклол шоирасининг шу юрт фуқароси сифатида куюнчак қалб билан она юртига баҳоли қудрат ўз сўзини айтмоқчи бўлаётганини ҳис қилдим ва унинг самимиятига ишондим". Мен ҳам чин юракдан бу сўзларга қўшилгим, уларни такрорлагим келади.



**Зикир
МУҲАММАДЖОНОВ**

УЧ ДОВРУҚ

Эссе



Ҳар бир театрнинг доврўғи унинг репертуаридаги классик асарларга боғлиқ. Драматургия ҳам театр сингари жуда қадимий. Антик театрларда шу қадар зўр классик асарлар ўйналганки, уларни ижро этиш билан ҳозирги замон театрлари катта шуҳрат топиши муқаррар. Тўғри, бизнинг асримизда ҳам Софокл¹, Эсхил ва айниқса, Шекспир асарлари кўп театрларнинг саҳнасида жой олган-у, аммо бу спектакллар ҳамisha мазкур асарларга муносиб обрў қозонавермаган. Бунга муносиб бўлиш учун аввало буюк асарларни саҳналаштиришнинг уддасидан чиқа оладиган истеъдодли режиссёрлар, талантли актёрлар бўлмоғи зарур. Ижрочилар ва режиссёрлар фикри уйғун тушгандагина мумтоз асарларнинг муносиб талқини юзага келиши мумкин.

Мукаддам Ҳамза номидаги Ўзбек Миллий академик драма театрида XX асрнинг 30-йилларидаёқ Шекспирнинг “Гамлет” асари муваффақиятли саҳналаштирилиб, ўзбек томошабинининг юксак олқишига сазовор бўлган. Бу режиссёр Маннон Уйғур ва Гамлет ролининг ижрочиси Аброр Ҳидоятвдек икки улкан санъаткорнинг салоҳияти туфайли эди. 40-йилга келиб, Маннон Уйғур рус режиссёри Н. В. Ладигин билан биргаликда Вильям Шекспирнинг “Отелло” асарини Аброр Ҳидоятв ижросида тайёрлаб театр доврўғини яна бир поғона кўтаришга муваффақ бўлди. Мухлисларнинг “Отелло”га меҳри “Гамлет”дан ҳам юқори бўлган. Уруш йиллари шаҳримизга ташриф буюрган инглиз парламенти аъзоларидан жаноб Жонсоннинг театр китобига ёзиб қолдирган ушбу сўзлари ҳам бунга ёрқин далил бўла олади: “Биз – Шекспир ватанидан келган меҳмонлар ўзбек театри саҳнасида “Отелло” спектаклини томоша қилиб, ҳозирги замонда ўзимизнинг мамлакатда бу қадар юксак ижрони кўрмаганимиздан буларга қойил қолганимизни мамнуният билан изҳор этамиз. Бу ижрони дунё кўрса бўлади”. Дарҳақиқат, Лондонда Шекспир асарлари қахрамонлари намойиш этилганда Аброр Ҳидоятв ҳам иштирок этган эди. Чех адаби Юлиус Фучик “Аброр Ҳидоятвнинг Гамлет образи мен кўрган ва билган ар-

¹ Софокл (тахминан эрамиздан олдин 496–406) – юнон шоири, драматурги. Унинг ижодида Эсхил ва Еврипид сингари антик фожиа асарлари таъсири алоҳида ўрин тутган.

Зикир МУҲАММАДЖОНОВ – Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ артисти. 1921 йилда туғилган. А. Н. Островский номидаги Тошкент театр ва рассомлик санъати институти (ҳозирги Тошкент давлат санъат ва маданият институти) тугатган. “Театр ва режиссёр”, “Театр ва актёр”, “Театр ва замонавийлик” мавзусида, Аброр Ҳидоятв, Обид Жалилов, Маннон Уйғур ва бошқа таниқли санъаткорлар тўғрисидаги мақолалар муаллифи. 2012 йилда вафот этган.

тистлардан кўпроқ хаяжонга солди. Унда ўзига хос жозибадорлик мавжудки, бундай истеъдод ҳар кимга ҳам nasib этавермайди”, деб ёркин муносабат билдирган.

Фарҳод ГЭС қурилишида қурувчиларнинг талаби билан “Отелло” спектакли ўн минг томошабин иштирокида адир бўйида намоёниш этилганини кўрганман. Вильям Шекспирнинг “Гамлет”, “Отелло”, “Юлий Цезарь”, “Қирол Лир” “Кориолан” каби турли йилларда сахналаштирилган машҳур асарлари театримизнинг репертуарида муносиб ўрин эгаллаб келган.

Англия сафарида мен Шекспир яшаб ижод қилган қишлоқда бўлганман. Ўша машҳур “Глобус” театри қайта тикланган бўлса ҳам биз борганда ишламай турган экан. Уни кўришни кўпдан буён орзу қилардим. Стратфорд қишлоғи Лондондан жуда олис эмас, лекин ҳозир у шаҳар бўлиб кетган. Бунга Шекспир сабаб бўлган, дейдилар. У ерда завод ёки фабрика йўқ. Аммо бутун шаҳар Шекспир мероси бўлганлигидан таъминотга эга экан.

Шаҳарга деярли ҳар куни неча юз минглаб сайёҳлар келиб кетар экан. Ҳамма магазинлар Шекспирга тааллуқли нарсалар билан тўла, савдоси ҳам шундан. Шекспир асарлари қаҳрамонларининг бюстлари, кийимлари, реквизитлари, турли тақинчоқлар, сувенирлар, фотоальбомлар, макетлар, нақшинкор буюмлар, ҳамма витриналар фақат улуғ драматург асарлари персонажлари тасвири билан безатилган.

Одамнинг табиати қизиқ, балки бу ватанпарварликдандир. Шундай мўъжизаларни кўрганингда ўз юртингни дарҳол кўз олдинга келтирасан киши. Ўшанда кўз ўнгимга Шоҳимардон келди. Нега ўша ерни шундай қилиш мумкин эмас. Ахир, Муқимий, Завқий, Фурқат, Ҳамза асарларидаги мавзуларга оид ажойиб сувенирлар яшаш мумкин-ку.

Шекспир қишлоғида драматургнинг икки уйи (бири – бола-чақаси билан бирга яшагани, иккинчиси – хотинидан ажралиб, алоҳида яшаган уйи) ҳануз сақланмоқда.

Шекспир ҳашаматли уйда эмас, усти қамиш билан ёпилган оддий уйда яшаган, кейин йўқ бўлиб кетмаслиги учун устига бошқа иморат қурганлар. Унинг 500 йилга яқин сақланиши ҳам шундан. Буюк драматург қабрини кўрдик. У ўша қишлоқ черковида, оддийгина ишланган, асли сақлансин деб ўзгариш қилинмаган. Қабр тагидаги ёзувни ўқиб беришни сўрадик. Унда: *“Кимда-ким суякларимга тегса, оёқ-қўли шол бўлади!”* дейилган экан. Экскурсоводдан изоҳ беришни сўраган эдик, у: “Шекспир тириклигида ўзининг буюқлигини сезган ва қабрини Лондонга олиб кетишлари мумкинлигини билган. Зиёратчилар қишлоғимга келсин, деб, шу сўзларни ёзишни васият қилган”, дея жавоб берди. Унинг гапида мантиқ бор эди. Шекспирнинг башорати тўғри чиққан. Уни зиёрат қилиш ниятида қишлоғига дунёнинг ҳамма бурчагидан сайёҳлар келадилар.

Бу асарлар миллий театрларимизга шуҳрат келтиришида таржимонларнинг ҳиссаси ҳам улқандир. Қолаверса, “Гамлет”ни Чўлпон, “Отелло”ни Ғафур Ғулом ўзбек тилига ўғирган, Софоклнинг “Шоҳ Эдип”ни таржимаси эса Асқад Мухтор қаламига мансуб. Асар таржимасида оригиналга тенг матн яратиш осон иш эмас. Айниқса, классик асарлар таржимасига ўз халқи руҳини назарга олган ҳолда ёндашиш бадий ифодани раволаштиради, спектаклни томошабинга яқинлаштиради. Чўлпоннинг “Гамлет” устида узок йиллар ишлаши, унинг ҳам шекспирона, ҳам халқона вазифасини бера олганлиги шундан.

Маълумки, юртимиздаги ушбу улуғ театرنинг асосчилари 20-йилларда Вахтангов театри қошидаги ўзбек драмстудиясида таълим олишган. Шу халқ ичидан чиққан истеъдодлар Маннон Уйғур ва Чўлпондай ўша замоннинг етук кишилари раҳбарлигида маҳорат сирларини ўрганишган. Чўлпон студияда адабий эмакдош

бўлиб ишлаган. Рус тилида олиб бориладиган дарсларни ўзбек тилида талабаларга етказиш, айниқса, ўша студияда тайёрланган асарларни таржима қилиш ҳам унинг зиммасида эди. Энг муҳими, талабалар ўқиш даврида театрлардаги спектаклларни узлуксиз томоша қилиб боришган.

“Гамлет” бизнинг ўзбек томошабинларига яқинлиги ва қачондир уни ўзбек сахнасида кўриш истаги уларда ўша вақтлардаёқ туғилган. Ўзбекистон халқ артисти Лутфулла Нарзуллаев “Биз ўша студиядаги ўқиш давримиздаёқ “Гамлет”дан кичик бир парча тайёрлаган эдик ва Полоний ролини мен ижро этган эдим”, деган эди. Демак, Чўлпон ўша вақтлардаёқ “Гамлет” трагедияси таржимасига киришган бўлса ажаб эмас. Адабиётшунос Наим Каримовнинг айтишига қараганда, Абдулхамид Чўлпон 30-йилларда Москвага борганида инглиз тилини яхши биладиган бир рус ошноси билан “Гамлет” пьесасини инглиз тилида ўқиб чиқишган экан. Шундан кўринадики, Чўлпон бу асарни таржима қилгунча жуда пухта тайёргарлик кўрган ва бу асарни оқ шеър тарзида эмас, проза шаклида ўзбек тилига ўгирган. Спектакль бизнинг театримизда 1933–1934 йилларда тайёрланиб, 1935 йилда томошабинларга кўрсатилади. Уни сахналаштириш жараёнида театр жамоаси Чўлпон билан ҳамкорликда кўп иш олиб борган. Ушбу спектакль ярим асрдан ортиқ вақт мобайнида сахна гултожи бўлиб турди. Қайта-қайта сахналаштирилганда турли ўзгаришлар ҳам бўлган, албатта. Лекин Чўлпон таржимаси шу қадар раван эдики, уни ўзгартиришга кўп ҳаракат қилинса ҳам оқибатсиз қолаверган. Чўлпон қамалгандан сўнг спектакль намоёйиши тақиқланади, аммо театр жамоаси томошабинларнинг талабига биноан уни қайта тиклашга киришади. Ўша вақтдаги раҳбарларнинг таклифи билан Мирзакалон Исмоилий асар таржимасини ўз кўлига олади-ю, бироқ Чўлпон таржимасидан ўтказиб бўлмаслигини айтиб, жуда ҳам зарур бўлса, номини афишада ёзишга розилик беради. Шундай қилиб, асар Мирзакалон Исмоилий таржимаси деб, яна кўп йиллар халққа намоёйиш қилинаверади. Аммо Мирзакалон Исмоилий ҳам катағон қилиниши оқибатида яна спектакль тўхтаб қолади. Энди академик Воҳид Зоҳидовдан асарни қайта таржима қилиб беришни сўрайдилар. У ҳам худди Мирзакалон Исмоилий сўзини такрорлаб, “Мен Чўлпон таржимасига қалам теккиза олмайман”, дейди. Шундан сўнг афишаларда Воҳид Зоҳидов таржимаси деб кўрсатилади-ю, ўзи Чўлпон таржимасида сахнада давом этаверади. Албатта, у замонларда афишадаги ном ўзгариши билан цензура тинчиб қолмасди, шунинг учун маълум ўзгартиришлар киритилган. Аммо бу Чўлпон даражасида бўлмаган, албатта. Дейлик, Чўлпон таржимасида шундай сатрлар бор:

*Бир замонлар ёш эдим,
Севгига йўлдош эдим.
Шуларни ўйлаб эдим,
Бундан яхши нима бор?
Не қайғу бор, на ҳасрат,
Фақат ҳузур-ҳаловат.
Эрта роҳат, кеч роҳат,
Ҳар куни кўклам-баҳор.*

Бошқа таржималарда эса бу мана бундай тарзда ўтирилган:

*Бир вақтлар бор эди,
Севги менга ёр эди.*

Энг яхисиси шу дедим,
 Қолгани бекор эрди.
 Лекин етиб келиб қарилик,
 Олиб кетди мени у ёққа.
 Ўғри каби шилди мени у,
 Йўқ кучим ўзни танимоққа.

Буни ашула шаклида Ўзбекистон халқ артисти Миршоҳид Мирокилов ўша Чўлпон таржимасида ўла-ўлгунча ижро этган эди, десам бўлади.

Ўтди энди ўша кунлар, кетди бедарак,
 Мана энди ерни ковлаб терганим суяк.

Бу сатрлар кимнинг таржимаси экан, аниқлай олмадим. Лекин Миршоҳид Мирокилов ушбу сатрларни шу қадар жозибатор айтар эдики, томошабинлар йиғлаб-кулиб олқишлар эди. Мен ҳам Горациони ижро этганимда, Чўлпон таржимасидаги сўзларни айтишни ниҳоятда ёқтирар эдим. Озрик ҳақида унинг: “У ўз тухумининг пўчоғини бошига илаштириб уясидан учиб чиққан қизилиштоннинг худди ўзгинаси...” деган сўзларини жуда хузурланиб талаффуз килардим. Пьесада Озрик, Розенкранс, Галдерштейнлар ҳақида Чўлпон таржимасида шундай характерли сўзлар бор: “Улар ҳали она қорнида ётган, демак, она сутидан баҳраманд бўлмаган вақтдаёқ она эмчақларига хушомадгўйлик қилган бўлсалар керак. Буларни бир ўхшатиб пуфланса, совун пуфағидай ҳеч нарса бўлмай қолишади”. Шекспирнинг ҳамма асарларида умуминсоний ғоялар, ҳаёт муаммолари шундай сингдириладики, улар ҳеч қачон ўз замонавийлигини йўқотмайди. Аиниқса, Гамлет фожиясида ҳар бир ҳолатга сингдирилган фалсафий фикрларнинг ҳар бири кишини ҳаяжонлантирмай қўймайди. Чўлпон эса ўз таржимасида ана шундай фикрларнинг халқимизга яқин тарздаги бадиий ифодасини топган эди.

Бир куни “Гамлет” пьесасининг кейинги қўйилишида Олим Хўжаев Гамлет родини тайёрлаб турган эди. Шунда Аброр Ҳидоятлов у кейинги таржимада “ўлайми, қолайми” деб берилган монологни Чўлпон талқинида, яъни: “ё ўлиши, ё қолиши” деб айтишни таклиф этди. Мен бир неча таржималарни кўриб чиқдим. Бирида шу монолог “ўлишим, қолишим”, яна бирида эса “ўлайми, қолайми” дейилади. Чўлпоннинг таржима талқини булар орасида энг кучли жаранларди.

Албатта, Шекспирнинг ҳамма асарлари ҳам асрлар давомида кўп ижроларни кўрган. Биргина Гамлет образини дунёдаги энг машҳур актёрлар ижро этган, талқинлари ҳам турлича бўлган. Масалан, Михаил Чеховнинг² ижросида Гамлет роли бироз рухий тушқунликда ифода қилинганлигини таърифлашади. Машҳур рус актёри В. И. Качалов³ Гамлет тимсолида курашчи образини яратган эди. Театр санъати тарихидан маълумки, бу образни баъзи ижрочилар тахт учун курашувчи, яна баъзи ижрочилар эса рухий тушқунликка тушган шаҳзода қиёфасида талқин қилганлар. Маннон Уйғур Аброр Ҳидоятлов билан пьеса устида ишлашганда уни курашчан тарзда гавдалантиришни таклиф қилган ва шуни амалга ошира олган. У битта гапни доим такрорлар эди. Гамлетнинг ўз фикрича: “Давр издан чиқди, уни қайтадан изга солиш менинг ҳиссамга тушиди”. Пьесани тайёрлашда айнан шу гап асосида Гамлет образи талқин қилинган. Бу пьесада образлар талқини Маннон Уйғурнинг йўналиши бўйича барча ижрочиларда узок йиллар шу тарзда давом эт-

² Чехов М. А. (1891–1955) – рус актёри ва режиссёри, педагоги.

³ Качалов В. И. (1875–1948) – рус актёри. 1896 йилдан Москва бадиий театрида ишлаган.

ган эди. Олим Хўжаев, Шукур Бурҳоновлар ҳам Гамлет ролини Аброр Ҳидоятовдан кейин ижро қилишган. Улар ҳам Аброр Ҳидоятов яратган Гамлет каби бутун пьеса давомиди жангчи киёфасини яратган эдилар.

Сора Эшонтўраева Офелия ролини Маннон Уйғур талқини бўйича жуда юксак ижро этарди. Бир куни Наманганда гастролда юрганимизда бу ернинг машҳур боғига кирдик. Боғнинг бир кўли бор эди. Сорахонимнинг кўзи шу кўл ўртасидаги оппоқ гулга тушди. Бу чамамда нилуфар эди. Сорахоним: “Мана, у кишининг Офелияга ўхшатган гуллари” деди. Шундан сўнг:

– Мана, қаранглар, – деб Сора опа қўлларини гулга чўзган эдилар, гул дарҳол ёпилди. Ва яна қўлларини тортган эдилар, гул яна очилди. – Маннон Уйғур Офелия образини мана шу гулга ўхшатиб, менга уни нозиктабиатли киз, деб тушунтирган эдилар.

Дарҳақиқат, Офелия саройдаги турли фитналар гирдобиди жуда эрта хазон бўлади. “Отелло” спектаклидаги Дездемона эса (бу ролни Сора Эшонтўраева ижро этган) Офелияга нисбатан қурашчан, отаси олдида ҳам тап тортмай кўнглидаги гапларни айта оларди.

* * *

“Отелло” фожиасини тайёрлаш устида театр жамоаси 1939–1940 йилларда иш олиб борган. Ҳозирги пайтда менга театрларда Маннон Уйғур, Етим Бобожоновлар бошлаб берган сўз устида ишлаш анъаналари йўқолиб бораётгандек туюлади. Аммо сўз устида, талаффуз устида ишлаш илгаригига нисбатан камайиб кетди. “Отелло” спектаклини тайёрлашда Маннон Уйғурга ёрдамчи режиссёр эдим. Думалок стол атрофида актёрлар, режиссёр, таржимон бирга ўтиришар эди. Ғафур Ғулом пьесани аллақачон таржима қилиб бўлганига қарамай, деярли ҳар куни шу даврада, Маннон Уйғур ёнида бўларди. Даврада ҳар бир сўз талаффузига, жарангдорлигига алоҳида аҳамият берилади. Ғафур Ғулом таржимаси жуда юқори бадий даражада эди. Шунга қарамай, ижродаги сўзларнинг оҳангдорлигига қараб, ҳеч эринмай сўзларни яна қайта-қайта тузатишга ҳам рози бўларди. Биргина “мен қораманми” монологи неча марта қайта-қайта ёзиб, ўқилганини эслайман. Маннон Уйғурнинг таклифи билан Родриго образи учун қизиқ-қизиқ кулгили сўзлар киритилди, чунки Маннон Уйғурнинг фикрича, Шекспир асарларида, айниқса, фожиаларида жиддий масалалар кўтарилганда, залда ўтирган томошабинлар ниҳоятда хаяжонланганлари туфайли, уларнинг асабларини бироз бўлса ҳам юмшатиш учун кулгили сахналарни кўпайтириш мақсадга мувофиқ, деб топилган эди. Гамлет сингари Отелло ҳам турли сахналарда турлича талқин этилганлиги табиий. Аммо Аброр Ҳидоятов ижросидаги Отелло баъзи ижроларга ўхшаб рашкчи эмас, ишонувчан киши. Ҳатто унинг кўнглига гулгула солган ва ўзи севаган Дездемонани ўлдиришга олиб борган Ягога ҳам чин қалбдан ишонади. Ва соддадил Отелло севгилиси Дездемонани ўз кўли билан бўғиб ўлдиради. Отелло Яғони энг содик дўст деб билади. Яго “*Раиш балосидан сақланинг*” деганида ҳам Отелло “*Йўқ, Яго, истайсанки, умр бўлсин рашкдан иборат, ҳар чорак ой янги-янги шубҳа тугсинми? Йўқ, Яго, тозалик бор жойда ҳамма нарса тоза*” деб хитоб қилади. Таржимон Ғафур Ғулом ушбу сўзлари билан Отелло ҳақидаги таърифни Шекспирдан ҳам кучайтириб юборган деб биламан: “*Мана, бу мавр сенатимиз ҳаммиша уни таърифларди камолотнинг ўзгинаси деб. Ҳеч қандай ҳирс юрагини буколмас одам, унинг яхши хислатларини ҳаводис ўқи ва тақдирнинг найзаси ҳам теишолмас киши*”. Машҳур шекспиршу-

нос М. М. Морозовнинг⁴ фикрига қараганда, Аброр Ҳидоятлов ижросидаги Отелло роли ниҳоятда тўғри талқин қилинган. Шекспир асарлари мутахассиси М. М. Морозов шу спектаклни кўргани Москвадан беш марта келиб кетганини айтиб берган эди. Унинг айтишича, дунёдаги Отелло ролини ижро этганларни кўрган ва улар ҳақида ўз фикрларини тўплашга одатланган одам экан. Шу спектакль ҳақидаги бир йиғилишда у Томазо Салвини, А. А. Остужев, В. К. Папазян⁵ каби актёрлар ижросидаги Отеллони кўрганлигини айтиб, қуйидагича фикр билдиради: “Баъзилар Отеллони рашқ қурбони қилиб акс эттиришган, баъзилар эса ишонч қурбони сифатида талқин қилганлар. Шекспир Отеллонинг ишончини инсон учун юксак фазилат деб таърифламоқчи бўлган ва Аброр Ҳидоятлов ижросидаги Отелло роли муаллиф орзу қилган талқинга мос келади”.

Умуман, классик асарлардаги образлар талқинида актёр ўз образи ҳақида ўйлаши учун ҳар тарафлама – фикрий, бадиий, фалсафий, имкониятлар муҳайё бўлади. Айниқса, “Отелло”, “Гамлет” ва “Шоҳ Эдип” асарларида актёрлар ниҳоятда фикр билан ишлашни, характерларнинг кўп қирраларини очишнинг уддасидан чиқа олганлар.

Бундай шоҳ асарларнинг учинчиси Софокл қаламига мансуб, Асқад Мухтор таржимасидаги “Шоҳ Эдип” трагедиясидир. Бу таржима ниҳоятда равлонлиги билан актёрларга маъқул тушган эди.

Мен Асқад Мухтор билан Иркутск томонларда бўлган маданият кунларида қатнашган, у билан кўп яқин эдим. Бир куни кечаси театр ҳақида суҳбатлашиб тонг оттирганмиз. Ҳар иккимиз ҳам улуғ артист Шукур Бурҳон – бизнинг бахтимиз, деган хулосага келдик. “Унинг диапазонига лойик асар ёзолмайман”, деди Асқад Мухтор. У Душанбедаги Лоҳутий театрида “Шоҳ Эдип” спектаклини Ҳошим Гадоев ижросида кўрган экан. Ўшани айтиб берди. Ҳошим Гадоев “Шоҳ Эдип”ни ўзи сахналаштирган. Шундай актёр ҳам Шукур Бурҳонга қатта ихлос қўйганидан у кишидан олдин бу асарни ижро этишни ўзига эп кўрмаган экан. Ўша суҳбатда Асқад Мухтор ана шу буюк асарни қандай таржима қилганини гапириб берди. “Театрдаги иш жараёнида Шукур Бурҳоновнинг Эдип ҳақидаги мулоҳазаларини тингларканман, Шукур ака, назаримда, ҳаддан ташқари инжиқлик қилаётгандай эди. Мен қанчадан-қанча асар ёзганман. Лекин сўзга бунчалар талабчанликни энди кўришим эди. Аммо кейин билсам, артистнинг бу инжиқлиги образнинг мукамал чиқиши ва томошабинларга манзур бўлишини таъминлар экан. Мен бунга ўшанда амин бўлдим”.

Буни таникли адиб таржимага ёзган сўзбошисида ҳам таъкидлайди: “Томошабинни ҳислар тугёнида тоблаб, фикр ва туйғуларни поклайди, ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур этади. Шунинг учун Софокл трагедияларидаги воқеалар нақадар даҳшатли бўлмасин (буни Ҳамза номидаги театримизда “Шоҳ Эдип” спектаклини кўрган томошабинлар тасдиқласа керак) ҳаммавақт оқибатда кучли, тетик, ёрқин таассурот қолдиради”, дейди. Спектаклни кўрган томошабинлар Шукур Бурҳонов ижросидаги Шоҳ Эдипни ҳамон тилга олишлари ҳам шундан. Актёр спектакль давомида жиндак енгилликка ҳам йўл қўймайди, бир дақиқа ўзини ҳаяжонсиз қолдирмайди. Эдип сахнада пайдо бўлиши билан даҳшатли воқеалар содир бўлаверади. Ва улар

⁴ Морозов М. М. (1897–1952) – адабиётшунос, театршунос, таржимон. Шекспиршуносликка асос солган олимлардан бири. Москва давлат университети ва ГИТИСнинг профессори.

⁵ Салвини Томазо (1829–1915) – италиян актёри. Унинг ижоди XIX аср сахна санъатининг юксак намунаси ҳисобланади. Остужев А. А. (1874–1953) – рус актёри. Сахнада 1895 йилдан, 1898 йилдан Миллий театрда ишлаган. Папазян В. К. (1888–1968) – арман актёри. Сахнада 1907 йилдан, 1957 йилдан эса Сундуқан номидаги Арманiston театрида феолият юргизган. Уларнинг ижросидаги Отелло роли ўз даврида қатта доврӯқ қозонган.

чўқкига кўтарилаверади. Шуниси ҳам борки, Шукур Бурхон бу ролни ижро этганда ёши 60 ларга борган эди. Сўнгги ижроларда парда тушгач, ҳолдан тойган пайтларини ҳам кўрганман. Шуниси кизиқки, у сахнага чиқиши билан яна ўша ўта хаяжонли ҳолат давом этаверарди. Актёр образда яшар экан, ўзини ҳеч қачон аяб ўтирмасди. Шу спектаклни беаган рассом Г. Бримнинг гапига қараганда, у актёрнинг соғлигини ўйлаб, баланд-пастиликдан иборат бўлган декорация ўрнига сахна олдида ижро этишни таклиф этганда Шукур Бурҳонов жаҳл билан уни рад этган экан. Асқад Мухторнинг айтишига қараганда, ушбу мисраларни неча хил сўзлар билан айтиб кўрган:

*Тамом, бари аён. О, ёруғ жаҳон,
Сўнгги бор кўрмоқда кўзларим сени.
Ҳаёт ҳаром, нафас ҳаром, никоҳ ҳам ҳаром,
Қонга булганганман, жирканчман, жирканч!*

Маълумки, шох Эдип чўпондан ҳақиқатни билгач, ўз гуноҳлари учун Худодан жавоб кутиб ўтиришни истамайди, балки ўзини-ўзи жазолайди:

*Нима қилай бу кўзларни,
Энди бу оламда ҳеч нарса, ҳеч нарса
Менинг кўзларимни қувонтирмаса.
Аммо биламанки, мени ажсал олмас,
Мени дард ўлдирмас – шуниси ёмон.*

дея кўзларини ўяди.

*У дунёда ота-онам юзига
Қандай боқдим, кўзларимни ўймасам?!
Бадбахт онам мендан туққан болага
Қандай боқдим кўзларимни ўймасам?!*

Қизларининг шарпасини сезар экан:

*Қайдасиз, қизларим, яқинроқ келинг,
Илк бор ака бўлиб қўл чўзай сизга.
Кеча қақнаб турган порлоқ кўзларимни
Бугун бу аҳволга солган мен ўзим,
Ёнингизда турган шу бадбахт ота
Кўрмасдан, билмасдан сизни оламга
Келтириб қўйди-ку... ўз онасидан.*

Бу дунё фожиалари шундай ижро этилганки, одамзот нималарни уддасидан чиқмайди деб қоласан... Уларни ўқиганда ёки кўрганда ўзлигингни унутасан. Чиндан театр – ҳаёт ойнаси. Баъзан буни томоша дейишади, баъзилар театрни ибратхона ҳам дейишар экан. Йўқ, театр театрлигича қолади. Вильям Шекспир айтганидек, “Дунё ўзи театр, одамлар эса ҳаммаси актёр” экан. Қувончу фожиалар ичида ҳаёт кечирувчи актёр инсонларга ўлмас таассурот берувчи зот. Эҳтимол, шу боис ҳам ҳаёт бор экан, ҳамма санъатлар ичида энг қадимийси, узок умр кўрадигани театр бўлиб қолаверади.

ФИТРАТ АҚИДА ВА АҚИДАПАРАСТАЛИК ҲАҚИДА



Улуғбек САИДОВ

*“...Донолар кенгаш берганда,
Одамнинг мушкулги бўлади осон”.*

СОФОКЛ. “Шоҳ Эдин”

Ғоялар инсонни гоҳо абадиёт масканига етакловчи хайрли йўлларга, эзгу ишларга, имон томон чорлаб келган, гоҳо эса ўткинчи дунёда “яшаб қолишга”, ҳаётнинг барча неъматларидан татиб кўришга етаклаган. Қандай бўлмасин, одамзот ўз наздидаги бахтиёрликни ваъда қилувчи ғоялар кетидан эргашиб келган. Инсон ҳаётида рўй берган ўзгаришлар, теварагида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар баъзан унинг ўз қарашларини ўзгартиришга туртки бўлади. Мияга турғун ўрнашиб қолган ва шу пайтгача эътироз уйғотмаган фикрлар тўсатдан заминини йўқотиб қулайди, равшанлик ўрнини зулмат эгаллайди. Шубҳа ҳомиласидан тўлғоққа тушган тафаккур эса янги ғоялар кетидан эргашади.

Шу билан бирга, инсоният тарихига бир назар ташласак, турли даврларда инсон ва жамият ҳаётини издан чиқарган ихтилофу зиддиятлар асосида ақидага айланган ғоялар сабабчи бўлганлигининг гувоҳи бўламиз. Энг эзгу ғоялар ҳам ҳаёт билан боғлаб турувчи илдизларидан узилса, вайронкор ақидага айланади.

Кишини кенг тафаккур, таҳлил қобилияти, ақида кишанларидан асрайди. Бунга йўналтирувчи энг кучли восита эса “инсоншунослик” мартабасига эга бўлган адабиёт, десак хато бўлмас.

Абдурауф Фитратнинг “Шайтоннинг Тангрига исёни” асари “инсоншунослик” ҳақидаги тасаввурларни тўлдиришга имкон беради. Жаҳид адабиётида алоҳида ўрин тутган бу том маънода фалсафий ва мазмунан мураккаб асарга турли талқинлар берилган. Хусусан, Ҳамидулла Балтабоев фикрича, бу асарда “руслаштириш жараёнининг айрим ташки жиҳатлари кескин танқид ва пичинг остига олинган” ва у “ўз замонасидаги социал адолатсизликларга қарши қаратилган... чуқур сатирик асар сифатида ўрганилиши лозим”¹. Б. Қосимов: “Унга Фитратнинг умуман инқилобга,

¹ Балтабоев Ҳ. Фитрат ва истиклол маънавияти. // Фитрат А. Танланган асарлар. Ж.1. – Т.: Маънавият. 2000. Б. 25–26.

Улуғбек САИДОВ – 1957 йилда тугилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) филология факультетини тугатган. Йигирмадан ортиқ рисола ва монография, ўттиздан ортиқ ўқув қўлланма ва дарслик, юздан ортиқ илмий мақолалар муаллифи.

шу жумладан, Октябрга кишиликнинг, миллатнинг ўзлигини йўқотишга, аккли-аклсиз, мехнаткаш-ялков, уддабурон-овсарни амалда бир қилишга қаратилган социалистик турмуш тарзига муносабатидан келиб чиқиб ёндашиш керак... Асарда бош мавзу – тарих ва тақдир”², деб ёзади. Г. Раҳимова ҳам асарда инқилобий мазмунни кўради. Немис олимаси И. Балдауф эса унга атеистик руҳдаги ўзбек “Худосизлик адабиёти” намунаси деб баҳо беради³. А. Алиевнинг фикрича, Фитрат: “мамлакатимизда авж олдирилган фан билан динни қарама-қарши қўйиш усулини бадий ифода этишга интилади”⁴ ва ҳоказо.

Баъзан бир-бирига зид бўлган турли талқинлар, “Шайтоннинг Тангрига исёни” асарига яна бир бор мурожаат этишга, яна бир бор таҳлил этишга даъват этди. Қиёслаш у ёки бу ҳодисанинг моҳиятини очишда очқич бўлиб хизмат қилади. Шу боис Фитрат асарини жаҳон адабиётидаги ўхшаш сюжетлар билан қиёсий таҳлил этишни лозим топдик.

Европа адабиётида Уйғониш давридан бошлаб инсон тафаккурининг мураккаб ва қарама-қаршилиқларга тўла ҳаракатини ифода этган асарлар кўп. Хусусан, Инжилдаги сюжетлар ёки доктор Фауст ҳақидаги немис халқи афсоналари ва улар асосида яратилган К. Марло, Лессинг, Гёте ва яна ўнлаб ёзувчиларнинг асарлари бунга мисол.

Мильтоннинг “Йўқотилган жаннат” поэмаси ҳам шу қатордан ўрин олган. Аввало, ҳар икки асар (Фитратнинг “Шайтоннинг Тангрига исёни” ва Мильтоннинг “Йўқотилган жаннат” асарининг) сюжети аслида бир ривоятдан олинганлиги уларни қиёслашга ундади. Худо малакларни ўзи тупроқдан яратган Одам Атога сажда қилишга амр қилиши ва Иблис буни истамай исён қилгани ҳақида “Инжил”да ҳам “Қуръон”да ҳам хабар қилинади.

1649 йилги инқилобдан сўнг янги тузилган ҳокимият ишларига жалб этилган Мильтон 1660 йили яқка ҳокимликнинг қайта тикланиши оқибатида жамиятдаги ўз мавқеини йўқотади. Инқилобнинг енгилиши ва Стюартларнинг ҳокимиятга қайтиши уни давр бўҳронларини акс эттирувчи сюжетларни излашга ундади. Шу тариқа Мильтон инқилоб руҳи билан суғорилган энг муҳим асарларини, хусусан, “Йўқотилган жаннат” поэмасини яратади.

Фитратнинг “Шайтоннинг Тангрига исёни” драмаси ҳам ўхшаш бир шароитда яратилди. 1917 йил февраль инқилоби бошқа жадид зиёлилари катори, Фитратга ҳам умид бағишлади ва у янги ёш бухороликлар инқилобий партиясини тузишда ва унинг фаолиятида фаол иштирок этади. Аммо Октябрь тўнтарилиши, Туркистон мухториятининг қонга ботирилиши, Бухородаги “Колесов воқеаси” ва бошқа қайғули ҳодисалар ундаги истиклол умидини сўндирди. Инқилоб руҳидаги асарлари, жумладан, “Шайтоннинг Тангрига исёни” драмаси айни шу тарихий вазиятда ва шоир тушган руҳий ҳолатда ёзилди.

Фитратнинг Ғарб фалсафаси ва адабиёти билан кизикқанлиги ва яқиндан таниш бўлганлиги маълум. Шундай экан, у Мильтоннинг “Йўқотилган жаннат” поэмаси ёки мазкур сюжет асосида яратилган бошқа асарлар билан таниш бўлганлиги, гарчи буни бевосита тасдиқловчи фактлар бўлмаса-да, эҳтимолдан узоқ эмас. Аммо ҳозир гап бу ҳақида эмас.

Иблиснинг Худога исёни ҳақидаги ривоят Европада ҳам, Марказий Осиёда ҳам анчадан буён турли ёзувчи ва алломаларнинг диққатини тортиб келган ва ҳар икки

² Қаранг: Адабий мерос. 1990. №3. Б. 77.

³ Қаранг: Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Т.: Маънавият. 2001. Б. 58–66.

⁴ Алиев А. Истиклол ва адабий мерос. – Т.: Ўзбекистон. 1997. Б. 48.

худудда унинг турли талқинлари мавжуд эди. Жумладан, Мильтон Европа адабиётида ўзидан анча аввал “Инжил”даги сюжет асосида яратилган ва XVI асрдаёқ Англияда кенг тарқалган француз протестант шоирларининг асарлари, хусусан, Дю Бартанинг “Иккинчи ҳафта” асари, Нидерланд Уйғониш адабиётининг таниқли вакили Иоста фон ден Фонделнинг “Люцифер” драмаси, италян ёзувчиси Жан Батист Андреинининг “Одам Ато” каби асарлари Мильтонга таниш бўлган.

Мазкур ривоят Фитратга қадар бизнинг мумтоз адабиётимиз вакилларини, айниқса, мутасаввиф алломаларининг диққатини ўзига жалб этган. Хусусан, бу ривоятга Фаридиддин Аттор тавҳид ғоясини тасдиқлаш мақсадида мурожаат этган бўлса, бошқа мутасаввифлар уни Оллоҳнинг қудратини тасдиқловчи лавҳа сифатида тилга олганлар. Фитрат, албатта, тасаввуф адабиётидаги турли талқинлар билан таниш бўлган. Бошқа сўзлар билан айтганда, Мильтон ҳам, Фитрат ҳам ўз ўлкаларидаги аъёналарга маълум даражада суянганлар. Юқорида қайд этилган шароитда Фитрат ривоятни мутасаввифлардан буткул ўзгача талқин этган бўлса-да, Ғарб аъёналари, хусусан Мильтон асари билан таниш бўлиши шарт эмасди. Фитрат тақдирида ва ўлкамиз ҳаётида содир бўлган воқеалар ривоятга инқилобий мазмун туртки бериши табиий бир ҳол эди.

Мильтоннинг “Йўқотилган жаннат” асари XVII аср инглиз буржуа инқилобининг ўзига хос бадиий талқини сифатида майдонга келди. Унинг инқилобий мазмуни Иблиснинг Худога қарши курашида намоён бўлади. “Инжил”даги ривоят мазмуни Худонинг улуғлиги ва Иблиснинг тубанлигини кўрсатишга қаратилган эди. Мильтон талқинида Худо, Инсон ва ривоятдаги бошқа персонажлар рамзий маъно касб этади. Жумладан, унинг поэмасидаги Худо – зolim ҳукмдор рамзи. У “бир ўзи фалакда ҳукмдорлик қилади ва бўйин эгишни истамаган Одамларни ҳам, Малакларни ҳам жазолайди”.

Фитрат ўз асарида, Б. Қосимов, И. Балдауф ва бошқа олимлар фикрича, инқилобни кенг миқёсда – тарих ва тақдир миқёсида талқин этади. Асар шу тарика халқимиз тақдиридаги бурилиш нуқтасини бутун фожиаси ва зиддиятлари билан тасвирлаган эпик кўлам касб этади. Айни шу жиҳати билан “Шайтоннинг Тангрига исёни” Мильтоннинг асарига яқин туради.

Мутахассислар таъкидлаганидек, “Йўқотилган жаннат” сюжети “чин маънода космик кўламга эга”. Унда “ҳаракат ўрни – коинот, ҳаракат вақти – абадиёт”. Аммо, унутмаслик лозимки, Мильтон гарчи XVII аср шоири, инглиз буржуа инқилоби куйчиси бўлса-да, уни аввалги – Уйғониш даври билан боғловчи жиҳатлар кўп. Ренессансона гуманизм ғояларидан озикланган инглиз шоири, аввало, инсон, унинг заминдаги эрк ва ҳуқуқлари ҳимоясига отланади. Одам Ато ва Момо Ҳаво, уларнинг шахс сифатидаги хис-туйғулари, интилишлари шоирнинг диққат марказида туради. Шу билан бирга Маърифатчилик даврининг арафасида яшаган Мильтон учун инсон билимга чанқоқ мавжудотдир. Шунинг учун шоир наздида Момо Ҳаво Иблиснинг макрига учган енгилтак аёл эмас. Иблис унга билимнинг афзалликларини очади.

Дунёни таниш учун жаннатдан ҳайдалишга ва ҳар қандай азобларга тайёрлиги билан Одам Ато улуғ маърифатчи Гётенинг ҳақиқатни билиш учун Мефистофель билан сулҳ тузишга рози қаҳрамони Фаустни ёдга келтиради: “Ўз меҳнатим билан кун кўриш – менинг қисматим. Аммо чин бахтсизлик бундамикан? Албатта, йўқ! Меҳнатсиз яшасам гар мен минг чандон бахтсиз бўлардим”.

Билим, Мильтон наздида, инсонга эзгуликни зулмдан фарқлашни ўргатди, зулмни танимай эса, эзгуликни ҳам таниб бўлмайди. Гуманистик дунёкарашга таянган

шоир инсоннинг адашиш, хато ва гуноҳларни таниб эзгулик манзили томон йўл олишига ишонади.

Фитрат асаридаги Шайтон ҳам билим, маърифат тарафдори. У билмаган, кўрмаган нарсалар ҳақида гапиришни истамайди. Тангри амри билан сўз очса-да, бундан азобланади, охир-оқибат исён қилади:

*Бироқ букун... мана сенга ўз сўзим:
У гапларга ишонмадим, мен ўзим!
Тилим қачон сенинг учун сайраса,
Юрагимни қитиқлайдир бир нарса!
Кўролмайдир, ҳикматларингни кўзим
Тилдангина чуриб тушадир сўзим!*⁵

Мильтон қахрамони сингари Фитратнинг Шайтони ҳам азобланади. У бўйин гиши истамайди, мағрур ва эркпарвар.

Аммо Мильтон, ўзи иштирокчиси бўлган фуқаролар урушининг таъсирида ўз асарини ёзади ва унда Англияда содир бўлган икки ижтимоий куч ўртасидаги улкан тўқнашувни акс эттиради. Шунинг учун “Йўқотилган жаннат”даги малаклар икки гуруҳга – Иблисга эргашганлар ва Худо тарафдорларига бўлинган. Иблис малакларнинг Худога қарши исёнини бошқаради ва ўз норозилигида ёлғиз эмас. Мильтон Иблиснинг Худога қарши исёни орқали пуританларнинг қиролга қарши курашини ифодалайди. Фитрат асаридаги Шайтон эса ўз исёнида ёлғиз. Унга Худо ҳам, малаклар ҳам қарши. Мильтонда Одам Ато ва Момо Ҳаво – идеал инсонлар рамзи: Ҳақиқатни танигач, билим кудратини англагач, эркинлик нафасини туйгач, улар Иблис исёнига қўшиладилар.

Фитрат асаридаги Инсон, Б. Қосимов таъбири билан айтганда, йўқдан бор қилинган йўқсил нафақат Шайтонга, балки малакларга ҳам, яъни жамиятнинг қолган қисмига қарама-қарши қўйилган.

Мильтон – гуманист. Унда Иблис поэманинг бош қахрамони бўлса-да, жаннатдан қувилган Инсон муаммолари шоирнинг диққат марказида туради. Иблис тарафидаги малаклар Одам Атони ҳақиқат томон бошлайдилар. Бироқ Инсон уларга кўр-кўрона эргашмайди, ҳақиқатни ўзи ҳам англашга ҳаракат қилади. Одам Ато ва Момо Ҳаво жаннатдан қувилишларидан олдин Микоил уларга инсоният келажагини кўрсатади – унда эзгулик ва жоҳиллик, инсонга хос эҳтирослар ўртасида кураш кечмоқда. Инсон қалби учун ердаги ҳаётнинг азоблари, офат ва ўлим эмас, ижтимоий қулфатлар – зўравонлик, тенгсизлик минг чандон хавфлироқдир. Кўзи очилган инсон бу ва бошқа ҳақиқатларни ўзи англаб етади.

Момо Ҳавони тақиқланган мевадан татиб кўришга фақат бир нарса ундайди – билим чанқоғи. Билим учун у ўз ҳузурини ва инсониятнинг келажагини гаровга қўйишга тайёр. “Бунда мен барча шубҳаларнинг жавобини топгайман. /Самовий мева ҳам, билим ҳам, ром этувчи таъм ҳам донишмандлик беради/. Нега энди мен ундан татиб кўрмай ва жисмимга озуқа бериб, маънавий ташналимни қондирмай”. Иблис ва Исо эса Инсонни ҳаракатга ундовчи, яъни ҳақиқатни англаш томон бошловчи Яхшилик ва Ёмонлик рамзига айланадилар. Иблис гарчи инсоннинг кўзини очган, унга ҳақиқатни англаган бўлса-да, уни йўлдан уришга ва шу орқали ўзининг Худога қарши исёнига шерик қилишга интилади.

Фитратнинг “Шайтоннинг Тангрига исёни” асарида Инсоннинг яралиши драматик воқеани ҳаракатга келтиради. Аммо Инсоннинг ўзи унсиз, ҳаракатсиз. Уни

⁵ Фитрат А. Танланган асарлар. Ж. 1. – Т.: Маънавият. 2001. Б. 221

кўпроқ Гётенинг суный йўл билан яратилган Гомункулусига ўхшатиш мумкин. Муаллифнинг диққат марказида эса Шайтон, унинг исёни, шубҳалари туради. Маърифатчи Фитрат инсон аклини ягона ўлчов деб билган XVIII аср Европа маърифатчиларига яқинроқ. Кўр-кўрона ишоиниш ўрнига, барча нарсанинг тагига етишга ҳаракат қилиш, қиёс ва шубҳа инсон ақлига қувват беради. Шоирнинг Шайтони бу жиҳатдан Мильтоннинг эмас, Гётенинг Иблисига яқинроқ туради. Гарчи Мильтоннинг Иблиси Фитрат қахрамони сингари улуғвор ва мағрур тасвирланган бўлса-да, у, аввало, Мефистофель каби шубҳа ва истеҳзога тўла.

Жадидчилик ҳаракати турли маслақлар ўртасидаги кескин мафкуравий кураш шароитида шаклланган. Чор мустамлакачилари ўз ҳақиқатларини, маҳаллий мутаассиб гуруҳлар ўз ҳақиқатларини, кейинроқ Шўро ҳокимияти ўз ҳақиқатини зўр бериб исботлашга ҳаракат қилдилар. Исботлабгина қолмай, уни абсолют ҳақиқат сифатида тақдим этишга уриндилар. Мафкуравий кураш шароитида “нур-зулмат” истиораси, унга мурожаат этган тоифанинг мақсадига мувофиқ, турли мазмун касб этди, турлича талқин этилди. Жадидлар ўртасида ҳам ҳақ ва ноҳақлик, нур ва зулмат, кеча ва кундузни талқин этишда ўзига хос бўлиниш кузатилди. Ҳар тоифа ўз “ҳақиқати”ни ахтарди.

Ким ҳақу ким ноҳақ? Ўзи мутлақ ҳақиқат борми? Қўли баланд кучлар ҳақиқатга эғалик қилиши мумкинми? Тақдим этилаётган, зўрлаб сингдирилаётган бир-бирига зид “ҳақиқат”лар шубҳага озуқа беради. Шубҳа эса каттароқ ҳақиқатни англаш томон йўл очади. Турли “ҳақиқат”лар куршовида қолган, даврнинг суронли йилларини бошидан кечирган Фитрат ҳам шубҳага келди, ҳақиқат ахтарди.

Фитрат ижодини тадқиқ этган олимлар томонидан “Шайтоннинг Тангрига исёни” асарига берилган турли талқинларни инкор этмаган ҳолда, айтмоқ лозимки, драмада уларда тилга олинган муаммолардан анча чуқуроқ фалсафий муаммолар кўтариб чиқилган. Унинг мазмунини Октябрь тўнтарилиши ва ҳатто “умуман инқилоб” билан ёхуд “социалистик турмуш тарзи”нинг танқиди билан ҳам чеклаш мумкин эмас.

Билиш истагида ҳаракатга келган Ақл ўйсиз қабул қилиниши талаб этилган тайёёр “ҳақиқат”ларга рўбарў келганида: нега? – деган саволга тугилади. Драма айни шу ҳолат ва саволдан бошланади:

*Нечун эмиш бу тубанлик, бу хўрлик,
Бу онгсизлик, бу жонсизлик, бу кўрлик?!
Миллионларга ихтиёрсиз махлуқлар,
Минг йиллардан бери мана шундайин
Юммиш кўзин, ерга қўймиш манглайин...
Кимга, қандай фойда бор бу шидан?
Қайси аҳмоқ исинадир бу қишдан?⁶*

“Субҳон Олло”ни тинимсиз такрорлаётган малаклардан ижирғанган Шайтон “бундай борлиқдан йўқлик афзал”лиги ҳақидаги фикрга келади. У малакларга “Лавҳул маҳфуз”даги Тангрининг “йўқликдан бор”ларни яратган”лиги ҳақидаги мантиксиз сатрларни истеҳзо билан ўқиб, уларнинг қалбига шубҳани жо қилишга ҳаракат қилади:

*“Лавҳул маҳфуз” сўзларни бошдан ўқиб чиқсангиз,
У сўзларнинг бир-бирига уймаганин кўрсангиз,*

⁶ Фитрат А. Танланган асарлар. Ж. 1. – Т., 2001. Б. 220

*Сиз ҳам мендай тушунурга бир мажбурлик кўрарсиз,
Тушунмайин, ўйламайин топинмоқдан безарсиз⁷, –*

дея хитоб қилади.

“Тангри бизни топинғали яратган”, – жавоб қайтаради малаклар ва яна Тангридан омонлик тилаб, сажда қиладилар.

Шайтон уларни ўйлаб кўришга даъват этади:

*Ҳар нарсани йўқликлардан бор этмоқ ҳам, билмайман,
Тўғримидир! Бироқ бунга мен ишониб турмайман.
Сизни нурдан, мени ўтдан бор қилгонин сўйлайдир.
Нурдан, ўтдан яратилмоқ, йўқдан бор бўлмоқ эмас⁸.*

Нихоят Шайтон мисолга ўтади. Буюк китобнинг “уйдирмалар, ёлғонларга тўлган” лигини кўрсатмоқ истайди. “Лавҳул маҳфуз” кўринади. “Ишонмасанг кўрсатаман, кўр, ишон!” – ҳайкиради у малакларга қарата. Малаклар одамни тупроқдан яралиши ҳақида сўзларни ўз кўзлари билан кўрадилар:

*Одамни тупроқдан энди яратармиз,
Ҳам уни ўзимизга халифа қилармиз.
У бизнинг энг улуг қулимиз бўладир⁹.*

Бу хатни ўқиган малаклар қалбига ғулғула тушади. Ҳаммалари “йўқ, йўқ” дейишга тушади. Аммо уларнинг “йўқ” дейишлари Тангрига қаратилган эмас. Тангри нидосини эшитган малаклар саждага бош эгадилар ва Тангрига яна ўз тобеликларини билдирадилар:

*Улуг тангрим кофирликдан омон бер!
Ўзинг бизга омон, эсон имон бер!¹⁰*

Уларни ҳеч бир нарса шубҳага сола олмайди. Уларнинг насаби кўрлик, куллик, таянгани – ақида, эътиқоди – ёлғон.

Одамга қарата:

*Сен эслик бўл, туша қолма тузоққа,
Ташла тошини, бу таёққа берилма.*

Энг сўнг сўзим шудир: *сен малак бўлма!*¹¹ (таъкид бизники – С. У.) – деган чақириғи Одам (йўқсил, пролетариат)га ҳам, малаклар (жамиятнинг қолган қисми)га ҳам берилган таърифлар асарнинг асл мазмунини тўлиқ очиб беролмаслигидан далолат беради. Зеро, Шайтон Инсонни малаклардек кўр-кўрона ишонишдан, кулларча мутеликдан огоҳ этади.

Шу ўринда Шайтоннинг Гёте қахрамони Мефистофель билан ўхшашлиги кўринади: Мефистофель гарчи вайроналик кучларини ўзида мужассам этган бўлса-да, у инсон тафаккурига хос шубҳа ва инкор рамзидир. Гёте қахрамони кўпни кўрган, ҳаётнинг пасту баландидан бохабар. Унинг қуввати барча нарсаларга истехзо ила боқишида. Хусусан, талаба йигитча билан гаплашар экан, у жамиятнинг қотиб қолган қонунларини қоралайди ва унинг боболардан набираларга ўтган, ўз вақтида эзгуликка хизмат қилган қонунлар вақт ўтиб азобга айланганли-

⁷ Ўша ерда. Б. 223.

⁸ Ўша ерда. Б. 225.

⁹ Ўша ерда. Б. 225.

¹⁰ Ўша ерда. Б. 227.

¹¹ Ўша ерда. Б. 230.

ги ҳақидаги сўзлари ақидапарастлиқнинг ўзига хос танқиди бўлиб жаранглайди. Шунинг учун ҳам Мефистофелнинг Фаустга бўлган ғарази аслида уни ҳаракатга, курашга ундайди. Унинг Фауст сўроғига: “Мен ҳаргиз ёмонлик тилаб – яхшилик килувчи кучнинг бир қисми”, – дея жавоб беришида айни шу маъно яширинган.


Худди шундай, Фитрат асаридоги Шайтон ҳам, гарчи мақсадига эришолмаган бўлса-да, малаклар ва Инсон калбида курашга даъват этувчи шубҳа кўзғатишга ҳаракат қилади. “Шайтоннинг Тангрига исёни” асаридо “нурдан яралган малаклар” ва “тупроқдан яралган инсон” ҳамда “вазифаси икки буклам сажда бўлган” малаклар ва “раҳбари фан, пайғамбари билим” бўлган Шайтон ўзига хос антитезага айланади. Шу аснода малаклар образи ҳам, Шайтон образи ҳам ўзгача мазмун касб этади.

Асарнинг сўнгига мурожаат этайлик. Шайтон Тангрига очик исён қилгандан сўнг “ҳаво коронгиланар, кўк гулдирар, чақинлар чақар, ҳар томон титрар. Бироздан кейин дунё ўз ҳолига қайтгач шайтондан, одамдан, малаклардан, минбардан ҳеч дарак қолмагани кўринадир”. Нима учун? Исён қилган, “йўқол энди ҳикматинг-ла, аршинг-ла, қудратинг-ла, жамолинг-ла, фаршинг-ла”, дея қичқирган Шайтоннинг ўзику. Нега фақат Шайтондан эмас, балки Одамдан ҳам, малаклардан ҳам “дарак қолмади?” Бадият қонунларини чуқур билган Фитрат асар воқеаси билан хотима-си ўртасидаги бундай номуносибликка йўл қўйиши мумкинми? Йўқ, албатта.

Фитрат “Раҳбари нажот” асаридо авлод тарбияси ҳақида фикр юритиб, инсон учун уч хил ўлчов салоҳи кераклигини айтади. Уларни Саломатлик, Соғлом фикр ва Ахлоқи сано деб белгилайди ва: “ҳар бир киши шу уч қурол (силоҳ)дан бирисиз кураш майдонига кирса, албатта, мағлуб бўлиши табиийдир”, деб ёзади. Маълум маънода “Шайтоннинг Тангрига исёни” асаридоги малаклар, Инсон ва Шайтон ана шу уч силоҳнинг рамзи сифатида келади. Инсон имонсиз, эътиқодсиз яшай олмайди. Микоилнинг: “Тангри бизни топингғали яратган, эргашамиз шунга... бошқаси ёмон”, сўзлари, малакларнинг “ахлоқи сано” эгалари эканлигидан далолат беради. Шайтон эса фақат ақлга суянади. Унинг кредоси қуйидаги сўзларда яққол намоён бўлади: “Раҳбарим фан, пайғамбарим билимдир”. /Муовиним миям билан тилимдир. /Топингумдир ёлғизгина ўзимга, /Ишонғимдур икки очик кўзимга”¹². Шу ўринда Фитратнинг фикрлари немис маърифатчиси Лессингнинг “Фауст” асаридоги фикрига ҳамоҳанг: “Билимга бўлган ҳаддан зиёд чанқоқлик – камчилик, камчиликдан эса, агар инсон унга жуда ружу қўйса, барча иллатлар келиб чиқиши мумкин”¹³. Тупроқдан яралган инсон эса ҳали унсиз, фикрсиз, эътиқодсиз. Унга гарчи оппоқ нурдан кийим бичилган, бошга тож ва қўлига яшил таёқ тутқазилган бўлса-да, тупроқ жисмидан ўзга нарсаси йўқ. Драмада учаласи ҳам мағлуб бўлди. Зеро, ҳар бири фақат бир сифатга (силоҳ)га эга ва ҳар бири ўз силоҳини ақидага айлантириб, ўзга сифатларни тан олмайди. Жамиятда тинимсиз ўзгаришлар содир бўлаётган, бир ақида бошқа, унга тамомила зид ақида билан тинимсиз алмашинаётган бир даврда яшаб ижод этган Фитрат ҳаёт, табиат, тараккиёт қонунларига зид бўлган ақидапарастлиқнинг, хоҳ у диний бўлсин, хоҳ у сиёсий бўлсин, зарарини яхши ҳис этган. Хуллас, “Шайтоннинг Тангрига исёни” драмаси воқеалари, қаҳрамонлари ўртасидаги муносабатлар мантиғи асардан турли шакл ва кўринишдаги ақидаларга қарши қаратилган ғояни ахтаришга ундайди.

¹² Фитрат А. Танланган асарлар. Ж.1. – Т., 2001. Б. 231.

¹³ Легенда о докторе Фаусте. (Отв. ред. Н.А.Жирмунская.) – М.: Наука. 1978. С. 248.



Завқиддин СУВАНОВ

ЯНГИЛАНАЁТГАН ИЛМИЙ ҚАРАШЛАР

Бугунги кунда тўғриси айтганда, очик кўринаётган оригинал адабий ҳодисани ўрганадиган, таҳлил этадиган, баҳолайдиган адабий танқид йўқ ҳисоби. Ёзувчи ва шоирлар бадий таҳлил, талқин, танқидий муносабатларга ташна. Бунда етук ёшларнинг қарашлари муҳим. *“Ҳозирги кунда Ўзбекистонимизнинг китоб фондларида 100 000 дан ортиқ қўлёзма асарлар сақланмоқда. Афсуски, бу нодир китоблар ҳали тўлиқ ўрганилмаган, улар олимлар ва ўқувчиларини кутиб турибди”*, дея хурматли Президентимиз ўринли таъкидлаган эдилар. Устоз мунаққид Иброҳим Гафуровнинг *“...янги замонда танқид ўрнини тадқиқот эгаллайди”* деган фикрлари бугун ҳам долзарб. Ҳозир вазият шуни тақозо этмоқда. Лекин танқид бошқа, тадқиқот бошқа. Бу ҳақда таниқли мунаққид Сувон Мелиев: *“...танқидда тадқиқот бўлиши яхши, бу унинг ишонтириш қувватини оширади. Лекин адабий танқиднинг етакчи белгиси ижтимоий ҳаёт сари йўналганлик, жорий миллий воқеликка боғлиқлик тадқиқотта хос эмас”*, дея фикрини баён этади. Жорий воқеликка эса, танқид муносабат билдиради. Шоирлар, ёзувчилар, танқидчилар – жамиятнинг илғор қатлами. Улар оломондан бир қадам олдинда юриши керак. Жараёнда эса мавжуд битикларнинг деярли барчаси мустақилликкача бўлган воқеликни акс эттириш билан андармон. Бизнингча, бугунги адабий жараён бугунги кун воқелиги билан ёритилса, анча салмоқли ва ўқишли бўлар эди. Бугунги ўзбек поэзия ва прозасида, айнан, шу воқеликнинг етарлича ёритилмаётгани ҳам ёш танқидчиларнинг орқада қолишига сабаб бўляпти. Мамлакатимизда ёш ижодкорларга берилаётган эътибор адабиёттанув ва адабий синчилик соҳаларида ҳам илк ҳосилини бера бошлагани яққол кўзга ташланиб боряпти. Гарчи ёш синчилар вақтли матбуотда фаоллик кўрсатяпти деб бўлмаса-да, йил мобайнида кўплаб мақолалар чиқаришга эришгани қувонарли ҳолдир. Устозларнинг ибратли мақола, рисола ва асарлари ёш мунаққидларнинг эътиборини тортиб ибрат мактаби вазифасини ўтаёпти.

“Шарқ юлдузи”, “Ёшлик”, “Ўзбек тили ва адабиёти”, “Ўзбекистон матбуоти” журналларида эълон қилинган мақолалар ҳамда адабий танқидда ёшларнинг ўрни ҳақида бир йиллик умумлашма ҳақида фикримизни баён этадиган бўлсак, юқоридаги мақолалар турли рукнлар остида чоп этилган бўлиб булар: адабиётшу-

Завқиддин СУВАНОВ – 1986 йилда туғилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистратурасини тамомлаган. Республика матбуотида қатор илмий мақолалари эълон қилинган. “Поэтик образ табиати” номли илмий рисоласи нашрдан чиққан.

нослик, мактубот, мулоҳаза, таҳлил, талкин, тадқиқот, муносабат, қадрият, фольклоршунослик, очиқ хатлар, илмий ахборот кўринишидадир.

Саъдулло Куроновнинг (“Ўзбек тили ва адабиёти”. 2017 йил, 2-сон) “Шеърятда бадий синтез муаммоси” мақоласида бадий синтезнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда муаммога оид қарашлар тадрижи, ушбу ходисанинг мумтоз адабиёт поэтик тизимида тутган ўрни ва аҳамияти қисқа ёритилган. Муаллиф рус адабиётшуноси Константин Пигаровнинг синтез ҳақидаги қарашларига таянади ва ўзбек шеърятини да тасвирий санъат ва назмнинг қоршиқ ҳолатини Ойбек, Абдулла Орипов, Хуршид Даврон, Баҳром Рўзимухаммад, Фахриёр шеърлари орқали объектнинг бир мунча реал ва жонли тасвирини кўрсатиб беради. Саъдулло мақолада тасвирий санъат ва бадий адабиётнинг уйғунлигини бир неча мисоллар билан далиллайди ва илм аҳлига бир неча саволлар билан юзланади. “Лекин, биз ҳозирда санъат асари дея қабул қилаётган шеърятимиз ва насримиздаги ўзига хос ифодавий хусусиятларнинг илдизи қаерда?” дея нафақат ўзбек, балки жаҳон адабиётшунослигидаги илмий муаммони кўндаланг кўяди.

Ёш адабиёттанувчи Йигитали Маҳмудовнинг “Ҳикоя бадийати” (Луқмон Бўрихон ҳикоялари мисолида), номи остида илмий рисолаши нашрдан чиқди. Рисола тўрт бобдан иборат бўлиб, таниқли мунаққид Узоқ Жўрақуловнинг “Янгиланаётган танқид муждалари” мақоласи сўзбоши қилиб олинган. Рисолага замонавий ўзбек насрида ҳикоя жанрининг ўрни, муаллифнинг ҳикоя қилиш услуби, образлар поэтикаси ва сюжет элементлари, умуман, наср бадийати ҳақида назарий қонуниятлар асосида ёндашилган. Йигитали Луқмон Бўрихон ҳикояларида муаллиф нутқини қахрамонларга муносабатига кўра иккига ажратади. Ровийнинг ҳикоя услубида тарафқашлик ва бетарафлик кўринишларини фарқлайди ва Луқмон Бўрихон услубининг ютуқларини шундай баҳолайди: “Бир масала юзасидан бир-бирига қарама-қарши икки хил фикр бир вақтда ҳақиқат бўлиши мумкин эмас. Аммо ...ҳар икки хусусиятни ёзувчи услубига хос жиҳат деб айта оламиз” деб дадил мулоҳаза юритади. Бундан ташқари, муаллиф таҳлил воситасида сўзнинг поэтик қатламларини очишга, бадий маҳорат муаммосини ўрганишга ҳаракат қилган. Аммо ёш адабиёттанувчининг илк рисолаши бўлгани учун ҳаяжонга берилиб, баъзан ўз таҳлил объектнинг нуқсонларини унутиб ёзади. Йигиталининг бу рисолаши юқорида айтиб ўтганимиз устозларнинг: “...оригинал ходисани ўрганадиган, таҳлил этадиган, баҳолайдиган адабий танқид йўқ ҳисоби” деган мулоҳазаларига жавоб вазифасини ўтайди.

Феруза Бурхонова “Мен”ликни англаш салоҳияти” (Шарқ юлдузи. 2017 йил, 5-сон.) мақоласида адабиётшунослик нуқтаи назаридан Назар Эшонқулнинг “Мен”дан “мен”гача китоби таҳлилга тортилади. Биз мақолани ўқиб, аввало, илмий муаммонинг қай тарзда шакллантирилгани, ишнинг илмий янгилиги нималардан иборат эканлигига кизиқдик. Феруза мазкур мақолада Назар Эшонқул ички оламига яқин боради. У мақоланинг илмий янгилигини белгилашда “Менинг фикрим – бу менинг қиёфам... фикрсизлик маънавий ўлимдир” ғоясини дастак қилиб олади. Синчи илмий қарашларини файласуф ва руҳшунос олимлар тушумлари билан тўйинтиради. Унинг наздида, муаллифни хавотирга солаётган нарса – одамзот ўзи яратган нарсанинг қулига айланиб бораётгани. Ферузанинг жумлалар тузишида кўпсўзлик устунлик қилса-да, масалага тўғри ёндашганлиги аҳамиятли.

Тадқиқотчи Бахтиёр Якубовнинг “Умуминсоний ғоялар талқини Усмон Азим драматургиясига назар” (Шарқ юлдузи. 2017 йил, 1-сон) мақоласида шоирнинг “Кундузсиз кечалар”, “Тонг отган тарафларда” пьесалари хусусида сўз боради. Биринчи пьесада Чўлпон ҳаётининг сўнгги кунлари тасвирланиши, иккинчисида эса, халқ дostonларига хос анъанавийлик акс этганлигини айтади. Тадқиқотчи “Кундузсиз кечалар” пьесаси таҳлиliga киришар экан, мақоланинг кириш қисмига кенг

ўрин беради. Ҳатто асар таҳлиliga келгунча 500 дан зиёдрок сўзни ишлатади, сўнг асар таҳлиliga киришади. “Тонг отган тарафларда” пьесаси таҳлиliga эса бир абзацгина жой ажратади. Тадқиқотчи ушбу асарлар таҳлили жараёнида муаллифнинг бирига тарихий, иккинчисига фольклоршунослик нуқтаи назаридан ёндашган ва зўрма-зўракилик билан икки асар таҳлилини бир мақолага жо қилишга уринган ҳамда асарни назарий асосламаган. Назарий асоссиз айтилган фикрлар эса муаллифга мадҳиядек таассурот уйғотиши табиий.

Яна Бахтиёр Якубовнинг “Драматургияда миллий кадриятлар талқини” (Шарқ юлдузи. 2017 йил, 5-сон) мақоласида театрларда ўйналаётган драмалар, хусусан, Холик Хурсандовнинг “Ўлдинг – азиз бўлдинг” комедияси ҳақида фикр юритилади. Асар қахрамони Мавлон чолнинг хотини Ойдона ва дўсти Авазларни чакириб бир хийла билан фарзандлари умрининг сўнгги бир кунинда нима қилишини кузатишга қарор қилади ва “бир тўда ёлланма гўяндалар”дан бошқа бирор кимса кўзёши қилмаганига гувоҳ бўлади. Фарзандларини элдан кам қилмай ўстирадиган ота бундай “эхтиром”га лойиқ эмасди. Бу комедия Республикамининг турли театрларида турли ном ва турли талқинларда қўйилган ва Бахтиёр Якубов буларни аналогик таҳлил этади. Асарни мохир синчи кўзи билан кўрган тадқиқотчи бу сафар муваффақият қозонади.

Хусан Мақсуднинг “Иқрорлар ёхуд бутунлик истаги” (Ёшлик. 2017 йил, 1-сон) мактуб мақоласида Бобур Элмурод ижодига баҳо берилиб, муаллиф ўзининг шеърийат ҳақидаги қарашларини баён этади. Мақолада шеър композицияси, структураси, стилистикаси ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Аммо Бобурнинг шеърларида учрайдиган баёнчилик, воқеабандликни пайқаб қолиб, бу ҳодисани айбга йўяди. Хусан айтаётган ўша шеърийатдаги воқеалар ривожини, нафақат, шеърийат балки барча адабий турлар учун ҳам зарур. Абдулла Ориповнинг “Тулки фалсафаси”, Эркин Воҳидовнинг “Донишқишлоқ латифалари”, айниқса ҳазрат Навоий дostonлари полотносида воқеабандлик муҳим аҳамият касб этадики, Бобур Элмурод улардан баҳраманд бўлмаган бўлса. Муаллиф танқид остига олаётган “Кураш”, “Танга”, “Фил фалсафаси” каби шеърлари Бобурнинг номини ижтимоий тармоқда танитиб улгурди. Хусан Мақсуднинг яхши шоирлиги рост. Аммо поэзиядаги асосий элементни чиқитга чиқариб тўрт саҳифали мактуб ёзиши қанчалик тўғри?

Фаррух Жабборов “Маликаи Айёр”да ҳаёт дарахти” (Шарқ юлдузи. 2017 йил, 11-сон.) мақоласида эса, “Ҳаёт дарахти”нинг “Маликаи Айёр” дostonида қай даражада мотивацияга эга эканлиги иқтибослар билан исботлашга интилган. Дostonда халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараши, тафаккури ва олам ҳақидаги тасавурлари акс этганини фольклоризм нуқтаи назаридан текширади. Бундан ташқари, “Маликаи Айёр”ни “Оға Юнуснинг олиб қочилиши” дostonи билан аналогик талқин этади.

Ильёс Исмоилов “Искандар девори” (Шарқ юлдузи. 2017 йил, 11-сон.) мақоласида Искандар деворини бадий адабиёт контекстида текширади. Муаллиф фикрини асослаш учун Рабғузий, Беруний, Навоий, Фирдавсий, Ибн Касир, Табарий, Муҳаммад Ҳамдий, Замахшарий, Абу Сунд, Қози Байзовий, Ибн Халдун, Абул Фидо, Хусрав, Низомий, Жомий, Абдибек Шерозий, Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуфларнинг қарашларини аналогик шарҳлайди. Муаллиф мақсад қилган Искандар девори талқинларини мақола синтаксисидида бир умумий умумлашмага келтириб, янги фикр айтишга ҳаракат қилган.

Комилжон Ҳамроевнинг “Ҳикоя жанрида “илк учрашув”, “айрилиқ”, “висол” мотиви” (Ўзбекистон матбуоти. 2017 йил, 6-сон) мақоласида XX аср ўзбек хикояларида муҳаббат мавзусининг ёритилиши ўрганилган. Ишқ-муҳаббат мавзусига оид асар сюжетларининг типологик ва ўзига хос кўринишлари талқин қилинган. Тоғай Мурод,

Хайриддин Султон, Назар Эшонкул, Мурод Муҳаммад Дўст, Олим Отахон каби ижодкорларнинг ҳикоялари мисолида ошиқ ва маъшуқа руҳиятидаги ўзгаришлар табиат тасвири фонида кўрсатилиши таҳлил қилинган. Бундан ташқари муҳаббат мавзусидаги ҳикояларда айрилиқ ва учрашув мотивларининг поэтик хусусияти кенг ёритилган. У “мазкур ҳикояларда... бу туйғу ибтидодан интихогача абадий ҳаётга дахлдорлиги билан типик характерга эга бўлса, ҳар бир ижодкор юрагида янгиланиб бадият оламида турфа хил жиолар билан поэтик маъно касб этади” деган хулосага келади.

Урал Норматовнинг “Алпомиш” дostonи вариантларида Қоражон ва етакчи образлар муносабати” (Ўзбекистон матбуоти. 2017 йил, 2-сон) мақоласи “Алпомиш” дostonи вариантларини қиёсий аспектда ўрганиш эпоснинг минг йиллик тарихида эришган ютуқларини аниқлаш имконини беради. Дoston вариантларини “Гилгамиш”, “Рама-яна” каби жаҳон эпослари билан қиёслаб уларнинг муштарак ва айро жиҳатларини кўрсатган. Урал дostonга илмий ёндашиб “Қоражон образи “Алпомиш” дostonи вариантларида икки хил характер касб этади. 1. Қоражон дўст образи сифатида гавдалантирилган вариантлар; 2. Қоражон рақиб образи сифатида ёритилган вариантлар”, дейди. Ушбу мақолада баъзи олимлар фикрига қўшилса, баъзиларига эътироз билдиради.

Лайло Ҳайитованинг “Аҳмад Аъзамнинг адабий-эстетик қарашлари” (Ўзбекистон матбуоти. 2017 йил, 2-сон) мақоласида “Масъул сўз”даги айрим мақолалар, “Маънавий таҳдид шарпаси”, “Адабий асар – тил ходисаси”, “Тил номуси” каби асар ва мақолаларини аналогик таҳлил қилиб фикрини шундай ифодалайди: “у ҳар бир камчилик ҳақида сўзларкан ҳеч қачон четдан сабаб қидирмайди, ўзининг таъбири билан айтсак, ҳар бир адабий муаммонинг сопини ўзидан чиқариб кўя қолади”. Лайлонинг баён услубида Аҳмад Аъзам руҳияти устунлик қилса-да, бу мақолада қўйилган муаммога таъсир этмайди.

Фаррух Бафоевнинг “Ўзбек ва немис мақолларининг қиёсий таҳлили” (Ўзбек тили ва адабиёти. 2017 йил, 3-сон) мақоласида икки тил мақоллари тематикаси, бадиятидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мисоллар орқали ўзаро қиёсланган. Турли халқлар ижодида мавжуд бўлган бир хил мазмундаги мақолларнинг пайдо бўлиш сабаблари илмий далиллар билан изоҳланган. Фаррух ўзининг илмий қарашлари ишонарли бўлиши учун жаҳон сиёсатчилари Бенямин Франклин, Оскар Уайльд; драматург ва масалчилар: Софокл, Жан-Пиер Флорианлар ижоди ва илмий қарашларидан иқтибослар олади.

Зилола Эшонованинг илмий ахборот рунки билан “Ўзбек халқ дostonларида тоғ образи” (Ўзбек тили ва адабиёти. 2017 йил, 1-сон) мақоласида ўзбек халқ дostonлари таркибида келувчи мифологик қарашлар асосида шаклланган тоғ образининг бадий талқинларини “Гўрўғли”, “Алпомиш”, “Юнус пари”, “Маликаи айёр”, “Алибек ва Болибек”, “Гулшанбоғ”, “Машриқо”, “Нурали” каби дostonлар мисолида ёритиб беришга ҳаракат қилган. Тоғ образи халқ дostonлари композициясида синов, шарт ва ўзга юртга сафар мотивлари билан бир сюжет ҳалқасида келади. Янаям тоғ образи макон нуқтаи назаридан текширилиб фольклоршунослар Шомирза Турдимов, Маматқул Жўраев, Жаббор Эшонқуловлар қарашлари билан текширилади.

Феруза Ражабованинг (Ўзбек тили ва адабиёти. 2017 йил, 1-сон) “Тун сўзининг бадий матндаги рамзий талқинлари” мақоласида Назар Эшонкул асарларидаги “тун” сўзи рамзий талқинларининг асар мазмуни ва бадиятидаги ўрни ёритилади. Умуман тун сўзининг рамзий маънолари матн талқинида тасвир ва ифода тизимида муҳим бадий ва услубий вазифа бажаришини “Тун панжаралари”, “Очилмаган эшик”, “Қора китоб”, “Озод қушлар” асарларига бағишланган таҳлилларда кўрсатиб беради. У мақолада авторинтерпритация усулидан фойдаланиб Туннинг қахрамон изоҳидаги мажозий маъно қирраларини 15 та мисол орқали таҳлил этади. Маҳбуба Темурова “Ўзбек қирғиз мақолларининг типологик хусусиятлари” (Ўзбек тили ва адабиёти).

2017 йил, 1-сон) мақоласи ўзбек қирғиз мақолларининг генетик яратилиши, бадийлиги, мазмун-моҳиятидаги хулосаларнинг ўзоро муштараклигини кўрсатиб берган.

Искандар Ибрагимовнинг “Жалолиддин Мангуберди образининг бадий талқинлари” (Ўзбек тили ва адабиёти. 2017 йил, 2-сон) мақоласида Эркин Самандар асарларидаги Жалолиддин Мангуберди образи “Хоразм фарзандиман”, “Олис нидолар”, “Хива”, “Она ва ўғил”, “Сен Хоразм маликасисан”, “Ёт хужра”, “Султон Жалолиддин” асарлари мисолида таҳлилга тортилади. Муаллиф тарихий сиймо тийнатиға назар ташлар экан, унинг ҳаёти ва фаолиятининг характерли жиҳатларини умумлаштиришга интилади.

Мунис Жўраева “Қизил гулинг бўлойин” (Ёшлик. 2017 йил, 3-сон) мақоласида гул сайиллари топонимикаси, яъни республикамиз қайси вилоятларида қандай номланиши, хусусан, “Қизил гул” сайлининг генезиси ҳақида фольклоршунослик нуқтаи назаридан ажойиб қарашларини баён этган. “Адабий гурунлар” руқни билан Барно Ҳасанованинг ёзувчи Эркин Аъзам билан “Танти кўнглининг ўқинчлари” (Ёшлик. 2017 йил, 3-сон) суҳбати акс этган. Унда элимизнинг ардокли фарзанди Асқад Мухторнинг бадий адабиётимизга қўшган ҳиссаси ва китобларининг қайта нашрлари хусусида мулоҳазалари баён этилган. Яна Содиқ Норбоннинг “Кўнглим кўшқиди кўхлик кўхинуру” (Ёшлик. 2017 йил, 9-сон) мақоласида “Ташриф”, “Йўғлаётган ой”, “Сиз менга кераксиз” каби шеърый китоблари билан танилган Сирожиддин Рауф ижоди таҳлилга тортилади. Айниқса, сарлавҳадаги шеър илмий асослар билан бадий таҳлилга тортилган.

Бобо Равшаннинг “Шом ва тонг орасида” қиссасини ўқиб Отабек Сафаровнинг “Аламдан яралган асар” мақоласи (Ёшлик. 2017 йил, 9-сон) ёзилган. Муаллиф асар ҳақида “...асардаги бош ғоя мана шу – миллатни миллат қилиб турувчи кадрятларнинг бой берилиши ва унинг аччиқ оқибатлари” дея қарашларини изҳор этади. Шу билан бирга “...аммо тасвирлаш эмас, тафсилотга берилгани учун айрим ўринларда асарнинг таъсир кучи сусайган”лигини қайд этади асарнинг қисқача таҳлилида. Отабек қисқа таҳлил орқали асар ҳақида умумий тушунча бера олган.

Ёзувчи Анвар Суюннинг Олим Жумабойнинг “Уй” қиссасини ўқиб ёзган “Ўзимизнинг гаплар” мақоласи (Ёшлик. 2017 йил, 10-сон) эълон қилинган. Муаллиф мақолада “Уй” қиссаси ҳақида тушунча ҳосил қилади ва қисса ҳақида илмий-назарий ва таҳлилий-танқидий мулоҳазаларини ҳам синчи кўзи билан кузатиб хулосаларини айтган. Анвар Суюн ёзувчи, битикларида пейзажни қойилмақом, ўрни билан қўллаиди. У “Уй”ни кўз югуртириб ўқимаиди. Муаллифнинг баъзи битикларидан суюнса, баъзилари ҳақидаги мулоҳазаларини ҳам яшириб ўтирмаиди. Муаллифнинг аждодларимизнинг оғиздан-оғизга ўтиб келаётган камёб иборалари ҳақида ҳам жўяли фикр айтади. Асарнинг бадий қиёфаси: “...инсон деб аталмиш муборак зотнинг бойлик илинжидаги пасткашлиklarини фош этгани билан аҳамиятли”, деб асарнинг бадий руҳи ҳақида ёзади. Яна “...аслини олганда булар бари ўзимизнинг гаплар. Ҳар кунни ёки кунора билиб-билмай, сезиб-сезмай ишлатадиган жумлаларимиз. “Уй”да бу каби оҳорли, ҳали бадий адабиётда ишлатилмаган сўз ва иборалар сероб”лигини айтиб ўтади.

Суҳроб Зиё “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида нашр этилган тўпламлар ҳақида “Бу шеърлар эртадир, бу шеърлар – тақдир”, “Юрагимни ёзаоламан”, “Тинглайлик юлдузлар шивирин”, “Анорлар кўксини ёриб боради” каби мақолалари (Ёшлик. 2017 йил, 10-сон) орқали айрим олқиш ва мулоҳазаларини айтиб ўтади. Ёш тадқиқотчи ушбу мақолалари орқали Дилмурод Дўст, Шохиста Эргашева, Ҳумоюн Кувондиқов, Шоҳсанам Нишоноваларнинг шеърларига муносабат билдиради. Тўғриси, Дилмурод Дўстнинг шеърияти гўзал шеърят. У поэзияда фалсафий эстетик тутумлари билан из қолдирыпти. Бу ҳақда Суҳроб Зиё шундай ёзади: “кўксидидаги қушининг аччиқ энтиқишига йўғрилган, ўйчан ҳақиқатлардан сайраши сўз қушлари

ошёнида янги навозанданинг пайдо бўлаётганидан хабар бермоқда”. Дилмуроднинг шеърлари бадий юки ва салмоғи билан ҳам адабиёт муҳиблари кўнглини забт этапти. Шохистанинг “Ўн саккизм” тўпламидаги “Танишув”, “Кўғирчоқ”, “Хонадон” каби шеърлари ҳақида ёзиб, бу шеърлар қаърида яширинган инжа дурларни топади. Сухроб Хумоюннинг ижодини “Биринчи китоб”лар ичида ноёб ходиса деб қараб, аруз вазнидаги шеърлар фақат шунда учрашини эслатиб ўтади. Шохсанамнинг “Икром” шеъри таҳлилани ҳам ажойиб амалга оширган. “Қува томонларда мени соғиниб, Анорлар кўксини ёриб боради” – Қуванинг ўша машҳур анорлари бир кизнинг йўлига кўз тикавериби, соғинчдан кўкси ёрилиб кетишини метафорик қиёслар билан изоҳлайди. Сухроб ёш шоир ва шоираларнинг шеърларини талқин этади ва уларнинг хаёл дунёсига кириб боради. Ҳислари билан ҳисоблашиб адабиёт хазинасига “бир чимдим тилла” билан қайтади. Мунира Йўлчибоева эса, “Сўзни товлантираётган шоир” (Шарқ юлдузи. 2017 йил, 8- сон) мақоласига адабиётшунослик нуқтаи назаридан ёндашган. Унда ишлатган ҳар бир диалектик истилоҳнинг генезиси билан кизиқади ва маъносига ойдинлик киритиб, шеърларни бадий таҳлилга тортади. У Икром Отамуроднинг ўйноқи сатрларини товлантиради, керак бўлса, табдил қилади. Охир мақолага қўйилган масаланинг ечимини топади ва синчиларга хос: “сўзни тушунарли ёки тушунарсиз дея саралаш адабиётшуносларнинг иши эмас” дейди.


“Тилларда раҳмон-у, дилларда шайтон, / Покликдан ривоят келтирар найранг...” сатрларига боғланган шеърнинг моҳиятига етади ва ўзининг таҳлил услубини намоён этади. У Икром Отамурод шеърятини назарий қоидалар асосида текширади ва ўзи учун шоир бадий оламини кашф этади.

Севинчой Ёқубованинг “Туйғулар самимияти” мақоласи (Шарқ юлдузи. 2017 йил, 8-сон) ижодий кенгашдаги маърузаси бўлиб, унда болалар адабиётининг инжа сирларидан бизни воқиф этишга ҳаракат қилади. Мақолада бир гуруҳ ёзувчи шоирларнинг асарлари ҳақида маълумот беради. Унга кўра Шарифа Салимованинг “Ҳайвонот оламига саёҳат”, Дилшод Ражабнинг “Бахши бола – яхши бола”, Набижон Эрматнинг “100 топишмоқ ва тезайтишлар”, Набижон Қодировнинг “Дўппи кийган болалар”, Фахриддин Ҳайитнинг “Шоколагли туш”, Нуруллоҳ Остоннинг “Чучмомога хат” китобларини таҳлилга тортиб, китобларнинг барчаси ҳақида умумлашма қарашларини баён этади.

Миროлимбек Ҳамидов “Машраб” дostonида тарихий ҳақиқат ва бадий тўқима” (Ўзбек тили ва адабиёти. 2017 йил, 3-сон) мақоласида дoston сюжети, композицияси, банд тизими, ифода усул ва воситалари таҳлил этилиб шоирнинг бадий маҳорати ёритиб берилган. Яна бир гуруҳ олимлар: Хусрав Ҳамидов “Маснавий Маънавий”да ҳикоят ичида ҳикоят услуби” (Ўзбек тили ва адабиёти. 2017 йил, 3-сон), Саида Максумова “Эркин Воҳидов асарларидаги мақолларнинг услубий хусусиятлари” (Ўзбек тили ва адабиёти. 2017 йил, 3-сон), Тоҳир Хўжаевнинг “Маҳбуб ул-қулуб”даги олтинчи танбеҳ” (Ўзбек тили ва адабиёти. 2017 йил, 4-сон), Мафтуна Холованинг “Аньана бағридаги янгилик” (Ўзбек тили ва адабиёти. 2017 йил, 5-сон), Ильёс Исмоиловнинг “Навоий ижодида Искандар ва оби ҳаёт” (Ўзбек тили ва адабиёти. 2017 йил, 5-сон) ва “Искандария кўзгуси тилсими” (FLEDU.uz. 2017 йил, 5-сон) каби илмий ва танқидий мақолалари эълон қилинган.

Ёшларнинг 2017 йилда эълон қилинган мақолаларини ўқиб қуйидаги хулосаларга келинди. Уларда: биринчидан, илмий ахборот тарзи устунлик қилади; иккинчидан, тадқиқотчилик услуби яққол сезилади; учинчидан, муаммога танқидий ёндашиш меъёрида; тўртинчидан, манбалар билан ишлаш кўникмаси кучли.

Хуллас, адабий-танқид соҳаси бўйича босилиб чиқаётган илмий-адабий, танқидий мақолалар ҳозирги ўзбек ёшларининг илмий-эстетик тафаккури дарёси мавжланиб оқаётганлигинидан дарак беради.



Юсуф ХАМДАМОВ

ЗАМОН ҚАҲРАМОНИ ОБРАЗИ

Кейинги бир ярим, икки йил ичида мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, шунингдек, одамларимиз онги ва тафаккури, дунёқарашида жуда катта ўзгаришлар рўй бераётганининг ҳар бир жабҳада гувоҳи бўлиб турибмиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев бошчилигида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳаларда кенг миқёсдаги ислохотлар амалга оширилмоқдаки, бу муҳим омиллар аҳоли турмуш даражаси ҳамда фаровонлигини оширишга хизмат қиляпти. Тез суръатларда барча соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар, уларнинг мазмун-моҳиятини оммага аниқ, тушунарли тарзда етказиб беришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти жуда катта бўляпти десак, ҳеч бир муболаға бўлмайди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувда адибларимизни мамлакатимиз турли ҳудудларидаги улкан юксалишларни амалга ошираётган замонамиз қаҳрамонлари тўғрисида асарлар яратишга даъват қилган эди. "...Бундай бунёдкорлик ишлари мен ўйлайманки, ҳар қандай ижодкор учун илҳом манбаи бўлиб, янги асарлар учун мавзу бўлиб хизмат қилиши мумкин. Замонамизнинг ҳақиқий қаҳрамонлари бўлган мана шундай курувчи ва муҳандислар, дала заҳматқашлари ҳақида, жонкуяр муаллим ва шифокорларимиз, жасур ҳарбийларимиз, навқирон ёшларимиз эришаётган ютуқ ва марралар ҳақида сизлар ёзмасангиз, Ватанимиз тарихининг бадий солномасини сиз яратмасангиз, ким яратади?"

Ўтган 2017 йилги марказий газеталар саҳифаларида босилиб чиққан турли жанрлардаги материаллар билан танишганимизда, юқорида айтиб ўтилган вазифалар ижроси ҳақида имкон даражасида ёритиб борилгани, таҳририятларда хизмат қиляётган журналистларнинг ижодларида ҳам озми-кўпми, ижобий силжишлар бўлганлиги кўзга ташланди.

Айтилганлар тадқиқотимиз объекти бўлган "Халқ сўзи", "Маърифат", "Ўзбекистон адабиёти ва санъати", "Хуррият", "Туркистон" ("Ёшлар овози"), "Китоб дунёси", "Адолат", "Миллий тикланиш", "Туркистон" каби газеталарда кузатилди.

Юсуф ХАМДАМОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1954 йилда туғилган. М. В. Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. Республика ва хориж матбуотларида журналистика назарияси муаммоларига оид кўплаб мақолалари босилган. "Замон ва мезон", "Тараққиёт мезони" монографиялари чоп этилган.

Кейинги йилларда марказий газеталарда босилиб чиқаётган очерклар тахлили шуни кўрсатаптики, муаллифлар янги давр қаҳрамонларининг жамиятдаги ўрни, характери, иш тажрибаларини батафсил, атрофлича ўрганаётганликлари, уларнинг феъл-атвори, жамоадаги мавқеи, тажрибаси, ён-атрофдагилари билан муносабатларини атрофлича очиб беришда тил воситаларидан унумли фойдаланаётганликлари, бу жиддий, масъулиятли жанр устида ишлашда анча масъулият билан ёндашаётганликлари кузатилмоқда. Айтиш керакки, бугунги қаҳрамон образини яратиш, унинг серкирра фаолиятини очиб бериш, шунингдек, ўқувчига ҳар томонлама мукамал, кўпчиликка намуна бўладиган, ишончли ва ўзига хос тарзда кўрсатиб берилишида муаллифнинг ўтқир, сержило тили ҳамда ўзига хос услуби муҳим ўрин тутди.

Таникли болалар шоири Анвар Обиджон қаҳрамонлари характери ва иш жараёнларини чуқур ўрганган ҳолда ўзига хос, маҳорат билан ёзилган очерклари билан ҳам ўқувчиларга яхши танилган. Масалан, муаллифнинг “Фидойилик” (“Халқ сўзи”, 2017 йил 14 октябрь) очеркини иборали қилиб айтганда, кўз узмасдан, бир нафасда ўқиладиган, ўзига хос тарзда ёзилган очерклар сирасига киритиш мумкин. Очерк қаҳрамони – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими, “Эл-юрт ҳурмати” ордени соҳиби, аёл боши билан неча йиллардан буён Марказий Фарғонанинг қумлоқ ерларида деҳқончилик қилиб, хўжаликни республикада тилга тушган жамоага айлантира олган фермер Лолахон Муродова. Муаллиф қаҳрамонини баъзи очеркнависларга ўхшаб узундан-узок сўзлар билан таърифлаб, қўлга киритган ютуқларини бирма-бир санаб ўтиб, ҳисобот шаклидаги қатор рақамларни келтирган ҳолда, унинг шаънига мадҳу санолар ўқиб ўтирмайди. Очеркда келтирилган мана бу сатрларни ўқиган ҳар қандай ўқувчи кўз ўнгида қаҳрамон бор бўйича гавдаланади десак, муболага қилмаган бўламиз: “Жазирама куёш таъсирида бошидаги рўмолининг гуллари унникиб, қўллари тугул ёноқлари ҳам пўрсиллоқлана бошлаган бу аёлга зимдан тикиларканман, миямда ўз-ўзидан шеърий сатрлар потрана бошлайди”. Бу ерда муаллиф меҳнаткаш, қўли қадок, ёзда ҳам, кишда ҳам фақат жоноҳон, кадрдон далазини соғиниб яшайдиган қаҳрамонини ўқувчи кўз олдида янада ёркинрок, аниқроқ тарзда келтириш ва таъсирчанликни ошириш мақсадида “пўрсиллоқлана бошлади”, “шеърий сатрлар потрана бошлайди” сўзларидан ўзига хос ҳолда фойдаланган. Бу сўзларни тажрибали ижодкорнинг топилмаси ҳам дейиш мумкин.

Адабий асар ёки публицистиканинг бирон-бир жанрида ёзилган материалми, унинг жон озиғи, аввало, тилдир. Шунингдек, бадий публицистиканинг ёркин намунаси бўлган очеркнинг ҳам маҳоратли журналист томонидан маромига етказилган ҳолда тайёрланиши ва ўқувчилари томонидан яхши қабул қилиниши кўп жиҳатдан унинг тили ҳамда услубига боғлиқ.

Халқ зиёлилари газетаси “Маърифат” муҳбири Райхон Хўжаеванинг “Дилором Мамашарипова: “Ўқувчиларим қадамимдан танийди” (“Маърифат”, 2017 йил, 1 январь) сарлавҳаси остида босилган очеркида Оқдарё туманидаги 45-ИДУМнинг математика ва информатика фанлари ўқитувчиси, “Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси” Дилором Мамашарипованинг ҳаёт йўли, намунали педагогик фаолияти ҳақида хикоя қилинган.

Очерк қаҳрамони доимо ўз устида ишлайди, у ўқувчиларга сабоқ бериш билан бирга, илмий изланишлар олиб бориб, ўқув қўлланмалари яратади.

Муаллифнинг ёзишича, Д. Мамашарипованинг “Адолат” СДПнинг аъзоси сифатида олиб бораётган ишлари ҳам мақтовга сазовор ва у ана шу фаоллиги боис, “Партиянинг оқила аёли” деб номланган танловнинг туман босқичида фахрли 1-ўринни эгаллаган.

Очеркда мохир педагогнинг ўқувчилар билан дарс ўтиш услуби, интерфаоллик жиҳатлари ҳақида ҳам атрофлича айтиб ўтилганки, булар ёш педагогларга жуда яхши сабоқ бўла олади. Тажрибали, жонкуяр педагогнинг ҳаёт йўли ўзига хос тарзда баён этиб берилган. Газетанинг бир саҳифасини тўлиқ эгаллаган очеркда “Ҳавас”, “Мамашариповадек бўламан”, “Энг билимдон аёл”, “Ўқитувчи бўлиш бунча яхши экан”, “Кўтаринки руҳда ўтилган дарснинг самараси катта” сарлавҳалари жой олганки, булар ўқувчи эътиборини ўзига тортиб, ўқишга ундайди.

Шу газета саҳифасида босилган яна бир – журналист Исҳоқ Исмоиловнинг каламига мансуб “Лида чеча” сарлавҳаси остида босилган портрет очерк ҳам (“Маърифат”, 2017 йил, 8 апрель) чуқур мушоҳада билан ёзилгани, сермазмунлиги ва ёш оилаларга намуна бўла олиши билан алоҳида аҳамият касб этади. Очеркда ўзбек йигити Мамарайим ва украин қизининг ажойиб тақдирлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Табиатан хушчакчақ Лида яхши-ёмон гапларни кулги билан енгади. Ёзиб олиб, ўзбекча таомлар пишириш, хамирли овқат қилишни, тандирга ўтин қалаб, нон ёпишни ўрганади. Мол-ҳолга аралашади, кўча супуради. Ёзкечув даштига бориб, бугдой ўради, пахта далаларида илғор теримчи бўлади. Мукофотлар олади, тил ўрганади. Ичингиздан “тасанно!”, дейсиз – Лида мохир каштачига айланади.

Журналист Бобур Элмуродовнинг “Ўзимизнинг Ҳақимбой” сарлавҳаси остида босилган очеркида эса, (“Маърифат”, 2017 йил, 31 май) иқтидорли математик Ҳақимбой Эгамбергановнинг ҳали ёш бўлса-да, синовлардан иборат ҳаёти ва мақташга арзигулик ютуқлари ҳақида ёзилган.

Очеркда ёш математик Ҳақимбой Эгамбергановнинг соҳада эришган ютуқлари ҳақида ички эҳтирос билан ёзилган. Яъни, Ҳақимбой 2014 йил республика академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчилари ўртасидаги фан олимпиадасида 1-ўринни олиб, Ўзбекистон Миллий университети механика-математика факультетига имтиёз асосида қабул қилинади.

Иқтидорли ёш математик Халқаро олимпиадаларда қатнаша бошлайди. Қозоғистондаги олимпиадада 200 иштирокчи қатнашади. Ҳақимбой кўпчилик четлаб ўтган мисолни бор билим ва салоҳиятини ишга солган ҳолда ечади. Ўша мисолнинг муаллифи арманистонлик математик Наири Содракян эди. У Ҳақимбойнинг ақл бовар қилмас усулини кўриб, максимал балл кўяди. Шу усул Ҳақимбойга олтин медаль келтиради. Ўшанда ушбу масалани 200 ўқувчидан олтитасигина еча олган, кизиги, қолган беш қатнашчининг бари бир хил, коидаса бўйича ечим кўрсатган.

2015 йилнинг август ойи. Болгариянинг Благоевград шаҳрида талабалар ўртасида математика бўйича 22-Халқаро олимпиада бўлиб ўтади. Икки кун давомида ўнта масала ечилади. Иккинчи куни 3-масала ечимига Ҳақимбойга “0” балл кўйишади. Масалага ойдinлик киритиш учун апелляция комиссиясига мурожаат қилишади. Олдинига комиссия бунга унамайди, икки соат давом этган баҳс-мунозаралардан кейин эса, ҳалол курашган Ҳақимбой 8 баллни “тортиб” олади. Натижа – Олтин медаль!

Очеркда математика фанининг серкирралиги, унинг амалиёт билан боғлиқ жиҳатлари ҳақида жуда қизиқарли, кишини ўзига тортадиган тарзда ёзилганки, бу омиллар ўқувчига фанга нисбатан қизиқиш уйғотиши, қанчалаб ёшларнинг математиканинг сирли оламига саёҳат қилишга ундаши табиий. Ҳаётда, ишда, ўқишда кўпчиликка намуна бўла оладиган, ўқувчи эътиборини тортадиган замонамиз қаҳрамонлари образи ўзига хос тарзда акс этган очеркларни яратишдан мақсад ҳам, аслида – шу.

Мархум адиб Мирпўлат Мирзониинг “Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмаси йўлнамаси билан” рукни остида босилган “Орзулари юксак инсон” очеркида (“Хуррият”, 2017 йил, 28 июнь) Самарқанд туманидаги “Истиклол шуъласи” фермер хўжалигида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳақида ёзилган. Очеркда хўжалик раҳбари Бахтиёр Одилов тажрибали, тадбиркор, ўз ишининг устаси, узқни кўзлаб иш тутадиган фермер сифатида таърифланган.

Очеркда давлатимиз, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлар учун яратилган шароит, берилаётган имкониятлардан қандай самарали фойдаланилаётганлиги “Истиклол шуъласи” фермер хўжалиги мисолида кўрсатиб берилган. Очерк билан танишган ўқувчи муаллифнинг фермер хўжалигида бўлгани, ишчилар, хизматчилар билан мулоқотда бўлиб, олиб борилаётган катта ҳажмдаги ишлар, яратилган барча шарт-шароитларнинг жонли гувоҳи бўлиб, диққат билан ўрганган ҳолда, обдон таҳлил қилганлигига амин бўлади. Мазкур очеркни портрет очеркнинг бир намунаси сифатида қабул қилиш мумкин.

“Туркистон” муҳбири Миролим Исажоновнинг “Сенинг тенгдошинг” рукни остида босилган “Қаъий ирода – ғалабалар омили” (“Туркистон”, 2017 йил, 22 февраль) сарлавҳали лавҳа қаҳрамони – Фирдавс Мусаев. Фирдавс Андижон Олимпия захиралари коллежида маҳоратли мураббийлар Нодир Абдуллаев ва Кирилл Есениновнинг кўлида машқ қилиб, дастлаб вилоятда юқори натижаларга эришади.

Лавҳада Фирдавснинг 2015 йил Сингапурда бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида кучли бешликдан жой олгани, бир йил ўтиб, Польша очик чемпионатида иштирок этган ҳамюртимиз шоҳсупанинг юқори поғонасини банд этганлиги ҳақида мароқ билан ёзилган.

У 2016 йилнинг 7–18 сентябрь кунлари Рио-де-Жанейро шахрида бўлиб ўтган XV ёзги Паралимпия ўйинларида 100 метрга брасс усулида сузиш баҳсларида 1 дақиқа-ю 04.94 сония натижа кўрсатиб, Паралимпия ўйинларининг олтин медаль соҳиби бўлди.

Лавҳа шуниси билан диққатга молиқки, қаҳрамон доимо олдинга интилиб, кучли ирода билан яшайди, ҳамма вақт юқори натижаларга эришсам деб, ўз устида ишлайди, астойдил ҳаракат қилади. Албатта, меҳнатлари самарасиз кетмайди. Орзу-ниятларига эришади ҳам.

Ўтган йили газеталар саҳифаларидан жой олиб, ўқувчиларига манзур бўлган очерклар сирасига яна қуйидаги – Х.Файзиёвнинг “Йилнинг энг яхши актёри” (“Хуррият”, 2017 йил, 8 март), С. Умировнинг “Чанги ва донғи чиққан ёлғиз от” (“Хуррият”, 2017 йил, 19 апрель), З. Мўминованинг “Фермер қуйлаган қўшиқ” (“Хуррият”, 2017 йил, 18, 25 октябрь) очеркларини киритиш мумкин.

Мавзуга яқун ясайдиган бўлсак, кузатиш ва таҳлиллардан шулар маълум бўлдики, ўтган йили марказий газеталарда босилган турли жанрлардаги материалларда сифат даражаси бир мунча ошди, даврий нашрларда таҳлилий, танқидий материаллар кўзга ташлана бошлади. Яна бир муҳим жиҳат, газеталарда жамоатчиликнинг, оддий одамларнинг фикрлари ҳам ўз ифодасини топаётганлиги қувонарли ҳолдир. Булар яхши, албатта.

Аммо кузатишлардан яна шулар маълум бўлдики, газеталарда босилган материалларда таҳлилнинг анча бўшлиги, муаллифнинг баёнчиликка берилиб кетиш ҳоллари сезилади. Баъзи лавҳа ёки очерклар эса ўқувчида бир қолипдан тушгандек таассурот қолдиради. Деярли барча очеркларда қаҳрамоннинг ҳаётдаги ўрни, унинг босиб ўтган йўли, қилган ишлари, қўлга киритган ютуқлари бир хил таснифланади – қаҳрамон ёшлигидан шу касбни севган, унга фалончи устози йўл кўрсатган, ун-

дан кейин шунча шогирд тайёрлаган ва хоказо. Яна, аксарият очерк ва лавҳаларда қаҳрамон ҳар доим яхши кайфиятда юради, хушчақчақ ҳолатда тасвирланади: унга ҳеч бир монелик қилинмайди, иборали қилиб айтганда, ҳеч бир қийинчиликсиз, тўсиқларсиз ютуқларга эришади, унинг ҳаётда доимо ошиғи олчи, омади чошган, бахтли инсон. Қаҳрамоннинг босиб ўтган ҳаёт йўлининг ҳар доим ҳам бир текис ва силлиқ кечмаганлиги, юксак натижаларга эришиши учун қандай қийинчиликларга дуч келгани, иш жараёнида баъзан қаршиликлар ҳам бўлгани ёки кимлар биландир зиддиятли ҳолатлар юз бергани кабилар ҳақида деярли ёзилмайди.

Юқорида айтилганлар – шахсий фикрларимиз ва кузатувларимизнинг маҳсули. Тан олиш лозим, ўзбек журналистикаси жуда катта куч, салоҳият ва имкониятларга эга. Орамизда қалами чархланган, сўзи ўткир фидойи ижодкорлар, тажрибали журналистлар жуда кўп. Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида янги давр бошланиб, янгича фикрлашга йўл очилди. Кўриб, гувоҳи бўлиб турибмиз, ижодкорларга шахсан Президент, ҳукумат томонидан катта шароитлар яратилиб, кенг имкониятлар берилмоқда. Ана шуларни ҳис этган ҳолда, одамларнинг дарду ташвиш, муаммоларини ўрганиб, янгича, ҳаққоний тарзда, мазмунли, сифатли ва таъсирчан ижод маҳсулларини ўқувчиларга манзур қила олсак, ҳамманинг кўнглидаги иш бўлур эди.

РЕЗЮМЕ

Мақолада республикамиз марказий газеталарида 2017 йил давомида босилиб чиққан очерк ва лавҳалар атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, таниқли адиб ва журналистларнинг замонамиз қаҳрамонлари образини яратиш борасида олиб бораётган ижодий изланишлари ҳам ҳозирги давр билан боғланган тарзда кўрсатиб берилган.

В статье тщательно проанализированы очерки и зарисовки, которые были опубликованы в центральных газетах республики за 2017 год. А также показано то, какую творческую работу ведут известные писатели и журналисты по созданию образа героя – современника.

In is article, essays and streamers printed during the 2017s in the (central) newspapers have been analyzed. Furthermore, celebrated dramatists and journalists who are carrying out creating heroes of our society related to current period have been shown in this article.

Гулзордаги гуллардан сўра



Мадина ВАҲОБОВА

* * *

Мен дарахтга ўхшагим келар,
Бўлгим келар чечакка сингил.
Қушлар опам бўлсин майлига,
Фироқларга кўниккан кўнгил.

Мағрур терак менинг акамдир,
Онам мажнунтолга ўхшайди.
Отам бағри шу кўм-кўк дала,
Менинг кўнглим унда яшайди.

Қалдирғочлар – кариндошларим,
Қўл силкийман, кўзларимда ёш.
Хайр, энди, азиз дўстларим,
Тилай оқ йўл, ўзимга бардош!

Кунгабоқар эгизагимдир,
Менинг каби талпинар нурга.
Оймоможон, ўхшайсан жуда
Тушларимда учраган хурга...

Шамолга мактуб

Сенга раҳмат, минг бор ташаккур,
Лекин, эшик очолмам, узр.
Тақиллатма. Йўкман, барибир,
Қалбим менинг узоклардадир...

Гулзордаги гуллардан сўра,
Улар мени яхши танишар.
Тонг саҳарда сайраган қушлар
Ҳовлимизга ҳар кун кўнишар.

Мадина ВАҲОБОВА – 1996 йилда туғилган. Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети учинчи босқич талабаси.

Дарахтларга салом айт мендан,
Соғинганман япроқларини.
Гуллар экиб арик лабида
Юмшатардим тупроқларини.

Шафтолининг кулча юзидан
Ўшиб қўйгин менинг учун ҳам.
Қулоғингга тақиб ол бир жуфт
Онажоним эккан гилосдан.

Сен борганда топа олмассан
Қалдирғоч – сурхдаҳонларимни.
Мендан кўпроқ онам соғинган
Қушлар қўнган айвонларимни.

Мени излаб борганинг чоғи
Бир ҳидлаб қўй райҳонларимни.
Тингла, улар сенга бирма-бир
Сўзлар орзу-армонларимни.

Дарахтлардан узоқ айрилдик,
Фирок ютиб қурибди ўрик.
Барглар тушиб, хазон бўлсада,
Онам эккан эзгулик тирик...

Сенга раҳмат, минг бор ташаккур,
Лекин, эшик очолмам, узр.
Қоқиб зулфин, сўрама мени,
Қалбим менинг узоклардадир...

Мадина Ваҳобованинг шеърларида ажиб сукунатни, айни пайтда, сукунат қаъридаги ажиб галаёни кўрасиз. Бу галаён қалбингизда мудроқ эзгу-туйгуларни уйғотади, атрофга, воқеа-ҳодисаларга теран, ибратли назар солишга ундайди. Асл шеърятнинг асл вазифаларидан бири ҳам ана шундадир. Умидли ижодкор Мадина Ваҳобовага асл шеърятнинг муборак манзили томон бораётган умиди бардавом бўлсин.

Абдумурод ТИЛАВОВ,
филология фанлари номзоди

ТАРЖИМОН ТАЙЁРЛАШДА ЎЗИГА ХОС ЁНДАШУВЛАР



Илҳом ТҶҲТАСИНОВ

Таржима икки тил ва маданият ўртасидаги “кўприк” ҳисобланади. Аслият матнида назарда тутилган фикр, ғоя ва ҳоказоларни таржима матнида аслиятда назарда тутилгандек ифодалаш улкан машаққатни талаб этса, таржимани амалга оширувчи шахс – таржимонни тайёрлаш ҳам бундан кам бўлмаган меҳнатни талаб этади.

“Узоқ вақт давомида таржимани ўқитиш усулларини яратиш шарт эмас, таржимон бўлишнинг, бу касбни “ичидан” билишнинг ўзи етарли, шунда бемалол талабаларга мазкур фаолият турини ўқитавериш мумкин, деб ҳисоблаб келинган. Сўнгги икки аср алмашинуви даврида муайян йўналишга ихтисослашган корхона, муассаса ва фирмалар таржимонларга кучли эҳтиёж сеза бошлаган пайтда таржима соҳаси изланувчилари ўқитишнинг методик усулларини ишлаб чиқиш зарурлигини англаб етишди ва натижада таржима дидактикаси бўйича бир қатор қизиқарли ишлар пайдо бўлди”¹.

Профессионал ўқитишнинг асосий мақсадлари жамиятнинг иқтисодий ва маданий ривожланиши билан боғлиқ ижтимоий буюртмаларга қараб белгиланади. Таржимон фаолиятини профессионаллаштириш ушбу касбга нисбатан қўйиладиган талабларни аниқлаб олиш заруратини шарт қилиб қўйди. Мураккаб ва кўп босқичли объект бўлган таржимон фаолияти маълум бир тизим ҳосил қилади. Мазкур тизимнинг ҳаётийлигини таъминлаб берувчи таржиманинг таркибий қисми бўлиб меҳнат субъекти – унинг барча бўлаклари ҳаракатлари ўртасида ўзаро узвийлик ҳосил қиладиган таржимон майдонга чиқади.

Таржимон ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириши учун профессионализм асосини ташкил қилувчи ва мазкур фаолият субъекти тавсифи, унинг билими, маҳорати ва профессионал жиҳатдан муҳим сифатларини қўриб чиқиш имконини берадиган ваколатли хусусиятга эга бўлиши лозим. Профессионал фаолиятга нисбатан қўлланиладиган “ваколатли” тушунчаси муомалага кирганига унча кўп вақт

¹ Алексеева И. С. Профессиональное обучение переводчика: Учебное пособие по устному и письменному переводу для переводчиков и преподавателей, СПб.: Союз, 2001. – 288 с.

Илҳом ТҶҲТАСИНОВ – филология фанлари номзоди, доцент. 1980 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллар университетини битирган. Етмишдан ортиқ илмий мақола ва тезислари журнал ва тўпламларда нашр этилган, учта ўқув қўлланма ва иккита сўзлашгич, битта монография муаллифи.

бўлгани йўқ. Узок вақт давомида профессионал шахсни тайёрлашга нисбатан фақат якуний талабларни ўзида акс эттирган “малака” терминидан фойдаланиб келинган. Иқтисоддаги тезкор ўзгаришлар, юқори малакали меҳнатдаги заруратлар, янги технологияларнинг пайдо бўлиши корхоналар раҳбарларини, асосан, ваколатли ходимларга, уларнинг тез мослаша олишига, ташаббускорлигига, ўқиш-ўрганишдаги қобилиятига суянишга мажбур қилмоқда. Кишининг ишни муваффақиятли бажариши учун зарур бўлган шахсий хислатлари йиғиндисини ўзида акс эттирувчи профессионализм тушунчаси зарур ваколатларни ривожлантириб борган ҳолда ана шундай ўзгаришларга қарши тура олиши билан боғлиқ.

Мазкур ёндашувга кўра, ўқитиш профессионал гуруҳ аъзоси сифатида фаолият кўрсатувчи таржимон шахсини шакллантиришга йўналтирилган бўлиши керак. Бунда ички ресурс – ваколатларни танлаш ва улардан фойдалана олиш таржимоннинг профессионал ваколатлилигидан дарак беради. Бу каби хусусиятлар инсоннинг бир тилдаги илмий ва техник ахборотларни (ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклдаги) тушунишга тайёрлиги, тушуниш қобилияти, аслият матни билан таржима матни орасидаги тафовутлар ва маданиятларни ҳисобга олган ҳолда бошқа бир тилда ифодадай олиш маҳоратига эга эканлиги билан белгиланади². Бу ваколатлилик маълум соҳадаги профессионал вазифаларни ҳал этишда, тегишли воситалар (ташқи ресурслар)дан фойдаланишда намоён бўлади ва таржимон-профессионалдан муайян шахсий профессионал сифатлар – ПМС (ички ресурслар)ни талаб қилади.

Таржимоннинг профессионал ваколати кенг кўламли, ўзида қатор жиҳатларни мумкин эътибор билан ўқолиқ ҳисобланади. У таржимоннинг профессионал коммуникация соҳасидаги фаолиятининг тўртта асосий томони (ўзаро маданий муносабатлар, таржимоннинг шахсий профессионал фаолияти, профессионал таржима муҳити ва профессионал шахсияти) билан боғлиқ бўлади. Шунга асосланиб, мазкур ваколатнинг куйидаги кўринишларини қайд этиш мумкин:

1. Маданиятлараро коммуникатив компетенция, яъни хорижий тилни тушунишга тайёрлик, тушуна олиш, таржима тилида оғзаки ёки ёзма шаклда ифодалаш ва дискурс кўринишидаги нутқий дастурларни (жамиятнинг ижтимоий ва маданий меъёрларига мос равишда) яратиш;

2. Махсус ваколат, яъни муайян соҳага оид матнни ўғирувчи шахс ишни профессионал даражада амалга оширишга тайёр бўлиши ва шундай қобилиятни касб этиши, таржимон томонидан пойдевор, предмет, дискурсив, ижтимоий-маданий, технологик ва стратегик унсурларни ўзида мужассам этган тегишли билим, маҳорат ва кўникмаларни эгаллаш;

3. Соҳага оид матнларни ўғирувчининг ижтимоий ваколати, профессионал фаолиятни, таржимонлик касбида қабул қилинган муносабатлар меъёрларига мос равишда амалга оширишга тайёр туриш ва амалга ошириш қобилиятига эга бўлиш, ўз меҳнати натижалари учун ижтимоий масъуллиқ касб этиш ва бошқалар;

4. Таржимоннинг шахсига оид ваколат, яъни мазкур фаолиятни бажариш учун лозим бўладиган муҳим шахсий профессионал сифатларга эга бўлиш.

Профессионал коммуникация соҳасидаги таржимон касби асосий касбга қўшимча касб ҳисобланади. Бу ҳолат талабада маълум бир илмий-техник соҳадаги ўзаро муносабатларга оид профессионал компетенция шаклланганлиги ёки шаклланиб келатганлигини билдиради. Изланувчиларнинг фикрича, илмий (бизнинг мисолимизда илмий-техник) матн фақат тегишли соҳа бўйича билимга эга бўлган мутахассислар-

² Гавриленко Н. Н. Программа-концепция подготовки переводчиков профессионально ориентированных текстов. Книга 3, М.: Научно-техническое общество имени академика С. И. Вавилова, 2011. – 122 с.

гагина тўлиқ ва аниқ тушунарли бўлиши мумкин. Шахснинг аввалги тажрибалари хотирада **декларатив** (объект, воқелик, факт ва ҳаққонийликлар) ва **процедур** (аниқ масалаларни ҳал этиш учун зарур бўлган, муайян мақсадга йўналтирилган ишлар йиғиндиси ҳақидаги маълумотлар) билимлар тарзида сақланиб қолади. Демак, таржимоннинг профессионал ваколати таржимон ҳаракатлари кетма-кетлиги ҳақидаги декларатив-назарий ва процедур билимлар ҳамда масалани ечишнинг умумлашган усулларини ўзида акс эттиради. Таржимага ўқитиш жараёнида талаба томонидан асосий мутахассислик бўйича олинган билимлардан уни мураккаб таржимонлик фаолиятига тайёрлаш жараёнида фойдаланилиши мумкин ва зарур. Билимларнинг бир касбдан бошқасига бундай “кўчиши”ни яхлит тизим ҳосил қиладиган ўқув йўналишлари йиғиндисини йўналишлараро тизимга эга бўлган умумлашган билимлар тарзидаги “интегратив билимлар” орқали аниқлаш мумкин. Интегратив билимларни ажратиб кўрсатишдан мақсад ўқитишда предметлар тарқоқлигининг олдини олиш, матрифий фаолиятни фаоллаштириш, ўқувчилар онгида бир-бири билан боғлиқ билимлар тизимини шакллантириш, ижодий унсурларни ривожлантиришдан иборатдир. Профессional йўналтирилган таржимон учун ўзидаги бор билимлардан унумли фойдаланиш ва янги масалаларни ҳал этишда уларни қўллаш жуда муҳимдир.

Таржимон фаолиятини ўрганиш унинг асосий босқичлари – таржимага тайёргарлик кўриш, хорижий тилни тушуниш ва таржима тилида тушунарли матн тузиш, ўгирилган матнни тузатиш, шунингдек, уларнинг ҳар бири бўйича профессионал таржимонлик вазифаларини аниқлаб олиш имконини беради. Биз таржимон фаолиятининг қайд этилган босқичлари асосида профессионал йўналтирилган таржимага ўқитишнинг тўртта босқичини таклиф этамиз.

Улар қуйидагилардир. Таржимага ўқитишнинг **биринчи босқичи** талабаларда таржимоннинг профессионал фаолиятини бажаришга нисбатан интилиш туйғусини шакллантириш мақсадини кўзлайдиган ва уларни бўлажак таржимага тайёрлайдиган босқичдир. Ушбу мақсад мазкур босқичнинг бир қатор вазифаларини белгилаб беради:

- профессионал йўналтириш ва талабаларда таржимоннинг профессионал фаолиятини бажаришга нисбатан интилиш туйғусини уйғотиш;
 - буюртмачидан ёзма таржима учун матн қабул қилиш;
 - хорижий, профессионал йўналтирилган матнни ўгиришга тайёргарлик кўриш;
 - маданиятлараро коммуникатив ваколат даражасини такомиллаштириш.
- Ўқитишнинг **иккинчи босқичи** – тахлилий босқичдир. Бунда ўқувчилар хорижий тилдаги профессионал йўналтирилган матнни ўгириш мақсадида тушуниш ва ўгиришни ўрганадилар.

Матнни тушуниш ва ўгириш қуйидагича амалга ошади:

- хорижий тилдаги профессионал йўналтирилган матнни дискурсив позициядан туриб таҳлил қилиш;
- ахборот-маълумот қидириш.

Ўқитишнинг бу босқичи қилинадиган таржима учун профессионал йўналтирилган матн тузишга таъсир кўрсатадиган барча омиллар тахлилинини ҳисобга олган ҳолда стратегия ишлаб чиқиш билан яқунланади.

Ўқитишнинг **учинчи** – **синтезлаштирилган босқичи**да талабалар ўзлари учун тушунарли бўлган хорижий тил матнини она тилида яратишга ўрганадилар. Ушбу босқич доирасида талабаларда профессионал йўналтирилган матнлар таржимаси соҳаси бўйича назарий билимлар учун пойдевор яратилади. Шу тарзда талабалар барча асосий ахборот ва маълумотларни сақлаб қолган, асл матннинг ўзига хос хусу-

сиятларини ҳисобга олган ҳолда таржима усуллари ёрдамида ўзаро муносабатларнинг муайян профессионал соҳаси вакиллари бўлмиш хорижий матнни жўнатувчи ва ўтирилган матнни қабул қилувчи орасида юзага келиши мумкин бўлган прагматик, ижтимоий-маданий тафовутларни бартараф этишга ўрганадилар.

Ўқитишнинг *сўнги босқичи* тузатиш ёки коррекцияда куйидаги масалалар ҳал этилади:

– қилинган таржимани ишлаб чиқилган стратегия ва буюртмачи талабларига биноан тўғрилаб чиқиш;

– қилинган таржимани буюртмачига топшириш.

Шундай қилиб, таржимани ўқитишга фаолиятли ёндашув шу таржимон олдида турган профессионал вазибаларни кетма-кет бажариш жараёнида таржимонлик ваколатининг босқичма-босқич шаклланишини таъминлаш воситаси сифатидаги методологик асосни ўзида акс эттиради.

Шунингдек, чет тилларни билиш ва уни эгаллаш бўлажак таржимоннинг профессионал малакаси даражасини оширади деган фикр мавжуд. Аммо бу нотўғри фикр, чунки таржимонлик фаолияти бу нафақат билимларни кенгайтириш, балки она тилидаги билимларни ҳам бойитишни талаб қилади. Шу сабабли таржимон ўз устида тинимсиз ишлаши, она тили ва чет тилидаги ихтисослаштирилган адабиётлар билан танишиши, турли ахборот дастурлари ва технологиялари билан танишиб бориши, таржима жараёнида ишлатиладиган турли ибораларни ва маданий тил бирликларини ёдда сақлашни енгиллаштирувчи глоссарийлар тузиши лозим.

Бундан ташқари, таржимонларни тайёрлаш жараёнида уларнинг билим, малака ва кўникмаларини мунтазам равишда баҳолаб бориш лозим. Ушбу фаолият қандай амалга оширилади? Худди филолог-талабаларнинг чет тили бўйича билимларини баҳолагандек, таржимонлар билим ва малакалари ҳам тўртта тил кўникмаси бўйича баҳоланади. Шу билан бирга, бўлажак таржимонларнинг сўз бойлиги ва мулоқот даражасидан ташқари уларнинг дунёқараши, маданиятлараро мулоқот кўникмалари, соҳага оид агама ва сўз бирикмаларини билиши, синхрон таржимонларда эса бунга қўшимча тарзда соҳанинг психологик жиҳатлари ҳам инобатга олиниши талаб қилинади.

Маълумки, синхрон таржима алоҳида малака ва кўникмаларни талаб қилади. Улар қисқа сониялар давомида нотикнинг гаплари, фикр ва мулоҳазаларини англай олиши ва зудлик билан иккинчи тилга таржима қилиши керак. Уларда керакли сўз ва ибораларни ёдга олиши, уларнинг таржима қилинаётган тилдаги эквиваленти ёки таржимасини топиш ва етказиб беришга имкон бўлмайди. Маълум сониялар ичида бир неча фаолиятни, яъни тинглаб тушуниши, муайян сўз ва иборанинг таржима қилинаётган тилдаги эквивалентини топиши ҳамда қисқа ва аниқ таржимани қабул қилувчига етказиб бериши керак. Шунингдек, синхрон таржимада аниқ фактлар, атоқли отлар, саналар ва статистик маълумотларни таржима қилишда чалқашликка йўл қўйиш таржимоннинг энг қўпол хатоси ҳисобланади. Бу музокара олиб бораётган тарафлар, маълумотларни таржима шаклида қабул қилаётган томонлар ўртасида келишмовчилик ва ҳаттоки низо юзага келишига сабаб бўлиши мумкин. Шу сабабли, уларнинг тил ва малакалари, профессионал даражасини баҳолашга алоҳида ёндашиш лозим.

Юлдузлар кўкда порлар



ЭЛБЕК

Қалбим

Хаёлим қўлимда капалак каби
Учкиниб йўқолди, билмадим қайга?
Уни ахтараркан, қалбим назари
Ташланди ялтираб турувчи ойга.

Ҳой, сўйла ой! Менинг хаёлим қайда
Ё сен ўғирлаб олиб қўйдингми?
Ҳой қалбим, айттил сен, у қайси жойда
Ёки сен ҳам ахтаришдан тўйдингми?

Англадим, тушундим, хаёлим менинг
Шу чиройли ойнинг кўйнига қочган.
Балки қалбим сенга, кўзларинг сенинг
Уни кўра олган, ой сирин очган.

Саҳрода

Юлдузлар кўкда порлар,
Саҳро жимгина ухлар.
Тевалар секин-секин
Кўлкадек олға босар.

Тарқалар кўнғирокдан
Бир товуш умид тўла.
Акс этиб, кириб узоқдан
Дерки: “Наридан сўра!”

ЭЛБЕК (Юнусов Маширик) – 1898 йилда туғилган. “Хоний” мактаби, сўнг Авлонийнинг “Усули савия” мактабида ўқиган. Ижодкорнинг “Армуғон”, “Ёлқинлар”, “Кўзгу”, “Сезгилар”, “Баҳор” номли тўпламлари ҳамда “Тозагул” шеърый романи нашр этилган. Элбек қатагон қилиниб, 1939 йилда Магаданда вафот этган.

Кўп йиллар ортда колди,
Кетиш, сурилиш яна.
Мени ким йўлга солди,
Ингилиш бор кўнгилда?

Чарчамайди тевалар,
Йўқмидир йўл сўнг-боши.
Сўйлар алланималар
Юлдузларнинг кароши.

Муждалар

Ел кезар, еллар кезар, еллар кезар,
Эл кезар, эллар кезар, эллар кезар.
Кўркли денгиз сувини хар ён урар,
Кайфланар, лаззатланар, даврон сурар.

Ел кезар, еллар кезар, еллар кезар,
Эл кезар, эллар кезар, эллар кезар.
Кучли тоғлар йўлни боғлар, гердаяр,
Ел уларга кўлни чоғлар, эрдаяр.

Тошқин ўлмок, интиқом этмак истаган
Тоғлар ортиқ тортишолмас, жим қолар.
Наъра тортиб елда, кетмак истаган
Ёқларига голибона от солар...

Ғамли елда, тутқун элда бандилар
Қоп-қоронғи зиндон ичра термилар.
Ел эсар, унлар сари йўртгар, еллар,
Элтмак истаб эркин элдан муждалар.

Тўхтамас тун-кун юрар, селдек тошар,
Ҳовриқар, тоғлар ошар, сувлар ошар.
Ел кезар, еллар кезар, еллар кезар,
Эл сезар, эллар сезар, эллар сезар.

Кечқурун

Куёш секин бекинди
Қаршимдаги тоғларда.
Борликни кўзи тинди
Ёлғиз дам шу чоғларда.

Қир тумонла бурунди –
Тоғдан тушди сурувлар.
Ўйноқ киздек бурулиб
Оқарди пастда сувлар.

Сўнгра, кўкни ёритиб
Чикди сорик бир чечак.
Оқшом кўнглин овутиб,
Аллаларди шаршарак.

Кўклам чоғида япроқлар

Кўкарган япроқлар оғочлар узра
 Жилмайиб, қувониб, яйраб турурлар:
 Тўхтовсиз эскучи – кучли шамоллар
 Буларни аяшиб, секин урурлар.

Оғочлар ям-яшил япроқлар ичра
 Кўмилиб, жимгина пусиб ўлтирар.
 Кўкламнинг ёмғири ёққач буларга,
 Кўзлардан оққучи ёшдай милтирар.

Ким билур, бу ёшлар балким чинданам
 Оғочлар кўзидан чикиб томадир:
 Кўкламнинг бу эркин мазгилларини
 Доимий эмасин яхши биладир...

Кузнинг у қоп-қора, совуқ туслари
 Балким оғочлари ёмон кўринар.
 “Кошки кўрмасайдик!” – деб, шу кунларни,
 Боякиш япроқлар ғамдан сарғаяр.

Қайғурмоқ ярашмас, бўшдир қайғурмоқ!
 “Кўклам бир келмас”, эй гўзал япроқ!



**Ватан бизнинг валинеъматимиз ва
 мураббийимиздир, ҳар бир валинеъмат
 ва мураббийга хизмат қилиш лозим.
 Ўс. Ватанга хизмат бurchдир.**

Абдурауф ФИТРАТ



Кэтрин МЭНСФИЛД

ЯНГИ ЗЕЛАНДИЯ

Ҳикоя



Қисмат

Ёзувчи эски одаги бўйича ҳар сешанба куни уйини тозалаб кетадиган кекса оқсоч Ма Паркердан катта набирасининг соғлигини сўради. Ма Паркер нимқоронғи зал остонасида, шундоққина оёқ артиладиган ҳўл латта устида турганча ёзувчига эшикни ёпишига кўмаклашган бўлиб базўр овоз чиқарди.

– Биз уни кеча дафн этдик, хўжайин, – деди у ич-ичидан эзилиб.

– Ох, азизим менинг! Каттиқ таассуфдаман! – деб юборди ёзувчи чин дилдан ачиниб. У нонуштасини охиригача емади. Эгнига эскириб кетган тунги халатини илиб олганча бир қўлида ғижимлаб олган газетасини ёйиб, уни ўқишга киришди. Бироқ ёзувчи ўзини роса ноқулай сезарди. Ўзининг иликқина ижодхонасига равона бўлгунича шўрлик бу кекса аёлга илиқ бир сўз айтгиси келди, лекин ўша бир оғиз гапни топа олмай ниҳоятда қийналди. Зиёли одамлар учун кадрдон инсонларини сўнгги манзилга кузатиш маросимларида қатнашмаслик уят эди. Шундай бўлса-да, у меҳрибонлик билан:

– Умид қиламанки, маъракангиз рисоладагидек ўтган, – деб кўйди.

– Хижолат чекманг, жаноб, – деди Ма Паркер бўғиқ овозда, у ёзувчининг надоматини бир зумда илғаб олганди.

О, шўрпешона она! Шу топда Ма Паркер аламзада кушга ўхшаб кўринарди.

– Ўлим аслида ҳар бир одамнинг қисматиدير, миссис Паркер! – хитоб қилди ёзувчи.

Ма Паркер индамади. Бошини эгганча пешбанди билан бир жуфт шиппаги солинган эски халтасини кўтариб, оқсоқлана-оқсоқлана ошхона томон йўл олди. Ёзувчи қошларини кўтарди-да, бир ух тортди, кейин яна нонуштасини ея бошлади.

– Кўникишдан бошқа нима иложи бор бечоранинг, – деди у ўзига ўзи ликопчадаги мармеладдан бир донасини олиб, оғзига соларкан.

Ма Паркер ғамирлаганча ошхона ичида ўз юмушлари билан андармон бўла бошлади. Эгнидаги кийимларини ечиб, эшик орқасидаги илгакка илди-да, қазноқда

Кэтрин МЭНСФИЛД – Янги Зеландиялик атоқли ёзувчи. 1888 йилда туғилган. Кичик жанр устаси сифатида жаҳон адабиётида ёрқин из қолдирган. Ундан кўплаб ҳикоялар ва бир нечта гўзал шеърлар қолган. 1917 йилда вафот этган.

турган жуддур камзулини олиб кийди. Кейин белига пешбандини маҳкам қилиб боғлади-да, пойафзалини ечиш учун чўнқайди. Бу фақирона ботинкаларни кийиб-ечиш Ма Паркерга адоғи йўқ бир азоб, бу унинг йиллар давомида бардош қилиб келаётган изтиробни эди. Лекин кекса она бу машаққатга аллақачон кўниб кетганди, у юзларини бужмайтирганча оёқларини жаллоддек бераҳм ботинкалари дастидан озод қилишга чиранар, то ишларини ечиб, бор кучи билан уларни оёғидан тортиб олгунича нақ каро терга ботиб кетарди. Охири бу балодан кутулгач, деворга суюниб, чукур-чукур хўрсинар ва бир муддат тиззаларини оҳиста уқалаб ўтирарди...

– ...Буви! Бувижон!

Аёлнинг кичик набираси тугмадек жажжи туфличалари билан унинг тиззаси устига сакраб чиқиб олди. У ҳозиргина кўчада ўйнаб-ўйнаб, ҳовлиқиб, хориб киб келганди.

– Қара, бувингнинг кийимини не аҳволга солдинг! Эҳ, эси йўқ бола-я!

Аммо болакай меҳрибон бувисининг бундай танбехларига заррача парво қилмас, буларни эркалаш деб англаб, бешбаттар талтайиб кетарди. Мана, ҳозир ҳам жажжи қўлчаларини бувисининг бўйнидан ўтказиб олиб, ёнокларини ажин босган юзларга суркаб эркаланди.

– Буви, жон буви, озгина пул беринг! – ялинди у бор вужуди билан бувисини рози қилишга уриниб.

– Қани, тезда жўнаб қол-чи, бувингда бир чақа ҳам йўқ.

– Йўқ, бор!

– Йўқ дедим сенга.

– Ёлғон гапиряпсиз. Менга озгина беринг, мана шунча, – болакай кичкина кафтларини ёйиб бувисига олажак пулининг миқдорини белгилагандек қилиб кўрсатди.

Ма Паркер бу вақтда пачокланиб, юпқа тортиб кетган қора чарм ҳамёнини ёнидан олиб, кавлаштира бошлаганди.

– Хўш, кекса бувингга нима опкеласан?

Набираси уялганнамо табассум қилди-да, бувисининг юзларига янаям яқинрок келиб сийпаланди.

– Менинг ҳеч нарсам йўқ-ку, – дея майин шивирлади у кейин...

...Қари оксоч илдам ўрнидан турди, газ плитаси устидаги темир чойнакни олиб, шошилиб сув оладиган жўмрак ёнига борди. Чойнак ичига шариллаб оқиб тушаётган сув шовқини худдики унинг ичидаги ҳасратларини босгандек туюлди. Аёл челақ билан мис тоғорани ҳам сувга тўлдирди.

Ёш ёзувчининг ошхонасида ақл бовар қилмас тартибсизлик ҳукмрон. Ўтган бир ҳафта давомида ёзувчининг ўзи бу ерга “бекалик” қилган, ҳаммаёқни остин-устун қилиб ташлаган, ошхонани мисоли баҳайбат фил кириб расво қилган дўкон кўйига солганди. Чой солинадиган идиш ичида айний бошлаган қандайдир мураббо ётарди, қўлсочиқлар пала-партиш ишлатилаверганидан тоза ва кир сочиқлар аралаш, ҳар ерга сочилиб кетганди. Тагин ёзувчи танишларига ўзининг уй “тутум”и тўғрисида мақтаниб, уй ишлари нима учун экакларга ортиқча машама эканлигини тушунолмайман, дея таажжубланарди.

– Сиз аввал бор нарсаларни ифлос қиласиз-да, кейин бир ҳафта ичида дарров ювиб-тозалаб қўясиз, бу унчалик қийин иш эмас.

Бироқ унинг бу “қараши” натижаси хумдай улкан ахлат уюми пайдо бўлиши билан якунланган, ҳатто пол ҳам нон ушоқлари, йиртилган конвертлар, сигара қолдиқлари билан қопланганди. Аммо Ма Паркернинг заррача нолишга ҳадди сиғмасди. У шундай ёш жанобга ғамхўрлик қиладиган ҳеч кимса йўқ эканлигидан дилдан ачинар-

ди, холос. Ошхонанинг қирланган деразаси ортидан беҳад-бепоён ва ғамбода осмон кўриниб турар, унинг ҳар жой-ҳар жойида сузиб юрган пахтадек булутлар титилиб, йиртилиб кетганга ўхшар, гўёки бағрига минглаб ўқ теккандек қатта-кичик тешиқлар пайдо бўлган, ўша тешиқлар қора чой япроқлари каби кўринар эди.

Печ устидаги сув исиб бўлгунича Ма Паркер полни супуришга тутинди. “Ҳа-а, пешонам шу экан-да, – деб ўйлади у супургининг шип-шип овозига қулоқ осганча. – Тақдирдан қочиб кутула олмайман... Қисматим қанчалар аччиқ экан-а?..”

Ҳатто кўшниларию таниш-билишларигача аёлнинг тақдирига ачинишарди. Узок йиллар олдин ҳам у эскирган пешбандию шипаклари солинган халтасини кўтариб юрар, кўрганлар унинг аҳволига эзилиб қарашарди. “Боёкишнинг сира қосаси оқармади-да”, деб қўйишарди улар. Ростданам, бу шуқр қиладиган ҳаёт эмасди. Ёш-ёш олти боласи билан бева қолган, зах ертўлаларда жон сақлаган ва қашшоқ ҳаётга бадарға қилинган аёл умри... Оғир ва ниҳоятда аччиқ тақдир...

Ўн олти ёшида Ма Паркер Стратфорддан Лондонга ошхона оқсочи бўлиб ишга келганди. Ҳа, у Стратфорд-он-Эвонда туғилганди. Бу Шекспирнинг Ватани, биласиз-а? Одамлар хамиша ундан, “Шекспирнинг юртиданмисиз?” деб сўрашар, бироқ Ма Паркер то Шекспирнинг драмаларини театр сахнасида кўргунча унинг кимлигини билмаган, ҳатто буюк драматургнинг номини ҳам эшитмаганди.

Стратфорддан эса қоларли хотиралари ҳам йўқ эди аёлнинг, “ҳар куни кечкурун ёкиладиган эски тошўчоқ олдида ўтирганча деразадан сирли, орзубахш юлдузларга соатлаб термилишу”, “онаси шифтга илиб кетган нондан маза қилиб ейдиган лаҳзаларни кутишдан” бўлак ҳеч нима йўқ эди хотирасида, ҳа, яна нимадир бор эди, бутазормиди у, эшик ёнида ўсарди, жуда хушбўй эди. Ма Паркер яна шунга ўхшаш қадрдон исни касалхонага тушганида туйган эди.

Аммо аёл учун ер юзидаги энг кўркинчи жой эди бу ер. Уни ташқарига чиқаришмас, эрталабдан кечгача шифтга тикилиб ётаверарди. Устига-устак ошпаз хотин ҳам роса жоҳил эди, Ма Паркерга келган хатларни унинг қўлига тушмасидан олдин йўқ қилиб юборарди, чунки ўша хатлар шўрлик аёлни хаёлпараст ва парижонхотир қилиб қўярди.

Касалхонадан чиққач, Ма Паркер ўша ердаги докторнинг уйида хизматкорлик қила бошлади. Бу уйда роса икки йил ишлади, охири бир новвой билан турмуш қурди. Бундан хабар топгач, бегубор ёш ёзувчи:

– У новвоймиди, миссис Паркер! – дея ҳайратланганди.

У ҳаёт деб аталгувчи неъматдан бу аёлнинг ҳам бир чимдим бўлса-да баҳра олишини жуда истарди.

– Новвойдек ҳалол инсон билан умр кечириш қатта бахт-ку!

Миссис Паркер жавоб топиб беролмаганди.

– Новвойлик ҳалол иш, жуда тоза меҳнат, – дерди яна ёзувчи қайнаб-тошиб.

Ма Паркер яна индолмаганди.

– Хўш, сиз-чи, Паркер хоним? Сизам нон ёпишга кўмаклашарминдигиз? Лоақал харидорларга иссиқ-иссиқ нонлардан узатиб юборган бўлсангиз керак, а?

– Шундай, жаноб, – дерди Ма Паркер. – Бироқ менинг новвойхонага кадам изи қилишимга вақтим бормиди? Ахир жўжабирдек жон эдик, ўн учта гўдақдан етти-тасини ерга қўйиб, олтитаси билан овора бўлишни айтинг. Энг оғири – болаларимнинг қабрини ўз кўзларим билан кўришни айтинг...

– Ғоятда бардошли аёлсиз, миссис Паркер! – дерди ёзувчи титраганча яна ёзишга тутинаркан.

Ҳа, етти гўдақ ерга қўйилган, эри эса ётиб қолиб, касалхонага тушганида ол-

тита ғўр бола дунёдаги жамики хўрликларни бошдан ўтказганди. Эрининг ўпкаси тамом бўлган, омон қолишидан қилча умид йўқ, докторлар шундай деб айтишганди... Чорасиз эр кўйлагини то бошигача кўтариб турар, докторлар унинг орқасига қандайдир асбобларини доира қилиб қўйиб ҳар куни текширишар эди.

– Агар биз мана бу жойни тешиб кирганимизда эди, миссис Паркер, – деганди бир шифокор унга. – Сиз коп-қора қондек бўлиб қолган ўпкаларни кўрган бўлардингиз.

Бу демак, тирикликдан умид йўқ дегани эди. Балки шунинг учун ҳам Ма Паркер ўлик эрининг жонсиз лабларидан ўша доктор айтган қора қон сизиб чиққанида зиғирча ажабланмаган, негаки бу бахтиқаро эркак то адоий тамом бўлгунча, то ҳаётдан буткул умиди узилмагунча касалхонага боришга сира илож тополмаганди.

Аммо олтита зор кўзни боқиб қатта қилиш керак эди, ўзини ўзи қўлга олишдан бўлак чора йўқ эди. Ох, қанчалар оғир қисмат бу! Қунарлар ўтиб, болалар мактабга борадиган ёшга етгунча эрининг синглиси Ма Паркерга қарашиб турди, лекин у ҳам зинапоядан йиқилиб белини синдириб олгандан кейин ўзиниям эпполмайдиган бўлиб қолди. Дард қўшалок келди, у аёлнинг ёш боласи ҳам Ма Паркерга қолиб кетди. У шундай инжиқ ва йиғлоқи бола эдики! Бахтига, болалари миссис Паркернинг ёнига кириб қолишди, ўртанча ўғли Мауди синглиси Алисага қарашни ўз зиммасига олди, иккала ака-сингил ўзлари оёққа туришди. Жим бўлса армияга, Ҳиндистонга жўнаб кетди. Тўнғичи Этел эса ҳеч нарса йўқ бир официант қизга уйланди-ю, бахтга қарши хотини кичкина Ленни туғилган йили қандайдир бедаво яра туфайли оламдан кўз юмди. Ана энди бўлса кичкинтой Ленни ҳам кетди – Ма Паркернинг энг яхши кўргани, тўнғич набирагинаси...

Уюм-уюм кир пиёлалару ифлосланган идишларнинг бари ювилиб, артиб бўлинди. Бир бўлак картошка билан коп-қора рангга кирган пичок ҳам асл ҳолига қайтди, стол киртишлаб тозаланди, ҳали ҳамон ичида сардина балиғининг думлари чўмилиб юрган бетартиб идиш ювиш тоғораси ҳам кекса қўллар ёрдамида оппоқ бўлди.

...Ленни ҳечам бақувват бола бўлмаганди, туғилганидан шунақа нимжон эди. У шу қадар рамақижон эдики, кўрганлар уни қиз бола деб ўйлашарди. Жингалак-жингалак бўлиб пешонасигача ёйилиб тушган қумушдек сочлари, денгиздек мовий кўзлари, тугмадек бурнининг икки томонидаги майда-майда сепкилчалари ўзига шундай ярашардики! Этел билан хотини бу болага қарайвериб ҳолдан тойишганди. Ҳаттоки тонгги газеталар ҳам Ленни билан бирга баҳам кўриларди. Кичкинтой то қатталар баланд овоз чиқариб газетани ўқишмагунча, тинмай хархаша қилар, охири отаси унга бир соат қичкириб газета ўқиб беришга мажбур бўларди.

“Қадрли жаноб, – деб ёзилганди телеграммада. – Набирасининг санокли қунарлари қолганини онамизга билдириб қўйсангиз... Тўрт шиша қон қуйсақ ҳам умид бўлмади. Тўққиз ҳафтадирки, Ленни жонсиздек ётибди, энди умуман ўрнидан туролмаса керак...”

Эртаси куниёқ кекса она қайгу ичра йўлга отланди, аммо бари беҳуда эди. Ҳеч нарса ва ҳеч ким мурғак Леннини олиб қололмасди. Ҳатто кичкинтойни қабристонга элтиб, қабрига гул қўяётиб ҳам Ма Паркер бу унинг ўзи эканлигига ишониолмади. Зотан, Ленни энг тўнғич фарзандининг тўнғич боласи эди...

– Сен кимнинг ўғлисан? – дея эркалаб сўрарди Ма Паркер юмуш қилаётиб деразадан мўраларкан. Ташқаридан заиф, бироқ ёқимли овоз келарди, бу шунчалар гўдакка хос илиқ, яқин, худди юрагининг тагидагина садо бераётгандек жонбахш бир овоз эди: “Мен бувимнинг ўғлиман!”

...Шу пайт хотиралар пардек тўзғиб кетди, ташқарида қадам товушлари қулоққа чалинди, ошхона бўсағасида ёш ёзувчи кўринди, у сайрга отланган эди.

– Маъзур тутинг, миссис Паркер, мен айлангани кетяпман.

– Жуда яхши, жаноб.

– Пул-мул керак бўлса, сиёхдонимнинг тагига қўйиб қўйдим.

– Ташаккур, жаноб.

– Ҳа-я, дарвоқе, миссис Паркер, – деб ўтирилди ёзувчи нимадир эсига тушиб. –

Сиз менинг қакаомни ташлаб юбормаганмидингиз? Мен уни ҳеч қаердан тополмай қолдим.

– Йўқ, жаноб.

– Жуда кизиқ. Яқиндагина сотиб олинган қакаони катта чой идишига ўз қўлим билан солиб қўйгандим.

Жаноб ўз эътироз ва гумонларини жуда кўнгилчанлик ва раҳмдиллик билан айтди.

– Сиз бир кун менга нарсаларни билмасдан ташлаб юбораётганингиздан пушаймон бўлаётганингизни айтиб эдингиз, миссис Паркер?

Ёш ёзувчи бу гапни ўзига айтгандек жуда сокин ва самимий тарзда ифода қилдики, миссис Паркер унинг беғубор, шафқатли ва олийжаноб чехрасига кўз ташларкан, у гўё бу эракнинг қалбида ҳам худди аёлларники каби бир мушфиклик бор деб ишонди.

Эшик тарақлаб ёпилди. Ма Паркер супургиларини қўлига олди-ю, ётоқхонага шошди. Бироқ бу ерда, ётоқни тартибга солиб, ўринларни текислаб, ёстикларнинг жилдини янгилаб, бир олам икир-чикир ишлар орасида ҳам мурғак Ленни боис чекаётган изтиробни чидаб бўлмас даражага етди. Нега бешафқат тақдир шугина гўдак жонни шунча азоблади? Нега у бунча кўп оғрик кўрди? Айнан шу аламга асло чидай олмасди кекса аёл. Нима учун фариштага айланган беғуноҳ жисм тўйиб-тўйиб нафас олиш учун жоҳил дунёга шунчалар ёлворди, нимжон танаси дард билан бу қадар олишди, курашди?! Бундан ҳам аламли ғурбат борми?..

...Леннигинанинг жажжи ўпкасида нимадир бетиним қайнар, азоблар, бундан қутулишнинг заррача имкони йўқ эди. У йўталиши билан пешонасига реза-реза тер чиқар, кўзлари шишиб кетар, қўллари шалвираб, юзларида ликопчада дўппайиб турган беўхшов картошкалардек йирик-йирик шишлар пайдо бўларди. Лекин булардан ҳам оғири боланинг йўталдан тўхташи эди. Ленни ёстикқа ҳолсиз суяниб қолар, ҳеч кимга ҳеч нарса айтолмас ё жавоб беролмас, ҳатто эшитмас ҳам эди. У фақат ноҳақ озор чеккандек ғамгин-ғамгин термиларди, холос. Ҳаттоки энг яхши кўргани – бувижони ёнига келганидаям Ленни кўзларини очмади, у тирик мурдага айланиб бўлганди.

Аммо охири... Ма Паркер ўзини каравотга отди. Йўқ, у энди ортиқ чидай олмайди. Жуда кўпайиб кетди, жуда ошиб кетди – ҳаёт унга керагидан ҳам ортиқ кўргилик берди. То ҳозиргача у сабр қилиб келди, ўзини қўлга олиб яшади, дод-фарёд кўтармади. Наҳот инсон калби шунчалар бардошли бўлса?! Ҳатто ўз фарзандлари олдида ҳам Ма Паркер йиғламади. Мардона ва матонатли юз билан яшайди. Бироқ ҳозир!.. Ленни кетди, абадий кетди – ортиқ сабру қаноати қолдими бу шўрлик аёлнинг! Йўқ, унинг энди ҳеч нараси йўқ. Ўша мурғак вужуд Ма Паркернинг бутун бисоти эди, аммо уни ҳам ҳаёт кўп кўрди, ундан золимларча тортиб олди. “Нега барча уқубат менинг бошимга тушади?! – дея бўзларди кекса оксоч қалби. – Мен қандай ювилмас гуноҳ қилгандим? Қаерда умрбод кечирилмас гуноҳ қилгандим, қаерда?!”

Юрак-юрагидан ҳайкириб, отилиб шу нидо келаркан, у тўсатдан супургиси билан пол артадиган таёқни ерга таппа ташлади. Бир нафасда ошхонага қандай етиб

келганини ҳам билмай қолди. Бахтиқаролик шу қадар халқумига келиб, жонидан тўйдирдики, худди туш кўраётгандек, босинқираш ичидаги телба одам сингари ил-гақдан устки кийимини олиб кийди-ю, ташқарига отилиб чиқиб кетди. Бахтсиз аёл улкан кулфатдан ўзини йўқотиб қўйган қарахт одамдек эди, у қаерга, нима учун кетяпти, бунинг тайини ҳам, жавоби ҳам йўқ эди, фақат ҳаммасидан кочиби, қутулиб бўладиган бир парча жой кидириб кетарди, фақат шу эди нияти...

Кўча совуқ эди. Муздек-муздек шамол эсарди. Одамлар доимгидек шошилар, эркаклар шошар, аёллар шошар – ҳамма қаерларгадир шошиларди. Ҳеч кимнинг ҳеч ким билан иши йўқ эди. Ниҳоят, бор чидами адо бўлди, Ма Паркер тамом бўлди, шунча узоқ ва оғир йиллардан кейин у йиғлаши керак эди, бир меҳрибон ва хилват жойда тўйиб-тўйиб йиғлаши шарт эди.

Кўзёш хаёлига келиши билан бирдан кичкинагина Ленни гўёки бувисининг этақларига ёпишгандек бўлди. Оҳ, менинг жажжи кабутарим, нима қилиб берай сенга? Бувинг йиғлашни истайди. Агар ҳозир йиғласа, бу қисматнинг аввалидан: хатларини йиртиб отган ўша бераҳм ошпаз, эрининг ажали ҳақида гапирган бешафқат доктор, жажжи руҳларга айланган етти бегуноҳ гўдак, эрининг ўлими, хўрланган олти етимнинг рўёбга чиқмаган орзу-умидлари, ўкинчлари – барининг алам-азоблари Ма Паркернинг қолган умрини кўзёшига ғарк қилиши тайин эди. Аммо шунча кўп кўзёш тўкиш учун ҳам умрининг узоқ даври кетади. Лекин энди барибир эмасми? Барибир йиғлаши керак. Энди қалб кийноқлари сабрни алалокибат енгди, охири мағлуб бўлди у... Қаерга кочиби кета оларди?

Ма Паркер уйга кетолмасди, жажжи Этел ўша ерда. Кўзёшлари билан, чеккан изтироблари муҳр босган киёфаси билан болани чўчитиби юбориши мумкин. Кекса оксоч бирон ердаги ўриндиқда ҳам бемалол ўтиролмасди, кизиқувчан одамлар келиб уни саволга тутишлари мумкин эди. Бу алфозда унинг ёш ёзувчи хонадонига бориши-да уятли, чунки аёлнинг бегона уйда йиғлаб олишга ҳам ҳақи йўқ. Дуч келган биронта бинонинг зинасига ўтириб ҳам йиғлаб ололмасди – полициячи шубхаланиши аниқ эди.

Наҳот одам холи қолиб, истаганча дардини тўкиб, тўйгунча йиғлаб оладиган хилват жой топилмаса бу ер юзида? Ҳеч ким индамаса, ҳеч ким халал бермаса, ҳеч ким малол олмаса? Хўнграб, ўкраб, бахузур йиғлаб оладиган бирорта кимсасиз макон борми ўзи?!

Ма Паркер шу кўйи дам ерга, дам тубсиз осмонга боққанча узоқ туриб қолди. Аччиқ изғиринга айланган шамол унинг ранги униккан пешбандини учуриб-учуриб ўйнай бошлади. Ёмғир бостириб келарди. Йўқ, Ма Паркерга ҳатто йиғлагани ҳам жой йўқ эди.

Инглиз тилидан Қандилат ЮСУПОВА таржумаси



Қандилат ЮСУПОВА

1987 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг инглиз филологияси факультетини тамомлаган. “Кўзларингдан қўрқаман, шеърим”, “Тор сеҳри”, “Ёруғ кунлар хумори”, “Оху фарёди” номли шеърӣ тўпламлари, “Ишбилармон кишилар”, “Дунёдаги энг бахтли одам” таржима китоблари чоп этилган.



Барди ЖУМАНИЁЗОВ

ТИЛИ ЧИҚҚАН КИТОБЛАР

Ҳажвия



Сизларга ёлгон, менга чин, китобларнинг ҳасратига гувоҳ бўлдим. Вей, китоблар ҳам одамга ўхшаб гапираркан-вей! Хонага киришим билан муқовалари офтобда куйган семиз китоб ўдағайлади:

– Ҳов, шоир почча, китобни ёзасизлар-у, уларни ким ўқийди, деб ҳеч ўйлаб кўрасизларми? Мен “Қошиқ” номли китобман. Бикинимда “Санчки” деган китоб ётибди. Нариги бурчакда “Фонограмманинг кўшиқчиликдаги ўрни”, ху анавунда “Раисларнинг шоири” деган китоблар... Бу дўконга келганимизга, ўн уч, ё ўн тўрт йил бўлди. Бир ерда ётаверганингдан кейин ҳисобда ҳам адашиб кетаркансан... Мениям биров варақлаб кўрармикан, мириқиб ўқийдиган мард топилармикан деган хаёллар билан пешонам оқариб, муқовам ўнгиди! Чунки, мен ўқимишли китоб бўлмадим. Мени муаллифнинг ўзи ёзгани йўқ. У қайсидир мухбирга пул бериб ёздирди. У ҳам чала-чулпа ёзди. Ҳамма саҳифам пойинтар-сойинтар сўзлар билан тўла. Устига-устак гиж-гиж хато.

– Қуйнаверма, – деди “Санчки”. – Биз ҳақимизда китоб ёзишнинг кераги йўқ эди. Аслида, қошиқ ва санчки ишлаб чиқарадиган завод директори Дарё Тошқинбоев чала-чулпа ҳикояларини бир ёзувчи болага айтиб бериб, китоб қилиб ёздириб, нашр килдириб, кўл остидаги ишчиларга сотмоқчи эди. Афсуслар бўлсин, китоб босмадан чиққунча, Дарё Тошқинбоев ишдан олинди. Бир уй китоб унга мерос қолди. Ҳайрият ҳам ошна-оғайнилари қирилиб кетмаган экан, мана шунга ўхшаган китоб дўконларига матоҳини ўтказди. Аммо бирорта одам ҳанузгача сотиб олгани йўқ.

– Саҳифангдан бирор маъни топса сотиб олади-да! Бутун бошли китобда битта маъно йўқ-ку!

– Уфф! – “Раисларнинг шоири” – чуқур хўрсиниб, “Санчки” билан “Қошиқ”нинг суҳбатини бўлди. – Ўтмишни эслатиб мениям кўнглимни буздиларинг! Мени дунёга келишим худди осмондан чалпак ёққандай бўлган. Раис нафақага чиққач, шоир бўлишни истаб қолди. У қатор-қатор сўзларни ёзиб, шоир Ўлмас Чўкмасга берди.

Барди ЖУМАНИЁЗОВ – 1954 йилда тугилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини (ҳозирги ТДПУ) тамомлаган. Асарлари вақтли матбуотда эълон қилинган.

У ҳам пулини олиб, чала-чулпа шеър шаклига келтирди. Ишонасизларми, раис бу-
ванинг ўзлари китобидаги икки қотор шеърни ёддан айтолмайди.

– Сенинг харидорларинг ҳам ҳали туғилгани йўқ, чоғи? – “Санчки” кулиб, “Фо-
нограмманинг қўшиқчиликдаги ўрни” китобини масхаралай кетди.

– Менинг устимдан кулмаган битта сен қолгандинг! – Қўшни китоб афтини бу-
риштирди.

– Ашулачилар фонограмма орқали хиргойи қилавериб, ҳамманинг жонига тег-
ди. Энди сен ҳақингдаги китобни ўқишармиди? Ўзи фонограмма ҳақида китоб
ёзиш қайси калласи каттанинг хаёлига келди? – “Қошиқ” қўшнисини кескин са-
волга тутди.

– Аслида, мен номзодлик ҳақидаги илмий иш эдим, – “Фонограмманинг
қўшиқчиликдаги ўрни” гижинди. – Илмий ишнинг ҳимояси куни, сен айтган кал-
ласи катталардан биттаси, “Бу илмий иш эмас, илмий асар бўлибди. Бу асар шу
ҳолида қолиб кетмаслиги керак. Уни китоб ҳолида чоп этиб, кенг халқ оммасига
ҳавола этиш лозим!” деган гаплар билан роса оғиз кўпиртирди. Муаллим бундай
пуч гапларга учиб, яп-янги, миниб турган машинасини сотиб, мени китоб қилиб,
чоп эттирди. “Сиз битта машинани сотиб китоб қилибсиз! Бу китоб сизга ўнга
машинанинг пулини бошлаб келади!” деди яна ўша маддоҳ китобнинг тақдимот
маросимида коньяк сибириб. Олти йилдан буён ётибман пештахтани банд қилиб.
Бир донамни биров олганда ҳам яратилганимга рози бўлардим: эгам машинанинг
бирорта шайбасини сотиб олган бўларди! Уфф!

– Ҳой, анавунга қаранглар, – деди бирдан “Санчки” атрофга жавдираб, – бизга
ўхшаган китобларни йиғиб олишяпти!

– Носфуруш ёки пистафурушларга топширишармикан? – сўради “Қошиқ”
хаяжон билан.

– Бир жойда ётавериб, замондан орқада қолиб кетибсан-ку! – “Санчки” лаб
бурди. – Улар бизни бошларига урдими? Ҳозир нос, ё пистани чиройли-чиройли
пакетчаларда сотадиган бўлишган. Илоҳим, мақалатурага топширишсин, деб дуо
қилгин!

– Топширганда нима ўзгаради?

– Биздан яна қоғоз тайёрлашади. Тайёрланган қоғозларга ўқимишли китоблар
чоп этилса, биз ҳам қўлма-қўл бўлиб кетсак, ажабмас.

– Илойим, қайта қоғоз бўлиб нўноқ ношир, лаёқатсиз шоир ва зўраки ёзувчилар
қўлига асло тушмайлик! Омин!

“Омин!” сўзига юзлаб китоблар жўр бўлди.

6 июнь. Пойтахтимизда улуғ рус шоири Александр Сергеевич Пушкин таваллудининг 219 йиллигига бағишланган тадбир ўтказилди.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо олиб борди.

Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари кўмитаси раиси Р. Қурбонов, Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчиси В. Тюрденев, Ўзбекистон рус миллий маданият маркази раҳбари А. Аристов ва бошқалар халқлар ўртасида тотувлик, ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда адабиётнинг аҳамияти бекиёс эканини, бу борада А. С. Пушкин ижоди олтин кўприк бўлиб келаётганини таъкидлашди.

12 июнь. Таникли ўзбек шоирларининг шеърлари жамланган “Ўзбек шеърляти гулчамбари” китоби озар ва ўзбек тилида нашрдан чиқиши муносабати билан Ўзбекистон Фанлар академиясида мазкур китобнинг тақдимотига бағишланган йигин ўтказилди. Унда Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданият маркази раҳбари Самир Аббосов, озарбайжонлик ижодкорлар Акбар Қўшали, Фарид Ҳусайн, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Халқаро алоқалар ва бадий таржима бўлими масъул котиби Адҳамбек Алимбеков, таржимонлар Бобохон Муҳаммадшариф ва Тохир Қаҳҳор сўзга чиқиб, ўзбек ва озарбайжон халқларининг тили, маданияти, санъати, анъаналари, урф-одатлари ўхшашлигини таъкидлашди. Ушбу китобнинг нашр этилиши икки халқ ўртасидаги адабий алоқаларни янада кенгайтишига хизмат қилишини айтиб ўтишди.

12–13 июнь. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Фарғонага ташрифи доирасида Марғилон шаҳрида барпо этилган атоқли шоир Эркин Воҳидов номидаги “Ижодкорлар” боғида адабий жамоатчилик вакиллари билан учрашди.

– Бу ерда ўқитиладиган икки юз нафар ўқувчи орасидан агар икки нафар Эркин Воҳидовдек ёрқин истеъдодли камолга етказа олсак, биз кўзлаган мақсадга эришамиз, – деди Юртбошимиз учрашув чоғида.

Шунингдек, Юртбошимиз Эркин Воҳидов номидаги мемориал музейга ташриф буюрди. Музейдаги экспонатлар билан танишиш жараёнида уни янада бойитиш, ёшларга ватанпарварликдан сабоқ берадиган масканга айлантириш зарурлигини таъкидлади.

Шундан сўнг, Президентимиз боғ ҳудудида янгидан бунёд этилган Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимининг икки қаватли биносида ижодий муҳит кўламини кенгайтириш, ёш истеъдодларни тарбиялаш мақсадида яратилган қулайлик ва имкониятлар билан танишди.

18 июнь. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Қорақалпоғистон халқ шоири Гулистон Матёкубованинг “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган уч жилдли “Сайланма” асарлар тўпламининг тақдими ўтказилди. Унда сўзга чиққан Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Мирзо, Қорақалпоғистон Республикаси Жўкорғи Кенгесининг кўмитаси раиси Довудбой Қурбаниязов, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшма-

си раиси, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Кенгесбой Каримов, филология фанлари доктори Каримбой Курамбоев, “Нуроний” жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими Кенгаши раиси, Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Шароф Уснатдинов, “Жаҳон адабиёти” журнали бош муҳаррири Аҳмаджон Мелибоевлар Гулистон Матёкубова ижодининг ўзига хос хусиятлари тўғрисида батафсил тўхталишди.

19 июнь. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Тиловберган Жумамура-тов таваллудининг 103 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшма-сида адиб ҳаёти ва ижодига бағишланган фотосуратлар ҳамда китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Минхожиддин Мирзо, Қорақалпоғистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Кенгесбой Каримов, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов, филология фанлари доктори, профес-сор Саригул Баҳодирова ва бошқалар Тиловберган Жумамура-тов ижодининг ўзига хос жиҳатлари хусусида сўз юритишди. Ўзбекистон халқ артисти Кенгесбой Сер-жанов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Женисбек Пиязов, Қорақалпоғистон халқ артисти Роза Кутеева, “Нихол” мукофоти совриндори Гулбахор Аҳимбетова ижросидаги куй-қўшиқлар йиғинга кўтаринки рух бағишлади.

22 июнь. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоғай Мурод “Отамдан қолган далалар”, “Бу дунёда ўлиб бўлмайти” романлари, “Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган оқшом”, “Ойдинда юрган одамлар”, “Момо ер қўшиғи” қиссалари билан китобхон-лар қалбидан мангуга ўрин олган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган адибнинг “Танланган асарлар” китоби тақдимот маросимида ёзувчи-шоирлар, ада-биётшунослар, кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда ёш ижодкорлар иштирок этди. Анжуманда ЎзДЖТУнинг “Олтин давр илхомлари” театр-студияси томонидан “От кишнаган томонларда” спектаклидан кўринишлар ижро этилди.

Тақдимот сўнгида Тоғай Мурод ижодига бағишлаб ташкил этилган онлайн вик-торина ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

30 июнь. Ёшлар куни айёми кўҳна ва бокий Бухорода ҳам улкан шодиёнага айла-ниб кетди. Кўча ва хиёбонлар, спорт мажмуалари, маданият ва истироҳат боғлари, вилоятнинг энг сўлим ва салқин гўшалари байрам туфайли чирой очиб, ёшлар ово-зига тўлди.

Устоз шоир-ёзувчилар ва ёш истеъодлар иштирокида кечган “Назм ва наво” кечалари, янги китоблар тақдими, “Энг зукко шеърхон”, “Энг фаол китобхон”, “Мен севган қахрамон”, “Менинг биринчи китобим” танловлари Ёшлар куни тад-бирларига ўзгача шукуҳ бағишлади.

Айниқса, юртимиз пойтахтидан ташриф буюрган таникли ижодкорлар – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Умида Абдуазимова ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир Туроб Ниёз иштирокида Гиждувон ва Бухоро туманларида, шунингдек, Бухоро шаҳридаги таълим муас-сасалари, марказий маданият ва истироҳат боғида кечган учрашувлар ёшларнинг ижодий иқтидорини синовдан ўтказишда муҳим аҳамият касб этди.

МУНДАРИЖА

Халқаро адабий кўприк.....	4
ДУРДОНА	
МИРИЙ. Бир табассум бирла онинг дардига бергил даво. ..	5
ПУБЛИЦИСТИКА	
Зухриддин ИСОМИДДИНОВ. “Сен ҳам дарё, мен ҳам дарё!..” ..	8
НАЗМ	
Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА. Иккиланмай қайта бошдан бошла йўлингни.....	15
Рустам ЭМИН. Мозийдан бир варақ топдим.	21
Ўқтам МИРЗАЁР. Юракда ҳақиқар ловуллаган шаҳд.	68
Қаххор ЙЎЛЧИЕВ. Кафтимдаги чизик бесаноқ.	71
ШАҲРИБОНУ. Мени юрак билан англамоқ мумкин.	74
ОЙДИННИСО. Афв. Шеъринг қисса.....	112
НАСР	
Азиз САИД. Булут нимага ўхшайди. Ҳикоя.	24
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД. Ёлғиз. Қисса.	32
Бахтиёр АБДУҒАФУР. Султон Жалолиддин Мангуберди. Роман. Охири.	77
Йўлдош СОЛИЖОНОВ. Чўққининг салобати ва малоҳати. Эссе.....	106
АДАБИЁТШУНОСЛИК	
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ. “Кел, юрак, ёлғизим, сирлашайлик жим”.	126
МАШҲУРЛАР КУНДАЛИГИДАН	
Зикир МУҲАММАДЖОНОВ. Уч довруқ. Эссе.	132
ТАЛҚИН	
Улугбек САИДОВ. Фитрат ақида ва ақидапарастлик ҳақида.....	139
ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА	
Завқидин СУВАНОВ. Янгиланаётган илмий қарашлар. ..	146
Юсуф ҲАМДАМОВ. Замон қахрамони образи.	152
БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ	
Мадина ВАҲОБОВА. Гулзордаги гуллардан сўра.....	157
ТАҲЛИЛ	
Илҳом ТЎХТАСИНОВ. Таржимон тайёрлашнинг ўзига хос ёндашувлари.	159
УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ	
ЭЛБЕК. Юлдузлар кўқда порлар.	163
ЖАҲОН АДАБИЁТИ	
Кэтрин МЭНСФИЛД. Янги Зеландия.	166
ГУЛҚАЙЧИ	
Барди ЖУМАНИЕЗОВ. Тили чиққан китоблар.	172
Адабий ҳаёт.....	174

Шарқ юлдузи

2018

6-сон

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри тахририят ижодий жамоаси нуктан назаридан фарқланиши мумкин. Тахририятта юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 “Ўзбек адабиёти” ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзилимиз:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор шоҳўча, Адиллар хибони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68
www.sharqyulduzi.uz
e-mail: sharqyulduzi@umail.uz
sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди
20.07.2018 йил.

Қоғоз бичими 70x108 1/16

Офсет босма усулида офсет қоғозда босилди. Босма табоғи 11,0.
Шартли босма табоғи 15,4.
Нашриёт ҳисоб табоғи 17,2.
Алади 3625 нусха.
Буюртма № 08

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT REBEL” МЧЖ
матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,
Ўразбоев кўчаси, 35-уй.

Журнал ойда бир марта
чоп этилади.

Мусаххих:


Дилфуза Маҳмудова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Мадина Абдуллаева

Copyright © “Шарқ юлдузи”

Унутилмас лаҳзалар



Ғафур Ғулом ҳаётидан лавҳалар



Шахло ҚУРБОНОВА. Оқ қушлар парвози